альный характер в изучении жизнедеятельности Мирзо Улугбека. В частности, достоверно установлено авторство последнего относительно исторического сочинения «Тарих-и арба' улус» («История четырех улусов»). Кроме того, были представлены факты, подтверждающие несостоятельность версии о причастности известного накшбандийского шейха Ходжа Ахрара Вали к гибели Мирзо Улугбека.

В целом исследования научно-исторического наследия Мирзо Улугбека показали всю многогранность обозначенной тематики и необходимость продолжения изысканий в данном направлении.

Интерес к жизни и деятельности Мирзо Улугбека не погас и по сей день. Поэтому было бы ошибочным утверждать, что его личность и созданная им академия изучены полностью. Ученые Узбекистана и разных стран мира возвращаются¹, и будут возвращаться к этой теме вновь и вновь с целью выявления новых данных о научной деятельности Улугбека и его школы. Хочется надеяться, что поиски в этом направлении увенчаются успехом.

Следует отметить, что это лишь часть опубликованных в период независимости трудов о жизни и деятельности выдающегося ученого-правителя Мухаммада Тарагая Улугбека. Полное историографическое исследование трудов о великом мыслителе и его наследии ещё предстоит осуществить.

¹ Бессмертное наследие ученого. Беседа с М. Мамадазимовым // Правда Востока. 2004. 25 марта; Бекжон И. Улугбек расадхонасини ким буздирган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2006. 31 март. № 13 (3842).

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Многовековая история народов центральноазиатского региона содержит в себе интересные и значительные этапы взлетов и падений. Создание ретроспективы событий исторического прошлого является важной задачей на сегодняшний день. Этого можно добиться достоверным и глубоким изучением археологических, письменных, материальных памятников культуры, нумизматических находок, а также посредством объединения научного потенциала исследователей различных исторических дисциплин. Особое значение в этой связи имеет изучение деятельности известных исторических личностей, их научного и духовного наследия.

В этом направлении особое внимание было уделено личности Мирзо Улугбека – выдающегося ученого, внесшего существенный вклад в развитие мировой научной мысли, и неординарного правителя, бережно хранившего наследие, а в некоторых направлениях государственного управления продолжавшего традиции своего великого предка – Амира Темура.

Исследования научно-исторического наследия Мирзо Улугбека продолжают в течение ряда столетий. Тем не менее, данная проблема продолжает привлекать к себе взоры ученых всего мира. В Узбекистане в течение XX столетия также был создан значительный пласт трудов по изучению этой личности. Исследования данного периода характеризовались, с одной стороны, существенными прорывами в изучении жизни и деятельности Мирзо Улугбека, а с другой – некоторыми фактами фальсификации и сомнительной оценки тех или иных исторических событий, связанных с именем гениального ученого, характерными, в частности, для историографии колониального и советского периодов.

Это и определило необходимость и важность осуществления тщательного анализа и систематизации всей имеющейся научно-исследовательской литературы о жизни и деятельности Мирзо Улугбека, опубликованной в течение XX – начало XXI века. Особую значимость для современной исторической науки имело также выявление основных тенденций и подходов в исследовании данной проблемы и их изменений в зависимости от внешних и внутренних факторов.

Изучение и анализ огромного массива научного материала по данной проблеме и его сопоставление позволили сделать следующие выводы:

1. Несмотря на ограниченность фактологического материала, а также целый ряд причин объективного характера, российскими исследователями конца XIX – начала XX в. был подготовлен существенный задел в изучении научно-исторического наследия Мирзо Улугбека и его научной школы. Обнаружение В.Л. Вяткиным руин обсерватории Мирзо Улугбека в Самарканде по своему значению можно считать

крупнейшим археологическим открытием XX в., внесшим неоценимый вклад как в изучение истории Узбекистана, так и в исследование истории мировой цивилизации в целом. Благодаря уникальному открытию обществу был представлен величайший образец человеческого гения, свидетельствовавший о высоком уровне развития научной мысли на территории Узбекистана в средневековый период. Открытие обсерватории Мирзо Улугбека имело большое значение для дальнейшего развития исторической науки в Узбекистане, обозначив собой новые горизонты перед исследователями и создав плацдарм для осуществления дальнейшего прорыва в изучении научно-исторического наследия эпохи Темуридов.

2. Относительно историографии советского периода по данной проблеме следует отметить, что, несмотря на отдельные идеологические перегибы в оценке государственной деятельности Мирзо Улугбека, исследователями этого хронологического отрезка были значительно расширены научные представления о различных аспектах государственной деятельности, введен в научный оборот широкий круг источникового материала, реализованы мероприятия по спасению и сохранению памятников архитектурного наследия рассматриваемой эпохи. В то же время следует отметить, что в отличие от других исторических личностей, по отношению к которым существовали заданные оценочные установки, оценка государственной деятельности Мирзо Улугбека, которого в советской историографии рассматривали как прогрессивного общественного деятеля и ученого, в исследованиях этого периода в целом носила больше академический, нежели идеологический характер, особенно в вопросах его научного творчества.

В течение данного хронологического периода был решен ряд спорных предположений о тех или иных аспектах жизни и деятельности Мирзо Улугбека. К заслугам советской исторической науки следует отнести также приведенные доказательства несостоятельности концепции о роли среднеазиатской средневековой науки как исключительно передаточного звена между знаниями античности и европейской научной мыслью нового периода, лишенного оригинальности и самостоятельной ценности.

Обобщая научно-историческую литературу советского периода, посвященную научной деятельности Мирзо Улугбека следует отметить, что именно в этот период был осуществлен значительный объем исследований, способствовавший представить наиболее ясную картину о научной школе Мирзо Улугбека.

В целом же для научно-исследовательской литературы этого времени характерно следующее:

– в исторической литературе основной упор делался на изучение научно-культурного наследия Мирзо Улугбека, а его политическая деятельность в большинстве работ имеет лишь сопутствующее значение;

– высокую оценку в исследованиях советского периода получило архитектурное наследие эпохи Мирзо Улугбека. Целым рядом исследователей была отмечена его важная роль в сохранении и развитии архитектурной школы, созданной при Амуре Темуре;

– имевшее место противостояние между Улугбеком и оппозиционной частью духовенства, в частности, одним из лидеров суфийского тариката ходжагон-накшбандия – Ходжа Ахраром, было освещено как противостояние между просвещенным правителем и религиозным деятелем – «мракобесом», идеально вписываясь в идеологические схемы советского государства, как подтверждение реакционности религии.¹

К концу данного периода вследствие социальных и политических изменений на постсоветском пространстве, в частности, в Узбекистане наметились новые тенденции в изучении национальной истории. В связи с этим большее внимание стало уделяться выявлению роли выдающихся личностей в истории. Такая направленность исторической науки создавала реальные предпосылки для активизации исследований всех сторон деятельности Мирзо Улугбека.

3. Заметные перемены в характере и методологии научного познания определились после достижения Узбекистаном государственной независимости.

Естественным следствием этих процессов стало более глубокое изучение эпохи средневековья, в частности, периода истории Темуридов и самого Мирзо Улугбека. Объявление 1994 года – Годом Мирзо Улугбека, и проведение его 600-летнего и 615-летнего юбилея подтвердили уникальность этой личности. Значительным компонентом данных мероприятий явились Международные научно-практические конференции. Проведенные в мировом масштабе торжества в значительной степени привлекли внимание мировой научной общественности к научно-историческому наследию Мирзо Улугбека и стимулировали проведение дальнейших научных разработок в данном направлении.

В целом для научно-исследовательской литературы периода независимости было характерно следующее:

– определенные перемены в характере и методологии научного исследования жизни и деятельности Мирзо Улугбека: был подготовлен целый ряд трудов по данному вопросу, в которых с качественно новых теоретико-методологических позиций переосмысливаются узловые вопросы научно-исторического наследия Мирзо Улугбека;

– введение в научный оборот обширного фактологического материала, осуществление полного перевода с научными комментариями главного научного трактата Мирзо Улугбека «Зижи джадиди Гурагони» («Зидж» Новые Гурагановы астрономические таблицы») на русский язык;

– разрешение ряда принципиальных вопросов, касающихся

¹ Хотя надо отметить, что мотивы убийства Улугбека было не в последнюю очередь связано с его научно-просветительскими взглядами, хотя и было осуществлено другими людьми.

творчества Мирзо Улугбека: достоверно установлено его авторство относительно сочинения «Тарих-и арба' улус» («История четырех улусов»), а также осуществлены его перевод и издание;

– введение в научный оборот фактов, подтверждающих несостоятельность версии причастности известного накшбандийского шейха Ходжа Ахрара Вали к гибели Мирзо Улугбека.

Качественный и количественный рост различного рода публикаций в Узбекистане, перевод и издание основных научных произведений Мирзо Улугбека, приуроченных к юбилею, еще раз показали, насколько велик его вклад в мировую науку и бесконечен интерес к великому ученому и правителю. Необходимо отметить, что именно в годы независимости установился тесный контакт узбекистанских исследователей с ведущими специалистами мира по данной проблеме. Это обеспечило признание достижений отечественной науки на международном уровне. Вместе с тем проведенные исследования обозначили новые горизонты в исследовании данной тематики, требующие дальнейшей научной разработки. Более глубокое и тщательное изучение государственной и научной деятельности Мирзо Улугбека еще впереди и на этом пути исследователей ожидают удивительные открытия.






Музей Мирзо Улугбека в Самарканде (фото А.Харитонов). Самарқандаги Мирзо Улугбек музейи (А.Харитонов фотоси).



Медресе Мирзо Улугбека в Бухаре (1417 год). Бухородаги Мирзо Улугбек мадрасаси (1417 йил).



Медресе Мирзо Улугбека в Самарканде (1420 год). Самарқаддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси (1420 йил).



Медресе Мирзо Улугбека в Гиждуване (1433 год). Гиждувондаги Мирзо Улуғбек мадрасаси (1433 йил).

*МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ
XX АСР ТАРИХШУНОСЛИГИДА*

КИРИШ

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, ватанимиз тарих фани олдида ўзбек халқининг машҳур вакиллари маънавий-тарихий меросини қайта тиклаш масаласи долзарб бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари ва нутқларида бу масалага изчил ёндашиш зарурати бир неча бор таъкидланган. Хусусан, давлат раҳбари: “Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”¹, – дея уқтирган эди.

Башарият тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк олим Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) (1394 – 1449)нинг ҳаёти ва ижоди ҳам шулар жумласидандир. Унинг илмий мероси қай даражада муҳим эканлиги ҳақида Ислом Каримов: “Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди...”

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукамал харита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукамал астрономик жадвални яратди...

“Зижи жадиди Кўрагоний” деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир”², – дея алоҳида таъкидлаган.

Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини ўрганиш анъанаси кўп асрлик тарихга эга. Унинг ҳаёти ва фаолиятига дахлдор масалалар Ғарбий Европа, Россия ва Ўзбекистон шарқшунослик ва тарих мактабларининг вакиллари олиб борган тадқиқотларда ўз аксини топган. Асосийси унинг Ватани, айнан Ўзбекистонда XX аср давомида мазкур муаммо бўйича салмоқли нашрлар эълон қилинди. Бу даврдаги тадқиқотлар, бир томондан, Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини ўрганиш борасидаги муайян ютуқлари билан, иккинчи томондан эса тарихий воқеаларга ноҳолис баҳо беришлар билан ҳам характерланади. Айнан тарихий воқеаликни нотўғри талқин этиш мустамлакачилик ва совет даври тарихшунослигига хос ҳолат эди.

Мустақиллик йилларида ватанимиз илм-фанида янги методологик ёндашувлар қарор топди. Кейинги ўн йилликларда олимлар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 140-бет.

² Каримов И.А. Улуғбек руҳи барҳаёт // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 320-бет.

томонидан мазкур муаммо бўйича қатор ишларга қўл урилди. Айниқса, Мирзо Улуғбек таваллудини нишонлаш тантаналари арафасида тадқиқот ишлари янада фаоллашди. Жумладан, Улуғбекнинг “Зижи жадиди Гурагоний”, “Тарихи арбаъ’ улус” (“Тўрт улус тарихи”) каби асосий асарлари таржима қилиниб, нашр этилди. Бундан ташқари, республикамизда ҳамда хорижда олимнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бир қатор халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Бу маълум даражада Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти тарихшунослиги доирасини янада кенгайтишига имкон берди.

Шундай қилиб, XX аср давомида тўпланган турли характерга эга бўлган адабиётлар ўзида қўплаб маълумотларни жамлай олган бўлса-да, улар учта даврга хос мафкуравий қарашларни ифодалар эди. Бу эса мазкур адабиётларни изчил таҳлил қилишни ва уларни бир тизимга солишни талаб қилади.

Мазкур долзарб муаммонинг тарихшунослигини ўрганиш нафақат Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган йўналишлардаги ўзгаришларни кузатишни, балки муайян тарихий тадқиқотнинг тарих фанининг узвийлигини, турли даврларда давлатчиликнинг сиёсий ва мафкуравий шаклларидаги умумий жиҳатларини ҳам намоён этади.

Китобхонлар диққатига ҳавола қилинаётган ушбу монография XX аср бошларида Мирзо Улуғбек расадхонаси ўрнини аниқлашдаги баҳслар, унинг очилиши тарихи билан боғлиқ масалалар, мазкур меъморий меросни ўрганишга археология фанида алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ҳам қизиқарлидир. Катта ҳажмдаги илмий адабиётларга комплекс тарзда ёндашиб ўрганиш Мирзо Улуғбек фаолиятининг тарихий манзарасини яратиш имконини беради ҳамда кейинги тадқиқотлар учун аниқ йўналишларни белгилаб олиш учун хизмат қилади.

Мазкур муаммо бўйича яратилган илмий адабиётлар таҳлили шу кунга қадар замонавий тарихшуносликда Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини умумлаштирувчи яхлит ишларнинг йўқлигини кўрсатди.

XX аср иккинчи ярмидаги нашрлар Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижодининг у ёки бу жиҳатлари ҳамда қисқача тарихшунослик шарҳига бағишланган бўлиб, улар, асосан, ўрганилаётган масалага оид мавжуд адабиётларга таъриф бериш билан чегараланган. Бу давр давомида муаммони ўрганиш бўйича муайян илмий-назарий ва илмий кузатувга асосланган эмпирик захира яратилганлиги эътиборга моликдир.

Мирзо Улуғбек илмий меросининг XVII асрдан то XX асрнинг 70-йилларигача бўлган даврларда ўрганилиш тарихи С.Х. Сирожиддинов томонидан “Улуғбек даври фани тарихидан” (Из истории науки эпохи Улуғбека) деб номланган академик тўпламга ёзилган сўзбошида қисқача

баён этилган¹.

Астроном В.П. Шчегловнинг қатор тадқиқотлари “Зижи жадиди Кўрагоний” асарининг Европа ва Россияда ўрганилиши масалаларига бағишланган². Мазкур илмий рисолаи Мирзо Улуғбекнинг илмий меросини ўрганилиши доирасида А. Аҳмедов “Зиж”нинг юбилей нашрига ёзган ўзининг кириш мақоласида кўриб чиққан³.

ЎЗР ФА Тарих институти олимлари томонидан нашрга тайёрланган “Темур ва Улуғбек даври тарихи”⁴ номли монографияда Б.В. Лунин икки масалага – “Зиж” ҳақидаги билимларнинг дунё миқёсида тарқалиши ва Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги адабиётларнинг тавсифига алоҳида эътибор қаратган⁵. Муаллиф Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида илм-фанга кўп нарса берган учта асосий тадқиқотни, айнан В.В. Бартольд⁶, Б.А. Аҳмедов⁷ ва Е.А. Давидович⁸ асарларини ажратиб кўрсатган. Б.В. Лунин, уларнинг бири иккинчисини тўлдиришини алоҳида таъкидлаган. Унинг фикрича, кейинги йилларда (1965 йилдан сўнг – Ф.Ш.) Улуғбек ҳаётига бағишланган янги маълумотлар бўлмаган, П.Г. Булгаковнинг Беруний ижодининг Мирзо Улуғбекка таъсирини кўрсатишга бағишланган мақоласигина бундан мустасно⁹. Бироқ, Б.В. Луниннинг таҳлили, афсуски, ниҳоятда қисқа эди.

Нафақат собиқ совет иттифоқида, балки хорижда ҳам Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига бағишланган нашрлар берилган бир қадар тўлиқ библиографик шарҳ россиялик тадқиқотчилар Г.П. Матвиевская ва З.К. Соколовскаяларнинг монографиясида ўз аксини топган¹⁰.

Бу тарихшунослик шарҳлари муаммонинг ўрганилиши борасида анча ихчам, умумлаштирувчи маълумотлар бергани туфайли фойдали материаллар бўлиб хизмат қилади. Бироқ, улардаги маълумотлар

¹ Қаранг: Из истории науки эпохи Улугбека / Ответственный редактор академик С.Х. Сираждинов. Ташкент: Фан, 1979. С. 4-7.

² Шчеглов В.П. Первые европейские исследователи звездного каталога Улугбека. 4 марта 1971 г. – ЎЗР МДА, 2799-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 486-489-варақлар; Ўша муаллиф. Распространение «Зидж Улугбек» в европейской печати // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 143-151; Ўша муаллиф. Вступительная статья к «Атласу звездного неба» Яна Гевелия // Ян Гевелий. Атлас звездного неба. Ташкент: Фан, 1981. С. 17-25 ва бошқалар.

³ Аҳмедов А.А. Улугбек и его «Зидж» // Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадида Гурагони. Новые Гурагановы астрономические таблицы // Вступительная статья, перевод, комментарии и указатели А.А. Ахмедова. Ташкент: Фан, 1994. С. 24-28.

⁴ Улуғбек «Зижи» шухратининг ошиши ва унинг ҳақидаги билимларнинг жаҳон фанида кўпайиши // Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1996. 56-61-бетлар.

⁵ Жаҳон адабиётида «Улуғбек, унинг ҳаёти ва фаолияти муаммоси // Темур ва Улуғбек даври тарихи... 61-65-бетлар.

⁶ Бартольд В.В. Улугбек и его время // Сочинения. М.: Изд-во восточной литературы, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 23-196.

⁷ Аҳмедов Б.А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра первой половины XV в. // Из истории эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1965. С. 5-66.

⁸ Давидович Е.А. Материалы для характеристики денежной реформы Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 274-299.

⁹ Булгаков П.Г. Школа Улугбека и Беруни // Из истории точных наук на Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент: Фан, 1972. С. 57-60.

¹⁰ Матвиевская Г.П., Соколовская З.К. Улугбек. М.: Наука, 1997. – 160 с.

парчалардан иборат эканлиги ҳамда масалага юзаки ёндашув Мирзо Улуғбек фаолияти ҳақидаги XX асрга оид илмий фикрларни тўлиқ тасаввур қилиш имконини бермайди.

Мазкур монографиянинг мақсади XX аср мобайнида юртимизда Мирзо Улуғбекнинг тарихий меросига бағишлаб нашр этилган илмий тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Қолаверса, айнан шу даврдан Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ҳамда унинг мактабини изчил ўрганишга киришилган эди.

Ўрганилган адабиётлар уч даврий босқичга бўлинади: 1) 1917 йилгача бўлган нашрлар; 2) совет даври нашрлари; 3) Ўзбекистон мустақиллиги давридаги нашрлар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу учала даврда муаммонинг ўрганилиши тарихи бир хил ривожланмаган бўлиб, у тарихий жараёнлар билан узвийликда кўриб чиқилган.

Мазкур монографияда турли характердаги адабиётлар асосида Мирзо Улуғбек илмий-тарихий мероси бўйича билимларнинг XX аср давомида тўпланиш жараёни кўрсатилган. Унда илк бора XX аср бошида Мирзо Улуғбек расадхонасининг ўрни масаласида кечган баҳс-мунозаралар орқали расадхонанинг топилиши таҳлил қилинади.

Муаллиф совет даврида муаммони ўрганишдаги ижобий ва салбий жиҳатларга тавсиф бериб, бу жараёнларнинг мафкуравий илдизини бекордан-бекорга “қораламасдан” тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ишда мустақиллик йилларида тарих фанида юз берган трансформацион ўзгаришлар таҳлил этилиб, Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини тўлақонли ва холис ўрганиш учун имконият яратилганлиги, олимнинг илмий-тарихий меросини тадқиқ этишда янгича методологик ёндошувлар шаклланганлиги кўрсатилган.

Муаллиф монографияни нашрга тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган масъул муҳаррир тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимовага, барча ҳамкасбларга, китоб дизайни ва расмларни тайёрлаган мутахассис Б.Ш. Шокаримовга, Самарқандлик сураткаш А. Харитоновга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Биринчи боб
МИРЗО УЛУҒБЕК ИЖОДИНИНГ
XX АСР БОШЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

1. XX аср бошларидаги археологик изланишлар ва
Мирзо Улуғбек даврига оид илк тадқиқотлар

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё тарихини ўрганиш масаласи Россия империяси шарқшунос олимлари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлди. Подшо ҳукумати томонидан Ўрта Осиё истило қилингунига қадар ҳам Россияда Ўрта Осиё халқларининг маданияти ва илмий ҳаёти ҳақида оз бўлсада маълумотлар тўпланган эди. Бу пайтда Россияда машҳур рус шарқшуноси В.Р. Розен томонидан асос солинган шарқшуносларнинг кучли мактаби мавжуд эди. Хусусан, унинг издошларидан бири В.В. Бартольд Ўрта Осиёни, жумладан, Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга катта ҳисса қўшди.

Шу ўринда Ғарбий Европада Мирзо Улуғбек илмий меросини ва унинг мактаби фаолиятини ўрганиш анъанаси XVII аср ўрталаридан бошланганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Инглиз астрономи Жон Гривс “Зиж Кўрагоний”ни ўрганган илк европалик тадқиқотчи бўлиб, у 1648 йилдаёқ Улуғбек “Зиж” матнidan айрим парчаларни эълон қилдирган эди¹. Икки йилдан сўнг у яна Лондонда мазкур астрономик рисолага муаллифлик сўз бошиси билан “Зиж”нинг биринчи қисмини нашр эттирди. 1652 йилда Ж. Гривс “Зиж”нинг географик жадвали ва хронологиясидан иборат иккинчи нашрини амалга оширди. Биринчи нашрдан 17 йил ўтгач, яъни 1665 йилда инглиз шарқшуноси ва таржимони Томас Хайд² ўзида форс тилидаги танкидий матни ва унинг лотинча таржимасини жамлаган “Tabulae Long. ac Lat. Stellarum Fixarum, ex Observatione Ulugh Beighi...” – “Улуғбек кузатуви бўйича аниқланган собит юлдузлар узунлиги ва кенглиklarининг форсий матни ёки Жавдаллари...” номли Улуғбек каталогининг янги нашрини чоп эттирди.

1680 йилда Гданьскда поляк астрономи Ян Гавелий асарининг нашр этилиши Улуғбек илмий меросини ўрганиш тарихидаги муҳим

¹ Қаранг: Щеглов В.П. Вступительная статья к «Атласу звездного неба» Яна Гевелия // *Ян Гевелий*. Атлас звездного неба. Ташкент: Фан, 1968; 1970; 1978; 1981; Ўша муаллиф. Распространение «Зидж Улугбека» в европейской печати // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 143-151 ва б.

* *Johannis Cl.V. Bainbrigii... Canicularia Una cum demonstratione Ortus Sirii heliaci. Pro parallelo inferioris Aegypti. Auctore Johanne Gravio. Quibus accesserunt. Insigniorum aliquot Stellarum Longitudines, et Latitudines, Ex astronomicis Observationibus Ulug Beigi, Tamerlani Magmi nepotis. Oxonie 1648.* (Джон Байнбридж, астроном известной Оксфордской Академии, профессор Савилианы. Каникулярия. Вместе с доказательством гелиотического восхода Сириуса на параллели Нижнего Египта. Автор Джон Гривс. К этому прибавляются долготы и широты нескольких выдающихся звезд, взятых из астрономических наблюдений Улугбека, внука великого Тамерлана. Оксфорд, 1648), ном билан чоп этилган.

² Щеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбека» в европейской печати... С. 146-147.

воқеликлардан бири бўлди¹. Муаллиф Самарқанд расадхонасида ўтказилган астрономик кузатувларнинг натижаларини Птолемей, Тихо Браге, Риччиоли, ва Гессен шахзодаси Вильгельм IV қаторида ўз тадқиқотлари каталогларида қиёслашга ҳаракат қилди. Кейинчалик Ян Гевелийнинг бу китоби Европа ва Америкада бир неча бор қайта нашр этилди. Унинг илк нашри эса ҳозирда ноёб библиографик нашрлардан бири ҳисобланади².

Россияда ўрта асрларда (XVII) яшаган Ўрта Осиё олимларининг илмий ишларини ўрганиш, асосан, Ғарбий Европа шарқшунослик мактаблари вакилларининг асарлари мазмунини такрор этиш билан характерланади. Бирламчи маҳаллий манбалар билан мустақил равишда ишлашга уринишлар эса ўрта аср муаллифларининг панд-насиҳат ва бадий мазмундаги асарлари таржималари билан чегараланган. Бундан ташқари, ўртаосиёлик мутафаккирларнинг ўрта асрларда табиий ва аниқ фанлар соҳасида амалга оширган илмий мероси узоқ йиллар давомида россиялик тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келди.

Шундай бўлишига қарамай, XVII аср охирига келиб россиялик шарқшуносларда европалик тадқиқотчилар амалга оширган таржима-лар орқали Ибн Сино, ал-Хоразмий ва Улуғбек ишларига мурожаат қилиш имконияти пайдо бўлди. Гарчи, ўртаосиёлик мутафаккирларнинг ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинган рисоалари мавжуд бўлса-да, уларни қўлга киритиш турли сабабларга кўра қийинчиликлар туғдирар эди.

XIX аср охири Россияда Шарққа, хусусан Ўрта Осиё тарихи ва фани тарихига бўлган илмий қизиқиш кескин ўсганлиги билан характерланади. Аммо бу йўналишдаги фаолият ҳам муайян тўсиқларга дуч келди. Бу, энг аввало, тадқиқ этилаётган муаммо бўйича манбалар тақчиллиги билан изоҳланади. Чунки, математика ва астрономия бўйича ёзилган ўрта асрлардаги рисоаларнинг аксарият қисми форс ва араб тилларида бўлиб, бу эса улардан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяр эди. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган илм-фан тараққиёти даражаси ҳақидаги тасаввурларни фақатгина археологик тадқиқотлар кенгайтириши мумкин эди, холос. Бу эса, ўз навбатида давлатнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини талаб қилар эди.

Бундай объектив қийинчиликларга қарамай, Россия шарқшунослари ўрта асрлар даври Ўрта Осиё мутафаккирлари фаолиятини, жумладан, Мирзо Улуғбек илмий меросини тадқиқ этишда бир қадар ютуқларга эришдилар. Россия империяси томонидан мазкур ҳудуд эгалланиб, рус олимларининг бу минтақага кириб келиши натижасида бу ерда сақланаётган ёзма манбалар ва моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш учун уларнинг имкониятлари анча кенгайди.

XX аср бошларида Мирзо Улуғбек даври ҳақидаги илмий

¹ Ян Гевелий. Атлас звездного неба / Редакция и вступительная статья академика АН УзССР В.П. Щеглова. Ташкент: Фан, 1968; 1970; 1978; 1981 (Биз фақат охириги нашрини топдик).

² Мазкур поляк олимнинг асари ЎзР ФА Астрономия институти кутубхонаси сақланмоқда.

адабиётлар у қадар кенг ва катта аҳамият касб этмаган. Мазкур муаммо билан у ёки бу даражада В.П. Наливкин, В.Л. Вяткин, В.Н. Милованов, И.И. Сикар, В.В. Бартольд каби олимлар шуғулланганлар¹. Улар ўзларининг дастлабки ишларида, Улуғбекнинг илмий фаолияти ва у яратган мактабнинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрнини алоҳида таъкидлаганлар.

Бу даврда Улуғбек расадхонасининг жойлашган ўрни масаласи кўпчиликда ўзига хос қизиқиш уйғотган. Унинг ўрнини топиш бир неча илмий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. 1898 йилда бўлиб ўтган Туркистон археологияси ихлосмандлари тўғараги мажлисида² маъруза қилган В.П. Наливкин ёдгорликнинг тахминий географик ўрнини аниқлашда ўз мулоҳаларини баён этади. У тўплаган маълумотларга кўра, Улуғбек расадхонаси Обираҳмат ариғидан унча узок бўлмаган Сиёб ариғи бўйида “эски почта йўлининг ўнг томонида, тепалик тагида” жойлашган³. Тошкент обсерваторияси ходими астрофизик В.В. Стратонов Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги тарихий маълумотларга асосланиб, В.П. Наливкин фарази ишонарли эканлигини тасдиқлаган⁴.

Улуғбек расадхонасининг тахминий жойлашуви ҳақида бир қатор олимлар ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган. 1872 йилдаёқ шарқшунос А.Л. Кун ўзининг “Туркестанский альбом” (“Туркистон альбоми”) асарига ёдгорлик жойлашуви тахмин қилинган ер белгиланган фото тасвирини киритган эди⁵. Кейинчалик у, шу масала бўйича Петербург илмий жамоатчилиги олдида чиқиш қилди. Бу эса россиялик тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотди. Расадхонани қидириш ишлари билан профессор Н.И. Веселовский ва қадимий асори-атиқаларни тўпловчи Л.С. Борщевскийлар ҳам шуғулланишган. Аммо, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти ҳеч бир амалий натижа бермади. Бу қидирувларга ўз умрини Ўрта Осиёдаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва сақлашга бағишлаган йирик археолог олим В.Л. Вяткин нукта қўйди. В.В. Бартольд, В.Л. Вяткиннинг тарихий соҳадаги фаолиятига таъриф бериб, уни

¹ *Вяткин В.Л.* Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улугбека в 1908 и 1909 годах. СПб.: Типография Императорской Академии наук, 1912. 17 с.; *Милованов В.Н.* Астрономические познания самаркандских астрономов (по поводу раскопки обсерватории Улуг-Бека) // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей археологии (Кейинчалик – ПТКЛА). Год. XVIII. Вып. I. Ташкент, 1913. С. 42-53; *Сикар И.И.* О памятнике Улугбеку // Известия Туркестанского Отдела императорского Русского географического Общества. Ташкент, 1913. Том. IX. С. 78-83; *Бартольд В.В.* Улугбек и его время // Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 23-177.

² 1895 йилда В.В. Бартольд ташаббуси билан Туркистонда Археология ихлосмандлари тўғараги (ТАИТ – ТКЛА) ташкил этилди.

³ ПТКЛА. Год. III. Ташкент, 1897-1898. С. 231-233.

⁴ ПТКЛА. Год. III. Протокол № 5. 11 декабря 1898. Ташкент, 1897-1898. С. 231-253; *Лунин Б.В.* Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. С. 125.

⁵ *Собиров Г.* Творческое содружество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. Душанбе: Ирфон, 1973. С. 159. (208 с.)

“Самарқанд ёдгорликларининг энг яхши билимдони”¹, дея таъкидлаган. Бир неча маҳаллий – ўзбек, форс, тожик тилларини эгаллаган бу олим Самарқанд шаҳри тарихи, шу жумладан Улуғбек расадхонасини қидириб топиш ишлари билан шуғулланди. В.Л. Вяткин расадхонанинг жойлашуви ҳақидаги маълумотларни эринмай тўплади ва уларни изчил таҳлилдан ўтказди. Кейинчалик у бу ҳақда: “Гарчи, Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган расадхона Самарқанд атрофида бўлиб, кўплаб мусулмон адиблари томонидан эслатилган, ҳатто Мирзо Бобур ўзининг машҳур эсдаликларида («Бобур-нома») унинг тахминий жойлашувини кўрсатган бўлса ҳам, сўнгги пайтгача, маҳобатли деб таърифланган бу тарихий ёдгорликка нисбатан доимий қизиқишлар давом этди, бироқ айнан унинг қаерда жойлашганлиги ҳалигача номаълум бўлиб қолмоқда...”², – деб ёзган. Изланишлар натижаси ўз самарасини берди ва нихоят расадхона XX асрнинг энг машҳур археологик кашфиётларидан бири бўлиб қолди.

1908 йилда Заргарон маҳалласидан бўлган машҳур қадимги осори-атикалар ва хаттотлик намуналари тўпловчиси Абусаид ёрдамида В.Л. Вяткин (олим Абусаиднинг уйида ижрада турар эди) XVII асрга оид вақф ҳужжатлари солинган саватни тартибга келтира туриб, улар орасидаги “тали расад” (расадхона тепалиги) жумласи ёзилган ҳужжатга кўзи тушиб қолади³. Ҳужжатни зимдан ўрганиб чиқиб, у расадхона Обираҳмат ариғи яқинидаги Нақши жаҳон деган жойда жойлашганлигини аниқлайди. “Расадхонанинг жойлашув ўрни очилишида биз, ер майдонлари чегараси тасвирланган ҳамда расадхона жойлашган тепалик (“тали расад”) кўрсатилган ва ҳозирда ҳам биз томонимиздан Обираҳмат деб аталувчи ариқ бўйидаги Нақши жаҳон ўрнида эканлиги айтилган, 250 йил олдин ёзилган ҳамда мен топган вақф ҳужжатидан миннатдормиз. Бу ҳужжат расадхонанинг жойлашуви ҳақида бир қадар аниқ ва ишончли маълумот берди. Ҳужжатда кўрсатилган бу тепаликни топиш энди кўп ҳам қийинчилик туғдирмайди”⁴, – деб ёзган эди 1912 йилда В.Л. Вяткин.

1908 – 1909 йиллар давомида Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси жойлашган жой, деб тахмин қилинган тепалиқда В.Л. Вяткин раҳбарлигида қазишма ишлари амалга оширилди. Бу иш бевосита В.В. Бартольд билан ҳамкорликда ташкиллаштирилиб ўтказилди ҳамда ҳукумат рухсати билан унга 800 рубл пул ажратилди⁵. Қазишма ишлари бўйича батафсил ҳисобот В.Л. Вяткин томонидан Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш бўйича Рус қўмитаси мажлисига тақдим этилди. Мазкур ҳисобот

¹ Саидкулов Т.С. Очерки историографии истории народов Средней Азии. Ташкент: Ўқитувчи, 1992. С. 164.

² Вяткин В.Л. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улугбека... С. 76.

³ Остонава Г.Ю. Вақф ҳужжатида Улуғбек расадхонаси ҳақида маълумот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (Кейинчалик – ЎИФ). 1994. 9-10-сон. 58-62-бетлар.

⁴ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улугбека... С. 76.

⁵ Ўша асар, 93-бет.

қазишма ишларининг бориши, расадхона ўрин олган жойнинг “бетакрор манзараси” таърифи, тепаликнинг ҳажми, чизма расмлари, расадхона майдонининг тарҳи, расадхонанинг бош ускунасини кўрсатувчи ҳандақнинг кўндаланг кесими тасвири ҳақидаги батафсил маълумотларни мужассамлаштирган эди.

В.Л. Вяткин расадхона бош ускунаси харобалари ҳақида: “Юқорида келтирилган маълумотлар, ҳандақдаги мазкур иншоотнинг ярми унинг устида бўлган қандайдир ўзига хос улкан квадрантнинг бир қисми эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди”¹, – дея таъкидлайди. В.Л. Вяткин топган расадхонанинг бу “квадранти” ёки “секстанти” (ҳанузгача бу масала илм оламида баҳсли бўлиб қолмоқда – Ф.Ш.)² ҳозирда ҳам фанга маълум бўлган шу тоифадаги астрономик ускуналар орасида бетакрор ва анча қадимий бўлиб қолмоқда.

Бундай асбоб-ускуналар ёрдамида расадхонадаги бош ускунадан қандай фойдаланилгани хусусида фаразлар мавжуд эди, холос: “Қазишма жараёнида ҳеч қандай ускуна топилмаган. Мирзо Улуғбек расадхонасида квадрантдан қандай фойдаланилганлигини англаш борасида бизчага бирорта ҳам ёзма маълумот етиб келмагани боис, фаразларга суянишга тўғри келади”³.

Қандай қилиб бу “улкан ҳажмдаги” иншоотда бузилиш жараёни рўй берди? Бу борада В.Л. Вяткин: “...чиқиндиларнинг қуйи қатламларида ҳам бутун ғишт ёки унинг йирик парчалари кам учрайди. Зовурлардаги маданий қатлам кесмалари кўрсатишича, у бинонинг оддий кулашидан ҳосил бўлмаган. Гарчи, бу жараён аста-секин ва узок вақт давомида юз берган бўлса-да, улар сунъий бузилиш орқали рўй берган. Бутун ғиштлар, йирикрок парчалар, мармар лавҳ (плита)лар ва кошинларнинг йирик бўлаклари бошқа иншоотлар қурилишида фойланиш учун олиб кетилган...”⁴, – деб тахмин қилади. Бундан чиқди маҳаллий аҳоли расадхонанинг катта қисмини ўзларининг маиший қурилишлари учун ташиб кетган.

В.Л. Вяткин фикрича, “сақланиб қолган қолдиқлар асосида расадхона тарҳини батафсил аниқлаштириш учун тепаликнинг уст қисмини чиқиндилардан тозалаш керак...”⁵ эди. Шунингдек, ҳисоботда подшо ҳукумати томонидан ажратилган воситалар молиявий ҳаражатларининг рўйхати ҳам келтирилган. Охирида эса, расадхона квадрантининг мазкур даврдаги ҳолатини акс эттирувчи фото тасвир илова қилинган.

1914 йилда В.В. Бартольд раислигидаги Ўрта ва Шарқий Осиёни

¹ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улугбека... 86-бет.

² Джалалов Г.Д. Секстант как главный инструмент обсерватории Улугбека // Астрономический журнал. М., 1947. Вып. 4. С. 249-253; Кары-Ниязов Т.Н. Обсерватория Улугбека в свете новых данных // Материалы научной сессии АН УзССР. Ташкент, 1947; Ўша муаллиф. Астрономическая школа Улугбека. М.-Л., 1950 ва б.

³ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улугбека... С. 86.

⁴ Ўша асар, 92-бет.

⁵ Ўша асар, 93-бет.

ўрганиш бўйича Рус кўмитаси ажратган маблағ асосида В.Л. Вяткин раҳбарлигида қайтадан қазилган ишлари амалга оширилган. Аммо молиявий тақчиллик боис, режалаштирилган иш тўла ҳажмда бажарилмай қолган. Бу ҳолатни қайд этиб В.В. Бартольд: “В.Л. Вяткиннинг шахсий хатидан менга маълумки, ишнинг давоми учун расадхона қурилишининг ноаниқлиги ҳам халал берган”¹, – деб ёзган эди. Мазкур босқич жараёни ҳақидаги В.Л. Вяткин ҳисоботи нашр этилмай қолиб кетди. 1914 йилда ўтказилган қазилманинг аҳамиятига баҳо берар экан В.А. Шишкин: “...1914 йилдаги қазилмалар, алоҳида меъморий ёдгорликлардаги катта миқдордаги қозилларнинг бўлаклари, бир неча мрамор лавҳ бўлаклари, бир пайтлар мавжуд бўлган астрономик ускуналарнинг ва темурийлар даврига хос сирланган ва сирланмаган идишларнинг парчаларидан бўлак ҳеч бир янгилик бермади”², – деб таъкидлаган эди. В.А. Шишкиннинг мазкур асарида расадхонада олиб борилган қайта қазилмалар ҳақидаги маълумотларни яна Ўзбекистон Маданият вазирлиги қошидаги ёдгорликларни сақлаш бўйича Бош бошқармада сақланаётган М.В. Столяровнинг кундалигидан ҳам топиш мумкинлиги эслатилади. Аммо эслатилган идора архивидан М.В. Столяровнинг мазкур кундалигини топиш борасида қилган барча саъй-ҳаракатларимиз самарасиз ўтди.

Юқорида таъкидланганлар асосида шундай хулосага келиш мумкин: далилий ва ашёвий материалларнинг тақчиллигига, шунингдек объектив характердаги қатор сабабларга қарамай, XIX аср охири – XX аср бошларига келиб россиялик тадқиқотчилар томонидан Мирзо Улуғбек ва у яратган илмий мактабнинг илмий-тарихий мероси бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. В.Л. Вяткиннинг Мирзо Улуғбек расадхонаси харобаларини топиши XX асрнинг йирик археологик кашфиётларидан бири эди, дейиш учун барча асослар мавжуд. Бу топилма нафақат Ўзбекистон тарихини ўрганишга, балки умумжаҳон цивилизациясини тадқиқ этишга бебаҳо хазина бўлиб кўшилди. Шу кашфиёт туфайли жамоатчиликка башариятнинг буюк даҳоси, ўрта асрлар даврида Ўзбекистон ҳудудидаги илмий тараққиёт даражасидан гувоҳлик берувчи беқиёс намуна тақдим этилди. Бу Ўзбекистонда тарих фанининг ривожига беқиёс аҳамият касб этиб, тадқиқотчиларнинг келгуси ишлари учун улкан имкониятлар эшигини очди ҳамда Темурийлар даври илмий-тарихий меросини ўрганиш соҳасидаги кейинги ишлар учун замин яратди.

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время // Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С.137.

² Шишкин В.А. Самаркандская обсерватория Улуғбека // Из истории эпохи Улуғбека. Ташкент: Наука, 1965. С. 203.

2. Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти ҳақида Туркистондаги ижтимоий қарашлар

1908 – 1909 йилларда В.Л. Вяткин томонидан Мирзо Улуғбек расадхонаси харобалари аниқланган жойда археологик қазишмалар олиб борилди. Натижада мазкур йўналиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларининг сифатини янада ошириш учун қулай имконият яратилди.

Ушбу воқеа илмий-ижодий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотиб, улар ўз фикрларини Туркистондаги турли даврий нашрлар саҳифаларида акс эттира бошладилар. Шулар орасида Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд¹ каби шарқшуносларнинг, В.Л. Вяткин, Эспе, И.И. Сикар² каби ўлкашунос, археология ихлосмандларининг, В.Н. Милованов, С.П. Глазенап³ каби асторономларнинг, шунингдек Маҳмудхўжа Бехбудий⁴ каби маҳаллий зиёлиларнинг қайдлари ва мақолаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўлканинг илмий ва ижодий жамотчилиги учун “Туркестанские ведомости”, “Самарқанд” газеталари, “Ойна” журнали, шунингдек “Туркистон археологияси ихлосмандлари тўғараги аъзоларининг мажлислари баённомалари ва хабарлари” минбар вазифасини бажарди. Вақтли матбуот саҳифаларида мазкур мавзунинг муҳокама этилиши ҳам Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ўсишига ижобий таъсир қилди ҳамда бу борадаги билимларнинг тўпланишига замин ҳозирлади. Шу билан бирга, муаллифлар археологик изланишлар натижасида топилган янги маълумотлар асосида ушбу муаммо бўйича янада янги масалаларни кўтариб чиқдилар.

Улуғбек расадхонасининг очилишига биринчилардан бўлиб эътибор қаратганлардан бири Рус астрономик жамиятининг раиси, Тошкент обсерваториясининг профессори С.П. Глазенап бўлиб, у «Новое

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и Ходжа Ахрар // Туркестанские ведомости. 1915, 1 сентября, № 193; Записки Восточного Отделения императорского Русского Археологического Общества. Том. XXIII. 1916. С. VII-IX.

² Вяткин В.Л. К открытию «Самаркандской обсерватории» // Туркестанские ведомости. 1909, № 260; Ўша муаллиф. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улуғбека в 1908 и 1909 годах. Спб.: Типография Императорской Академии наук, 1912; Эспе. Самаркандская обсерватория // Туркестанские ведомости. 1909, 26 ноября, № 252; Сикар И.И. О памятнике Улуғбеку // Известия Туркестанского Отдела императорского Русского Географического Общества. Том. IX. Ташкент, 1913. С. 78-83.

³ Милованов В.Н. Астрономические познания самаркандских астрономов (по поводу раскопки обсерватории Улуғ-Бека) // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей археологии. Год. XVIII. Вып. I. Ташкент, 1913. С. 42-53; Глазенап С.П. Раскопки обсерватории Улуғ-бека в Самарканде // Известия Императорской археологической комиссии. Прибавление к выпуску 31-му. (Хроника и библиография. Вып. 15). Спб., 1909. С. 33-35.

⁴ Бехбудий. Мирзо Улуғбек // Самарқанд. 1913. 7 май. № 7; Ўша муаллиф. Улуғбек расадхонаси // Ойна. Мухаррир ва ношир Маҳмудходжа Бехбудий. Самарқанд, 1913. № 2. 005-009-б.; № 3. 061-064-б.; № 4. 085-087-б.; № 5. 109-112-б.; № 6. 133-136-б.; № 7. 157-159-б.; № 8. 181-182-б.; № 9. 205-206-б.

время» газетасида мазкур воқеага ўзининг ижобий муносабатини билдирган эди¹. Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига таъриф берар экан, С.П. Глазенап ХХ аср бошларида тарих фанида мавжуд ва ҳукмрон бўлган фикрлар асосида, “Улуғбек бошқаруви бор-йўғи икки йил (1447 – 1449) давом этган. Тахтга келгунига қадар у ўз отаси билан ҳамҳукмдор сифатида Самарқандда яшаган...”, – дея маълумот беради. Ўрта асрлар Шарқида хос бўлган анъанага кўра, Улуғбек томонидан ўз отаси Шохруҳ ҳомийлигининг расман тан олиниши ХХ аср бошларидаги қатор тадқиқотчилар томонидан Улуғбекнинг сиёсий мустақиллиги бўлмаган, деган хато қарашларга сабаб бўлган. Янги манбавий материаллар асосида кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда Мирзо Улуғбекнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат борасидаги мустақил фаолияти ҳақида ишонарли далиллар келтирилди. Бу, ўз навбатида юқоридаги фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади.

С.П. Глазенапнинг мазкур мақоласи кейинчалик бошқа бир нашрда ҳеч бир ўзгаришсиз қайта чоп этилди².

Бундан ташқари, 1908 йилда чоп этилган “Туркестанский сборник” тўплами сонларининг биридаги нашр С.П. Глазенапнинг юқорида эслатилган мақоласини айнан такрорлаган, аммо унинг номланишига ва муаллифи инициалига “У” кўшимчаси каби жузъий ўзгаришлар киритилган³. Мазкур давр вақтли матбуоти амалиётида ҳарфий инициалларнинг кенг қўлланилганлигини эътиборга олиб, ушбу мақоланинг муаллифи ҳам С.П. Глазенап бўлганлигини фараз қилиш мумкин.

1909 йилда “Туркестанские ведомости” саҳифаларида тадқиқотчилар Эспе ва В.Л. Вяткин ўртасидаги Улуғбек расадхонаси қаерда жойлашганлиги ҳақида ахборот берувчи манбалардаги маълумотларнинг ишонарли эканлиги хусусида қизиқарли мунозара чоп этилган. Бу мунозарага Тошкент газеталарининг биридаги (муаллиф айнан қайси газета эканлигини кўрсатмайди) хабар сабаб бўлган. Унда айтилишича, “Самарқандда қазувчилар қачонлардир мавжуд бўлган расадхонанинг изларини ёки қолдиқларини топишган”⁴ ва бу кашфиёт янгилик ҳисобланади, чунки расадхонанинг мавжудлиги шу кунга қадар маълум бўлмаган. Мазкур мақола мазмунини шарҳлаган Эспе, дарҳақиқат Самарқандни эгаллаб, шаҳарнинг ўша даврдаги ҳолатини муфассал тасвирлаган султон Бобурнинг машҳур асарида қачонлардир Самарқандда мавжуд бўлган астрономик расадхонанинг ўрни хусусида бевосита кўрсатмалар бор эди⁵, деб хабар беради.

Ўзининг жавоб мақоласида В.Л. Вяткин Эспенинг “Бобурнома”

¹ Глазенап С. Раскопки обсерватории Улуг-бека в Самарканде // Новое время за 1908 г. // Туркестанский сборник. Ташкент, 1908. Т. 494. С. 145-148.

² Глазенап С. Раскопки обсерватории Улуг-бека в Самарканде // Известия императорской археологической комиссии... С. 33-35.

³ К раскопкам в Самарканде // Туркестанский курьер за 1908 г. // Туркестанский сборник. Ташкент, 1908. Т. 492. С. 21-23.

⁴ Эспе. Самаркандская обсерватория // Туркестанские ведомости. 1909, № 252, 26 ноября; Туркестанский сборник. – Ташкент. Т. 516. С. 137.

⁵ Эспе. Самаркандская обсерватория // Туркестанские ведомости. 1909, № 252, 26 ноября.

матнидан келтирган қайди хато эканлигини кўрсатиб: "... Мирзо Улуғбекнинг машҳур расадхонаси бўлганлиги аввалдан маълум эди – баҳслашишнинг ҳожати йўқ. Фақат унинг жойлашув ўрни аниқ эмас эди, чунки унинг мавжудлиги ҳақида бирор белги сақланиб қолмаган. Расадхона изларини топиш фақат вақф ҳужжатларининг бирида у эгаллаган жой аниқ кўрсатилгач, амалга ошди. Бу кашфиёт ҳақиқатдан ҳам астрономларимизни қизиқтирган янгилик ҳисобланади"¹, – деб таъкидлайди.

Шу йили профессор С.П. Глазенапнинг кичик бир мақоласи чоп этилди². Ундаги Бальи ишидан келтирилган бир парча қизиқиш уйғотади. Хусусан, Бальи юлдузларни кузатиш иши амалга оширилган расадхонанинг асосий ускунаси – секстантнинг ҳажми ҳақидаги рус тадқиқотчиларининг маълумотларини шубҳа остига олади. Бальи Улуғбекнинг давлат арбоби ва олим сифатидаги хизматларини: "... Улуғбек малик сифатида буюк эди; ҳокими мутлоқдан астроном ҳеч нарсани тортиб олмади", – дея алоҳида ифтихор билан таъкидлайди. У Улуғбекнинг астрономик тадқиқотлари илмий даражасини Гиппарх ишларидан кейин иккинчи ўринга қўяди. Француз амалдорининг айрим маълумотларида, хусусан, расадхонанинг жойлашган ўрни масаласида аниқлик етишмаслигини таъкидлаган С.П. Глазенап Бальининг: "...Самарқандда у (Улуғбек – Ф.Ш.) масжид курдирди, унинг баланд деворлари эса расадхона вазифасини бажарди"³ каби сўзларини келтиради. Мақолада юқоридаги мулоҳазага қарши профессор Н.И. Веселовскийнинг 1908 йилда В.Л. Вяткин олиб борган казишмалар ҳақидаги: "ҳақиқатан ҳам Улуғбек расадхонасининг қолдиқлари топилган эди", – деган маълумоти бериб ўтилади. С.П. Глазенап топилган ёдгорликнинг тузилишини 1710 йилда Ҳиндистонда қурилган ва ҳозирда ҳам сақланиб турган расадхона билан таққослайди ҳамда Улуғбек расадхонаси "Дехлидаги расадхона учун намуна бўлиб хизмат қилган" деган фикрларни ўртага ташлайди. Бу билан у казишмалар давомида эришиладиган янги натижаларга умид билдириб қолади.

1913 йилда И.И. Сикарнинг тадқиқотчилар эътиборини тортадиган мақоласи эълон қилинди⁴. Унда муаллиф ҳам расадхонадаги ишларда фойдаланилган ускуналар сифатига, ҳам уларда ўтказилган тадқиқотлар даражасига юқори баҳо беради. Улуғбекнинг илмий ютуқларини таърифлар экан, муаллиф ўз давлатида илм ва маданият ривожига имкониятлар яратиб берган Амир Темур фаолиятига: "Маълумки, Темурлан ёки Темур нафақат темир иродали қўмондон ёки

¹ Вяткин В.Л. К открытию «Самаркандской обсерватории» // Туркестанские ведомости. 1909, № 260.

² Глазенап С. Раскопки обсерватории Улуг-бека в Самарканде // Известия императорской археологической комиссии... С. 33-35.

³ Ўша мақола. 34-б.

⁴ Сикар И.И. О памятнике Улугбеку // Известия Туркестанского Отдела императорского Русского Географического Общества. Том. IX. Ташкент, 1913. С. 78-83; Туркестанский сборник. Т. 589. С. 95-98.

давлат арбоби эди, балки анча илғор фикрли шахс ҳам эди. Айтишларича, у саводсиз бўлишига қарамай, билим, илм-фан ва санъатнинг кучини англаб етган ҳамда қаерда имкони бўлса олимлар, мусаввирлар ва усталарни тўплаган”¹, – дея алоҳида урғу беради.

Топилган ёдгорликнинг маҳобатига баҳо берган И.И. Сикар: “... ушбу расадхонанинг харобасига кириб қолган ҳар бир астроном, бу расадхонанинг асосий ускунасини ғояси ва унинг ижодкори буюклигидан ҳайратга тушади”², – деб ёзган эди. Бу мақоланинг асосий мазмун-моҳиятига биз кейинчалик яна қайтамыз.

Мирзо Улуғбек расадхонасининг очилиши ўзбек тилидаги айрим вақтли матбуот нашрларида ҳам ёритилган эди. Жумладан, Ўрта Осиёнинг машҳур маърифатпарвари Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Самарқанд” газетасида чоп этилган “Мирзо Улуғбек” мақоласи россиялик тадқиқотчиларнинг кашфиёти ва Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг айрим қирраларига бағишланган эди³. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг ноёб китоблар бўлимида мазкур газета сонининг анча уринган ягона нусхаси мавжуд. Мақоланинг сақланиб қолган қисмларига кўра, гап бу ерда расадхонанинг қурилиши билан боғлиқ воқеалар хусусида ҳамда Мирзо Улуғбекнинг айрим илмий машғулоти ҳақида борган, деб айтиш мумкин. Мақолада В.Л. Вяткин номи аниқ ўқилади, шунга кўра, бу мақола рус тадқиқотчиси билан ҳаммуаллифликда тайёрланган, деб тахмин ҳам қилиш мумкин. Мақолада расадхонанинг қурилиши ҳақида ва ундаги ускуналарнинг нимага мўлжалланганлиги ҳақида маълумот берувчи ва қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилган айрим сатрлар бунинг тасдиғи бўла олади. Шунингдек, XV асрда бу даражадаги расадхона “на Европада, на Америкада, на Лондонда ва на Парижда бўлмаган”⁴лиги ҳақида таъкидланади. Газетанинг кейинги сонларини бирида мақоланинг давоми чоп этилган бўлиши керак, аммо уни топишнинг имкони бўлмади.

Ўзининг илғор қарашлари билан Маҳмудхўжа Бехбудий ўлкадаги жадидчилик ҳаракати раҳномаларидан бири сифатида мазкур кашфиётни минтақа халқларининг ўзлигини англашидаги аҳамиятини жуда яхши тушуниб етган. Шу боис, бу воқеани матбуот саҳифаларида оммалаштириш зарур деб билган. Шахсий маблағи ҳисобига чоп эттирган “Ойна” журналининг бош муҳаррири сифатида у 1913 йил давомида мазкур журналнинг саккизта сониди ўзи таржима қилган В.Л. Вяткиннинг 1908 – 1909 йиллардаги Улуғбек расадхонасининг очилиши билан боғлиқ ҳисоботини бериб борган⁵. Мақолалар матни ёнига расадхонага тегишли турли иллюстрациялар, фототасвирлар ва чизмалар ҳам киритилган.

¹ Сикар И.И. О памятнике Улугбеку... С. 82.

² Ўша мақола. 78-83-бетлар.

³ Бехбудий. Мирзо Улуғбек // Самарқанд. 1913, 7 май, 7-сон.

⁴ Ўша мақола.

⁵ Бехбудий М. Улуғбек расадхонаси // Ойна. 1913. № 2. 005-009-б.; № 3. 061-064-б.; № 4. 085-087-б.; № 5. 109-112-б.; № 6. 133-136-б.; № 7. 157-159-б.; № 8. 181-182-б.; № 9. 205-206-б.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бу йўналишдаги фаолияти маҳаллий матбуот вакиллари томонидан етарлича қўллаб-қувватланмади. Ҳатто, уларнинг кўпчилиги Улуғбек расадхонасининг очилиши хусусида ўз муносабатларини ҳам билдиришмади. Шундан бўлса керак, бу йўналишдаги изланишлар ўз натижасини бермади.

Архив ҳужжатларида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбекнинг хотирасини абадийлаштириш ва дунё илм-фани олдидаги хизматларини эътироф этиш мақсадида 1908 йилда Рус астрономик жамияти ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Бу масалада мурожаат билан Россия ҳукуматига мактуб жўнатилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви фондида Россия империясининг айрим марказий ва маҳаллий идоралари ўртасида ёдгорликнинг бунёд этилиши хусусидаги ёзишмаларни ўзида акс эттирувчи қатор ҳужжатлар сақланиб қолган.

Хусусан, 1908 йилнинг 2 декабрида Самарқанд уезди бошлиғи Самарқанд вилояти Ҳарбий Губернаторига 21920 рақами остида рапорт жўнатиб, унда ёдгорлик учун маҳаллий аҳолидан солиқ йиғиш ва умуман, бунга “байрамона ғоя” сифатида қараш истагини билдирган. Турли солиқлар юклатилган аҳолининг оғир иқтисодий аҳволини кўрсатиб, рапортда: “... маҳаллий аҳоли маъмурият томонидан хайрия учун бўладиган ҳар қандай йиғимларга мажбурий йиғим сифатида қарайди... Бундан ташқари, биз бундай қашшоқ иқтисодий ҳолатда аҳолидан яна ёдгорлик қурилиши учун хайрия йиғишга ҳаққимиз борми?”, – дейлади. Бизнинг фикримизча, “агар ҳеч бир тўсқинликка учрамаса, ёдгорликнинг қурилиши хазина ҳисобидан амалга оширилса, адолатли бўларди”¹, – деган энг мақбул фикрни ўртага ташлашади.

Ўзига баён қилинган рапортдаги маълумотга асосланиб, Самарқанд вилояти Ҳарбий Губернатори А.С. Галкин Рус астрономлари жамияти раиси С. Глазенапга, “...Самарқанд вилояти аҳолиси орасидан Самарқанд шаҳрида ўрта асрлар араб астрономи Улуғбекка ёдгорлик қўйиш борасида етарли даражада маблағ топишга умид қилмаса ҳам бўлади...”², – дея ахборот жўнатади. Ахборот сўнггида А.С. Галкин: “...Улуғбек хайкалини фақат ҳукуматдан маблағ тушиши ҳисобига бунёд этиш мумкин”³, – дея таъкидлайди.

Молиявий қийинчиликларга қарамай, мустамлакачи ҳокимият Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбекка ёдгорлик ўрнатиш масаласини ҳал қилишга ҳаракат қилди. Туркистон Генерал-губернаторлиги маъмурияти бу масалани ўз назоратига олади. Жумладан, Туркистон Генерал-губернаторлиги девони Бошқарувчиси номидан 9587 рақами остида 1909 йил 17 июль санаси билан А.С. Галкинга жўнатиш хат сақланиб қолган. Унда қуйидаги мазмун акс этган: “Генерал-губернатор топшириғи билан шуни маълум қилишни шараф деб биламанки, Сиз Жаноб

¹ ЎзР МДА, 1591-фонд, 2-рўйхат, 67-иш, 2-ор.-варак

² Ўша манба, 1-ор.-варак.

³ Ўша манба, 1-ор.-варак.

Олийлари менга маъруза учун вилоятдаги шаҳарларнинг хўжалик бошқармалари Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳайкали қурилишига қанча миқдорда маблағ ажратганлигининг аҳволи ҳақида маълум қилинг”¹. Сўнгра, ҳужжатнинг Рапортга² бириктирилган нусхасига Қарор (7740 рақами билан 1909 йилнинг 4 августидан) илова қилиниб, Самарқанд вилоят бошқармасининг Самарқанд Ҳарбий Губернатори номига жўнатилган. Унда 1909 йил 2 майдаги 16 сонли қарорига кўра³, 1909 йилнинг 6 апрелида Ҳарбий Губернаторга 6352 рақами остидаги ёзма буйруқ келиб тушганлиги маълум қилиниб: “Самарқанд шаҳрида астроном Улуғбекка ҳайкал бунёд этишда шаҳарнинг маблағ билан иштироки борасида” маълумот келтирилган. Шу муносабат билан вилоят бошқармаси “бу нарса учун 50 рубль” ажратгани айтилади.

Бундан ташқари, бизнинг тасарруфимизда бошқа бир ҳужжат, яъни Самарқанд шаҳар хўжалик бошқармасининг 1909 йил 17 июлдаги кенгашининг 17-сонли қарори ҳам мавжуд⁴. Ҳужжат мазмунидан Самарқанд шаҳар хўжалик Бошқармаси кенгашида Самарқанд вилояти Ҳарбий Губернаторининг хати ўқиб эшиттирилганлиги ва, жумладан, ундан Самарқанддан ташқари вилоятидаги барча уездларнинг шаҳарлари Мирзо Улуғбек ҳайкалини бунёд этиш лойиҳасида иштирок этишга тайёрлиги кўрсатиб ўтилганлиги аён бўлади. Аммо Самарқанд шаҳар хўжалик бошқармаси “Самарқанд уезди тузем (махаллий) аҳолисидан хайрия учун йиғим йиғишни ўтказиш ёки ҳозирда мавжуд Самарқанд шаҳри маблағидан етарлича пул топиш имкони бўлмаётганлиги” баҳонаси билан бу масалани ҳал қилишни пайсалга солади. Шунга қарамай, хатда “ёдгорлик учун маблағнинг катта қисми Императорлик Астрономия жамияти саъй-ҳаракати билан йиғилиши” кўрсатилган. Бунга асосланиб, Самарқанд шаҳар хўжалик кенгаши: “Ҳайкални ўрнатиш учун бепул жой ажратишга, унинг қурилиши учун шаҳар маблағини, шаҳарнинг барча эҳтиёжлари қондирилган тақдирдагина туширишга”⁵ қарор қилади.

Туркистон Генерал-губернаторидан олинган 15339 рақамли рухсатнома 1909 йилнинг сентябрида олинган⁶ бўлиб, у ерда ҳам Самарқанд вилоятидаги уездлар шаҳарлари: Каттакўрғон – 200 рубл, Жиззах – 100 рубл, Хўжанд – 50 рубл, Ўратепа – 100 рубл миқдордаги маблағ, Самарқанднинг эса текин ер майдони ажратганлиги кўрсатилган⁷.

Мирзо Улуғбекка ҳайкал ўрнатиш тадбири даврий матбуот саҳифаларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, “Сооружение памятника Мирзе Улугбеку” (“Мирзо Улуғбекка ёдгорлик бунёд этиш”)⁸ мақоласида,

¹ ЎЗР МДА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 8287-иш, 7-варак.

² Ўша манба, 2-варак.

³ Ўша манба, 3-варак.

⁴ Ўша манба, 13-ор., 14-вараклар.

⁵ Ўша манба, 13-варак.

⁶ Ўша манба, 18-варак.

⁷ Памяти ученого // Туркестанские ведомости. 1914. № 6. (Прибавление).

⁸ Сооружение памятника Мирзу Улугбеку // Туркестанские ведомости. 1911, 19 ноября, № 258.

1910 йил 3 ноябрда Рус Астрономия Жамиятидаги махсус кўмита жамиятнинг Россиянинг Европа қисмидаги олимлари орасида Туркистон шаҳарларининг бирида Улуғбекка ҳайкал ўрнатиш учун ҳайрия йиғишга Олий даражада рухсат берилганлиги маълум қилинади. Сўнгра барча хоҳловчиларни мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ўз ҳиссаларини кўшишлари сўралди. Мақолада ҳайкал Туркистон шаҳарларининг бирида бунёд этилади, дейилиши таажжубга солади. Ваҳоланки, Мирзо Улуғбекнинг илмий ва давлат ишларидаги фаолияти асосан Самарқанд билан боғлиқ бўлган эди.

Мазкур масала Туркистон илмий жамоатчилиги вакиллари орасида ҳам ташвиш уйғотган кўринади. Шу ўринда И.И. Сикарнинг юқорида эслатилган мақоласини келтириб ўтиш ўринли бўлар эди. Улуғбек илмий фаолиятининг аҳамиятини таъкидлаб, муаллиф империя маъмуриятининг қарорига: “Негадир қурилиши керак бўлган ҳайкал Каспийорти вилоятидаги қайсидир шаҳарнинг қайсидир майдонини безаб туради, деб ҳаракат қилинмоқда. Ваҳоланки, Самарқанд бу вилоятда эмас, наҳотки, катта тарихий аҳамиятга эга бўлган расадхона ёйининг қолдиқларини унутиб юборишган”¹, – дея ўз ҳайратини изҳор қилади.

Шунингдек, И.И. Сикар ҳозирда мавжуд нарсаларга, яъни В.Л. Вяткин қазишмалари чоғида топилган квадрантга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга чақиради. Қолаверса, мақола муаллифи ёйнинг сақланган қисми “аниқ квадрант”² бўлганлигига ҳам шубҳа билдирмайди. Шунга кўра, “ёйнинг қазиб олинган қисми яна қулаб, зиналари ювилиб, мрамор лавҳлар парчаланиб кетаётганлигидан” хавотирга тушиб, И.И. Сикар География Жамияти Бошқармасига, мақола муаллифининг фикрича, анча аниқроқ ва фойдалироқ бўлган лойиҳа таклифи билан чиқади. У айнан: “имкони борича ёйнинг қолдиқларини таъмирлаш, оби-ҳавонинг ва одамларнинг бузғунчилик ҳаракатидан ҳимоялаш ва шунга мувофиқ рус ва тузем (махаллий) тилларда бу хароба эҳтиёткорлик билан сақланаётганлиги ҳақида тахтага ёзиб осиб қўйиш керак”³, – деб таъкидлайди. И.И. Сикарнинг бу таклифи Туркистоннинг илмий ва ижодий жамоатчилиги вакиллари орасида кўллаб-қувватланиб, 1915 йилда амалда қўлланилди.

Шундай бўлишига қарамай, юқорида келтирилган мулоҳазалар Туркистон илмий жамоатчилиги ва ўлкадаги мустамлакачи маъмурият ўртасида айрим тушунмовчиликлар ҳам мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Мирзо Улуғбекнинг илмий меросини баҳолаш муносабати билан Россия илмий жамоатчилиги вакилларида бири В.Н. Миловановнинг

¹ Сикар И.И. О памятнике Улугбеку... С. 83.

² Ускунани секстант ёки квадрант деб номлаш борасида совет олимлари ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб турган. Бу ҳақда қаранг: *Кары-Ниязов Т.Н.* Секстант, как главный инструмент обсерватории Улугбека // *Астрономический журнал.* М., 1947. Т. XXIV. № 7. С. 249-253.

³ Сикар И.И. О памятнике Улугбеку... С. 83.

мақоласида пайдо бўлган нуқтаи-назар анча рамзий маъно касб этарди¹. Расадхонанинг аҳамияти ва у ерда ўтказилган тадқиқотлар даражасига таъриф берган мақола муаллифи, айнан шу жойда жонли ва сермахсул фаолият бўлиб ўтганлигини ва қилинган ишларнинг тасдиғи сифатида Улуғбекка оламшумул шуҳрат келтирган жадвал яратилганлигини таъкидлайди.

Сўнгра В.Н. Милованов юнон (грек) фани астрономия мактаби анъаналарининг мусулмон мактабига ўтиш жараёнини кузата бориб, астрономия фани олдига юнон (грек) олимлари қўйган вазифаларни “Ўрта Осиё олимлари қай даражада бажара олганлигини”, жумладан, “юлдузларни каталоглаштирилганлиги ва жамлаганлиги ҳамда сайёралар кузатуви такомиллаштирилганлиги” каби масалаларга ойдинлик киритади. Улуғбекнинг айрим ҳисоблари ва жадвалини аввалги тадқиқотчиларнинг маълумотларига таққослаган муаллиф: “Самарқанд расадхонасидаги ишлар нақадар аниқ бажарилганлиги, ... у ерда ўтказилган ишлар пухта ва мисли кўрилмаган даражада тўлақонлиги амалга оширилганлиги ҳамда Самарқандда қўлланилган асбоб-ускуналарнинг ниҳоятда аъло даражада мукаммал бўлганлиги сабаб, *XVI асрга келибгина машҳур даниялик астроном Тихо-Браге томонидан сифат даражаси ундан қолишмайдиган асбоблар бунёд этилганлигини (курсив бизники – Ф.Ш.)*”² кўрсатиб ўтади.

Гарчи, расадхона харобаларини кўрмаган бўлса ҳам, В.Н. Милованов олиб борилаётган қазишма ишларидан қаноат ҳосил қилмайди ва тезда ҳал қилиниши зарур бўлган қатор таклифларни илгари суради. Жумладан, у: “Самарқанд расадхонасидаги маҳобатли қуёш соати хусусида аниқ кўрсатмалар борлиги” ҳақида, яна “Самарқандда ҳам Мароғадаги каби осмон кўринишини акс эттирувчи ажойиб глобус қурилгани; бу глобуслар бизгача етиб келмагани, уларнинг илмий аҳамияти ниҳоят даражада юқори бўлганлиги; кузатув давомида астрономик ишлар вақтини ўлчаш учун ўта аҳамиятли ускуналарнинг борлиги ҳақида кўрсатмалар сақланмагани ва, ниҳоят Улуғбек шахси ҳамда унинг Самарқанд расадхонасидаги ўрни тўғрисидаги маълумотлар тақчиллиги”³ хусусида таъкидлайди. Муаллиф, Самарқанд астрономларининг ишлари катта аҳамият касб этганлигини таъкидлаб, Мирзо Улуғбек астрономик мактаби эришган ютуқлар ҳақида янги маълумотларни қўлга киритиш учун қазишма ишларини давом эттиришга даъват этади.

Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини тадқиқ этишда машҳур шарқшунос олим В.В. Бартольднинг ишлари алоҳида ўрин тутди. Бевосита унинг ёрдами билан В.Л. Вяткин 1908 – 1909 ҳамда 1914 йилларда Самарқандда Улуғбек расадхонасини қазиш ишларини олиб борган эди.

¹ *Милованов В.Н.* Астрономические познания самаркандских астрономов (по поводу раскопки Обсерватории Улуг-Бека) // ПТКЛА. Год. XVIII. Вып. I. Ташкент, 1913. С. 42-53.

² Ўша мақола, 50-бет.

³ Ўша мақола, 42-53-бетлар.

В.В. Бартольд ўз тадқиқотларида Мирзо Улуғбекнинг ҳукмдор сифатидаги фаолиятига берилган айрим ноҳолис баҳолар билан келиша олмаслигини қатъий таъкидлаб ўтган. Жумладан, у Л.А. Седилот* ва И.И. Сикарларнинг Улуғбекни ўз “ҳукмронлигининг илк йилларидан сиёсатдан юз ўгириб, бутун вақтини математика ва астрономияга бағишлаган” инсон сифатида қарашларига шубҳа билдириб, бу қарашларни асоссиз айтилган фикр деб билади¹. В.В. Бартольднинг фикрича, Мирзо Улуғбекнинг давлатдаги ва илмдаги фаолиятига XIV – XV асрларга оид қўлёзмаларни ҳамда мазкур даврдаги Мовароуннаҳрнинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини изчил ўрганиш асосидагина ишонарли баҳо бериш мумкин.

У ўзининг “Улуғбек и его время” (“Улуғбек ва унинг даври”) монографиясида юқоридаги тамойилни амалга оширишга ҳаракат қилиб кўрди. Мирзо Улуғбек ҳақидаги ўрта аср манбаларидаги маълумотларнинг айримларидан фойдаланганлигига қарамай, В.В. Бартольд кенг қўламли далилий материалларни йиғишга эришди*. Ўрта асрлар даври мусулмон муаллифларининг асарларидан ташқари, муаллиф Мирзо Улуғбек “Зиж”ининг Европада қилинган таржималарини² ҳам жалб қилди.

В.В. Бартольднинг монографик тадқиқоти 1915 йил бошида тўлиқ тугатилган бўлса-да, айрим сабабларга кўра, уни фақат 1918 йилдагина нашр этиш имкони бўлди.

Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олган бу монография ўз мазмунига кўра В.В. Бартольднинг Ўрта Осиё тарихига бағишланган аввалга иши – “Туркестан в период монгольского нашествия” (“Туркистон мўғул босқини даврида”)³ асарининг мантикий давоми ҳисобланиб, санаси жиҳатидан Улуғбек бошқарган даврга нисбатан бирмунча кенг даврни қамраб олган. Бундай саналаштириш муаллиф томонидан кўриб чиқиладиган вақт, яъни Мирзо Улуғбекнинг сиёсий ва илмий фаолияти мавжуд даврда қай шароитларда кечганлигини ўша замон билан боғлиқ тарихий воқеликларни бир қадар муфассал етказиш ва тарихий воқеалар занжирини янада аниқроқ тасвирлаш мақсадида қўлланилган.

* Л.А. Седилот 1651 йили «Зиж»нинг бир қисмини таржима қилиб, нашр эттирган.

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время / Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 25.

* В.В. Бартольд Абд ар-Раззоқ Самарқандий (ЛДУ қўлёзмаси), Хофиз-и Абру (Оксфор қўлёзмаси), Гиёс ад-дин Қоший, Хондамир (Техрон нашри), Мухаммад-Хайдар, Фасих (Озарбайджон музейи қўлёзмаси), Гиёс ад-дин Али Йазди (Зимин нашри), Лутфи «Та’ашшукнаме», Саккоки (Британия музейи қўлёзмаси), Абу Тохирхожа (В.Л.Вяткин таржимаси), «Аноним Искендера» (Озарбайджон музейи) кабиларнинг қўлёзмаларини манба сифатида қўллаган. Лекин энг асосий манбалар Хофиз-и Абру, Абд ар-Раззоқ Самарқандий ва испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо кундалиги (Средневский нашри) бўлган. В.В. Бартольд монография устидаги иш жараёнида икки асосий манбани саналар, тарихий воқеалар, исмлар, у ёки бу тарихий воқеа бўлган жой номларини таққослаган ҳолда ўрганган.

² Маълумки, Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси Европада XVII асрдан бошланган. Мазкур бобнинг ёзилишида В.В. Бартольд Л.А. Седилот асаридан фойдаланган.

³ Бартольд В.В. Туркестан в период монгольского нашествия / Сочинения. М.: Наука, 1963. Т. 1. – 761 с.

Ўртаосиёлик олимнинг илмий фаолияти В.В. Бартольднинг монографиясида алоҳида эътибор билан махсус кўриб чиқилган¹. Ишда Мирзо Улуғбек илмий мактабининг шаклланиш жараёни ёритилиб, унинг устозлари, издошлари ва шогирдлари ҳақида маълумотлар келтирилган².

1908 – 1909 ва 1914 йиллар давомида расадхона топилган жойда олиб борилган археологик қазишма ишларини таърифлаган муаллиф қазишма натижаларидан ўзининг норози эканлигини билдиради. Унинг фикрича, расадхонанинг тузилиши ва айрим ускуналарнинг нимага мўлжалланганлиги борасидаги қатор ечилиши муҳим бўлган саволларга жавоблар топилмаган³. Айни вақтнинг ўзида муаллиф, Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг аҳамиятини шубҳа остига қўйиб, олимнинг жаҳон фани ривожигаги ўрнини камситади⁴. Кейинчалик бошқа олимлар бир неча бор рус тадқиқотчисининг бу муносабати нотўғри эканлигини айтишган.

Мирзо Улуғбекнинг ўз аммакиваччасига ёзган шеърий парчасини таҳлил қила туриб, В.В. Бартольд ўртаосиёлик олимнинг назм бобидаги иқтидорини юқори баҳолайди⁵.

Айрим тадқиқотчилар томонидан Мирзо Улуғбек қаламига мансублиги айтилаётган “Тўрт улус тарихи”ни В.В. Бартольд, ўрта асрлар муаррихи Хондамирнинг маълумотларига суяниб: “Улуғбек бу асарни тузишда иштирок этмаган бўлса керак”, – деб таъкидлайди. Мазкур тарихий асарга баҳо берар экан, россиялик тадқиқотчи: “тарихий асарнинг Улуғбекка нисбат берилиши эҳтимол, уни ҳам адабий ёдгорлик сифатида, ҳам тарихий танқид учун материал сифатида аҳамият касб этганлигида бўлса керак; аммо бу асар нусхасининг кашф этилиши мўғул империяси ва у парчалангач вужудга келган давлатлар тарихи бўйича бизнинг маълумотларимизни деярли бойитмади”⁶, – деган хулосага келади.

В.В. Бартольднинг бу иши қатор мунозараларга сабаб бўлиб, ҳаттоки амалда асосланмаган танқид қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шу боис Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини баҳолашда “Улуғбек ва унинг даври” монографияси нима бўлганда ҳам ўрта асрларда яшаган бу алломанинг ҳаёти ва фаолиятини комплекс тадқиқоти эканлигини, қолаверса ишнинг муҳим илмий-амалий аҳамиятини таъкидлаш ўринли бўларди. Монографиянинг аҳамияти яна шундаки, XX аср давомида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бирор бир иш В.В. Бартольднинг мазкур монографиясидан фойдаланилмай туриб бажарилмаган.

В.В. Бартольднинг 1915 йилнинг 12 мартда Император рус

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 134-146.

² Ўша асар, 135-136-бетлар.

³ Ўша асар, 137-бет.

⁴ Ўша асар, 138-139-бетлар.

⁵ Ўша асар, 139-бет.

⁶ Ўша асар, 142-бет.

археологик жамияти Шарқий бўлимнинг навбатдаги йиғилишида ўқилган “Улуғбек ва Хўжа Аҳрор” мавзусидаги маърузаси Мирзо Улуғбек бошқарув давридаги Мовароуннахрнинг ички сиёсий ҳаётида диний жамоатлар ролининг ўрни ҳамда унинг нақшбандийлик тариқатининг нуфузли шайхи Хўжа Аҳрор билан ўзаро муносабатига бағишланган эди¹. Маърузачи “Улуғбек ва унинг даври” монографиясининг асосий хулосалари билан ҳамда “ўзи томонидан ўрганилган манбалар асосида, Улуғбек ва унинг ворислари бошқаруви давридаги қизиқарли манзара ҳамда ҳукмдорларга шайх Хўжа Аҳрорнинг таъсири хусусида...” фикрлари билан тингловчиларни таништиради. Муаллифнинг фикрича, кўрилаётган даврда икки бир-бирига зид лагерь: 1) Улуғбек ва унинг илм-фан ҳамда маданият тараққиётидаги издошлари – тарафдорлари; 2) Хўжа Аҳрор ва унинг ҳар қандай китобий таълим (илм-фан) душмани, ҳаттоки илоҳий фанлар душмани бўлган сафдошлари ўртасида қарама-қаршилиқ мавжуд эди. Бу зиддиятнинг оқибатларини тавсифлар экан, В.В. Бартольд: “агар дарवेशийлик узил-кесил ва мустаҳкам ғалаба қилганда оқибатлари (маданият учун) бунданда фожиали бўлиши мумкин эди, аммо бу рўй бермади”, – деб таъкидлайди.

В.В. Бартольд томонидан бундай зиддиятнинг тасвирланиши охир-оқибат совет тарихшунослиги учун кўл келди. Маърифатли ҳукмдор ва “жоҳил” – диний арбоб ўртасидаги ихтилоф совет давлати мафкуравий тизими учун жуда мос келарди. Қолаверса, совет давридаги айрим тадқиқотчилар томонидан Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишида бевосита Хўжа Аҳрорнинг кўли борлиги ҳақида “далил” келтирилади. Бу маълумотларни тасдиқловчи нуфузли манба сифатида В.В. Бартольднинг юқорида эслатилган ишлари бир неча бор келтириб ўтилади. Ваҳоланки, В.В. Бартольднинг ўзи на мазкур асарида, на ўзининг кейинги ишларида Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишида на билвосита ва на бевосита Хўжа Аҳрорнинг иштироки бўлганлиги ҳақида ҳеч бир маълумот келтирмаган. Шундай бўлишига қарамай, мавжуд фикр ХХ асрнинг 80-йилларига қадар собиқ Совет Иттифоқи тарих фанидан мустаҳкам ўрин олди. Фақатгина мустақиллик даври тадқиқотчилари томонидан бирламчи манбалар асосида юқоридаги фаразнинг умуман рўй бермаганлиги исботлаб берилди.

Шундай қилиб, Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ХХ аср бошларидаги илмий изланишларга умумий тавсиф бериб, қуйидаларга эътибор қаратиш мумкин:

– XIX аср охири – XX аср бошларида тадқиқотчиларнинг Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросига бўлган қизиқишлари анча фаоллашди. Расадхонанинг қидирилиши ва очилиши бу тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. Бу эса, ўз навбатида Улуғбекнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссасини ўрганишга катта таъсир кўрсатди;

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и Ходжа Аҳрор // Туркестанские ведомости. 1915. 1 сентября, № 193; Записки Восточного Отделения императорского Русского Археологического Общества. Том. XXIII. СПб., 1916. С. VII-IX.

– В.Л. Вяткин томонидан расадхона жойлашган жойнинг очилиши ва унинг раҳбарлигида 1908 – 1909 ҳамда 1914 йилларда ўтказилган археологик қазишмаларнинг натижалари Улуғбек астрономик мактабининг илмий изланишлари ҳақидаги тасаввурларни анча кенгайтирди ҳамда мазкур мавзу бўйича қатор илмий нашрлар қилинишига туртки бўлди;

– Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилиш ишига В.В. Бартольднинг “Улуғбек и его время” (“Улуғбек ва унинг даври”) асари муҳим ҳисса бўлиб кўшилди. Гарчи, муаллифнинг айрим ҳолатлар, жумладан, ўртаосиёлик олимнинг илмий кашфиётлари аҳамиятига баҳо беришдаги фикрлари баҳс талаб бўлса ҳам, мазкур иш ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, ундаги далилий материаллар ва назарий хулосаларнинг чуқурлигига кўра ката аҳамиятга эга;

– Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган XX аср бошларидаги тадқиқотчиларнинг ишларида, умуман олганда, ўртаосиёлик олимнинг илмий фаолиятига ижобий қаралиб, унинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси юқори баҳоланади. Мазкур давр тадқиқотчилари орасида Улуғбекнинг давлат ишларига берилган баҳоларда ягона фикр кўзга ташланмайди.

Иккинчи боб
МИРЗО УЛУҒБЕК – ҲУКМДОР ВА ОЛИМ:
1917 – 1991 ЙИЛЛАРДАГИ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1. Мирзо Улуғбек давлат арбоби сифатида:
баҳолашда ворисийлик масаласи

Мирзо Улуғбек бошқаруви давридаги Ўрта Осиё тарихи ватанимиз тарихидаги энг мураккаб ва зиддиятли босқич ҳисобланади. Бу даврда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларида ниҳоятда тифиз ва фаол жараёнлар рўй берган эди. Темурийлар хонадони вакиллари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар сабабли марказий ҳокимият кучсизланган бўлса-да, илм-фан ва маданият соҳасида кескин юксалишлар эпкини ҳамон юз бериб тургани хайратланарли ҳолат эди. Шу боис мазкур даврни ўзида акс эттирган Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросига совет тарихшунослигида катта эътибор қаратилди. Натижада олим-ҳукмдорнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли қирраларни ўзида акс эттирувчи қатор ишлар юзага келди. Жумладан, тадқиқотларда Мирзо Улуғбекнинг давлат ишларидаги фаолияти муфассал ёритилди. Мазкур муаммо бўйича бу даврга оид барча адабиётларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мирзо Улуғбекнинг болалик йиллари ва дунёқарашининг шаклланиши;
2. Мирзо Улуғбекнинг ҳокимият тепасига келиши ва унинг ташқи сиёсатда танлаган йўли;
3. Мирзо Улуғбекнинг ички сиёсати, жумладан у ўтказган ислохатларининг хусусияти;
4. Олимнинг динга муносабати ва унинг диний уламолар билан ўзаро муносабати;
5. Мирзо Улуғбекнинг бунёдкорлик фаолияти;
6. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги зиддият.

Дастлаб Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини ёритган В.В. Бартольд¹, А.Ю. Якубовский², М.Е. Массон³, Т.Н. Қори Ниёзий⁴, Н.И. Леонов⁵, Я.Ғ. Ғуломов кабиларнинг XX асрнинг 20 – 60 йилларида эълон қилинган ишларини албатта ажратиб кўрсатиш жоиз.

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время. Соч. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 23-196.

² Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Ленинград, 1933. – 68 + иллюстрации.

³ Массон М.Е. Регистан и его медресе. Ташкент, 1926. – 32 с.; Ўша муаллиф. Обсерватория Улуғбека. Ташкент: Изд-во Узб. фил. АН, 1941. – 48 с.; Ўша муаллиф. Самарканд времени Улуғбека // Звезда Востока. 1948. № 5. С. 89-101.

⁴ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улуғбека. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950. – 330 с.; 2-е изд. Избранные труды. Ташкент: Фан, 1967. Т. VI. – 375 с.

⁵ Леонов Н.И. Научный подвиг самаркандских астрономов XV в. М., 1960. – 118 с.

Бу тадқиқотларнинг кўпчилиги, шунингдек, тўпламлардаги қатор мақолалар, рисоалар ва алоҳида мақолалар¹ ёзма, нумизматик ва археологик манбалардан олинган далиллар асосида тайёрланган. Шундай қилиб, мазкур даврда Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби фаолияти ҳақидаги илмий билимлар узлуксиз тўплана борди.

Умуман, бу даврга оид илмий тадқиқот адабиётларини тавсифлар эканмиз, совет мафкуравий мактабининг Улуғбек фаолиятига баҳоси, ўрта асрлардаги бошқа ҳукмдорларга берилган баҳоларга нисбатан бир қадар холис бўлганлигини таъкидлашимиз жоиз. Бу ҳолат, энг аввало, ўртаосиёлик олимнинг илмий тақиқотлар соҳасидаги ютуқларини дунё илм аҳли томонидан тан олинганлиги ва буни рад этиш ёки қадрламаслик мумкин эмаслиги билан ҳам боғлиқ эди. Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти ҳақидаги нисбатан ҳаққоний баҳо билан бирга, баъзида унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига беписанд қараш ҳам кузатилган. Қолаверса, мазкур даврдаги айрим тадқиқотларда ўрта асрлардаги барча “феодал” ҳукмдорларга хос “нуқсонларни” айнан унга ағдариш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Мисол тариқасида, совет тарихшунослигида Мирзо Улуғбек фаолиятини акс эттирган маҳаллий тадқиқотчи Р.Н. Набиевнинг: “Улуғбек, ўз даврининг фарзанди ва феодал синфининг йирик вакили сифатида, оддий феодал ҳукмдор эди, аммо ўзининг савияси даражаси билан ўз замондошларидан – Темурийлар сулоласи аъзоларидан анча юксак турган ҳамда ўз даври жамиятининг бир қадар маданиятли қисмига мансуб эди”², – деб айтилган сўзларини келтириб ўтиш мумкин.

Умуман олганда, мазкур муаммо бўйича совет даври тадқиқотчилари хизматларини эътироф этган ҳолда, уларнинг турли манбалардан олинган маълумотлари муҳимлигини эътиборга олиш, шунингдек, улар билдирган айрим хулосаларига танқидий қараш керак бўлади. Бунда уларнинг ўша даврда ўрнатилган мафкуравий муҳитдан чиқиб кета олмаганликларини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бу давр тадқиқотларида Мирзо Улуғбекнинг таржимаи ҳоли батафсил ёритилган.

Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) 1394 йилнинг 22 мартини (ҳижрий 796 йилнинг 19 жумод ул-аввали)да Амир Темурнинг Ироқ ва Озарбайжонга юришлари чоғида Султония (Эрон Озарбайжони) шаҳрида туғилган. У Шохрухнинг катта ўғли, яъни Амир Темурнинг невараси эди. Чиғатой наслдан бўлган Ғиёсиддин тархоннинг қизи Гавҳаршодбегим эса Улуғбекнинг онаси бўлиб, бу аёл Шохрух бошқа-

¹ Мирза Улуғбек. Ташкент, 1925. – 8 с.; Из истории эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан, 1965; Из истории науки эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан, 1979; *Якубовский А.Ю.* Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Алишер Навои. М.-Л., 1946; *Набиев Р.Н.* Из истории политико-экономической жизни Мавераннахра XV в. (Заметки о Хаджа Ахраре) // Великий узбекский поэт. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1948. С. 25-48; *Гулямов Я.Г.* К изучению эпохи Навои // Великий узбекский поэт... С. 5-24; *Массон М.Е.* Самарканд времени Улуғбека // Звезда Востока. 1948. № 5. С. 89-101; *Булгаков П.Г.* К биографии Улуғбека // ОНУ. 1969. № 8-9. С. 99-100; *Давидович Е.А.* Денежная реформа Улуғбека // История денежного обращения средневековой Средней Азии. М.: Наука, 1983. С. 165-186 ва б.

² *Набиев Р.Н.* Из истории политико-экономической жизни Мавераннахра... С. 25.

руви даврида Хуросонда кечган сиёсий воқеаларда муҳим роль ўйнаган.

Туғилган чоғида унга Муҳаммад Тарағай деб исм берилган бўлса-да, болалигидан уни Улуғбек деб аташган. Амир Темур таъсирида ҳамда саройдаги мавжуд қонун-қоидаларга мувофиқ, Улуғбек туғилган заҳоти Амир Темурнинг катта хотини Сароймулкхонимнинг тарбияси ва қарамоғига берилган.

Улуғбекнинг болалик йиллари ҳақида маълумотлар тақчил бўлгани боис, тадқиқотчиларда кам учрайди. Аммо В.В. Бартольд бошқа шахзодаларга қараганда “Шарофиддин Али Яздий Улуғбекнинг болалиги ҳақида бир қадар муфассал айтиб ўтган”¹, – деб таъкидлаган. Б.А. Аҳмедов ҳам бу масалага нисбатан “Улуғбекнинг болалиги ҳақида материаллар кам, борларида ҳам маълумотлар етарли эмас”², – деб таъкидлашга мажбур бўлган эди. Шундай бўлишига қарамасдан, тадқиқотчилар келтирган маълумотларга кўра, Улуғбек 1398 йилда ўз мураббияси билан Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришларида ҳамроҳлик қилган. Аммо кўшинлар Кобулга етиб келганда, Амир Темур ўз неварасини Сароймулкхоним билан Самарқандга қайтишига кўрсатма берган. В.В. Бартольд, Гиёсиддин Алининг асарига мурожаат қилиб, ҳукмдорнинг бундай қарорга келишига қуйидаги ҳолат, яъни: “Темур учун ўз неварасидан ажраш осон бўлмаган, аммо у Ҳиндистоннинг иссиқ иқлими бола соғлиғига таъсир кўрсатишидан хавотирга тушган”³ лиги сабаб бўлган³, – деб кўрсатади.

Тадқиқотчилар яна икки йилдан сўнг ўз мураббияси ва бошқа шахзодалар билан Мирзо Улуғбек музаффар бобосини Амударё бўйида кутиб олганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам келтириб ўтишади⁴. Амир Темурнинг ўз неварасига муносабатини ёритар экан, тадқиқотчилар Улуғбекнинг тарбияси ҳамда қизиқишлари ва илмий билимларининг шаклланишида Амир Темурнинг ўзига хос ўрни бўлганлигини қайд этишган. Б.А. Аҳмедов: “Улуғбек то бобосининг ўлимига қадар унинг саройида бўлиб, яхши таълим олган ва ёш бўлишига қарамай, муҳим кенгашларда ва турли қабулларда, ҳатто хорижлик элчилар қабулларида ҳам иштирок этган”⁵, – деб таъкидлаган эди.

Тадқиқотларда Амир Темур 1404 йилда ўз набираларининг*, хусусан бу пайтда 10 ёшда бўлган Улуғбекнинг ҳам никоҳ тўйига бошқош бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор⁶. Бироқ, бундан кейин ҳам Улуғбек бир муддат ўз мураббияси Сароймулкхоним ёнида яшашни давом этган.

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 64.

² Аҳмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра первой половины XV в. // Из истории эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан, 1965. С. 7.

³ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 65.

⁴ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 65; Аҳмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра... С. 9.

⁵ Аҳмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра... С. 12-13.

* В.В. Бартольд Амир Темур беш нафар набирасини никоҳ тўйларини ўтказган деган, Б.А.Аҳмедов эса олти нафар деган.

⁶ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 66.

Айнан ким томонидан Улуғбекнинг илмий дунёқараши шакллантирилганлиги, бевосита кимнинг таъсирида унда илмга қизиқиш кучайганлиги ва унинг кейинги изланишлари янада ўсиб бориши ким томонидан қўллаб-қувватлаганлиги масаласи қатор тадқиқотларнинг диққат марказида турган энг муҳим муаммо эди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида асосланган О.Д. Чехович ёш Улуғбекнинг устози Самарқанд сарбадорлари оиласидан чиққан ва тарихий адабиётларда Ориф Озорий номи билан машхур Ҳамза бин Али Малик Тусий исмли шахс бўлганлигини тахмин қилади¹. Ушбу шахс ҳақидаги маълумот В.В. Бартольд асарларининг бирида ҳам эса олинади, бироқ олим уни “Улуғбекнинг болалиқда бирга ўйнаган ўртоғи”², деб таърифлайди.

Аmmo О.Д. Чехович Мирзо Улуғбекнинг ва Ҳамза бин Алининг туғилган саналарини қиёслаб, Ҳамзанинг шахзода Улуғбекдан 12 ёш катта бўлганлигини аниқлаган. Унинг фикрича, Ҳамза “...нафақат шахзодага турли машғулотларни ўргатган, балки унга қизиқарли тарихий ҳикоятлар сўзлаб бериш орқали” Улуғбекка катта таъсир кўрсатган³. О.Д.Чехович ўзи ўрганган маълумотлар асосида Ҳамза Улуғбекнинг илк устози бўлган ва у ўз шогирдининг илмий дунёқараши ва тафаккури шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган эди, деган хулосага келади. Мирзо Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти “савдо, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг ўсишига имконият яратган”⁴. Шунингдек, муаллифнинг фикрича, Улуғбек сарбадорлар фаолиятидаги: “Сарбадорлар давлатининг иқтисодий асосини савдодан тушадиган фойда (тамға) ташкил қилишини, шу боис сарбадорлар зираткорлардан олинadиган солиқ миқдорини камайтиргани...”⁵ каби ўзига хос қарашлар таъсирида бўлган.

Шундай қилиб, О.Д. Чехович тадқиқоти Мирзо Улуғбекнинг болалиқ йиллари ҳамда Улуғбекнинг давлат ишларидаги фаолиятида тараққийпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари қай йўсинда шаклланиганлиги масаласига муайян аниқликлар киритди.

Улуғбек туғилмасидан олдин юз берган сиёсий жараёнлар, шунингдек 1409 йилдан кейин, яъни Улуғбекнинг Самарқанд тахтига келиши ва давлатни мустақил бошқариши, 1411 йилда эса ўзининг илк устози Шохмалик билан алоқаларни узиши масалалари, кейинчалик унинг ҳукмдор сифатидаги фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеалар В.В. Бартольднинг⁶ асарида атрофлича ёритилган. Унинг айнан шу давр билан қизиқиши, бу даврнинг Ўрта Осиё тарихида туб бурилиш даври бўлганлиги, унинг ўзи айтганидек, “маданий ҳаётдаги беқиёс

¹ Чехович О.Д. К вопросу о воспитателе Улугбека // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 10-18.

² Бартольд В.В. Улугбек и его время... С. 65.

³ Чехович О.Д. К вопросу о воспитателе Улугбека... С. 11.

⁴ Ўша асар, 17-18-бетлар.

⁵ Ўша асар, 16-бет.

⁶ Бартольд В.В. Улугбек и его время...

босқичнинг охири”¹ эканлиги билан изоҳланади.

В.В. Бартольд тадқиқотларининг мақсади – Улуғбек шахсини, унинг бошқарувини ва Самарқанд расадхонасидаги, қолаверса, фан тараққиётидаги ўрни ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш бўлган. Катта ҳажмдаги ёзма манбаларни жалб қилиб, уларни бир тизим асосида танқидий ўрганиш муаллифга тадқиқ қилинаётган муаммога ҳолис ёндашиш, қолаверса, империяга хос муайян даражада ўрнатилган тоталитар ғояларнинг эскирган чизмасию, тамғаларидан нарироқ бўлиш имконини берди.

Тадқиқотларда Мирзо Улуғбек ва отаси Шохруҳ ўртасидаги муносабатларга алоҳида ўрин ажратилган.

Ўша даврда мавжуд бўлган сулолавий анъанага кўра, Мирзо Улуғбек ўз отасига нисбий қарамликда бўлган. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, айрим тадқиқотчиларга Улуғбекнинг мустақил бошқарув даври икки йил (1447 – 1449) давом этган, қолган йилларда эса Улуғбек Мовароуннахрни Шохруҳнинг (1411 – 1447) ноиб сифатида бошқарган, деб даъво қилишларига асос бўлди. Шундай бўлишига қарамай, Мирзо Улуғбек ўзининг бутун бошқаруви даврида мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боргани², элчиларни қабул қилгани ва кузатгани³, кўшни давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйгани⁴ кундек равшан. Айрим ҳоллардаги қарамлиги фақат унинг Ҳиротга Шохруҳ олдида таъзимга борганида ҳамда Шохруҳ бошлаган ҳарбий юришларига кўшин жўнатиб турганида кўзга ташланади. Қолаверса, ўз отасининг розилигисиз амалга оширилган иккита ҳарбий юриш Мирзо Улуғбек кутган натижани бермаган, шу боис ҳам кейинчалик у фаол ҳарбий ҳаракатлар олиб боришдан воз кечишга мажбур бўлган.

Амир Темур вафотидан сўнг давлатнинг марказлашувига қаршилиқ кўрсатаётган кучлар ошқора ҳаракат қила бошлайдилар. Мирзо Улуғбек уларнинг қаршилигини енгиб, марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилган. В.В. Бартольднинг фикрича, бу жараён мазкур даврда амалга оширилиши зарур бўлган сиёсий механизмнинг йўқлиги боис ҳам муваффақиятсиз тугаган.

Россиялик тадқиқотчининг бу масаладаги қарашлари бирламчи манбаларга асосланганлигини ҳисобга олсак, умумий жиҳатдан у билан мурося қилиш мумкин. Қолаверса, Мирзо Улуғбекда ўз давлатида сиёсий барқарорликни ўрнатиш учун бобоси Амир Темурга хос бўлган зарурий кўникмалар бўлмаганлиги фактини ҳам тан олиш жоиз.

В.В. Бартольд томонидан Мирзо Улуғбекнинг ички сиёсатида берилган баҳо анча ижобийдир. Унинг фикрича, Улуғбек ўз пойтахти ва саройида жорий этилган урф-одатларни амалга оширишда Ҳиротдаги отасига эмас, балки кўпроқ бобоси Амир Темурга ўхшашга ҳаракат

¹ Брегель Ю. Предисловие к тому II, часть 2 собрания сочинений В.В. Бартольда. М.: Наука, 1964. С. 6.

² Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 96-97.

³ Ўша асар, 103, 117-118-бетлар.

⁴ Ўша асар, 119-бет.

қилган¹.

Мирзо Улуғбек томонидан ўтказилган таълим ва фан соҳасидаги тадбирлар, жумладан унинг астрономик изланишлари, XV асрда Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган хожагон-нақшбандия сўфийлик тариқатидаги айрим руҳоний намояндаларнинг кескин қаршилигига учрайди. В.В. Бартольд таъкидлаганидек: “дарвеш шайхлари, шариат аҳкомларидан чекинганлиги учун Улуғбекка ҳуруж қиладилар”², улар ҳатто Улуғбекни кўллаб-қувватлагани учун “мусулмон руҳонийларининг расмий раҳнамосига ҳам қарши” чиқадилар. Айниқса, Бухорода нақшбандия шайхларининг мавқеи баланд бўлган. “Улуғбек Бухоро руҳонийларининг аҳамиятини англаб етган, – деб ёзади В.В. Бартольд, – ва улар иззатини ўз ўрнига қўйишга ҳаракат қилган”³. Бу борадаги айрим тадқиқотларда, Улуғбек томонидан эътиборга молик бўлган бир қатор диний иншоотларнинг курдирилиши диний муҳолифат вакиллари билан муносабатларини яхшилашга қаратилган эди, деган фикрлар ҳам мавжуд. Шунга қарамай, Мирзо Улуғбек ва дарвеш шайхларининг ўзаро муносабати кескин бўлиб қолаверган. Дарвеш шайхлари ҳукмдорни базму жамшидларга берилганликда ва унинг илмий машғулотини даҳрийликда айблаб, ҳукмдорга нисбатан ўз тажовузларини яширмадилар. Аслида, шоҳона базмлар Темур саройида одатий ҳол бўлганлиги маълум. “У пайтда буни айб деб ҳисоблаш тўғрисида гап бўлиши мумкин ҳам эмас эди”⁴, – деб ёзади В.В. Бартольд. Фақатгина Мирзо Улуғбекнинг айрим ҳаракатлари, ҳақиқатда ҳам шариат аҳкомларига тўғри келмаганлигини тахмин қилиш мумкин. Айрим ўринларда Улуғбек ва баъзи диний раҳнамолар ўртасидаги муносабатларда кескинлик сақланиб қолган бўлса ҳам, унинг фаолияти диний аҳкомларга зид эди, дейиш нотўғри⁵, – деган фикр билдиради россиялик тадқиқотчи.

В.В. Бартольднинг фикрига кўра, умуман мазкур зиддиятни Мирзо Улуғбек ва расмий дин ўртасидаги қарама-қаршилиқ сифатида талқин этмаслик керак, чунки “шариат пешволари Улуғбекни ўзларининг онгли ва ашаддий душмани деб ҳисоблашмаган. Мусулмончилик нуқтаи назаридан Улуғбек идеал ҳукмдор ҳам бўлмаган, барча масалалар диний аҳкомларга мувофиқ ҳал этилган, шу билан бирга, у ўз истакларини Аллоҳ ва пайғамбар кўрсатмаларидан устун қўювчи мустабид ҳам бўлмаган”⁶.

Шундай бўлишига қарамай, В.В. Бартольднинг бу муносабати ҳамда унинг Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлими билан боғлиқ воқеаларда айрим диний муҳолифат вакиллариининг бевосита иштироки бўлганлиги ҳақидаги фикрлари, совет даври тадқиқотларида бир неча

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 120.

² Ўша асар, 121-бет.

³ Ўша асар, 124-125-бетлар.

⁴ Ўша асар, 130-бет.

⁵ Ўша асар, 132-бет.

⁶ Ўша асар.

бор қайд этилган эди. Шу муносабат билан мавжуд қарама-қаршиликка ватанимиз олимларидан бири Я.Ғ. Ғуломовнинг: “Улуғбек ҳукмронлигининг дастлабки давридаёқ, Бухорода ўзининг ҳам маданий, ҳам илмий моҳиятига кўра тажовузкор бўлган муҳолифат кучлари етилган эди. Самарқанднинг ўзида эса ҳукмдор олимнинг фаолиятига қарши эътироф билдиришни ўзига бурч деб билувчи айрим доиралар ва айрим шахслар мавжуд эди...”¹, – деб берган тавсифи қизиқиш уйғотади.

В.В. Бартольднинг монографиясида Мовароуннахрнинг Улуғбек ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ айрим масалалар юзаки кўриб чиқилган. Тадқиқотчининг ўзи тан олиб, кейинги асарларининг бирида келтириб ўтишича, “мазкур монографиянинг асосини ташкил қилувчи материаллар ҳали батамом тугамаган; мен томонимдан аниқланган ва тўлдирилган бўшлиқлардан бири анча қизиқарли ва ўзига хос бўлган Улуғбек тангалари ҳақида эслатилмагани бўлди”². Муаммонинг бу жиҳати унинг кейинги мақоласидаги ишланмалардан бирида қайтадан кўриб чиқилди³. Ўрганилган нумизматик материаллар асосида давлатда Мирзо Улуғбек номидан танга зарб этиш 1447 йилдан, яъни Шоҳруҳнинг вафотидан сўнг фақат 2 йилу 7 ой мабойнида амалга оширилганлиги аниқланди. Жумладан, мазкур давр тангаларида: “Амир Темур кўрагон ҳимматидин Улуғбек кўрагон сўзимиз” жумлалари ёзилганлиги маълум бўлади. Битик мазмунида Амир Темур исмининг эслатилиши, В.В. Бартольднинг фикрича, Улуғбекнинг буюк бобосига чексиз ҳурматидан ҳамда унинг айрим чингизий анъаналарга содиқ бўлганлигидан гувоҳлик бериб: “Улуғбек тангаларидан ташқари, Темур вафотидан сўнг зарб этилган бирор бир тангада биз Темур исмини топмадик; темурийлардан бирортаси сулола асосчиси хотирасига бу каби эҳтиром кўрсатмаган эди”⁴.

Шу даврга оид Мирзо Улуғбекнинг сиёсий фаолиятига баҳо берувчи кам сонли тадқиқотларда ҳам В.В. Бартольд тадқиқотларида ишлаб чиқилган асосий ҳолатлар устуворлик қилган.

А.Э. Шмидт Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига бағишланган биринчи тўпلامдаги⁵ мақоласида, унинг сиёсий фаолиятига: “форс тарихчиси ҳукмдор сифатида Улуғбекни “Фаридун саховатию, Афлотун илмини” мужассамлаштирган деб тавсифлагани” ҳақиқатга анча яқин эди, – деб баҳо беради. Улуғбек ҳеч қачон ҳокимиятпарвар ҳукмдор бўлишдан қолмаган ва кўлда қурол билан ўзининг сиёсий мавқеини ҳимоя қилган, аммо бу унга ҳеч қачон Ўрта Осиё маданияти ва фани тарихида буюк роль ўйнаши учун халал бермаган”⁶лигини таъкидлайди.

¹ Гулямов Я.Г. К изучению эпохи Навои... С. 16.

² Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Соч. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 199.

³ Бартольд В.В. Монеты Улугбека. Соч. М.: Наука, 1966. Т. IV. С. 362-364.

⁴ Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь... С. 199.

⁵ Шмидт А.Э. Эпоха Мирзы Улугбека // Мирза Улугбек. Ташкент, 1925. С. 3-5.

* Кейинчалик бу анъанага айланди.

⁶ Шмидт А.Э. Эпоха Мирзы Улугбека... С. 5.

В.Л. Вяткин фикрига кўра эса¹, Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти унинг давлат ишларидаги фаолиятига асос солган тамал тоши бўлиб, маълум маънода, айрим бир фуқароларнинг қаршилик кўрсатишларига ҳам сабаб бўлган. “... У (Улуғбек – Ф.Ш.) Самарқандда ажойиб мадраса ва бошқа жамоат иншоотлари, Бухорода мадраса курдириб, темурийлар ва машхур кишиларнинг жўшқин бунёдкорлик ишларига қизиқиш билан қаради... Мирзо Улуғбек ўзига замондош олимлар, кейинчалик ёзувчию, шоирлар томонидан оқишланса-да, халқ оммаси, ҳарбий қатлам ва руҳонийлар томонидан қадрланмади, балки уларнинг душманлигини бошидан кечирди. Ҳарбий табақалар аввалги мавқеларини йўқотишганди, чунки Мирзо Улуғбек ҳарбий лашкарбошилар ўрнига олимларни ўзига яқин тутарди”².

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналар олимларнинг Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида илмий изланишларининг янада жонлантирилишига тurtки бўлди. Мазкур даврга тааллуқли ишлар орасида Ю.А. Якубовский ва Я.Ф. Ғуломов³ тадқиқотларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Аммо бу ишларда ҳам масалага XIV асрнинг бутун маданий ҳаёти доирасида қаралган, холос. Мирзо Улуғбекнинг давлат ишларидаги фаолиятига баҳо берар экан, бу муаллифлар В.В. Бартольднинг ишларида келтирилган асосий ҳолатларни қўллаб-қувватлайдилар. Жумладан, Я.Ф. Ғуломов ҳам В.Л. Вяткин каби унинг давлатчилик соҳасидаги фаолиятини: “... Унинг (Улуғбекнинг – Ф.Ш.) зиммасига масъулиятли ҳарбий-сиёсий вазифа – темурийлар давлати чегарасини кўриқлаш юклатилган эди...”. Бу эса улкан ҳарбий-сиёсий қобилиятни талаб қилар эди. “Улуғбек мохир саркардалик иқтидорига ҳам, маъмурий ишлардаги ўзига хос маҳоратга ҳам эга эмас эди...”⁴, – дея салбий баҳолайди.

М.Е. Массон ўз тадқиқотларида Мирзо Улуғбекнинг илмий ютуқларини ёритиш билан бир қаторда унинг давлат ишларидаги фаолиятига ҳам умумий таъриф беришга ҳаракат қилган⁵. Олимнинг фикрича, Мирзо Улуғбекнинг давлат бошқарувидаги нуқсонлари унда бу соҳада қобилияти йўқлиги билан эмас, балки ўртаосиёлик буюк мутафаккир яшаб, ижод қилган ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзига хослиги билан изоҳланади. “Ўз даврининг фарзанди ва ўз синфининг ҳукмдори, жаҳонгирнинг набираси ва у қолдирган мухташам пойтахтнинг меросхўри, йирик феодал, курашларда ўз ҳаққини ҳимоя қилган ҳукмдор, ўз кунларини давлат ишлари, юришлар, базму

¹ Вяткин В.А. Мирза Улуғбек и его обсерватория в Самарканде // Мирза Улуғбек. Ташкент, 1925. С. 6-8.

² Вяткин В.А. Мирза Улуғбек и его обсерватория в Самарканде... С. 6-8.

³ Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Алишер Навои. М.-Л., 1946; Гулямов Я.Г. К изучению эпохи Навои // Великий узбекский поэт. Под ред. М.Т. Айбека. Ташкент: Изд.-во Акад. Наук УзССР, 1948. С. 5-24.

⁴ Гулямов Я.Г. К изучению эпохи Навои... С. 11-12.

⁵ Массон М.Е. Обсерватория Улуғбека. Ташкент: Фан, 1941. С. 13-18.

жамшидлар ва ҳарамидаги бешта хотинига ҳамда олтига расмий канизагига тақсимлаган, ҳатто ов қилинган паррандаларнинг ҳам ҳисобини олиб борувчи шижоаткор шикор, келиб чиқиши аслзода бўлган Мирзо Улуғбек, шуларга қарамай, ўзининг илғор онгу шуури билан теурийлар сулоласининг ўзига замондош бошқа вакилларига нисбатан анча юқори турган ва ўз замонасининг ўта маданий тоифасига мансуб бўлган”¹.

1965 йилда Б.Аҳмедов асарининг чоп этирилиши билан Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида юзага келган қисқа танаффусга чек қўйилди. У шу давргача Мирзо Улуғбек илмий тарихий меросини ўрганишда мавжуд бўлган бўшлиқларни, жумладан, унинг сиёсий фаолияти билан боғлиқ масалаларни муайян даражада тўлдирди².

Улуғбекнинг ўз отаси ихтиёридан ташқарида ўтказган фаол ҳарбий-сиёсий ҳаракатларининг сабабларини таҳлил қилишга уриниб: “Улуғбекнинг ўзбошимчалик билан қилган ҳаракатлари, отаси олдида ўзининг мавқеини кўтариш ва ўз биродарлари – Бойсунқур, Муҳаммад Жўки ва бошқалар олдида ўзини кўрсатиш каби ҳолатлар билан изоҳланса керак. Бундан ташқари у, ўз бобоси Темурга ўхшашликка, гарчи ҳеч қачон уддасидан чиқа олмаган бўлса-да, унинг ишларини давом этиришга интилган”³, – деб таъкидлайди Б.А. Аҳмедов. Бевосита Улуғбек ва Шохруҳ даврига даҳлдор бўлган ва ўша даврда ёки ундан бироз кейинроқ ёзилган ёзма ёдгорликларни тадқиқ қилган Б.А. Аҳмедов уни: “давлат арбоби сифатида омадсиз ҳарбий кўмондон” бўлган. “Сиёсатчи сифатида уни Шохруҳ ва Бойсунқур ҳамда ўз акаси билан бир қаторга қўйиб бўлмайди... Биз бунга ишонч ҳосил қилдик”⁴, – деган хулосага келган.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги давр тадқиқотчилари, В.В. Бартольд томонидан Мирзо Улуғбекнинг ташқи сиёсий фаолиятига нисбатан берилган баҳога асосланган бўлсалар-да, деярли барча муаллифлар Улуғбек давлатидаги жўшқин маданий ҳаётни алоҳида таъкидлаганлар. Бу йўналишда Улуғбек ўша даврда Самарқандни дунёнинг илмий ва маданий ҳаёт марказига айлантирган бобоси Амир Темур яратиб кетган қулайликлардан имкон қадар самарали фойдаланган. Шу билан бирга, тадқиқотчилар ҳукмдор сифатида айнан Мирзо Улуғбек бу соҳада ташкилотчилик қобилиятини намоён қилганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадилар. Ўртаосиёлик олим фаолиятининг шу жиҳатига эътибор қаратган Я.Ғ. Ғуломов: “Қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, маданий соҳадаги фаолияти билан Улуғбек Навоийнинг ўтмишдоши бўлган эди”⁵, – деб таъкидлаган эди.

Мазкур давр тадқиқотларида ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга

¹ Массон М.Е. Обсерватория Улуғбека... С. 17.

² Аҳмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра первой половины XV в. ... С. 5-66.

³ Ўша асар, 33-бет.

⁴ Ўша асар, 36-бет.

⁵ Гулямов Я.Ғ. К изучению эпохи Навои... С. 12-14.

масалалар бир қадар изчилликда ёритиб ўтилган. Я.Ғ. Ғуломов ва Б.А. Аҳмедовлар Мирзо Улуғбек бошқарув давридаги Мовароуннахрнинг солиқ тизими ҳақида алоҳида маълумотларни келтириб ўтганлар. Жумладан, улар аҳолидан олинадиган турли хил солиқ ва ўлпонлар ҳақида¹, шунингдек, иншоотлар қурилиши ва қўшин таъминоти учун йиғиладиган йиғимлар ҳақида ёзганлар². Мирзо Улуғбекнинг солиқ сиёсати тавсиф берган қатор тадқиқотчилар мамлакатнинг деҳқончилик билан шуғулланадиган қисмидан олинадиган солиқ юкининг пасайтирилганлигини ҳамда савдо ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш соҳасига махсус йиғим – “тамға” жорий этилганлигини таъкидлаганлар³. Бу тадбир савдо-ҳунарманд доиралари ва руҳонийларнинг норозилигига сабаб бўлишига қарамай, тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бу даврда халқнинг очикдан-очик норозилик чиқишлари бўлмаган эди.

1428 – 1429 йилларда ўтказилган пул ислохотларини давлат иқтисодий ҳаётини изга солишга йўналтирилган тадбирлардан бири сифатида таъкидлаш жоиз. Ёзма манбаларда мазкур тадбир ҳақида бирор-бир маълумот йўқлиги боис, узок йиллар тадқиқотчилар ушбу ҳолатга нисбатан ўз фикрларини айтишдан тийилиб туришга мажбур бўлдилар. Бу масалага Е.А. Давидовичнинг XX асрнинг 50-йиллари давомида Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги тангаларнинг олтита хазинасидан топилган нумизматик материалларнинг таҳлили асосида бажарилган иши аниқлик киритиб, Мирзо Улуғбек пул ислохотларининг асосий мазмун ва хусусиятларини очиб берди⁴.

Ислохот 1420 йилда зарб этилган мис тангаларни таъқиқлашга ва 1428 – 1429 йилларда зарб этилган янги мис тангаларни муомалага киритишга; пул муомаласини тартибга солиш учун янги тангаларнинг оғирлигини эски намунадаги тангаларга нисбатан бир қадар оширишга; янги тангалар зарбини Бухоро ва бошқа шаҳарларда марказлаштиришга қаратилган эди⁵. Мазкур ислохот хазинани тушумлар орқали тўлдириш мақсадида ўтказилган эди. Е.А. Давидович бундан ўша даврда мавжуд феодал тузумга нисбатан ижобий баҳолаган эди. Ислохотнинг бундай бориши доимо “қора кунларига” пул ғамлаб қўядиган аҳолига зарар келтирган бўлса-да, хазина учун ижобий аҳамият касб этган.

Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросига оид тадқиқотларда унинг бунёдкорлик фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор берилган. Маълумки, мазкур давр қатор маҳобатли иншоотларнинг қад ростлаганлиги билан характерланиб, уларнинг айримлари бугунги кунгача сақланиб қолган ва жаҳон меъморий обидалари хазинасининг

¹ Гулямов Я.Г. К изучению эпохи Навои... С. 20-21; Ахмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра XV в. ... С. 35.

² Ахмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра XV в. ... С. 35.

³ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 132-133; Ахмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра XV в. ... С. 35-36 ва б.

⁴ Давидович Е.А. Материалы для характеристики денежной реформы Улуғбека // Из истории эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан, 1965. С. 274-299; Ўша муаллиф. Денежная реформа Улуғбека // История денежного обращения средневековой Средней Азии. М.: Наука, 1983. С. 165-186.

⁵ Давидович Е.А. Материалы для характеристики денежной реформы Улуғбека... С. 298.

рўйхатига киритилган. Мирзо Улуғбек даври иншоотлари ўз қурилиш услубига кўра, Амир Темур даври меъморчилик меросини бир қадар бойитди ва ривожлантирди.

Тадқиқотчилар Бухоро, Самарқанд, Ғиждувондаги мадрасалар тизими, Самарқанд ва Шахрисабздаги масжидлар, Самарқанддаги хонақо ҳамда ҳаммомлар, саройлар, хиёбонларни Улуғбек даврида қурилган машҳур иншоотлар сифатида ажратиб кўрсатадилар.

В.В. Бартольд Бухорода мадраса қурилишидан кўзланган мақсадни: “Улуғбек Бухоро рухонийларнинг мавқеини англаб етган ва уларнинг эътиборини қозонишга ҳаракат қилган; у томонидан Бухорода қурилган мадраса унинг даври бўйича дастлабки қурилишларидан бири бўлган; шу пайтнинг ўзидаёқ илми толибларга ва бошқа “муносиб” одамларга совғалар улашилган”¹, – деб изоҳлайди.

Самарқанд мадрасасининг бадий беагани тавсифлаган олим, бадий жиҳатдан мазкур иншоот Амир Темур давридаги иншоотлардан қолишмаганлигини, мустаҳкамлиги жиҳатидан ҳатто улардан ҳам устун бўлганлигини эътироф этади. Бундан ташқари, муаллиф ёзма манбалар асосида, мазкур ўқув даргоҳининг кейинги тақдири билан ҳам қизиқади².

Унинг сўзларига кўра, мадраса тўғрисида дарвешлар учун баланд гумбазли хонақо қурилган. Ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун мадраса ҳам, хонақо ҳам вақф мулкига айлантирилган эди.

Шу бобнинг ўзида В.В. Бартольд кейинги давр иншоотлари ҳақидаги маълумотларни келтиради. Жумладан, Заҳриддин Бобур келтириб ўтган Мирзо Улуғбек фармони билан қурилган машҳур ҳаммом, яъни халқ томонидан “Мирза ҳаммом” деб аталувчи иншоот ҳақидаги маълумотга кўра, бу бино ўз кўркемлиги билан бошқа ўз намунасидаги иншоотлардан анча устун турган³. Шунингдек, В.В. Бартольд ўз асарида Мирзо Улуғбекнинг шаҳар ташқарисидаги айрим қурилишлари, жумладан, баъзи маълумотларга кўра, Амир Темур даврида асос солинган Боғи Майдон боғи⁴, икки қаватли қилиб қурилган Чил устун биноси ҳамда чорбоғда қад ростлаган ва деворлари Хитойдан келтирилган чинни билан қопланган айвоннинг тикланиши ҳақида ҳам маълумот келтириб ўтган⁵.

Юқорида эслатилган Бухоро ва Самарқанддаги мадраса ҳамда хонақолардан ташқари диний мақсадлар учун қурилган бошқа бинолар ҳақида, муаллиф бу масала бўйича манбаларда бирор-бир маълумот йўқлиги боис ҳам ўз монографиясида тўхталиб ўтмаган. Аммо, 1967 йилда И.И. Умняков томонидан тайёрланган В.В. Бартольднинг кейинги нашрларидаги сўнгги илмий ахборотларда келтирилган иқтибосларда Мирзо Улуғбек даврида бунёд этилган Ғиждувондаги мадраса ҳамда,

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 124-125.

² Ўша асар, 127-бет.

³ Ўша асар, 130бет.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда. Бошқа тадқиқотларда ҳам бу ҳақида маълумотлар бор.

Шахрисабздаги жомъе масжиди ва мақбара ҳақида маълумотлар учрайди¹.

Агар Мирзо Улуғбек қурилишлари ҳақида В.В. Бартольд келтирган маълумотлар учун асосан ёзма манбалардаги материаллар асос бўлган бўлса, мазкур масала бўйича иш олиб борган кейинги давр тадқиқотчиларининг ишлари учун кенг кўламдаги археологик, нумизматик ва бошқа манбаларнинг жалб қилинганлигини кузатиш мумкин. М.Е. Массоннинг Самарқанддаги Регистон тарихига бағишланган тадқиқотларида² ҳамда мазкур мажмуага кирувчи учала мадраса тавсифланганда Улуғбек мадрасаси уларнинг биринчиси эди, деб айтилади. Муаллиф ўрта аср бунёдкорларининг маҳорати олдидаги ўз ҳайратини яширолмайди. У мазкур мадрасанинг ҳар бир элементи – бинонинг олд қисми, арки, кошиндаги ёзувлари, мрамар лавҳлар билан деворларга ишлов беришдаги сифати, ҳандасавий безакларнинг “орасида бир безак иккинчисини такрорламаслиги”³ каби жиҳатларни батафсил тасвирлаб ўтган. Ишда мадраса пештоқидаги битик мазмуни: “Бу бино асосчиси буюк султон, султоннинг ўғли, тинчлик ва иймон ҳомийси Улуғбек Кўрагон”⁴ жумласи келтириб ўтилади. Ушбу мадраса тарихини ёритар экан, М.Е. Массон унинг олий диний мактаб сифатидаги вазифаси 1918 йилда большевиклар ҳукуматининг махсус кўрсатмасига биноан тугатилганлигини ҳам таъкидлайди⁵.

XVII асрда Улуғбек хонақоси ўрнига Шердор мадрасаси қурилганлиги ҳақидаги маълумотларни излаган муаллиф, ёзма манбаларда, жумладан “Бобурнома” тарихий асарида учраган қисқача маълумот билан қаноатланишга мажбур бўлди. Заҳириддин Бобур маълумотларига суяниб, М.Е. Массон хонақо гумбази ҳажми беқиёс даражада катта бўлганлиги сабабли ҳам “бино бевақт ҳалокатга юз тутган”⁶, деган хулосага келган.

М.Е. Массоннинг бошқа бир тадқиқотида Улуғбек бошқаруви давридаги Самарқанднинг меъморий қиёфаси акс эттирилган⁷. Муаллиф ўртаосиёлик ҳукмдор даврдан қолган мазкур меъморий меросни ижобий баҳолаган.

Мирзо Улуғбек фаолиятида Амир Темурдан қолган меъморий меросни сақлаш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу далилнинг исботи учун М.Е. Массон Улуғбек томонидан “Биби Хоним” масжиди сифатида машҳур бўлган Темур жомъесига “Қуръон” учун маҳобатли мрамар лавҳ” ўрнатилганлигини ва у ҳозирги кунгача сақланиб турганлигини таъкидлаган⁸.

¹ Қаранг: Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 133, 83-иктибос.

² Массон М.Е. Регистан и его медресе. Ташкент: Узгиз, 1926. № 2. – 32 с. Иккинчи нашри: Самарқанд: Типо-лит. № 3 Узполиграфтреста, 1929. – 32 с.

³ Массон М.Е. Регистан и его медресе... С. 6.

⁴ Ўша асар, 4-бет.

⁵ Ўша асар, 29-бет, 1-иктибос.

⁶ Ўша асар, 12-13.

⁷ Массон М.Е. Самарқанд времени Улуғбека // Звезда Востока. 1948. № 5. С. 89-101.

⁸ Ўша асар, 95-бет.

М.Е. Массон ишида таърифланган иншоотлардан яна бири – бу юкорида эслатилган “Мирзо ҳаммоми” бўлиб, ўзига хос мазкур меъморий ансамбль Регистоннинг жануби-ғарбида жойлашган эди. Тадқиқотчининг маълумотиغا кўра, унинг полига “хилма-хил тош бўлаклари тўшалган. Ҳаммомлар шаҳарларнинг энг диққатга сазовор жойларидан ҳисобланиб, бунга ўхшашлари на Самарқанд мулкида, на Хуросонда бўлмаган. Шундай бўлишига қарамай, XV асрда Самарқандда бир неча ажойиб ҳаммомлар бўлиб, уларни ҳукмдорлар, шахзодалар, оқсуяк табақа вакиллари ва ҳатто йирик руҳоний шахслар ҳам қурдиришган”¹.

Ўрта Осиё шаҳарларининг касбий белгилари бўйича маҳаллаларга бўлиниши, ўрта асрлардаги, жумладан, Мирзо Улуғбек давридаги Самарқандга ҳам хос хусусият эди. Тадқиқ этилаётган даврдаги Самарқанднинг тузилишини М.Е. Массон: “Наққошон, Чўпон каби кўчалари бўлган. Шаҳарнинг бир қисмида ўзига хос “немис слободаси (қишлоғи)” бўлиб, бу ерда европаликлар манзилгоҳи (колонияси) жойлашгани боис, уни “христианлар кўчаси” деб номлашган эди”², – деб таъкидлайди. Мазкур даврдаги Самарқанд аҳолисининг этник таркиби ҳақида маълумот катта илмий қийматга эга. Муаллиф Самарқанд бозорларида тез-тез учраб турадиган яҳудийлар, араблар, форслар, ҳиндлар, усмонлилар, кўчманчи ўзбеклар, арманлар, юнон (грек)лар, хитойликлар, Мўғулистон аҳолиси, лўлилар, ҳабаш (аббисин)лар ва бошқа этнослар ҳақида маълумот беради³. Бу каби ахборотлар, жумладан, Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги аҳолиси таркибини аниқлашда этнология соҳаси тадқиқотчилари учун қимматли ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек ўлиmidан кейинги Мовароуннаҳрнинг маданий ҳаётини тавсифлаган М.Е. Массон Хўжа Аҳрорнинг бу даврда тутган ўрнига салбий баҳо бериб: “бу янги даврда Самарқанд буткул ҳалокатга учрамади. Бироқ, шундай бўлса-да, ўта тажовузкор дарвешийлик ва ўн йилларча бу боқимандаларнинг мафкуравий раҳнамоси бўлган Хўжа Аҳрор фаолияти жамият ҳаётида ўз изини қолдирди. Унинг (Улуғбекнинг – Ф.Ш.) мадрасасидан дунё фанларининг мударрислари сиқиб чиқарилди. Кимсасиз қолган расадхона батамом бўшаб қолди. Самарқандда илмий фаолият тўхтади”⁴, – деб ёзган эди.

Хўжа Аҳрор фаолиятини бундай талқин қилиш совет тарихшунослигида анча кенг тарқалган бўлиб, бу коммунистик мафкуранинг ғоявий қолипларига мос келарди. Мустақиллик йилларида тадқиқотчилар янги материаллардаги далиллар асосида бу қарашни тубдан ўзгартирдилар. Ҳақиқатда эса, Хўжа Аҳрор ислом дини ривожига кўмаклашган ҳолда, Мирзо Улуғбекнинг ўлимига ҳеч қандай даҳли бўлмаган.

Улуғбек давридаги Самарқанд бўйлаб қилган ҳаёлий сайёҳатини

¹ Массон М.Е. Самарқанд времени Улуғбека.... С. 98.

² Ўша асар, 95-бет.

³ Ўша асар, 97-бет.

⁴ Ўша асар, 90-бет.

хулосалаб, М.Е. Массон: “Улуғбекнинг пойтахти бу пайтда ўз замонасидаги Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан (жумладан Бухородан) меъморчилик услубида хилма-хилликнинг йўқлиги билан бир қадар фарқланган”, – деб, – “алоҳида жойлашган катта ҳажмдаги меъморий мажмуаларнинг йўқотилганлиги боис ҳам айрим меъморий ансамблларнинг лойиҳаси аниқ қандай бўлганлигини тасаввур қилиш жуда қийин. Гарчи шундай бўлса-да, бу пайтдаги Самарқанднинг меъморчилик тархлари ечими юксак даражада бўлган. Шу боис ҳам бу даврда феодал маданияти гуллаб-яшнаганлигини илғаб олиш қийин эмас”¹, – деган хулосага келган.

М.Е. Массон тадқиқотлари ёзма манбаларни изчил ўрганишга ва меъморий обидаларнинг чуқур таҳлилига асосланганлиги сабаб, унинг маълумотлари Мирзо Улуғбек давридаги Самарқанднинг ташқи қиёфасига хос асосий чизгиларни муайян даражада тиклаш имконини берди.

Совет даврида Мирзо Улуғбекнинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ изланишлар тарихини тадқиқ қилишда кўхна обидаларни сақлаш бўйича Комиссия – “Самкомстарис” фаолиятини эслатиб ўтмасликнинг иложи йўқ. 1920 йилда Самарқанда россиялик тадқиқотчилар саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур ташкилот Ўрта Осиёнинг маданий ёдгорликларини ўрганиш, сақлаш ва муҳофаза этиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Мазкур ташкилот амалга оширган муҳим тадбирлардан бири – Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг “қулаётган минораси”ни кутқариб қолиш бўйича лойиҳа бўлди. Минорани кутқариш бўйича илк тадбирлар М.Е. Массон томонидан нашр этилган иккита рисолада баён этилган².

Анча кейинроқ М.Е. Массоннинг илмий-оммабоп рисоласи нашр этилди³. Унда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг шимолий-шарқий минорасини кутқариш борасидаги бутун воқеалар батафсил тасвирланган. Маълумки, мадрасанинг шимолий-шарқий минорасидаги оғишнинг ҳосил бўлиши 1918 йилдаёқ аниқланган бўлиб, бу унинг қулаш хавфини жиддий оширган эди. Уни сақлаб қолиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш бир неча йилларни талаб қилди. Бу жараён 1932 йилдагина тугатилди, чунки унинг мувоффақиятли амалга ошиши кўп жиҳатдан иттифоқ ҳукумати томонидан ажратиладиган молиялаштиришнинг ижобий ҳал қилиниши билан боғлиқ эди. Бу масалада Республика ва Марказ илмий муассасалари ҳамда давлат ташкилотлари ўртасида жадал равишдаги ёзишмалар бўлиб ўтди⁴. Шу давр мабойнида миноранинг ўрта қисми ёғоч қуллоб (корсет)лар билан ўралиб, улар ўз навбатида темир арқон (трос)лар билан мустаҳкамланиб, ерга қазиб ўрнатилган ёғоч

¹ Массон М.Е. Самарқанд ва вақти Улуғбека... С. 100-101.

² Массон М.Е. Регистан ва ёго медресе... С. 29..

³ Массон М.Е. Падающий минарет. Ташкент: Ўзбекистан, 1968. – 44 с.

⁴ ЎзР МДА, 394-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 23а, 34-39, 49, 388, 391-варақлар; 28-иш, 380-382-варақлар.

лангарларга тортилди.

Минорани кутқариш бўйича лойиҳа устида олиб борилган иш жараёнида пухта ўлчамлар ва аниқ математик ҳисоб-китоблар ўтказилган бўлса-да, айрим жиҳатлар қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. У пайтда “Самкомстарис”нинг энг ёш ходими бўлган ва лойиҳани тайёрлашда бевосита иштирок этган М.Е. Массоннинг эътироф этишича, минорани кутқариш 1920 йилда ва ундан кейин ҳам “Самкомстарис” инженер-техник шўъбасининг энг “оғрикли” муаммоларидан бири ҳисобланган¹.

Шундай бўлишига карамай, архитектор М.Ф. Мауер илмий лойиҳаси асосида олиб борилган тиклаш ишлари натижасида 500 йил аввал Самарқандда бунёд этилган Мирзо Улуғбек мадраси минораларидан бири ҳамда Регистон майдонининг ажойиб кўринишдаги композицион ҳолат сақлаб қолинди.

Г.А. Пугаченкова ўз ишлари билан тадқиқ этилаётган даврдаги меъморий иншоотларни ўрганишга катта ҳисса қўшди. Муаллиф ўрта асрлардаги иншоотлар бўйича йирик мутахассис сифатида ўз асарларида Мирзо Улуғбек даврида нафақат Самарқандда, балки Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларида қад ростлаган асосий меъморий иншоотларнинг ўзига хослигини муфассал тавсиф этди².

Олима XV асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган барча иншоотларни уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб: диний-эътиқодий, дунёвий, муҳандислик, кўрғон бинолари ҳамда Улуғбек расадхонаси сингари мутлақо яқка тартибда қурилган иншоотлар каби тоифаларга бўлди³. “Афсуски, – деб таъкидлайди муаллиф, – бизгача етиб келган Улуғбек даври ёдгорликларининг айримларини истисно қилмаганда, улар диний-эътиқодий бинолар сирасига киради”⁴.

Мазкур даврга оид учта диний таълим муассасаси орасидан, муаллиф Самарқанддаги мадрасани алоҳида ажратиб кўрсатади. Шу ўринда Г.А. Пугаченкованинг ҳар бир иншоотга нисбатан билдирган асосий фикрларини келтириб ўтадим. Бухородаги Улуғбек мадрасаси, 1417 йилда мухташам ва мутаносиб уйғунликни мужассам этган ҳолда мустаҳкам қилиб қурилган. У икки чуқур қуббали айвонга ҳамда атрофи икки қават хужралар билан ўралган тўғри тўртбурчакли ҳовлига эга бўлган. Бинога “кириш эшигига ўша давр руҳига мос – “Илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган ёзув битилган⁵.

Ғиждувондаги мадрасанинг (1433 йил) тикланиши ҳам аввалги мадраса каби бўлган. Аммо у бир қаватли бўлгани боис, ҳажми

¹ Массон М.Е. Падающий минарет... С. 19.

² Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека // Из истории эпохи Улугбека. Ташкент: Наука, 1965. С. 227-255; Ўша муаллиф. Архитектурная композиция обсерватории Улугбека // ОНУ. 1969. № 3. С. 30-42; Ўша муаллиф. Архитектура в конце XIV – XV в. // История Самарканда. Ташкент: Фан, 1969. Т. 1. С. 237-254 ва б.

³ Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека... С. 230.

⁴ Ўша асар, 230-бет.

⁵ Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Ленинград, 1933. С. 62.

жиҳатидан Бухородагидан кичикроқ эди. Г.А. Пугаченкованинг фикрича, “XV аср биринчи ярмидаги маҳобатли иморатсозликнинг мумтоз намунаси сифатида Ўрта Осиё меъморчилик мероси хазинасига”¹ кирувчи Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси “Ўрта Осиё мадрасалари орасида ўзининг бир қадар ёрқин, асл мумтоз ечимини” топган.

Диний-эътиқодий иншоотлар орасидаги мақбаралар ичидан муаллиф Гўри Амир хилхонасининг меъморий қурилишини алоҳида ажратиб кўрсатади. Маълумки, ушбу иншоотнинг қурилиши Амир Темур даврида бошланган, аммо у Мирзо Улуғбек бошқаруви давридагина тугалланган. Г.А. Пугаченкованинг фикрича: “Гўри Амир (1403-1404) хилхонаси имкон қадар ўзида аслзодаларга хос меъморий тимсолни акс эттирган. Содда ва аниқ бичимларнинг бирикуви, шаклларнинг моҳияти, катта ўлчамдаги безак ва жилоларнинг ҳашамдорлиги орқали бу ерга дафн этилган шахснинг буюклиги, фоний дунёнинг тантанавор сукунати ғоясига эришилган”². Монографияда Мирзо Улуғбек даврида бунёд этилган бошқа даҳмалар: Туркистон шаҳридаги Робиябегим мақбараси, Қозизода Румийга тегишли деб талқин қилинувчи (Самарқанднинг Шоҳи-зинда мажмуасидаги) мақбара, Мақбарат Улуғбек (Шаҳрисабздаги Гумбази Сайидон (1435))лар ҳам изчилликда тавсиф этилган.

Тадқиқ этилаётган даврдаги меъморий услубнинг ўзига хослиги, Г.А.Пугаченкованинг фикрича, иншоотларнинг мажмуа ҳолатида эканлигида, яъни бир неча иншоотларнинг ёнма-ён қурилиб, ягона даста ташкил этишида намоён бўлади. Меъморий ечимнинг худди шундай мумтоз намунаси сифатида у, Регистон майдонини ва ундаги Улуғбек мадрасаси, Улуғбек хонақоси, Мирзо-йи карвонсаройи ва Алика Кўкалдош масжидларини келтириб ўтади³.

Муаллиф мазкур даврга оид масжидлар орасидан 1435 – 1436 йилларда қурилган Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз масжидини ажратиб кўрсатади. Ушбу иншоот, ўзига хос номутаносиб ечими билан ажралиб турса-да, унда меъморчиликнинг анъанавий шакли сақланиб қолган ҳамда ундан анча аввал бунёд этилган мақбара ва мадраса ҳам ушбу ансамбл қатордан ўрин олган.

Г.А. Пугаченкова қазимша ва тадқиқот ишлари бутун XX аср мобайнида давом эттирилган ва бир неча бор илмий баҳсларга сабаб бўлган Улуғбек расадхонасини бу даврнинг энг машҳур иншооти деб атайди*. Мазкур меъморий дурдонанинг ўрта асрлардаги бошқа меъморий иншоотлар орасида ноёб эканлигига тавсиф берган Г.А. Пугаченкова: “мутлақ ўзига хос бўлган Шарқ иморатсозлигининг бирор бир бошқа анъанавий иншоотларига ўхшамаган меъморий ечими билан бу бино ўз замондошлари тасаввурини лол қолдирмаслиги мумкин эмас

¹ Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека... С. 244, 247.

² Ўша асар, 247-бет.

³ Ўша асар, 253-бет.

* Бу ҳақда батафсилроқ кейинги параграфда.

эди”¹, – деб қайд этган эди.

“Халқ иморатсозлиги даҳоси XV аср Ўрта Осиё шаҳарлари қиёфасини шакллантирган”лигини² қайд этиб, Г.А. Пугаченкова бу даврнинг машҳур меъморий обидалар қурилишини ташкил қилишда Мирзо Улуғбекнинг хизматлари алоҳида бўлганлигини алоҳида таъкидлаган.

Мирзо Улуғбекнинг сиёсий фаолияти қисман Т.Н. Қори-Ниёзийнинг тадқиқотларидан ҳам ўрин олган³. Мирзо Улуғбек асос солган астрономия мактаби эришган ютуқларни ёритиш асносида, у ўша даврдаги тарихий манзарани ҳам қайта тиклашга ҳаракат қилди. Ўрта асрлар даврининг икки буюк арбоби – Амир Темур ва Мирзо Улуғбек фаолиятини таққослаган муаллиф Улуғбекнинг сиёсат бобидаги омадсизлиги авваламбор унинг ғоялари ўз замонасидан илгарилаб кетганлигида эди, шу боис ҳам у ўз фуқаролари орасида қўллаб-қувватланмади, деган хулосага келди. “Улуғбек, – деб таъкидлайди Т.Н. Қори-Ниёзий, – аввал ўтган кўплаб бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўларок, давлат арбоби сифатида эмас, балки ҳақиқий олим сифатида шуҳрат қозонди. Қолаверса, Улуғбекнинг илм-фанга ихлоси, маълум маънода, унинг давлат ишларидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатди”⁴.

Мирзо Улуғбекка бағишланган илмий адабиётларда Улуғбекнинг фожиали ўлимига олиб келган ўғли Абдуллатиф билан кечган зиддияти қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. 1447 йилда Шохрух вафот этгач, сулола ичида бошланган ўзаро кураш бу зиддиятнинг дастлабки баҳонаси бўлган эди. Бу зиддиятда Мирзо Улуғбек ва унга яқин одамлар – ўғли Абдуллатиф ва онаси Гавҳаршодбегимнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келди. Шохрухнинг “тирик қолган” ягона катта ўғли Мирзо Улуғбек бўлиб, у ўзини отасининг қонуний меросхўри деб ҳисоблаган ва тахтга ворислик ҳуқуқи борлигини эълон қилган эди⁵. Ҳокимият учун курашда Гавҳаршодбегим ҳам фаол иштирок этиб, тахтга ўз гумаштаси Бойсунқурнинг ўғли Алауддавлани қўйишга ҳаракат қилди. Аммо, Улуғбек билан очиқчасига тўқнашувни жазм этмаган Гавҳаршодбегим фитна-фужур ўйинларига қўл уришга мажбур бўлди.

Б.А. Аҳмедовнинг Абдуллатифнинг қобилияти ва тахтга даъвосининг қонунийлиги ҳақидаги маълумотлари қизиқарли: “Шохрух ўз умрининг сўнгги йилларида лашкарбоши сифатида тажриба ва жасорат хислатларига эга бўлган Абдуллатифга катта эътибор қаратди ва унга

¹ Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека... С. 236.

² Ўша асар, 255-бет.

³ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. М.: Наука, 1950; 2-е изд. Изб. труды. Т. 6. Ташкент: Фан, 1967.

⁴ Ўша асар, 85-86-бетлра.

⁵ Бартольд В.В. Улугбек и его время... С. 148; Ахмедов Б.А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра... С. 60.

ихлос билдирди, Алауддавла ва бошқа набираларида эса бундай жиҳатлар бор деб айтиб бўлмасди”¹. Бунинг исботи сифатида тадқиқотчи, Абдураззоқ Самарқандийнинг Шохрух ўлиmidан бир кун олдин унинг номидан Абдуллатиф хузурига икки вазири келиб, “унинг олдида қандайдир ёрликка муҳр босишган, эҳтимол бу Абдуллатифни тахтга ворис этиб тайинлаш тўғрисидаги фармон бўлиши мумкин”, – деган маълумотларини келтиради².

Мирзо Улуғбек томонидан йўл қўйилган қатор стратегик хатолар, шунингдек, унинг мавқеини тушириш учун ҳаракат қилаётган турли кучларнинг фаоллиги отани ўғил билан очикчасига зиддиятга боришига олиб келди. Бу зиддиятнинг муфассал баёни В.В. Бартольд тадқиқотида келтирилиб³, унда мавжуд вазиятга баҳо берилган ҳамда салтанатни марказлаштирувчи кучларни бирлаштириш ўрнига, ота ва ўғил ўртасида уруш бошланганлиги ҳақида гап боради⁴.

Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасида бўлиб ўтган ҳал қилувчи жанг санаси хусусида В.В. Бартольд куйидаги маълумотларни келтирган: “Ота ва ўғил ўртасидаги жанг Самарқанд атрофидаги Дамашқ яқинида, шаъбон ойида, яъни 1449 йилнинг сентябрь ёки октябрь ойида кечган”⁵. В.В. Бартольд асари нашридан ярим аср ўтгач, 1969 йилда бошқа бир тадқиқотчи П.Г. Булгаков жанг бўлиб ўтган санани анча аниқроқ келтириб: “саккиз юз учинчи йил шаъбон ойининг йигирма саккизинчи куни, яъни жума куни содир бўлган”, – деб ёзган, бу эса муаллифнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1449 йилнинг 17 октябрига мос тушади⁶.

Абдуллатифнинг жангдаги ғалабаси Мирзо Улуғбек сиёсатига қарши кайфиятда бўлган бир гуруҳ диний муҳолифат вакиллари учун қўл келди. Улар мағлубиятга учраган хумдор устида шариат маҳкама-сини уюштиришиб, расмий равишда Абдуллатифни Мовароуннаҳр тахтига келишига имкон берувчи қарор (фатво) қабул қилдилар. Улуғбекнинг ўлими (1449 йилнинг 25 октябри) ҳақида В.В. Бартольд келтириб ўтган далиллар машҳур муаррих Мирхонд (1433-1498 йилларда яшаган) маълумотларига асосланган бўлиб, бу маълумотларни у ўз навбатида Улуғбекни Маккага кузатиб бораётган ҳожи Муҳаммад Ҳусров оғзидан ёзиб олган эди⁷.

П.Г. Булгаков жанг бўлиб ўтган ва Улуғбек ўлдирилган санани таққослаб: “Улуғбек ҳаж сафаридан олдин “дуоғўй” ўғли билан фақат саккиз кун яшади. Қолаверса, бунга Улуғбекнинг Самарқандга, сўнг Шохруҳияга яширинишга бўлган ҳаракат вақти ҳамда ўғли билан олиб

¹ Ахмедов Б.А. Улуғбек и политическая жизнь Мавераннахра... С. 58.

² Ўша жойда.

³ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 156-158.

⁴ Ўша асар, 156-157-бетлар.

⁵ Ўша асар, 158-бет.

⁶ Булгаков П.Г. К биографии Улуғбека // ОНУ. 1969. № 8-9. С. 99-100.

⁷ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 151-152.

борган музокоралари ҳам киради. Шундай қилиб, Абдуллатиф томонидан “нуфузли” имомлар маҳкамасининг ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши, ўлимга фатво чиқарилиши, тайёргарлик кўрилиши ҳамда унинг амалга оширилиши – буларнинг барчаси ниҳоятда шошилинич равишда, қандайдир икки-уч кун ичида бўлиб ўтган”¹, – деган хулосага келди.

Ҳозиргача Улуғбекнинг жасади дафн этилган вақт ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. В.В. Бартольд, тарихий асарларда бу воқеа ҳақида бирор бир маълумот учрамаслигини таъкидлайди.

Катта ҳажмдаги манбавий материалларни жалб қилган В.В. Бартольд Мирзо Улуғбекнинг сиёсий фаолияти билан боғлиқ кўплаб жиҳатларни изчил кўриб чиқиш имконига эга бўлган. Аммо у, ҳукмдорнинг фаолияти бўйича фикр билдириб, Мирзо Улуғбек бошқарув даврини “нисбатан юмшоқ” бўлганлигини эслатиб ўтишдан бўлак аниқ умумий хулоса қила олмади. Муаллиф ўз қарашларини: “ҳукмдор сифатида Улуғбек аҳоли меҳрини қозона олганлиги эҳтимоли камроқ бўлса-да, маълум бўлишича, унинг давлатида то 1447 йилгача қўзғалонлар содир бўлмади”², – дейиш билан қифояланди.

Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг Мовароуннаҳр пойтахтидаги маданий ва илмий ҳаётнинг аҳволини таърифлаган В.В. Бартольд: “Самарқандда илмий ҳаёт батамом тўхтаб қолмаган бўлса-да, энди Самарқандда Улуғбек жорий этган аниқ фанлар учун муносиб замин топилмади...”³, – деб ёзган эди.

Ҳукмдор сифатида Мирзо Улуғбекнинг мағлубиятга учраши сабаблари совет давридаги тадқиқотчиларнинг ишларида турлича талқин қилинади. Жумладан, Б.А. Аҳмедов “тинимсиз феодал низолардан ва муваффақиятсиз ҳарбий юришлардан ўта ночор аҳволга тушиб қолган Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолиси уни қўллаб-қувватламади; ундан қўшин ҳам, асосан унинг юқори табақалари юз ўғирди, чунки уларни фақат ғалаба сари етаклайдиган ва янада кўпроқ ўлжалар билан таъминлай оладиган кўмондон қаноатлантира оларди”⁴, – деб таъкидлаган.

А.Ю. Якубовскийнинг фикрича, бунинг сабаби бошқа нарсада, хусусан: “Улуғбекнинг дунёвий фанлар билан қизиқиши, диний мутаассибларнинг кескин норозилигини келтириб чиқармаслиги мумкин эмас эди. Улуғбекнинг ўзини бемулоҳаза тутиши (тинимсиз маишатбозлиги ва шикорлари)дан фойдаланган тажовузкор кучлар йил сайин ўз норозиликларини очикчасига билдира бордилар. Бу эса оғир солиқлардан эзилган халқ оммасига таъсир ўтказмай қолмади. Ҳукмдорга қарши

¹ Булгаков П.Г. К биографии Улугбека... С. 100.

² Бартольд В.В. Улугбек и его время... С. 133.

³ Ўша асар, 174-бет.

⁴ Ахмедов Б.А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра... С. 64-65.

тарғиботнинг кучайтирилиши натижасида 1449 йилда у ўлдирилган эди”¹, – деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала тадқиқотчининг юқорида келтириб ўтган баҳоси Мирзо Улуғбекнинг мағлубияти сабаби борасида совет тарихшунослиги нуқтаи назарини ўзида акс эттирганлиги билан характерланади.

Шундай қилиб, Мирзо Улуғбекнинг давлат ишлари билан боғлиқ фаолиятининг турли жиҳатларига бағишланган совет давридаги илмий адабиётлар таҳлиliga хулоса қилиб қуйидаги фикрларни айтиш мумкин:

– мазкур даврдаги тарихий адабиётларда асосий урғу Мирзо Улуғбекнинг илмий-маданий меросини ўрганишга берилди ва унинг сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни тадқиқ қилиш кўпроқ шу масалага дахлдор айрим маълумотлар билан чекланди, холос;

– Мирзо Улуғбек давридаги меъморий мерос совет даври тадқиқотларида юқори баҳоланди. Қатор тадқиқотчилар Мирзо Улуғбекнинг Амир Темур даврида яратилган меъморчилик мактабини сақлаш ва ривожлантиришдаги муҳим ролини алоҳида таъкидладилар;

– Улуғбек ва руҳонийларнинг муҳолиф қисми ўртасида, жумладан, хожагон-нақшбандия сўфийлик тарикатининг раҳномоларидан бири – Хожа Аҳрор билан кечган қарама-қаршилиги маърифатли ҳукмдор ва “мутаассиб” – диний арбоб ўртасидаги зиддият сифатида ёритилди. Бу динни тажовузкор куч эканлигини таъкидловчи совет мафкуравий тизимига айнан мос келарди;

– совет тарих мактаби тадқиқотларида акс этган Мирзо Улуғбекнинг тахтдан маҳрум этилиши Улуғбекнинг давлатчилик фаолиятидаги тадбирлари тадқиқ қилинаётган даврнинг руҳи ва талабларига мос келмаганлиги билан изоҳланди.

Умуман олганда, Мирзо Улуғбек фаолиятини баҳолашдаги айрим мафкуравий чекланишларга қарамай, эътироф этиш керакки, совет даври тадқиқотларида унинг давлат ишлари билан боғлиқ фаолиятининг турли жиҳатлари кўриб чиқилди. Бу ҳақдаги илмий тасаввурлар анча кенгайиб, кенг кўламдаги манбавий материаллар илмий муомалага киритилди, шунингдек, мазкур даврга оид меъморий меросни сақлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

¹ Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Ленинград, 1933. С. 64.

2. Илм-фан тараққиётида Мирзо Улуғбекнинг роли: муаммонинг ўрганилиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари

Совет даври тарихшунослиги ўрта асрлар даврида яратилган Ўрта Осиё халқлари илмий меросини ўрганишга фаол киришганлиги билан характерланади. Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида СССР ФА тарих бўйича билимлар Комиссияси муҳим роль ўйнаб, унинг таркибига таниқли олимлар, маданият ва санъат арбоблари киритилди. Ўрта асрлар даврига оид математик, астрономик ва табиий фанлар тараққиёти, жумладан, алоҳида қомусий олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда илмий фаолияти кабиларни ўрганиш масаласи уларнинг диққат марказида турарди. Бу йўналишда ўрта асрлар давридаги мазкур минтақанинг гуллаб-яшнашига ўзининг беқиёс илмий тафаккури билан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбекнинг илмий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мирзо Улуғбек илмий меросини ёритувчи совет давридаги барча илмий тадқиқот адабиётларини мазмунига кўра шартли равишда қуйидагича йўналишлар бўйича гуруҳлаш мумкин: 1) “Зижи жадиди Кўрағони”ни ўрганиш; 2) Улуғбек расадхонаси ва унинг қурилиш санасини белгилаш; 3) расадхонанинг бош ускунаси ва унинг вазифасини аниқлаш; 4) расадхонанинг тақдири ва Улуғбек ўлиmidан кейин илм-фаннинг аҳволи; 5) Улуғбек расадхонаси ташқи кўринишини қайта тиклаш ва таъмирлаш ҳамда унинг моҳияти.

Мазкур масала доирасида совет даврида катта ҳажмдаги илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп адабиётлар нашр этилди. Тадқиқотлар турли соҳа олимлари, яъни тарихчилар, археологлар, астрономлар, математиклар, фан тарихчилари, архитекторлар томонидан олиб борилиб, улар юқорида эслатилган муаммоларни комплекс ёки алоҳида тарзда кўриб чиқдилар. Шу муносабат билан бундай катта ҳажмдаги адабиётларни йиғиш, саралаш, ўрганиш ва таҳлил этиш ўзига хос мураккаб вазифа ҳисобланади. Шу боис мазкур мавзу бўйича 1917 – 1991 йилларда нашр этилган барча адабиётларни комплекс тарзда кўриб чиқишда уларни ўн йилликларга бўлиб ўрганиш анча қулайлик туғдиради.

Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти бўйича асарлар тарихшунослигини ўрганиш ишини ўз аҳамияти ва кўплаб бошқа тадқиқотларга ўз таъсирини ўтказган академик В.В. Бартольднинг фундаментал монографиясидан¹ бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, В.В. Бартольд аввал-бошдан Мирзо Улуғбек шахсига “идеалист олим, ўзини илм-фанга бахшида этган, ўз замонасидан ташқарида бўлган инсон”² каби баландпарвоз таърифларга

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время / Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 23-196.

² Сикора И.И. О памятнике Улуғбеку / Известия Туркестанского отделения Императорского Русского географического общества. 1913. Т. 9. С. 78-83.

ўз норозилигини билдириб келган. Мирзо Улуғбек бошқарувининг узок давом этганлигини ҳисобга олсак, бу ҳолат унинг давлат бошқарувидаги иштирокисиз амалга ошмаганлиги борасидаги муаллифнинг қарашларини тушуниш мумкин.

Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг бошланишини ёритар экан, тадқиқотчи: “қачон ва кимнинг таъсирида унда илмга ихлос пайдо бўлганлиги ҳақидаги саволга манбалар жавоб бермайди”, – деган далилни келтириб ўтиб, “у (Улуғбек – Ф.Ш.) Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгачгина, фан билан шуғулланишни бошлаган”лигини¹ тахмин қилган. Шу билан бирга, В.В. Бартольд Улуғбекни “Зижи жадиди Кўрагоний”нинг ҳақиқий муаллифи эканлигини тан олган.

Расадхонани жаҳон илмий тафаккурининг кейинги тараққиёти учун аҳамиятига ўз муносабатини билдирган В.В. Бартольд расадхона узок фаолият кўрсатмагани боис бўлса керак: “Улуғбек расадхонасига 1259 йилда қурилиб, 1300 йилгача фаолият юритган Насириддин Тусийнинг Мароға расадхонасичалик фан тараққиётига таъсир этиш насиб қилмади”², – деб ҳисоблаган. Умуман олганда, ўртаосиёлик мутафаккирнинг илмий меросини тавсифлар экан, В.В. Бартольд: “Улуғбекнинг ишлари кузатувларининг аниқлиги билан ажралиб турса-да, фанда янги йўлни кидириш аломатларини ... биз уларда топмаймиз”³, – деб қайд этган. Улуғбек ҳақидаги мутаассиб-олим деган фикрларни рад этиб, муаллиф унинг овга ва шеърятга ихлосини алоҳида таъкидлаган. Олимнинг адабиётга бўлган ихлосига муносабат билдирган В.В. Бартольд: “бу борада Улуғбекнинг таъби ҳозирги замон Европадаги форс шеърятти билимдонлари таъбига анча мос келади”⁴, – деб ёзган эди.

Самарқанддаги расадхонанинг бунёд этилиши борасида ўрта асрлардаги муаррихларнинг маълумотларига суяниб, муаллиф уни 1420 йилга тааллуқли деб ҳисобласа-да, кейинчалик бу санага тузатишлар киритилишини ҳам назардан қочирмайди. Расадхона тузилишини аниқ тасвирлаш ва шу билан боғлиқ бошқа жиҳатларни очиб бериш В.В. Бартольд монографиясида тўлиқ ёритилмай қолган масалалардан бири ҳисобланади⁵. Муаллиф, ўз тасарруфида бўлган ёзма манбалардаги маълумотларни ва В.Л. Вяткиннинг археологик қазишма ишлари натижаларини таққослаб, бу масала бўйича: “В.Л. Вяткиннинг шахсий мактубидан менга маълум бўлдики, кейинги қазишмалар расадхона тузилишини тасаввур қилиш имконини бермаган”⁶лигини таъкидлаб ўтишга мажбур бўлган.

Бизнингча, бу ўринда яна бир бор В.В. Бартольднинг кўмаги билан 1908 – 1909 ва 1914 йилларда қазишма ишлари олиб борилганлигини

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 134.

² Ўша асар, 138-бет.

³ Ўша асар, 139-бет.

⁴ Ўша асар, 139-бет.

⁵ Ўша асар, 137-бет.

⁶ Ўша асар, 137-бет, 23-иктибос.

ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Шунинг натижасида дунё илмий тафаккурининг буюк обидаси илмий муомалага киритилди.

Совет ҳокимиятининг илк даврида Мирзо Улуғбек илмий мероси бўйича тадқиқот ишлари нисбатан секинлашди. Бунинг сабаби, бизнинг фикримизча, бу ҳолатни Мирзо Улуғбек шахсига бўлган илмий қизиқишнинг йўқолиши билан эмас, балки мазкур муаммо бўйича материаллар йиғишнинг бироз тўхтаб қолиши билан изоҳлаш мумкин.

Мавжуд масала бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари XX асрнинг 40-йилларида анча фаоллашди. 1940 йилда эса марказий газеталардан бири “Правда Востока”да Мирзо Улуғбекка бағишланиб бир эмас иккита мақола чоп этилди. Шулардан бирида археолог В. Чейлитко ўзининг “Наскальные изображения у Тамерлановых ворот”¹ (“Темурланг дарвозасидаги қоятош тасвирлари”) мақоласида адабиётларда “Илон ўтди” ва “Темурланг дарвозаси” номлари билан машҳур Жиззах яқинидаги 111-сонли ўтиш жойидаги қояларнинг шимолий томонида XV асрда Улуғбек зафарли юришлардан сўнг ўз кўшини билан шу ердан ўтганлиги ҳақидаги битик топилганлигини маълум қилган. Гарчи, бу мақолада Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятига дахлдор янги маълумотлар бўлмаса-да, унинг чоп этилиши тадқиқотчиларнинг мазкур муаммо бўйича изланишларини маълум маънода рағбатлантирган.

Иккинчи мақола эса астроном В.П. Шчегловга тегишли бўлиб² (“Из прошлого науки” – “Фан ўтмишидан” рубрикаси остида чиққан), Мирзо Улуғбекнинг таълим муассасаларини қуриш ва ташкиллаштириш фаолиятига бағишланган. Унда, жумладан, Самарқанд мадрасасида ҳар йили юздан ортиқ талаба билим олиши, уларнинг диний билимлар қаторида дунёвий аниқ билимларни ҳам ўрганишига ижобий баҳо берилган. Хукмдор-олимнинг илмий фаолиятига умумий тавсиф берган В.П. Шчеглов: “Улуғбек даври, Галилей давридан икки аср муқаддам бўлиб, кўзгули (оптик) қувур (труба)ларни, вақтни аниқ кўрсатадиган соатларни ва бошқа мураккаб асбоб-ускуналарни билмаган. Шундай бўлишига қарамай, XV аср Шарқ олимларининг ютуқлари улқандир”, – деб таъкидлаган. Муаллиф “Улуғбекнинг кўплаб астрономик ишлари Ғарбий Европа тилларига таржима қилиниб, нашр этилганлигига, унинг фаолияти билан боғлиқ кўплаб масалалар ханузгача ўрганилмаганлигига”³ тадқиқотчиларнинг эътиборини тортади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи тарихчилар, археологлар ва астрономларнинг ўртаосиёлик олимнинг илмий меросини ўрганишга бутун кучни ташлаши зарурлигини таъкидлаган. Шу даврдан бошлаб, кейинчалик академик бўлган В.П. Шчеглов Мирзо Улуғбек илмий фаолияти бўйича тадқиқотчи сифатида эътироф этилади.

¹ Чейлитко В. Наскальные изображения у «Тамерлановых ворот» // Правда Востока. 1940, № 234, 8 октября.

² Шчеглов В. Астроном Улуғ-бек // Правда Востока. 1940, № 278.

³ Ўша мақола.

1941 йилда М.Е. Массоннинг 1908 – 1909 йилларда Мирзо Улуғбек расадхонаси харобаларини очилишига ва илк қазишма ишлари олиб борилишига бош-қош бўлган В.Л. Вяткиннинг хотирасига бағишланган “Обсерватория Улуғбека” (“Улуғбек расадхонаси”) рисоласи¹ дунё юзини кўрди. Унда расадхона фаолияти билан боғлиқ масалалар, жумладан, расадхона харобасининг очилиш тарихи, расадхонанинг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнлар ҳамда расадхонада фаолият юритган астрономларнинг номлари тавсифлаган. Муаллиф ўз рисоласида мазкур объектнинг тузилиши ва кейинги тақдири ҳақидаги тадқиқотларнинг натижалари тўғрисидаги ҳамда Мирзо Улуғбек ўлиmidан сўнг Ўрта Осиёда астрономия фани тараққиёти борасидаги маълумотларни ҳам келтиради. Бу масалаларни у ўрта асрлар Шарқида астрономия фанининг умумий тараққиёти масалалари доирасида кўриб чиқади. Ишнинг хотимасида расадхона тарихи билан боғлиқ асосий саналарни ёритувчи хронологик жадвал ҳам келтирилган.

М.Е. Массон расадхона тузилиши, бош ускунанинг вазифаси, сопол идишларнинг ва қуёш соатларининг қўлланилиши борасида В.Л. Вяткин ва В.Н. Миловановнинг тахминларини тўла қўллаб-қувватлайди. Қуёш соатларига муносабат билдириб: “... шубҳасиз, Улуғбек расадхонасига ҳам йирик қуёш соатлари ҳам ўрнатилган эди. Эҳтимол, улар анча кейин яратилган Ҳиндистоннинг кўхна расадхоналарида сақланиб қолган қуёш соатлари учун намуна ҳисоблангандир...”², – дейди.

Тадқиқотчи расадхонанинг меъморий шаклига баҳо берар экан: “расадхонанинг бунёд этилишида, шубҳасиз пойтахтнинг энг яхши мусаввирлари ва меъморларининг кучи жалб қилиниб, ўша даврнинг бошқа йирик жамоат иншоотларидан нафақат ўзига хос кўриниши билан, балки ташқи безагидаги рангларнинг мутаносиб равишда тақсимланганлиги билан фарқланган. Шу билан бирга, астрономларнинг сирли кузатувлари билан боғлиқ равишда, ўз замондошлари томонидан беихтиёр унга нисбатан ҳурмат изҳор қилиниб, “иморати олий” мақоми берилган”³лигини таъкидлайди.

Расадхонада ўтказилган тадқиқотларнинг аниқ ва ишончли эканлигини тавсифлар экан, М.Е. Массон: “араб астрономияси деб номланган астрономиядаги барча билим ва тажрибани жамлаган Улуғбек расадхонаси ўзининг махсус кузатувлари ва ҳисоблари билан кўп ҳолларда астрономия фани ҳали телескоп яратгунига қадар юқори аниқлик даражасидаги натижани берди”⁴, – деб қайд этган.

Мирзо Улуғбек илмий қизиқишларининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш масаласида мазкур тадқиқотчи В.В. Бартольд фикрларини қўллаб-қувватлади⁵. М.Е. Массон “Улуғбекнинг ўсмирлиги ўтган шароит унга бошқа шахзодаларга нисбатан яхшироқ

¹ Массон М.Е. Обсерватория Улуғбека. Ташкент: Фан, 1941. 48 с.

² Ўша асар, 30-бет.

³ Ўша асар, 25-бет.

⁴ Ўша асар, 39-бет.

⁵ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 134.

таълим олиши учун имконият бермас эди. У ўзининг фанга бўлган ҳавас ва интилишларини қачонлардир Темур томонидан Эрондан турли йўллар билан ва мажбуран келтирилган қатор фан ва санъат намояндалари яшаётган Самарқандга ҳукмдор бўлгандан кейингина тўла ривожлантириш ва қаноатлантириш имконига эга бўлган”¹, – дея хулоса чиқарди.

М.Е. Массон ҳам В.П. Шчеглов каби “ўрта асрлар фанининг бу ажойиб ва ноёб ёдгорлигини ўрганишни давом эттириш ҳақидаги” масаланинг муҳимлигини таъкидлаб, “ундаги археологик қазилмаларни охиригача етказиш зарур”², – деб ҳисоблади.

Умуман олганда, М.Е. Массоннинг иши ўрта аср ёзма манбалари ва археологик маълумотларга асосланган бўлиб, муайян даражада Улуғбек илмий мероси бўйича тадқиқотлар масаласини янада фаоллаштирди ва расадхона топилган жойда қазилма ишларини қайтадан жонланишига туртки бўлиб хизмат қилди.

Мирзо Улуғбек илмий мероси тарихини ўрганиш бўйича кўрилатган босқич Самарқанддаги расадхона харобалари атрофида қазилма ишларни қайта жонланиши билан ҳам характерланади. Иш 1941 йилда М.Е. Массон раҳбарлигида бошланган эди, аммо Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан вақтинчалик тўхтатилди ва 1948 йилдагина давом эттирилди. 1941 йилда олиб борилган қазилма ишларининг натижалари археологик ишларда қатнашганларидан бири И.А. Сухареванинг ҳисоботи³ асосида В.А. Шишкин томонидан тайёрланиб⁴, унда иш жараёни муфассал ёритилди.

Маълумки, қазилмалар билан бир вақтда, яъни 1941 йилнинг июнида Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасидаги Темурийлар сулоласининг хилхонаси ҳам очилган эди. Кўрсатилган ҳар иккала тадбир Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги тантаналарига бағишланган эди. Сағанани очиш бўйича экспедиция таркибига: Т.Н. Қори-Ниёзий (раҳбар), антрополог-хайкалтарош М.М. Герасимов, антрополог, профессор Л.В. Ошанин, шарқшунос, профессор А.А. Семенов, химик-таъмирловчи, профессор В.Н. Кононов, архитектор Б.Н. Засипкин, археолог, профессор В.А. Шишкин, Навоий Кўмитаси (Алишер Навоий юбилейига тайёргарлик кўриш учун ташкил этилган – *Ф.Ш.*) илмий котиби Х.Т. Зарипов киритилган эди⁵.

Сағанани очиш натижалари Т.Н. Қори-Ниёзий ва М.М. Герасимов ишларида⁶ ўз аксини топди. Жумладан, Темур, Шохрух, Мироншоҳ ва Улуғбекларнинг сиймоларини уларнинг бош чаноклари асосида тиклаш

¹ Массон М.Е. Обсерватория Улуғбека... С. 17.

² Ўша асар, С. 45-46.

³ И.А.Сухаревнинг ҳисоботи Самарқанддаги Ўзбек халқи маданияти музейида сақланмоқда.

⁴ Шишкин В.А. Обсерватория Улуғбека и её исследование // Труды Института истории и археологии АН УзССР. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953. Т. 5. С. 1-99.

⁵ Кары-Ниязов Т.Н. Экспедиция по вскрытию погребений в мавзолее Гур-Мир в Самарканде / Избранные труды. Т. XII. Ташкент, 1967. С. 221-243.

⁶ Герасимов М.М. Основы восстановления лица по черепу. М.: Наука, 1949. С. 163-166; Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улуғбека. М.: Наука, 1950. С. 289-295.

иши М.М. Герасимовнинг вазифасига кирарди¹. М.М. Герасимов тадқиқотлари эса маълум даражада Темурийлар сулоласидаги йирик вакилларнинг ташқи қиёфасини тиклаш имконини берди.

Ёзма манбалардаги маълумотлар ва оғзаки ривоятларни Улуғбек сағанасини очиш натижалари билан қиёслаб ҳамда ўз қобилияти ва имконияти даражасида буюк бобоси Амир Темир ишини давом эттиришга азму қарор қилган, илм-фан тарихида бетакрор из қолдирган олим ва давлат арбобининг фожиали ўлимини тасаввур этган М.М. Герасимов: “Мавжуд шариат аҳкомларига кўра, Улуғбек қайси кийим-бошда ўлим топган бўлса ўшанда дафн этилган. Жангда эмас, мажбуран ўлдирилган шахсни кўмишдан олдин на кийинтириш, на ювиш, ҳатто мўъмиёлаш мумкин эмас эди. Шу ақоид асосида дафн этилган Улуғбекнинг нафақат кийимларининг қолдиқлари, балки камёб миқдорда рандак пашшаси ёпишган хитин қопламаси сақланиб қолганлиги ҳам ҳужжатлаштирилган эди... Кийим қолдиқлари ёмон сақланган... Улуғбек хокининг ҳолати уни ҳеч ким, ҳеч қачон очиб кўрмаганлиги ҳақида ёрқин гувоҳлик беради... У 56 ёшида ҳалок бўлган, аммо унинг кўриниши анча кексайиб қолган, ташвишлар билан ҳориб тамом бўлган қарияни эслатарди”², – деб ёзган эди.

Бу эътироф ҳақли равишда Улуғбекнинг жасади ўлдирилган жойида (бир неча муддат) қолиб кетганмиди ёки унга Макка сафарида ҳамроҳлик қилган одамлар уни Самарқандга олиб боришганмиди, деган савол туғдиради.

Расадхона харобалари топилган вақтдан бошлаб, илмий тадқиқотларда кенг ёритилган расадхонанинг бош ускуналарини секстант ёки квадрант деб номлаш борасидаги баҳслар муҳим масалага айланди. Қурилмани биринчи ном билан, яъни секстант деб номлаш тарафдорларидан бири, илк бор Самарқанд расадхонасининг илмий дастурини аниқлаган олим Г.Ж. Жалолов бўлди³. Гиёсиддин Жамшид Кошийнинг “Астрономик ускуналар ҳақидаги мақола”сига ва Абдували Биржондийнинг (“Зижи жадиди Кўрағони”ни муфассал шарҳлаган олим – Ф.Ш.) маълумотларига суяниб, Г.Ж. Жалолов мазкур қурилманинг секстант сифатида қўлланилганлигини асослаб берди.

Г.Ж. Жалоловнинг далиллари ва хулосалари узоқ йиллар давомида бевосита Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси бўйича тадқиқотлар билан шуғулланган ва Ўрта Осиёда аниқ фанлар ривожига тарихига катта ҳисса қўшган математик Т.Н. Қори-Ниёзийнинг ишларида қўллаб-қувватланди⁴.

Мазкур масала юзасидан Т.Н. Қори-Ниёзийнинг нуқтаи назари, “Самарқанд расадхонасида Фахрий секстанти бор”лиги ҳақида маълумот

¹ Герасимов М.М. Основы восстановления лица по черепу... С. 151-177.

² Ўша асар, 163-167-бетлар.

³ Джалолов Г.Д. Секстант, как главный инструмент обсерватории Улугбека // Астрономический журнал. М.: Изд-во АН СССР, 1947. Том. XXIV. Вып. 4. С. 249 - 253.

⁴ Кары-Ниязов Т.Н. Обсерватория Улугбека в свете новых данных // Труды научных сессий АН УзССР. Ташкент, 1947. С. 127-136.

берган Шарқнинг икки йирик астрономи – Савай Жай Синх ва Биржондийларнинг хабарларига асосланган эди¹. Шундай бўлишига қарамай, келтирилган далиллар Тошкент астрономия обсерваторияси илмий кенгашини ишонтира олмади². Таъкидлаш жоизки, бош усқунанинг аниқ номланиши борасида кечган баҳс-мунозаралар ҳозирга қадар ўзининг якуний ечимини топган эмас.

Г.Ж. Жалоловнинг эслатиб ўтилган тадқиқотида расадхонанинг кейинги тақдири ҳақида шундай маълумотлар келтирилади: “...50 йил ўтгач (Улуғбек ўлимидан – Ф.Ш.), Чингизхон авлодларидан бири – Шайбонийхон “темурийларга қасд қилиб”, расадхонани бузишга кўрсатма берган”³. Тадқиқотчининг бу фарази ишончли манбавий асосга эга бўлмагани учун мазкур муаммо билан боғлиқ кейинги ишларда шубҳа остига олинган ва бир неча бор инкор этилган.

1948 йилда Улуғбек расадхонаси жойлашган ерда навбатдаги қазишма ишлари ўтказилди. Бу ишларни ЎзФА Тарих ва археология институти ташкиллаштириб, уни махсус Ўзбек – Зарафшон археологик экспедициясининг отряди амалга оширди. Қазишма ишлари раҳбари В.А. Шишкин қилинган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида махсус иш ёзган⁴.

Мазкур илмий асарда 1948 йилдаги қазишма ишларни ва уларнинг натижаларини ёритар экан, муаллиф ушбу ёдгорлик устида аввал ҳам олиб борилган археологик тадқиқотларга батафсил тўхтаб ўтган. У бунда В.Л. Вяткин, В.Н. Милованов, М.Е. Массон кабиларнинг расадхонанинг тузилиши ва ташқи кўриниши бўйича билдирган айрим фикрлари хато эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. В.А. Шишкин ўз ишида 1941 йилда ўтказилган қазишма ишлари атрофидаги вазиятни, яъни иш жараёнида иншоотнинг фақат шарқий ярми тозаланганлигини, бу эса расадхона ҳақида етарлича таассурот бермаганлигини тушунтирган⁵.

1948 йилдаги қазишмалар Мирзо Улуғбек расадхонаси ўрнида олиб борилган археологик изланишларнинг давоми бўлиб, мазкур ёдгорлик тарҳини тўлиқ тиклаш имконини берди. Шундай қилиб, 1908 – 1909 йилларда бошланган илк қазишмалар натижасида пайдо бўлган расадхонанинг ички тарҳи бўйича илмий мунозараларга чек қўйилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, расадхона цилиндр шаклида баланд қурилган бўлиб, унинг “горизонтал доираси” эса тахминий расадхонанинг мустаҳкам ташқи девори бўлган⁶.

Шундай қилиб, XX асрнинг 40-йиллари Мирзо Улуғбекнинг илмий меросини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг фаоллашуви билан

¹ Кары-Ниязов Т.Н. Обсерватория Улугбека в свете новых данных // Труды научных сессий АН УзССР. Ташкент, 1947. С. 127-136.

² Матвиевская Г.П., Соколовская З.К. Улугбек. М.: Наука, 1997. С. 114.

³ Джалалов Г.Д. Секстант, как главный инструмент обсерватории Улугбека... С. 252.

⁴ Шишкин В.А. Раскопки обсерватории Улугбека в Самарканде в 1948 г. // Известия Академии наук УзССР. Ташкент, 1949. № 3. С. 36-45.

⁵ Ўша асар, 38-бет.

⁶ Ўша асар, 38-39-бетлар.

ажралиб туради. Айрим тадқиқотчилар томонидан мазкур йўналишга бўлган эътиборнинг янада кучайганлиги туфайли Самарқанддаги расадхона ўрнида археологик қазилмалар давом эттирилди. Расадхона пойдевори тарҳининг аниқланиши ҳам изланишлар натижаси бўлиб, бу иншоот қурилмасини ўта аниқ даражада тиклаш имконини берди.

Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти бўйича тадқиқотлар XX асрнинг 50-йилларида ҳам кучайганлиги кузатилади. Бу даврда куйидаги йўналишларда изланишлар олиб борилди: 1) Улуғбек “Зижи”да баён этилган асосий ҳолатларни ўрганиш; 2) Улуғбек илмий мактаби фаолияти билан боғлиқ айрим масалаларни кўриб чиқиш¹; 3) Самарқанд расадхонасидаги сўнгги қазилма ишлари натижалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш². Мазкур даврда Мирзо Улуғбек сафдошларининг илмий фаолияти тарихшуносликда алоҳида ёритилди³.

1950 йилда чоп этилган Т.Н. Қори-Ниёзийнинг “Астрономическая школа Улугбека”⁴ (“Улуғбекнинг илмий мактаби”) монографияси мазкур хронологик босқичдаги муҳим изланишлардан бири сифатида Давлат мукофотига лойиқ топилди. Ушбу ишда аниқ фанлар соҳасидаги мутахассис томонидан XV асрдаги Самарқанд илмий мактабига тавсиф берилиб, ундаги кўзга кўринган вакилларнинг хизматлари алоҳида қайд этиб ўтилган.

Мирзо Улуғбек илмий кашфиётларини таҳлил қилишдан ташқари, муаллиф Улуғбек бошқаруви билан боғлиқ бўлган воқеаларни, жумладан унинг астрономик мактабининг шаклланиши, олимнинг фожеали ўлими кабиларнинг батафсил баённи берган ҳамда унинг ўлиmidан сўнг Мовароуннаҳрда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритган.

Т.Н. Қори-Ниёзий ўзининг ушбу монографияси доирасида Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг дунё илм-фани тараққиётига қўшган умумий ҳиссасининг аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби илмий тадқиқотларининг натижалари, жумладан йил саналарини аниқлаш бўйича жадвал тузишда ва тригонометрик жадвал тузишда амалий астрономия,

¹ Юшкевич А.П. О математике народов Средней Азии в IX – XV веках // Историко-математические исследования. М.-Л., 1951. Вып. IV. С. 455-488; Щеглов В.П. К вопросу о географических координатах и азимуте секстанта обсерватории Улугбека в Самарканде // Астрономический журнал. М., 1953. Т. XXX. № 2. С. 224-229; Джалалов Г.Д. К вопросу о составлении планетных таблиц самаркандской обсерватории / Историко-астрономические исследования. М., 1955. Вып. I. С. 101-118; Ўша муаллиф. Отличие «Зиджа Гурагани» от других подобных зиджей // Историко-астрономические исследования. Вып. 1... С. 85-100; Ўша муаллиф. Некоторые замечательные высказывания астрономов Самаркандской обсерватории // Историко-астрономические исследования. М., 1958. Вып. IV. С. 381-386.

² Шишкин В.П. Обсерватория Улугбека и её исследование // Труды Института истории и археологии. Т. 5. Обсерватория Улугбека. Ташкент: Издательство АН УзССР, 1953. С. 3-100; Нильсен В.А. Архитектурный облик обсерватории Улугбека в Самарканде // Труды Института истории и археологии. Т. 5. Обсерватория Улугбека. ... С. 101-128.

³ Джалалов Г.Д. Гияс ад-Дин Чустӣ (Каши) – крупнейший астроном и математик XV века // Ученые записки Ташкентского госпединститута. Вып. VII (Физмат). Ташкент, 1957. С. 141-158.

⁴ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. М.: Наука, 1950.

сайёралар ҳаракати ва тутилиш назарияси каби соҳалар изчил таҳлил этилган.

Жумладан, тадқиқотнинг хронологик жадвали асосида Т.Н. Қори-Ниёзий: “йил саналарини аниқлаш бўйича Улуғбек амалга оширган ишнинг асосий қиймати бу масала юзасидан у келтирган маълумотларда эмас, балки у таклиф этган оқилона жадвалларда эди”, – деган хулосага келади. Дарҳақиқат, юқорида айтилганидек, у ёки бу бўлиб ўтган ёки кутилаётган воқеликнинг санасини аниқ ифодалаш улкан аҳамият касб этади. Улуғбекнинг йил саналари бўйича жадвални тузишда шубҳасиз, муаллиф томонидан катта ҳажмдаги машаққатли иш амалга оширилган бўлиб, йил саналари билан боғлиқ воқеаларни баён қилиш шарқ қўлёзмаларида аҳён-аҳён учраб турадиган вақт билан боғлиқ асосий вазифаларни тез ва осон ечиш имконини беради”¹, – деган хулосага келади.

Ушбу тадқиқот доирасида Т.Н. Қори-Ниёзий ўз монографиясининг бир қисмигина Улуғбекнинг тригонометрик жадваллари таърифига бағишланган², чунки бу техник соҳадаги мутахассисларга тегишли мавзу бўлгани учун ҳам табиий равишда батафсил кўриб чиқилмаган. Аммо, эслатиб ўтиш жоизки, муаллиф томонидан монографияда келтирилган бурчаклар синусини ҳисоблашда Мирзо Улуғбек маълумотларидаги ўлчовларини ҳозирги замон ўлчов асбоблари кўрсаткичлардаги маълумотлар билан таққослаганда, ўрта асрлар олимнинг ўз қўл остидаги техник имкониятлардан келиб чиқиб, бу тадқиқотларни юқори даражада аниқ бажарганлигини кўрсатган³.

Сайёралар ҳаракати назарияси масалаларини шарҳлаган Т.Н. Қори-Ниёзий “Зиж”да келтирилган асосий даражаларга тушунчалар бериб, Улуғбек назариясини “анча қадимий астрономлар, жумладан Птолемей назарияси билан таққослаганда, у ўз замонасининг анча илғор назарияси бўлган”лигини таъкидлаган⁴. Тадқиқотчи Улуғбекнинг астрономик жадвалига муносабат билдирар экан, ўзининг айрим мулоҳазаларини ҳам баён этган⁵. Жумладан, у Улуғбек каталогига келтирилган баъзи осмон жисмларининг координатларини белгилашда нуқсонларга йўл қўйилганлигини қайд этган⁶. Тадқиқотчининг фикрича, бу Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятини заррача бўлса ҳам камситмайди. Т.Н. Қори-Ниёзийнинг баҳосига кўра, Улуғбек “умуман олганда, ўзидан беқиёс даражадаги юлдузлар каталогини қолдирган Гиппархдан кейинги иккинчи астроном” бўлган⁷.

У ҳам Г.Ж. Жалолов каби, секстантни расадхонанинг бош ускунаси,

¹ Қары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека... С. 143-144.

² Ўша асар, 144-156-бетлар.

³ Ўша асар, 156-бет.

⁴ Ўша асар, 211-275-бетлар.

⁵ Ўша асар, 275-284-бетлар.

⁶ Ўша асар, 277-284-бетлар.

⁷ Ўша асар. 277-бет.

деб атади¹. Т.Н. Қори-Ниёзий, “яъни у (секстант – *ФШ.*) асосан, астрономиядаги асосий турғунликларни: эклиптиканинг оғиши, баҳорги тенг кунлик нуқтаси, Куёшни кузатишдан келиб чиқадиган юлдуз йилларининг кунлари ва бошқа ўлчамларнинг узунлиги ҳамда сайёралар ва Ойни аниқлашга” мўлжалланган. “Эҳтимол, бутун расадхонанинг вази-фаси мана шундан иборат бўлгандир ... Улкан ўлчамлар, муваффақиятли қурилма (конструкция)лар ва самарқандлик усталарнинг юксак маҳорати кузатувларнинг юқори даражада аниқ бўлишини таъминлаган кўринади”².

Монография муаллифи томонидан ватанимиз тарихшунослигида илк бор Мирзо Улуғбек “Зижи”даги жадвалларга муфассал шарҳлар берилди³. Бунга қадар, маълумки, унинг Франция, Англия, Польша, АҚШ олимларининг тадқиқотларидаги қисман (ўгириш билан чегараланган) таржималари берилар эди. Бундан ташқари, мазкур ишда Самарқанд астрономия мактаби вакилларининг илмий ишлари рўйхати ҳам келтирилган⁴.

Асарнинг “Улуғбекнинг илмий ишлари ва унинг мактаби” деб номланган бобида муаллиф унинг асарларидаги асосий ҳолатларга илмий шарҳ бериб ўтган. Расадхонанинг ички тузилишини тавсифлашда Т.Н. Қори-Ниёзий бу ерда куёш соати мавжуд бўлганлиги хусусидаги В.Н. Милованов ва М.Е. Массонларнинг фикрларини қўллаб-қувватлади, чунки “Самарқандда деярли йил мабойнида давом этадиган ёрқин куёшли кунлар куёш соати ёрдамида вақтни ўлчаш учун қулай шароит яратган”⁵.

Форсий, эски ўзбек тилларидаги манбаларни бемалол ўқий оладиган Т.Н. Қори-Ниёзий учун қуйидагилар манбавий асос бўлиб хизмат қилган: “Зижи Кўрагоний” (“Кўрагонийнинг астрономик жадвали”), Мирзо Улуғбек ушбу асарининг ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида 2214 ва 2118 рақамлари остида сақланадиган XV асрга оид икки қўлёзма нусхаси; “Шарҳи зижи Кўрагоний”, Улуғбекнинг юқоридаги асарига Абдул Али бин Муҳаммад бин Хусайн Биржондийнинг шарҳи, муаллифнинг қўли билан ёзилган, 1522 йил билан саналанган, 704 рақами остида сақланади.

Ўрта аср манбаларидан ташқари, муаллиф ўз ишида “Зиж”нинг Европада қилинган таржималаридан, жумладан Л. Седилотнинг французча ва Е.Б. Кноблнинг инглизча таржималаридан ҳам фойдаланган. Т.Н. Қори-Ниёзий “Зиж”нинг тўлиқ таржимасини амалга оширишга ҳаракат қилмаган, фақатгина унинг мақсади “бир қадар муҳим ва ўзига хос бўлган парчалардан фойдаланиб, китобхонга баён услуби ва у (Улуғбек – *ФШ.*) томонидан қўлланилган услубиятлар ҳақида умумий

¹ Джалалов Г.Д. Секстант – как главный инструмент обсерватории Улугбека // Астрономический журнал. 1947. № 4. С. 249-253.

² Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека... С. 276.

³ Ўша асар, 97-бет.

⁴ Ўша асар, 93-97-бетлар.

⁵ Ўша асар, 99-бет.

тушунчалар бериш бўлган”¹.

В.В. Бартольднинг “Улугбек и его время” (“Улугбек ва унинг даври”) монографиясига баҳо берар экан, Т.Н. Қори-Ниёзий унда Улугбек илмий меросининг етарли даражада ёритилмаганлигини таъкидлаб ўтган. Буни у, россиялик олимнинг ўзининг ижтимоий соҳадаги билими доирасида Мирзо Улугбекнинг илмий ишларига етарли даражада объектив баҳо бера олмаганлиги билан тушунтиради. Бу вақтда Т.Н. Қори-Ниёзий учун бундай тадқиқотни амалга ошириш бир қадар тушунарли бўлган эди.

Т.Н. Қори-Ниёзий ишининг илмий аҳамияти яна шунда эдики, у Мирзо Улугбек илмий мероси бўйича олиб борилган аввалги тадқиқотлардаги тажрибаларни умумлаштира олди. Бу асар буюк олимнинг илмий меросини ўрганиш тарихчилар ва астрономлар учун катта аҳамият касб этиб, ҳозирги кунда ноёб библиография намунаси ҳисобланади.

Монографиядан ташқари, Т.Н. Қори-Ниёзийнинг буюк олим ва унинг мактаби илмий меросининг турли қирраларини ёритган, турли йилларда чоп этилган бир қатор мақолалари ҳам мавжуд. Т.Н. Қори-Ниёзийнинг барча ишларида Мовароуннаҳрда кечган мураккаб сиёсий вазиятга қарамай, Улугбек раҳбарлик қилган Самарқанд астрономия мактабининг фаолияти самарали амалга ошганлиги, қолаверса, ўтган юз йилликлар давомида умумжаҳон эътирофига сазовор бўлганлиги ҳақидаги фикрларга алоҳида урғу берилади: “Ўзининг бекиёс кўлами билан, қурилмаларининг ўзига хослиги ва уларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари билан Самарқанд расадхонаси ўз даврида астрономия фани бўйича сўнгги сўзини айта олган эди”². Бу билан Т.Н. Қори-Ниёзий Мирзо Улугбек ва унинг мактаби кашфиётларини Ўрта Осиё астрономия фани доирасида мутлақо мустақил ривожлантирилган ютуқлар сифатидаги оламшумул аҳамиятига урғу бериб ўтган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар давомида Ғарб тарихшунослигида “араб” фани ёки “араб” математикаси концепцияси ҳукмронлик қилди. “Араб” математикаси деб номланган соҳа мустақил ривожлана олмаган, фақатгина юнон ва хинд математикасини етказиш вазифаси билан шуғулланган, деб ҳисобланарди. Бу концепциянинг мутлақ асоссиз эканлиги тадқиқотчи А.П. Юшкевич томонидан исботлаб берилди³. Ушбу тадқиқотчи: “Рад қилиб бўлмайдиган тарихий далилларнинг кўрсатишича, математика ва бошқа фанларнинг илгарилашида деярли ярим минг йил, IX асрдан XV асргача Ўрта Осиё ва Кавказорти халқлари – хоразмийлар, тожиклар, ўзбеклар, озарбайжонлар ва бошқалар муттасил шуғулландилар. Қолаверса, араб математикаси номини олган соҳа, аввало, айнан *ўртаосиёлик халқлар томонидан* (курсив

¹ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека... С. 114.

² Кары-Ниязов Т.Н. Улугбек – великий узбекский астроном XV века // Природа. 1952. № 10. С. 77-82.

³ Юшкевич А.П. О математике народов Средней Азии в IX – XV веках // Историко-математические исследования. М.-Л., 1951. Вып. IV. С. 455-488.

бизники – Ф.Ш.) ривожлантирилди”¹, – деб ёзган.

“Асосийси шунда эдики, – деб давом этади А.П. Юшкевич, – Ўрта Осиё математиклари нафақат аввалги салафлари (яъни юнонлар ва ҳиндлар – Ф.Ш.)нинг ишини давом эттиришди, балки унинг сон жиҳатдан ўсишига ҳам кўмаклашдилар, қолаверса, математик тадқиқотларга янги ғоявий йўналиш бердилар, сифат жиҳатдан янги математика яратишга киришдилар ва айнан шу боис ҳам бизнинг фанимизни биринчи даражали муҳим кашфиётлар билан бойитдилар”².

Ғарбий европалик тадқиқотчи А. Миели, “араб фани” тушунчасини очиб берар экан: “бунда энг аввало, бу олимларнинг ўз асарларини ёзишда араб тилидан фойдаланганликларини тушунмоқ керак”³, деб таъкидлайди.

Бу том маънода астрономияга ҳам тааллуқлидир. Бежизга “Большая Советская Энциклопедия” (“Катта Совет Энциклопедияси”)да: “Каталог (Зижи Кўрагоний)нинг ўзидаги илмий қиймат шундан иборатки, у илк бор Гиппархдан 16 аср ўтгандан сўнг, юлдузлар ҳолатини бутунлай янгидан аниқлаб беради. Фан учун юлдузлар каталогининг аҳамиятини тушуниб етган Улуғбеккагина Ши Шен ва Гиппархдан сўнг юлдузларнинг янги каталогини яратиш насиб этди”⁴, – деб таъкидланган эди.

Кўриб чиқиладиган тарихшунослик босқичи доирасида расадхонанинг ички ва ташқи қурилмасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар пайдо бўлди. Ушбу масалани ўрганишда В.А. Шишкин олиб борган тадқиқот ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилди⁵. 1948 йилдаги қизишмалар раҳбари сифатида у расадхона топилган ерда ўтказилган аввалги археологик изланишлар жараёнида тўпланган эмпирик материалларнинг барчасини умумлаштириб, улар асосида Мирзо Улуғбекнинг жаҳон фани тараққиётидаги ўрни ва ролини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. В.А. Шишкин таъкидлаганидек: “Улуғбек расадхонаси нафақат Ўзбекистон халқларининг энг муҳим маданий ёдгорликларидан бири ҳисобланади, балки тўлақонли равишда жаҳон илм-фани тарихи ёдгорликлари сирасига ҳам киритилиши мумкин, чунки у ўзида борлиқ ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз ривож тарихидаги муҳим жабҳани намоён этган. Жаҳоншумул шухрат топган Улуғбекнинг иши ўзида якуний хулосаларни акс эттирган ва астрономия соҳасида ўрта асрлар давомида қилинган ишларнинг барчасини ниҳоясига етказган”⁶. Келтириб ўтилган бу сўзлар В.В. Бартольднинг: “Улуғбек расадхонасига илм-фан тараққиёти учун Носириддин Тусийнинг Мароғадаги расадхонаси каби

¹ Юшкевич А.П. О математике народов Средней Азии в IX – XV веках ... С. 257-258.

² Ўша асар, 459-460-бетлар.

³ Ўша асар, 458-бет. (1-иктибос).

⁴ Большая Советская Энциклопедия. 2-изд. М., 1950. Т. 3. С. 314.

⁵ Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование // Труды Института истории и археологии. Т. V. Обсерватория Улугбека. Ташкент: АН УзССР, 1953. С. 3-100.

⁶ Ўша асар, 3-бет.

таъсир ўтказиш насиб қилмаган”¹, – деб айтилган ноўрин фикрлари учун ўзига хос жавоб бўлиб хизмат қилади.

В.А. Шишкин тадқиқотлари асосан археологик йўналишларда топилган материалларни таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф ўтмишдошларининг расадхона тузилиши билан боғлиқ маълумотларини ўз кузатувлари ва хулосалари билан таққослади. Жумладан, 1908 – 1909 йилларда В.Л. Вяткин олиб борган қазилма ишларининг натижалари ҳақидаги “...ҳисобот”нинг хулосаларини изчил таҳлил қилди.

В.Л. Вяткин ўз ишида расадхона майдонининг юзаси қурилишдан олдин режа асосида тарҳланганлигини кўрсатган эди. В.А. Шишкиннинг бу масала бўйича хулосаси қуйидагича акс этади: “... расадхонанинг пастки қисмидаги текислаш учун тахмин қилинмаган қурилиш майдончасига етиб борилди, пойдевор эса ер қаърига ўрнатилган бўлиб, тепаликдаги қоянинг ўртача ер сатҳидан кўтарилган жойларида у умуман йўқолиб кетган эди”².

В.Л. Вяткиннинг “квадрант”нинг мис из (рельс)лари устидан икки киши тепа ва пастга ҳаракатлантириб, улар билан бирга зинанинг чети бўйлаб юритилган бурчак ўлчайдиган асбоб хусусидаги фикрига³ муносабат билдирган В.А. Шишкин бу масалада унга тескари бўлган хулоса бериб: “...тавсифланишича, катта радиусли деярли қирқ метрдан иборат, бирор-бир камчилиги бўлмаган мис ёйли мутлақ тўғри ғилдиракли бундай асбобни яшашнинг ўша даврда техник имконияти йўқ эди, ҳар қандай кичик хато, бундай асбобдаги арзимаган “люфт” нафақат бутун бир дақиқаларга, балки даража (градус)ларга ҳам оғиши мумкин эди”⁴, – дейди.

В.Л. Вяткиннинг фикрига кўра эса, “квадрант” тепадан гумбаз билан ёпилиб, унинг ўртасида тахминан бир аршин* кенгликда (71,12 см) туйнук қолдирилган⁵. В.А. Шишкин хулосалари бўлса, “бундай туйнук қолдиришнинг техник жиҳатдан имкони йўқ ёки кулф ғиштарсиз гумбаз тутиб туролмайди, бундан ташқари аршин кенглигидаги туйнук усқунани об-ҳаво ёғинларидан сақлаб қола олмасди”⁶, – деган фикрдан иборат эди.

В.Л. Вяткиннинг фаразича, бир ғиштли юпка девор “алоҳида махсус вазифани” бажарган, аммо унинг муҳолифи (оппоненти) эса: “у расадхона биноси кудратли ташқи деворининг қолдиғигина ҳисобланади, холос”⁷, – деб баҳолашини билдиради.

В.А. Шишкин дастлабки қазилмалар раҳбарининг маълумотларига тузатишлар киритган бўлса ҳам, у қилинган бу кашфиётнинг

¹ Бартольд В.В. Улугбек и его время... С. 138.

² Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование... С. 19.

³ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках... С. 86-87.

⁴ Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование... С. 20.

* 1 аршин – 70-72 см га тенг.

⁵ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках... С. 88.

⁶ Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование... С. 20.

⁷ Ўша асар, 20-бет.

аҳамиятига юксак баҳо бериб: “биз учун В.Л. Вяткиннинг хатоси муҳим эмас, муҳими у Ўзбекистон халқлари маданиятининг ажойиб ёдгорликларидан бирини кашф этди”¹, – деган эди.

В.А. Шишкин 1914 йилда олиб борилган қазилма ишларини М.В. Столяровнинг (рассом ва коллекционер, қазилмаларни кузатиб борган – *Ф.Ш.*) кундаликлари асосида ёритган, чунки қазилмалар раҳбари В.Л. Вяткин томонидан унинг натижалари ҳақида махсус иш тайёрланмаган эди. Афсуски, бу кундаликни топишнинг имкони бўлмади, аммо тасвирланишига кўра, қазилмалар кутилган натижаларни бермаган. Кўп миқдорда бино учун ишлатилган сирланган кошинлар, расмлар ўйиб ишланган анчагина катта ҳажмли мармар тўшамалар, расадхонага тегишли махсус жиҳозларнинг қолдиқлари ҳамда астрономик ускунанинг тахмин қилинган қисмлари ва бошқа аҳамиятсиз нарсалар топилган. Шундай бўлишига қарамай, баъзи жойлари 3-4 метргача бўлган расадхона майдонининг саҳнини қурилиш чиқиндиларидан тозалаш борасида катта ишлар амалга оширилган. Ишнинг барвақт тўхтаб қолишининг сабабини эса М.В. Столяров “ҳавонинг иссиқ бўлиб, шаҳардан кўп ишчи кучи талаб қилинганлиги”² билан изоҳлайди.

В.А. Шишкин 1941 йилда олиб борилган қазилма натижаларини унинг раҳбари И.А. Сухарев тайёрлаган ҳисобот материаллари асосида таҳлил қилиб чиқди. Бу босқичдаги ишларни таърифлар экан В.А. Шишкин: “иш ниҳоятда катта синчковлик билан ҳамда археология соҳасида мавжуд бўлган методиканинг барча усулларига риоя қилиб олиб борилган. Аммо, шунга қарамай, тадқиқотчилар иншоотнинг умумий қурилмасини тушунтирувчи муҳим маълумотларни бу сафар ҳам ола билмаганлар; авваломбор бинонинг тарҳи тушунарсиз бўлиб қолаверган”³, – деб ёзган эди. Шу билан бирга, муаллиф расадхона топилган жойда 1948 йилдаги қазилмаларининг муваффақиятли ўтиши учун зарур бўлган заминни тайёрлаб берган аввалги археологик изланишларнинг барчасини муносиб баҳолаган.

Юқорида айтилганидек, археологик ишлар Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти раҳбарлигида қайта жонлантирилди. Комплекс экспедиция таркибига В.А. Шишкин (раҳбар), илмий ходимлар: В.И. Спришевский, С.К. Кабанов, В.А. Нильсен ва бошқалар киритилган эди⁴.

1948 йилда экспедиция аъзолари расадхона тепалигидаги ҳажмларнинг кўрсаткичи бўйича ўлчов ишларини қайтадан амалга оширдилар (баландлиги – 14 м, умумий майдони – 1 га, бино тўрт томони – 50 метрдан). Ўқувчида расадхона теграси янада аниқроқ тасаввур уйғотиши учун В.А. Шишкин яқин атрофнинг тўлиқ тасвирини берган.

¹ Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование... С. 21.

² Ўша асар, 26-бет.

³ Ўша асар, 33-бет.

⁴ Ўша асар, 35-36-бетлар.

Расадхонанинг бош ускунаси борасида В.А. Шишкин қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “катта “секстант” қолдиқлари бўлакчалардан иборат бўлишига қарамай, мрамор ёй ҳажмининг улканлиги ва тошлавҳларнинг синчковлик билан яқинлаштирилганлиги расадхона қурувчиларининг бош ускунага шубҳасиз ниҳоятда катта аҳамият берганликларидан далолат беради”¹.

Қазишма материаллари асосида тахмин қилиш мумкинки, 1948 йилдаги археологик изланишлар ўта пухталиқ ва синчковлик билан ҳамда археология фанида ишлаб чиқилган янги методология асосида ўтказилгани боис, муҳим бўлган масалалар бўйича аввалги тадқиқотларга муайян тузатишлар киритишга эришилган.

Ўтказилган ишлар натижасида расадхонанинг ғарбий ярми тўлиқ тозаланди ҳамда “бинонинг умумий тарҳи, ички хоналарининг тақсимоти ва шаклий кўриниши ... ниҳоятда аниқлик билан белгиланди. Доиранинг бу ярмида ҳаммаси бўлиб, шарқий ярми билан (1941 йилда тозаланган – Ф.Ш.) ягона меъморий яхлитликни ташкил қилувчи турли шаклдаги ва катталиқдаги тўққизта хона бор”²лиги аниқланган.

1948 йилдаги қазишма ишларининг бориши билан танишишда иншоотдан чиққан унсурларнинг кўплаб фототасвирлари ҳамда қазишмаларнинг режалари, кесмаларнинг график чизмалари ва бошқалар муҳим аҳамият касб этди. Булардан ташқари, В.А. Шишкин тадқиқотларида қазишма ўтказилган ҳар бир майдоннинг батафсил тавсифи келтирилган. Иншоот пойдеворини тадқиқ этиш ва қиёслаш натижасида: 1) “секстант жойлашган бинонинг девори пойдевордан кейин бинонинг доира ташқи деворига ўрнатилган”; 2) расадхона ташқи деворининг пойдеворлари ва уларнинг чуқурлиги “тепаликнинг қаттиқ қоясидаги жисмларнинг рельефига қараб” турлича бўлган; 3) ички деворнинг пойдеворлари “саёзроқ ўрнатилган бўлиб, фақатгина юқорига чиқиб турган ёки деярли чиққан жойлардагина қояга суянтирилган”; 4) “расадхона биносининг думалоқ гавдаси қўшимча қурилмалардан холи бўлган, ҳаттоки бинога кириш учун ҳам ҳеч бир кириш қисми ўрнатилмаган кўринади”³, – деган муҳим хулосалага келинди. Бундан ташқари, расадхона атрофида бошқа бир қурилиш биноси топилмаган.

Расадхонанинг бузилиши билан боғлиқ масала хусусида В.А. Шишкин, аввалги тадқиқотчилар каби, бинонинг аста-секин бузилиб борганлиги ҳақида: “бинонинг йўқ қилиниши бир неча босқичда кечган бўлиб, бу босқичлар оралиғида баъзида анча вақт ўтган ва бу муддат ичида бино устини майда чикит ва тупроқлардан иборат қалин қатлам қоплашга улгурган. Бу табиий бузилиш натижаси ҳисобланиб, фақатгина одамлар уни тезлашишига муайян даражада ҳисса қўшганлар”⁴, –

¹ Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование... С. 44.

² Ўша асар, 53-бет.

³ Ўша асар, 71-72, 79-82-бетлар.

⁴ Ўша сар. 86-бет.

деган фикрда бўлган.

Расадхонанинг ички ва ташқи курилмаларини қайта тиклашда В.А. Шишкин авваламбор археологик изланишлардан олинган натижаларга асосланганлиги ҳеч бир шубҳа уйғотмайди, чунки айтилган тарихий асарлардаги маълумотлар тўлиқ бўлмай, фақат қўшимча маълумот хусусиятига эга эди. Мисол учун “Бобурнома” асарида мазкур иншоотнинг уч поғонали тарҳи ҳақида маълумот берилди¹.

Унинг қўл остидаги маълумотлар асосида, жумладан, бир пайтлар В.Л. Вяткин амалга оширган расадхона бош ускунаси радиусининг аниқ ҳисоби ва иншоотнинг 3 поғонали эканлиги ҳақидаги маълумотларга таяниб, В.А. Шишкин – баландлиги “тепалиқдан ўттиз метрни ташкил этиши керак эди, чунки секстант диоптри фақатгина шу баландликда жойлашиши мумкин эди”², – деган хулосага келган.

В.А. Шишкиннинг бу иши расадхона биносининг тузилиши ҳақидаги ҳамда унинг айрим ускуналари бажарадиган вазифалар хусусидаги тадқиқотчиларнинг аввалги маълумотларга муайян аниқликлар киритди.

Шундай қилиб, расадхона ўрнида олиб борилган тўрт босқичли археологик қазишмалар натижасида бино пойдеворининг тарҳи ва биринчи қаватининг жойлашуви аниқланди. Бу, ўз навбатида, қуйидаги ишни – Мирзо Улуғбек расадхонасининг тахминий меъморий қиёфасини тиклашнинг самарали ечимини топиш учун замин яратди. Илк бор 1944 йилда архитектор Б.Н. Засипкин расадхонанинг асл кўринишини тиклашга уриниб кўрган эди³. Аммо, 1941 йилдаги археологик тадқиқотларга асосланган ушбу лойиҳа қатор нуқсонлардан холи бўлмади. 1948 йилдаги қазишмалар чоғида олинган маълумотлар архитекторга лойиҳанинг бирламчи шаклини муайян даражада қайта ишлаш учун имконият берди. Аммо лойиҳанинг иккинчи вариантыда ҳам бир қатор нуқсонлар борлиги аниқланди.

Бевосита Самарқанд расадхонасини тиклаш бўйича лойиҳани қайта ишлашда иштирок этган архитектор В.А. Нильсен мазкур йўналишдаги ишларни давом эттирди⁴. Бу унинг 1953 йилда чоп этилган ишида ўз аксини топди. У аввалги лойиҳа бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда археологик тадқиқотларнинг натижалари ва ёзма манбалардаги маълумотларни умумлаштириб, меъморий жиҳатдан расадхона қиёфасини тиклаш бўйича ўзининг режасини тақдим этди. Мақолада ўша даврда фойдаланилган қурилиш ашёлари ва мосламалари ҳамда иншоотни тиклашда қўлланилган техниканинг ўзига хослигини кўрсатувчи қазишма материаллари изчиллик билан таҳлил қилинди. Бунда В.А. Нильсен расадхонани қазиш

¹ *Бабур Зихириддин Мухаммад*. Бабур-наме / Перевод М. Салье. Издание второе, доработанное. Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993. С. 71.

² *Шишкин В.А.* Обсерватория Улугбека и её исследование... С. 98.

³ *Кары-Ниязов Т.Н.* Астрономическая школа Улугбека... С. 85-91.

⁴ *Нильсен В.А.* Архитектурный облик обсерватории Улугбека в Самарканде // Труды Института истории и археологии. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953. Т. V. С. 101-128.

ишларида аниқланган айрим топилмаларга қизик тушунчалар берган, жумладан, “ғайриоддий қурилиш мосламасининг қолдиқлари очилган бўлиб”, унинг фикрича, “ўз вақтида ундан хандақдан тош ва шағалларни кўтариб чиқаришда фойдаланилган”¹. Ёки бўлмаса, “бир неча муваққат қурилиш майдонлари бўлган бинонинг ғарбий қисмдаги шағал тўшама очилганда, унинг остидан ўша даврга оид айрим қурилиш ашёларининг қолдиқлари топилган”².

В.Л. Вяткин томонидан топилган сирланган яшил қадах парчалари³, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, соф илмий мақсадларда, жумладан, астрономик кузатувлар чоғида уфқ нурини қайтарувчи асбоб сифатида фойдаланилган⁴. Аммо, В.А. Нильсен тадқиқотларига кўра, улар бироз бошқача мақсадларга, яъни унинг фикрича: бу “сифати паст қадахлар, ниҳоятда арзон бўлгани боис, улардан асосан қурилиш мақсадларида кенг фойдаланилганликлари аён бўлади”⁵. Иншоотнинг тикланиш муддатлари хусусида муаллиф “қурилиш анча тез суръатларда олиб борилган”лигини таъкидлайди.

Ўз изланишлари натижасида В.А. Нильсен қуйидаги хулосаларга келган: 1) расадхона биносининг баландлиги 30,42 метрни ташкил қилган; 2) ҳар бир қаватдаги хоналарнинг жойлашуви бир хил бўлиб, қаватлар бир-бири билан “бино деворида оммавий бурчакли тиргаклари бўлган ғиштли бурама зиналар орқали” боғланган; 3) ички меъморий беагаи ўзига хос бўлиб, “чўл ва даштлар, денгиз, тоғ ва дарёлар” акс эттирилган (бу ерда 1442 йилда расадхонага ташриф буюрган Абдурраззоқ Самарқандийнинг маълумотлари ҳисобга олинган); 4) ташқи томонига ранг-баранг бўёқ берилган, турли ҳажмли ва сирланган гулдор сополли (майолика) ғиштчалардан иборат қопламага эга бўлган⁶.

“Бинонинг пойдевор (цоколь) қисми, – В.А. Нильсеннинг фикрича, – йирик безакли кулранг мрамор бўлаклари билан қопланган бўлиб, ... Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг пастки қисми ҳам худди шу каби қопланган эди”⁷.

Барча мулоҳазаларини умумлаштириб ва уларни қазишма натижалари билан таққослаб, лойиҳа муаллифи расадхона “улкан уч қаватли цилиндр шаклидаги бино кўринишида бўлиб, юқорисига катта бўлмаган сталактитли арақи (карниз) кўндирилган”, деган хулосага келган. Бинонинг томи ясси бўлиб, унинг устига айрим астрономик асбоблар ўрнатилган. Эҳтимол, томда 8-10 мертли горизонталь доира ҳам бўлган кўринади. Унинг қўлланилганлиги ҳақида Ғиёсиддин Жамшид ўз рисоласида эслатиб ўтган; шу ернинг ўзида, балки

¹ Нильсен В.А. Архитектурный облик обсерватории Улугбека в Самарканде ... С. 109.

² Ўша асар, 111-бет.

³ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках... С. 92.

⁴ Милованов В.Н. Астрономические познания самаркандских астрономов... С. 51-52.

⁵ Нильсен В.А. Архитектурный облик обсерватории Улугбека в Самарканде... С. 112.

⁶ Ўша асар, 122-124-бетлар.

⁷ Ўша асар, 125-бет.

сермазмун (жумладан, гномон*) ва бошқа ускуналар ҳам бўлиши мумкин эди”. Лойиха муаллифи қайта тикланаётган расадхонанинг бутун бир меъморий мажмуасини, “у бошқаларга ўхшамаган ўзига хослиги билан бизга маълум бўлган XIV – XV аср ёдгорликлари орасида ажралиб турса керак”¹, – деб шархлайди. Расадхона биноси, В.А. Нильсеннинг фикрича, Улуғбек даври иншоотлари орасида ғайри одатийлиги билан, жумладан “бино асоси ўз ўқига нисбатан жойлашувига қараб, яъни бир нуқтадан эмас, балки кўп нуқтадан англаб етишга”² асосланган ўзига хос ечими (композицияси) билан ажралиб турган.

Қилинган ишларига хулоса ясаб, В.А. Нильсен: “Археологик материалларнинг меъморий таҳлили расадхона биносини анча ишончли тарзда қайта тиклаш имконини берди ва яна бир қарра ўша давр иморатсозлари томонидан маҳаллий услубларнинг қўлланилганлиги Ўрта Осиё маҳаллий маданияти мустақил ривожланганлигини кўрсатди”³, – деб ёзган эди. Шундай қилиб, В.А. Нильсен шарофати билан Мирзо Улуғбек расадхонасининг яна бир тахминий шаклдаги қиёфаси пайдо бўлди. Бу тарих ва меъморчилик соҳаларидаги жуда катта қадам эди.

Кўриб чиқилган ўн йиллик давомида, яъни XX асрнинг 50-йилларида Мирзо Улуғбекнинг асосий асари “Зиж”ни ўрганиш давом эттирилди. Масалан, Г.Ж. Жалоловнинг “Отличие “Зидж Гурагони” от других подобных зиджей” (“Зижи Кўрагонининг ўзига ўхшаш зижлардан фарқи”) мақоласида Мирзо Улуғбек асарида келтирилган маълумотларни, аввал ва кейин бажарилган баъзи бир бошқа ўхшаш тадқиқотлар билан қиёсий таҳлили амалга оширилган⁴.

Муаллиф ўрта асрлардаги расадхоналарнинг бир меъёردа фаолият юритиши учун имконият яратишда зарурий бўлган учта асосий омилни ажратиб кўрсатди:

“1) жадваллардаги маълумотлар ўртасидаги ва сайёралар жойлашувини кузатишдаги муайян фарқлар янги тадқиқотлар учун заруратни келтириб чиқарганлиги;

2) расадхона қурилишидек ишга раҳбарлик қила оладиган ва кузатув материалларини қайта ишлай оладиган йирик астрономларнинг мавжудлиги;

3) умумий фанлар билан, шу жумладан, астрономия билан қизиқиб, керакли воситаларни етказиб бера оладиган йирик арбобнинг иштироки ва қўллаб-қувватлаши”⁵.

Мисол тариқасида, Г.Ж. Жалолов XIII асрдаги Мароға расадхонасини келтириб ўтади. Аммо, бизнингча, барча санаб ўтилган омиллар XV

* Гномон – ҳикматли ибора, мазмун.

¹ Нильсен В.А. Архитектурный облик обсерватории Улугбека в Самарканде...

² Ўша асар, 127-бет.

³ Ўша асар, 128-бет.

⁴ Джалалова Г.Д. Отличие «Зидж Гурагони» от других подобных зиджей // Историко-астрономические исследования. М.: Гос. изд-во технико-теоретической литературы, 1955. Вып. I. С. 85-100.

⁵ Ўша асар, 89-бет.

аср биринчи чорагидаги Мовароуннахрга, яъни Мирзо Улуғбек расадхонасининг қурилиши ва фаолияти учун ҳам хосдир.

Ўрта асрлардаги бир қатор астрономик жадвалларни келтириб ўтиш асносида муаллиф, уларни тузишдаги, назарий шакллаштиришдаги ва бошқа айрим жиҳатларидаги услублар анча ўхшаш бўлган, деб хулоса берган¹.

Г.Ж. Жалоловнинг фикрича, “Зиж” мазмунини, мазкур сабабларга, яъни Самарқанд расадхонасининг “... асосан сайёралар жадваллари негизида тузилган астрономик жадваллари” Мароға расадхонасидаги квадрантдан “тахминан 12 марта” катта бўлган бош ускуна – Фахрий секстанти туфайли юқори даражадаги аниқлиги билан фарқланишига кўра ҳам улардан кўчирилган (компилятив) деб ҳисоблашга бирор-бир асос йўқ².

Бизнинг тадқиқотимиз учун Г.Ж. Жалоловнинг мазкур даврда айрим тадқиқотчилар ўртасида расадхонанинг тузилиши масаласи борасида авж олган илмий мунозараларнинг асосий мазмунини аниқлаш имконини берувчи бошқа бир иши ҳам қизиқиш уйғотади³. Жумладан, ушбу мақолада расадхонанинг қурилиши ва унинг тузилишидаги ўзига хослик борасида Б.Н. Засыпкин ва В.А. Нильсен ишларида келтирилган бир-бирига зид айрим масалалар билан боғлиқ томонлар ёритилган.

Г.Ж. Жалолов тадқиқотларига кўра, расадхонани қуриш ғояси Улуғбекнинг мустақил ташаббуси бўлмай, балки ҳукмдорни Мароға расадхонасида (XIII аср) тузилган Элхонийлар жадвалидаги маълумотларни қайта кўриб чиқиш зарурлигига бир неча бор ишонтира олган Ғиёсиддин Чустий (Коший)нинг таъсирида шаклланган. Натижада, тадқиқотчининг фикрича, “илм-фан билан қизиққан, математика ва астрономия соҳаларида тушунчаларга эга Улуғбек ниҳоят, расадхонани яратишга рози бўлган”⁴. Аммо муаллиф ушбу жумлани тасдиқловчи бирор-бир тарихий асарга мурожаат қилганлигини келтириб ўтмайди.

Расадхонанинг тузилиши масаласида ҳам айрим фарқлар мавжуд. Г.Ж. Жалоловнинг фикрича, расадхонада бирор хизмат кўрсатиш, айниқса турар-жой хонаси бўлганлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки бу “хоналарга” деярли ҳеч қачон Қуёш нури тушган эмас, уларда абадий захлик ҳукмрон бўлган; “агарда бу масканлар турар жой бўлганида эди, у холда уларнинг томига Чустий (Коший – Ф.Ш.) таърифлаганидек, йирик ва оғир астрономик ускуналар жойлаштирилмаган бўларди”⁵. Ёзма манбалардаги маълумотларни археологик тадқиқотлар натижалари билан таққослаган муаллиф, Улуғбек

¹ Джалалова Г.Д. Отличие «Зидж Гурагони» от других подобных зиджей ... 88-бет.

² Ўша асар, 100-бет.

³ Джалалов Г.Д. К вопросу о составлении планетных таблиц самаркандской обсерватории // Историко-астрономические исследования. М.: Гос. изд-во технико-теоретической литературы, 1955. Вып. I. С. 101-118.

⁴ Ўша асар, 105-бет.

⁵ Ўша сар, 111-бет.

расадхонаси “ховлича кўринишида бўлиб, у катта бўлмаган думалоқ девор билан ўраб олинган. Унинг ичига эса кенг, мустаҳкам пойдеворли асосий ва таянч деворлар бунёд этилган. Улар оралиғидаги бўшлиқ хоналар ёки йўлка (коридор) кўринишида бўлган”¹.

Расадхонанинг бунёд этилиш санаси борасида муаллиф, мазкур иншоотнинг қурилиши Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қурилиши билан бир вақтда, яъни 1417 йилда бошланиб, 1420 йилга қадар тугалланган², деб ҳисоблайди.

Мирзо Улуғбекнинг астрономик изланишлари муддатини белгилаш борасида ҳам Г.Ж. Жалоловнинг маълумотлари қимматлидир. Жумладан, у: “фараз қилиш мумкинки, тахминий кузатувлар 1417 йилдаёқ амалга оширилган. Аммо секстант орқали доимий кузатувлар 1420 йилда бошланган ва 1447 – 1448 йилларда якунланган; шундай қилиб, кузатувлар даври Зуҳал (Сатурн) буржи даврига (тахминан 30 йилга) тенг бўлган”³, – деб фикр юритади. Г.Ж. Жалоловнинг бу маълумоти Седилло, М.Е. Массон ва Т.Н. Қори-Ниёзий томонидан қўллаб-қувватланган ва жадваллар тузилишининг сўнгги санасини 1437 йилга тааллуқли деб ҳисоблаган В.В. Бартольд маълумотидан⁴ деярли 10 йилга фарқланади. Г.Ж. Жалолов ўз нуқтаи назарини қуйидаги тарзда асослаган: “Седиллонинг фикри асоссиз айтилган. Ҳижрий 841 йилнинг боши (1437 йил) биринчидан, қабиса йили ўрнини аниқлашнинг ўттиз йиллик даври бошланиши ҳисобланади ва иккинчидан, ҳижрий 841 йил Самарқанд расадхонасида ўтказилган барча кузатувлар даврининг тахминий ўрталиғи ҳисобланади. Шу боис ҳижрий 841 йилнинг боши (1437 йил 6 август) сайёралар ва юлдузлар жадвалларини тузишнинг дастлабки босқичи сифатида қабул қилинган. Бу ҳолатни эътиборга олмай, 1437 йилни кузатувларнинг якуний йили деб ҳисоблаш мутлақо нотўғри”⁵.

Расадхонанинг жиҳозлари хусусида Г.Ж. Жалолов астрономик асбоб-ускуналар “ёпиқ айвонга жойлаштирилиб, кузатувлар чоғида очилганлигини” тахмин қилган ҳамда XV аср муаррихи Абдурраззоқ Самарқандийнинг маълумотларига суянган муаллиф у ерда ҳам Ер куррасининг ва самонинг глобус ҳамда хариталари бўлган, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, Мирзо Улуғбек илмий фаолиятини тадқиқ қилишда XX асрнинг 50-йиллари ўзининг самарали изланишлари билан характерланади. Мазкур давр мобойнида расадхонанинг илк тузилишини қайта тиклаш борасидаги ҳамда қурилмаларнинг аниқланиши ва кузатувлар

¹ Джалалов Г.Д. К вопросу о составлении планетных таблиц самаркандской обсерватории ... С. 112.

² Ўша асар, 113-114-бетлар (Бу борада Мирхонднинг «Всеобщая история»даги «Раузат-ас-Сафа» («Сад чистоты») асаридан келтирилади).

³ Ўша асар, 114-бет.

⁴ Бартольд В.В. Улугбек и его время... С. 138; Массон М.Е. Обсерватория Улугбека... С. 24; Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека... С. 92.

⁵ Джалалов Г.Д. К вопросу о составлении планетных таблиц... С. 116-117.

ўтказишда қўлланилган турли асбоб-ускуналарнинг вазифалари борасидаги масалалар юзасидан муайян ютуқларга эришилди. Бундан ташқари, Самарқанд мактаби вакиллари амалга оширган кўплаб тадқиқотлар ўзининг янгича баҳосини олди. Айниқса, Мирзо Улуғбек илмий фаолияти билан боғлиқ муҳокама қилинаётган муаммоларнинг сўнгги натижаларини ўзида акс эттирган Т.Н. Қори-Ниёзий монографиясининг нашр этилиши бу даврнинг ўзига хос муваффақияти ҳисобланади.

Кейинги ўн йилликда, яъни XX асрнинг 60-йилларида мазкур муаммо бўйича тадқиқот ишлари давом эттирилди. Натижада, кўплаб монографиялар¹, мақолалар тўплами², алоҳида нашрлар³, халқаро анжуманлардаги ҳам илмий-оммабоп⁴, ҳам соф илмий хусусиятга эга маърузалар⁵ чоп этилди.

Кўрилаётган муаммо бўйича қилинган тадқиқотлар орасида Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятини ёритиш билан бир каторда, унинг сафдошлари ва Самарқанд расадхонасида ўтказилган тадқиқотларни ҳам ёритган ҳамда уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни ва ролини аниқлашга ҳаракат қилган Н.И. Леоновнинг иши аҳамиятга моликдир⁶. Жумладан, муаллифнинг фикрича, Улуғбек ва унинг мактабидаги астроном олимларнинг қўлга киритган натижалари маълум даражада астрономия ва математика бўйича тадқиқотлар илмий анъаналарини такомиллашувининг давоми бўлди.

Китоб илмий-оммабоп характерга эга бўлиб, ўқилиши енгиллиги боис, у фан тарихи билан қизиқувчиларнинг барчасига тушунарли эди. Шу сабаб мазкур асар қайта ишланиб, уч марта нашр этилган*. Бунга асарга янада кўпроқ янги далилий материалларнинг жалб қилиниши ҳамда муаллифнинг қазимша ўтказилган жойни бориб кўриши ҳам

¹ *Матвиевская Г.П.* К истории математики Средней Азии. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962. – 125 с.; *Кары-Ниязов Т.Н.* Астрономическая школа Улугбека. Второе издание / Избранные труды в 8-ми томах. Ташкент: Фан, 1967. Т. VI. – 275 с.

² Из истории эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1965. – 378 с.

³ *Савицкий А.П.* Заметки о памятнике Улугбеку // Труды ТашГУ. Вып. 169. Исторические науки. Кн. 34. Материалы по истории Средней Азии и Узбекистана. Ташкент, 1960. С. 40-44; *Кравцов Д.* Где же скрыта библиотека Улугбека? // Правда Востока. 1962, 10 октября; *Рацек В.* Тайна Нияз-тепе // Правда Востока. 1962, 26 октября; *Кары-Ниязов Т.Н.* Улугбек и Савай Джай Сингх // Физико-математические науки в странах Востока. М.: Наука, 1966. Вып. I. С. 247-256; Ўша муаллиф. Улугбек и последнее слово дотелескопической астрономии // ОНУ. 1969. № 3. С. 21-29; *Щеглов В.П.* Самаркандская обсерватория Улугбека // Земля и Вселенная. 1967. № 4. С. 62-68; *Гулямов Я.Г., Буряков Ю.Ф.* К планировке обсерватории Улугбека по материалам раскопок // ОНУ. 1968. № 2. С. 69-70; *Файзуллаев А.Ф.* Вопросы познания в «Зидж»е Улугбека // ОНУ. 1969. № 3. С. 43-45; *Пугаченкова Г.А.* Архитектура обсерватории Улугбека // Искусство зодчих Узбекистана. Ташкент: Фан, 1969. Вып. IV. С. 107-131 ва б.

⁴ *Леонов Н.И.* Научный подвиг самаркандских астрономов XV века. М.: Гос-ное изд-во физико-математической литературы, 1960. – 120 с.; *Массон М.Е.* Падающий минарет. Ташкент: Узбекистан, 1968. – 44 с.

⁵ *Кары-Ниязов Т.Н.* О некоторые результатах, полученных обсерваторией Улугбека // Труды XXV международного конгресса востоковедов. М.: Изд-во восточной литературы, 1963. Т. 3. С. 47-54; Ўша муаллиф. Мировое значение астрономической школы Улугбека в Самарканде // Объединенная научная сессия, посвященная 2500-летию Самарканды. Тезисы докладов. Ташкент, 1969. С. 4-6.

⁶ *Леонов Н.И.* Научный подвиг самаркандских астрономов XV века... С. 95-103.

* Биринчи нашри 1950 йилда бўлган.

сабаб бўлган.

Китобнинг биринчи бобида муаллиф томонидан ёзма манбалардаги маълумотларнинг археологик қазилмалар натижалари билан қиёсий таҳлил қилинган бўлиб, умуман кўп жиҳатлар айнан бир хил эканлиги кўрсатиб берилган. Расадхонанинг дастлабки қиёфасини қайта тиклаш борасидаги тадқиқотчиларнинг айрим ишлари ҳақида гапирар экан, бу масалада Н.И. Леонов: “(расадхонанинг тарҳланиши ва ташқи кўриниши – *Ф.Ш.*) деталлари ҳақида, эҳтимол, кейин ҳам баҳслашиш мумкин бўлади, чунки кўплаб излар “ўчиб кетган”¹, – деб таъкидлайди.

Юқорида эслатиб ўтилгандек, айрим ҳолатларда ўрта асрларда яшаб, ижод қилган ўртаосиёлик олимларнинг ишларига нисбатан қўлланилган “араб фани” концепцияси масаласига муносабат билдирган муаллиф ўз ишида: “IX – XVI асрлар давомида келиб чиқиши Ўрта Осиёдан бўлган юзга яқин олимлар астроном ва математик сифатида – юлдузлар ва бошқа астрономик жадваллар тузувчилари, астрономик асбобларнинг кашшофлари, астрономия, тригонометрия, алгебра, геометрия бўйича назарий рисолаларнинг муаллифлари бўлишди. Мазкур олимларнинг ишлари Яқин ва Ўрта Шарқда ягона ҳисобланган илм-фан муҳитига киради... Бу илм-фан учун араблар эгаллаган барча мамлакатларда расмий тил бўлган араб тили умумий тил бўлган”², – деб таъкидлайди.

Н.И. Леонов ҳам В.В. Бартольд каби Мирзо Улуғбек “Зиж”нинг муаллифи бўлганлигини шубҳа остига олади. Бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини у ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 2118 рақами остидаги “Зиж”нинг XVI асрдаги қўлёзма нусхаси билан асослайди³.

Расадхона қурилишининг ташаббускори масаласида Н.И. Леонов Г.Д. Жалолов билан ҳамфикр бўлди⁴.

Расадхонанинг бузилиши тарихи борасида эса, муаллиф бино Шайбонийхон буйруғи билан 1499 йилда бузилган⁵, деб ҳисоблайди, аммо на қўрилаётган ишда ва на бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида бу фикрни тасдиқловчи ишончли манбадан иқтибос келтирилмаган.

Н.И. Леонов ҳам расадхонанинг бош ускунасини аниқлаш билан боғлиқ илмий мунозарага қўшилиб, уни “Фаҳрий секстанти” деб ҳисобовчи Г.Ж. Жалолов ва Т.Н. Қори-Ниёзийларнинг нуқтаи назарига қўшилмаслигини айтиб ўтади. Жумладан у: “Улуғбек расадхонаси бош ускунасининг ишчи қисмини шартли равишда секстант деб аташ мумкин, чунки Самарқанднинг географик ўрнидаги ҳолатига кўра, бу ишчи қисми 60° дан ошмаган, аммо умуман олганда ускуна, шубҳасиз,

¹ Леонов Н.И. Научный подвиг самаркандских астрономов XV века... С. 4.

² Ўша асар, 27-бет.

³ Ўша асар, 73-бет.

⁴ Қиёслаш учун қаранг: Джалалов Г.Д. К вопросу о составлении планетных таблиц самаркандской обсерватории... С. 104-105; Леонов Н.И. Научный подвиг самаркандских астрономов XV века... С. 76-77.

⁵ Леонов Н.И. Научный подвиг самаркандских астрономов XV века... С. 84.

доиранинг тўлиқ тўртдан бирини, яъни квадрантни ўзида акс эттирган. Айни вақтда Улуғбек расадхонасидаги квадрант, шубҳасиз, Фаҳрий секстантининг кейинчалик такомиллашуви натижасини ўзида акс эттирган...”¹.

Н.И. Леонов расадхонадаги айрим асбобларнинг ички тузилиши ва вазифаси масалалари бўйича Жамшид Гиёсиддин Кошийнинг “Рисола дар шарҳ-и алат-и-расад” (“Расадхона асбобларининг шарҳи рисо-ласи”)ни ҳамда шахсан расадхонага ташриф буюрган Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларини асосий манба деб ҳисоблаган².

Мирзо Улуғбек амалга оширган кузатувлар ва ўлчовларнинг аниқлиги китобхонларга буткул тушунарли бўлиши учун Н.И. Леонов XIX аср француз тадқиқотчиси Л. Седийонинг: “Темурнинг набираси ўзининг барча ишларига тартибот ва аниқлик руҳини олиб кирди, бу эса унинг ўтмишдошларида (астрономларда – Ф.Ш.) кузатилмайди; у ўз жадваллари ниҳоятда аниқлик билан ажралиб туришига ҳаракат қилди ҳамда ўзини энг яхши ускуналар билан таъминлаш учун ҳеч нарсани аямади”³, – деган сўзларини келтириб ўтади.

Мазкур ишда Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ҳомийси ва ташкилот-чиси сифатидаги ўрни ҳам ижобий акс эттирилган. Тадқиқотчи “Зиж”дан кўрилаётган давр илмий кашфиётининг асосий ғоясини ифода этувчи: “Табиий фанлар миллат, дин ва уларни ифода этувчи сўзлар ўзгаргани билан ўзгариб қолмайди”⁴ иборасини келтириб ўтади.

Умуман олганда, Н.И. Леоновнинг китоби ўзининг илмий аҳамия-тидан ташқари, Мирзо Улуғбек мероси ҳақидаги маълумотларнинг маълум даражада оммалашувига ҳам ёрдам берди.

Мазкур ўн йиллик тадқиқотчилари орасида 1960 йилда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг XXV халқаро анжуманида: “Улуғбек расадхо-насида олинган айрим натижалар ҳақида”⁵ маъруза қилган Т.Н. Қори-Ниёзийнинг қатор ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг ушбу ишдаги асосий фикри Мирзо Улуғбек тадқиқотларидаги гелиоцентризм аломат-ларини намоён қилиш ҳаракатидан иборат бўлган. Аниқ фанлар соҳасининг мутахассиси сифатида Т.Н. Қори-Ниёзий, Самарқанд макта-бининг у ёки бу илмий кашфиётлари аҳамиятини анча асосли равишда баҳолаб берган. Маърузачи ўша давр илмий-техник имкониятлари ёрдамида Мирзо Улуғбек амалга оширган кузатувларнинг сифати ва аниқлигини таъкидлаб, Улуғбек мактабининг кейинги даврларда бошқа мамлакатлардаги астрономия фани ривожига кўрсатган ижобий таъсирини ҳам қайд этган⁶. Жумладан, XVIII аср ҳинд астрономи Савай

¹ Батафсил қarang: *Леонов Н.И.* Научный подвиг самаркандских астрономов XV века... С. 91-92.

² Ўша асар, 84-86-бетлар.

³ Ўша асар, 93-бет.

⁴ Ўша асар, 78-бет.

⁵ *Кары-Ниязов Т.Н.* О некоторых результатах полученных обсерваторией Улугбека // XXV Международный конгресс востоковедов. М.: Изд-во восточной литературы, 1960. Отдельный оттиск. – 11 с.

⁶ Ўша асар, 10-бет.

Жай Сингх қаламига мансуб асардан келтирилган парча бунинг исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу асарда муаллиф ҳинд олимлари томонидан расадхона қурилиши чоғида ҳамда астрономик асбобларни тайёрлашда “мусулмон китобларидан” фойдаланилганлигини маълум қилади¹. Шу билан бирга, келтирилган маълумот ҳинд расадхонасидаги қурилманинг Самарқанддаги қурилма билан айнан эканлигини англатмайди.

Мазкур даврда академик И.М. Мўминов муҳаррирлиги остида “Из истории эпохи Улугбека” (“Улугбек даври тарихидан”) академик тўпламининг нашр этилиши таҳсинга сазовор бўлиб,² бу тўпланда бир қатор машҳур олимларнинг мақолалари жамланган эди. Унда Мирзо Улугбек давридаги Мовароуннаҳр тарихининг сиёсий³, ижтимоий-иқтисодий⁴ ва маданий⁵ ҳаётига оид масалалар ҳам ўз аксини топди. Буюк олимнинг илмий фаолиятини ёритишга эса алоҳида эътибор қаратилган⁶.

Юқорида асосий мақсади Улугбек кашфиётларига тавсиф ва илмий баҳо бериш ҳамда уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрнини аниқлаш ҳисобланган Т.Н. Қори-Ниёзийнинг ўзига хос ажойиб монографияси батафсил тавсифланган эди. Таъриф берилаётган тўпланда ушбу олимнинг мақоласи ҳам киритилган бўлиб⁷, унда монографиянинг асосий жиҳатлари ўз ифодасини топган эди. Бундан ташқари, мақолада илмий билимлар тараққиёти тарихидаги ва Ўрта Осиё ҳудудига хос бўлган илмий ворисийликнинг шаклланишидаги асосий босқичларнинг истиқболлари кўрсатиб ўтилган.

Мазкур масалага Д.Г. Вороновскийнинг ишида ҳам батафсил тўхтаб ўтилган бўлиб, муаллифнинг ўзи эътироф этишича, “бу ворисийлик алоқаларини даврий тартибда: а) бу йўналишда, асосан, Ўрта Осиёнинг Улугбекка қадар ўз вақтида Шарқдаги астрономия фани ютуқларини таъминлаган астроном ва математик олимларнинг ишларини кузатишга; б) бу оқимга Улугбек ва унинг ҳамкасбларининг келиб қўшилишини таъкидлашга; в) Самарқанд расадхонаси олимларининг ютуқларини Ўрта Осиёдан ташқарига тарқалишини жамлашга”

¹ Кары-Ниязов Т.Н. О некоторых результатах полученных обсерваторией Улугбека ... С. 4.

² Из истории эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1965. – 378 с.

³ Ахмедов Б.А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра первой половины XV в. // Из истории эпохи Улугбека... С. 5-66.

⁴ Давидович Е.А. Материалы для характеристики денежной реформы Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 274-299.

⁵ Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 227-255; Булатова В.А. К истории сложения ансамбля Шах-и-Зинда в XV в. // Из истории эпохи Улугбека... С. 256-273.

⁶ Кары-Ниязов Т.Н. Улугбек – великий астроном XV в. // Из истории эпохи Улугбека... С. 67-99; Вороновский Д.Г. Астрономы Средней Азии от Мухаммада ал-Хаваразми до Улугбека и его школы (IX – XVI вв.) // Из истории эпохи Улугбека... С. 100-172; Сираждинов С.Х., Матвиевская Г.П. О математических работах школы Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 173-199; Шишкин В.А. Самаркандская обсерватория Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 200-226.

⁷ Кары-Ниязов Т.Н. Улугбек – великий астроном XV в. // Из истории эпохи Улугбека... С. 67-99.

ҳаракат қилиб кўрган¹. Ўз тадқиқотида у астрономия ва математика соҳаларида Улуғбекка қадар ва ундан сўнг яшаб, ижод қилган 54 та ўртаосиёлик олимнинг исмини келтириб, уларнинг илмий фаолиятларига шарҳлар бериб ўтган.

Таъкидлаш жоизки, муаллифнинг ушбу илмий мақоладан кўзланган мақсади: “гарчи нозик бўлса ҳам, аммо шубҳасиз мустаҳкам бўлган астрономия фани тараққиётининг ворисийлик занжири бўғинларини” Ўрта Осиёда араблар давридан (VIII аср) то Улуғбек ворисларигача бўлган даврини (XVI аср) изчилликда кузатишга интилиш бўлган ва у бунга эришган.

Улуғбекнинг кўп қиррали илмий ва адабий фаолиятини кўриб чиқиб, тадқиқотчи аввалги изланишларда учрамаган қизиқ фаразни ўртага ташлайди. У 1409 йилда Дурбек тахаллуси остида ёзилган “Юсуф ва Зулайхо” достонини Мирзо Улуғбек қаламига мансуб деб тахмин қилади². Д.Г. Вороновский Мирзо Улуғбек ишларини услубий (стилистик) ва даврий (хронологик) жиҳатдан таҳлил қилиб, бу фикрга келган эди. Аммо, қайд этиш керакки, бу тахмин кейинги тадқиқотларда на қўллаб-қувватланди ва на рад этилди.

Улуғбекнинг Самарқанддаги мактабида астрономия билан бир қаторда математика бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган. С.Х. Сирожиддинов ва Г.П. Матвиевскаяларнинг мақоласи Самарқанд мактабидаги шу соҳа йўналиши билан боғлиқ масалаларнинг ёритилишига бағишланган. Биринчи навбатда муаллифлар XIX аср бошларида Ғарбий Европа фанида шаклланган ўрта асрлардаги ўртаосиёлик олимларнинг математика ва астрономия фанлари ривожига воситачилик ролини ўйнаганликлари ҳақидаги тушунчани рад этишга ҳаракат қилганлар. Юқорида таъкидланганидек, Европанинг айрим тадқиқотчилари Ўрта Осиёнинг нафақат математикаси, балки астрономияси ҳам соф компилятив хусусиятга эга, “уларнинг (Ўрта Осиё олимларининг – Ф.Ш.) ягона хизмати фақат Ғарбий Европага юнон ва ҳинд илмий меросини асраб, етказиш бўлган”³, – деб ҳисоблаганлар.

Математикага оид, хусусан Ғиёсиддин Кошийнинг “Мифтоҳ ул-ҳисоб” – “Ҳисоб (арифметика) калити”, “Рисола ал-муҳития” – “Доира ҳақида рисола”, Қозизода Румийнинг “Бир даража синусини аниқлаш усулининг баёни ҳақида” рисолалари каби асосий ишларининг таҳлили, ўртаосиёлик олимларнинг тадқиқотлари ўзига хос ва мустақил тадқиқот эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, Самарқанд мактаби вакиллари-нинг қуйидаги йўналишлар бўйича математикага оид изланишларининг асосий натижаларининг изчил таҳлили амалга оширилди: 1) арифметика соҳасидаги ютуқлар; 2) 2π ни ҳисоблаб чиқиш услуги; 3)

¹ Вороновский Д.Г. Астрономы Средней Азии от Мухаммада ал-Хаваразми до Улугбека и его школы (IX-XVI вв.) // Из истории эпохи Улугбека ... С. 101.

² Ўша асар, 119-120-бетлар.

³ Сираждинов С.Х., Матвиевская Г.П. О математических работах школы Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 174.

* 2π (икки пи)нинг турғун математик каталлиги = 3,14.

бир даражанинг (1⁰) синусини аниқлаш услуби. Ўтказилган тадқиқотлар асосида муаллифлар “қисқа фурсат ичида Европа математиклари эришган бундай ютуқларнинг энг муҳим кафолати – арифметиканинг Ўрта ва Яқин Шарқ, аввало Ўрта Осиёда ривожланганлиги ҳисобланади...”¹, – деган хулоса чиқардилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан математика соҳасидаги ажойиб натижалар “Самарқанд илмий мактабига беқиёс шуҳрат келтирган астрономия ҳисоблари билан изоҳланади”².

Самарқанд мактаби вакиллари математика соҳасидаги изланишларининг асл моҳиятини таърифлар экан, С.Х. Сирожиддинов ва Г.П. Матвиевскаялар: “... дунё математикаси фани ривожини Ўрта ва Яқин Шарқ, биринчи навбатда Ўрта Осиёдан келиб чиққан бир пайтда улар (олимлар – Ф.Ш.) ўрта асрлар даврида математика тарихи учун ниҳоятда қизиқ ва муҳим бўлган босқични шараф билан яқунига етказдилар. Самарқанд мактаби математиклари ўша давр фанининг энг юқори чўққиларига эришдилар ва бир неча юз йилликларга Европа математикларининг ютуқларидан илгарилаб кетдилар”³, – деб таъкидлайдилар.

Мақолада келтирилган Ўрта Осиёда математика фани ривожининг тарихи бўйича хорижий тадқиқотларнинг тарихшунослигига оид шарҳ муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тўплам доирасидаги яна бир иш – В.А. Шишкиннинг мақоласи⁴ бўлиб, у ҳам Улуғбек расадхонасига бағишланган. Мақола муаллифнинг 1953 йилда нашр этилган ва юқорида биз таҳлил қилган аввалги йирик ишининг ўзига хос мазмунини акс эттиради.

Шундай қилиб, “Из истории эпохи Улугбека” (“Улуғбек даври тарихидан”) мажмуа тўплами, Мирзо Улуғбекка оид илмий-тарихий меросдан ташқари бошқа муҳим жиҳатларни ҳам ўзида мужассам этган.

Ушбу даврий босқичга оид адабиётлар орасида В.П. Шчегловнинг мақоласини⁵ таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу мақола янги маълумотларга даъво қилмаса-да, Мирзо Улуғбек илмий мактабида амалга оширилган кашфиётлар ҳақидаги билимларнинг оммалашувига кўмаклашди. Илмий адабиётларда кенг ёритилган муаммолар, хусусан расадхонанинг бош ускунасини аниқлаш масаласига алоҳида урғу берган Г.Д. Жалолов ва Т.Н. Қори-Ниёзийнинг қарашларига, яъни усқунани “Фаҳрий секстанти” деган фикрга мос келади⁶.

Шу билан бирга, қатор масалаларда В.П. Шчеглов кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган фикрлардан фарқ қилувчи ўз қарашларини ҳам айтиб ўтган. Хусусан, у, собит юлдузларнинг координатларини аниқлаш услуби ҳақида таъкидлайди.

¹ Сираждинов С.Х., Матвиевская Г.П. О математических работах школы Улугбека... С. 181-182.

² Ўша асар, 186-бет.

³ Ўша асар, 198-199-бетлар.

⁴ Шишкин В.А. Самаркандская обсерватория Улугбека // Из истории эпохи Улугбека... С. 200-226.

⁵ Шеглов В.П. Самаркандская обсерватория Улугбека // Земля и Вселенная. М., 1967. № 4. С. 62-68.

⁶ Ушбу олимлар айна масала бўйича тадқиқотлари юқорида таҳлил қилинган.

натларини аниқлаш бош усқунанинг вазифасига кирмай, балки унда Қуёш, Ой ва сайёралар кузатилган, деб ҳисоблаган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, “Улуғбек расадхонаси – Шарқ астрономияси тараққиётидаги ажойиб даврнинг ҳайратланарли ёдгорлигидир”. Шу муносабат билан В.П. Шчеглов Улуғбек расадхонасини сақлаш, эҳтиётлаб ўрганиш ва тиклаш зарурлигини ҳамда у “буюк олимга муносиб ёдгорлик бўлиб, табиий-илмий билимларнинг тарғиботи учун асос сифатида хизмат қилган бўлур эди”¹, – деб таъкидлайди.

1967 йилда Т.Н. Қори-Ниёзийнинг “Улуғбекнинг астрономик мактаби” (“Астрономическая школа Улугбека”)² фундаментал монографиясининг қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри амалга оширилди. Аввал таъкидланганидек, унинг 1950 йилдаги биринчи нашри жаҳон илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган бўлиб, бу иш 1952 йилда Давлат мукофатига сазовор бўлган эди. Биринчи нашрининг адади 5000 нусха бўлса-да, етарли эмас эди. Шу боис, ишни қайта нашр этишга қарор қилинди. Бу вақтда илмий муомалага янги маълумотлар киритилган бўлиб, бу ҳолатлар ҳам муаллиф томонидан эътиборга олинган эди. Айрим ўзгаришлар киритилиши натижасида, Мирзо Улуғбек бошқарувидан аввалги ва кейинги даврларга дахлдор тарихий ўтмиш воқеликлари анча кенгайтирилди; ўртаосиёлик олимнинг илмий қарашларининг таҳлили бир қадар чуқурлаштирилиб, Самарқанд мактабининг шаклланиши ва тараққиёти тарихини ёритиш бўйича янги далиллар киритилди.

У ёки бу масала юзасидан айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига муайян аниқликлар киритилди. Жумладан, Г.А. Пугаченкова ўз ишларидан бирида Самарқанд расадхонаси, маълум маънода Ҳиндистонда қурилган расадхонага (XVII аср) намуна бўлиб хизмат қилган, деган тахминни келтириб ўтади³. Унинг фикрига муносабат билдирган Т.Н. Қори-Ниёзий ўз ишида: “1960 йилда Ҳиндистонда бўлган чоғимда, ўз вақтида Савай Жай Сингх томонидан қурилган Дехли ва Жайпурдаги расадхоналарни тезда кўриб чиқиш имконига эга бўлдим. Кутилганидек, Улуғбек расадхонасига нисбатан улар анча кичик ҳажмга ва бошқача тузилишга эга эди”⁴, – деб таъкидлайди.

Тадқиқот муаллифи расадхона қурилишининг тугатилиши масаласини кўриб чиқишга бир қадар муфассал тўхтаб ўтган⁵, чунки бу ҳам бир неча бор баҳс-мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан эди.

Т.Н. Қори-Ниёзийнинг фундаментал иши ўзида тарихий жараёнлар, Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби вакилларининг аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари натижаларининг таҳлили уйғунлигини

¹ Шчеглов В.П. Самаркандская обсерватория Улугбека // Земля и Вселенная... С. 67-68.

² Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека / Избранные труды. Ташкент: Фан, 1967. Т. VI. – 375 с.

³ Пугаченкова Г.А. Архитектура обсерватории Улугбека // Искусство зодчих Узбекистана. Ташкент: Фан, 1969. Вып. IV. С. 107-131.

⁴ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека / Избранные труды... С. 137.

⁵ Ўша асар, С. 137-139.

мужассам этган бўлиб, бу ушбу ишнинг ўзига хослигини белгилайди. В.В. Бартольднинг “Улуғбек ва унинг даври” (“Улугбек и его время”) монографияси билан бир қаторда, Т.Н. Қори-Ниёзийнинг ишини ХХ аср мабойнида амалга оширилган Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти бўйича тадқиқотларнинг энг саралари қаторига қўшиш мумкин. Аммо, айтиб ўтиш жоизки, бу китоб ўша замон талабларига мос мафкуравий таъсир муҳитида ёзилган эди.

“Расадхона қолдиғини сақлаш керакми ёки уни консервациялаш зарурми?”, деган муаммо совет даврида давлат даражасида ҳал қилинган ва қизгин мунозараларга сабаб бўлган. Олимлар ва республиканинг раҳбар органлари ўртасида узоқ давом этган муҳокамалар натижасида 1967 йилнинг август – ноябрь ойларида Я.Ғ. Ғуломов ва Ю.Ф. Буряковлар раҳбарлигида таъмирлаш-консервациялаш ишларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди¹. “Расадхона тарҳини ниҳоятда аниқ белгилаб олиш учун, жумладан, доира ичидаги хоналарни қайтадан тозалаш, тепалик бўйлаб ўтказилган назорат қолдиқлари ва қазишмаларини тозалаб чиқиш талаб қилинди. Яна тарҳнинг ҳар бир аломатини ва айрим хоналарнинг нимага мўлжалланганлигини ҳам аниқлаш зарур эди”².

Мазкур иншоотни қайта таъмирлаш бўйича таклиф қилинган лойиҳалар хилма-хил бўлиб, унга турли йўналишдаги олимларнинг муносабати ҳам турлича бўлган. Кўпчилик орасида “расадхонанинг деярли бузилганлиги унинг қиёфасини тиклашга ҳаракат қилаётган мутахассислар учун қийинчиликлар туғдиради”³, – деган фикр устуворлик қилган.

Шундай қилиб, бу Улуғбек расадхонасидаги сўнгги археологик иш эди. Тадқиқотчилар эҳтимол “расадхона тарҳини аниқлаш, шубҳасиз, мазкур XV асрга оид ажойиб ёдгорликнинг амалий ва меъморий таъмирини анча ишонарли вариантларини ишлаб чиқишга ёрдам беради”⁴, – деб умид қилган кўринади. Афсуски, расадхонанинг қайта таъмири бўйича режаларнинг бирортаси ҳаётга тадбиқ этилмаганлигини таъкидлаш жоиз бўлади.

Шундай бўлса-да, Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганиш давом эттирилди. Хусусан, А.Ф. Файзуллаевнинг тадқиқоти Мирзо Улуғбек “Зижи”да баён қилинган билимларнинг фалсафий услубларини ўрганишга бағишланган эди⁵. Мақола муаллифи ҳақли равишда таъкидлаганидек, у ёки бу координатларни ҳисоблаб чиқиш, “эклиптиканинг экваторга нисбатан оғишини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш” ҳамда бошқа амалий тадқиқотларни “расадхона қурилиши режаси асосига замин бўлган ақлий тажрибани ишга солмай амалга ошиш мумкин эмас

¹ Гулямов Я.Г., Буряков Ю.Ф. К планировке обсерватории Улугбека по материалам раскопок // ОНУ. 1968. № 2. С. 69-71.

² Ўша мақола, 69-бет.

³ Ўша мақола, 71-бет.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Файзуллаев А.Ф. Вопросы познания в «Зидже» Улугбека // ОНУ. 1969. № 3. С. 43-45.

эди”¹.

А.Ф. Файзуллаевнинг фикрича, расадхона ишида қўлланилган билиш шакли: 1) кузатиш; 2) билишнинг шаклланиши; 3) жадвалларда мавжуд ҳақиқатни акс эттириш шакли сифатида; 4) тадқиқотларнинг умумий ва хусусий услублари; 5) диалектик қарама-қаршилик масалалари каби қисмларга ажратилган.

Муаллифнинг фикрича, Мирзо Улуғбек илмий мактаби эришган юксак ютуқларнинг асосий омили кузатиш услубининг билиш шакли сифатида кенг қўлланилганлигида эди. А.Ф. Файзуллаев мазкур шаклга оид қуйидаги аломатларни санаб ўтган: “тадқиқот объекти – осмон жисмлари, тадқиқот субъекти – кузатувчи-астрономлар (Улуғбек ва унинг шогирдлари), билиш воситаси – секстант ва бошқалар. Бу аломатлар кўринадиган осмон жисмлари ҳаракатини кузатишдаги ўзаро таъсир жараёнида келади”².

Мирзо Улуғбекнинг илмий рисоласига таъриф берар экан, муаллиф унинг амалий ва тажрибавий аҳамиятидан ташқари, юксак илмий-услубий қийматини ҳам таъкидлаб: “Улуғбекнинг ўлмас асари ўтмишнинг буюк мутафаккири асарларидаги назарий ва амалий ишланмалар, билиш масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотади”³, – деган.

Бу асарга вақт ва маконга нисбийлик жиҳатидан берилган баҳо ҳам қизиқарлидир: “Улуғбекнинг юлдузлар каталогига зидлик мавжуд – у ўз даври фани доирасида нисбатан аниқ, аммо ривожланаётган астрономияга нисбатан ноаниқ”⁴.

Самарқанд мактаби олимлари томонидан амалга оширилган у ёки бу кашфиётлар тарихи билан боғлиқ масалаларни ёритишда, муаллиф, асосан Т.Н. Қори-Ниёзийнинг қайта нашр этилган монографияси маълумотларига суянган.

Юқорида айтилганидек, Мирзо Улуғбек илмий меросига даҳлдор совет давридаги барча адабиётларни уларнинг мазмунига кўра шартли равишда бир неча йўналишларга ажратиш мумкин. Шундай йўналишлардан бири Самарқанд расадхонаси ва уни таъмирлашга бўлган уринишларга оид нашрларга даҳлдор. Бу муаммо иншоот харобалари очилганидан буён анчагина баҳс-мунозара ва тортишувларга сабаб бўлган. Шу муносабат билан машҳур меъмор олим ва ўтмиш маданий ёдгорликлари тадқиқотчиси Г.А. Пугаченкова тадқиқотларига тўхталиб ўтиш зарур бўлади.

Унинг тадқиқотлари ўрта асрлардаги Ўрта Осиё, жумладан Мирзо Улуғбек даври меъморий меросини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Тадқиқотчи расадхонанинг илк қиёфасини тиклаш борасида ўз лойиҳа вариантини таклиф қилиб, бу вариант Б.Н. Засыпкин ва

¹ Файзуллаев А.Ф. Вопросы познания в «Зидж»е Улугбека ... 43-бет.

² Ўша мақола, 44-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша мақола, 45-бет.

В.А. Нильсен лойиҳаларидан тубдан фарқ қилган¹. Г.А. Пугаченкова ҳаққоний равишда “Ўрта Шарқ астрономия фани тарихида ва Ўрта Осиё иморатсозлиги тарихида бу ажойиб ёдгорликнинг илмий чизмасининг тикланиши муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этади”, – деб ҳисоблаган². Ўз лойиҳасини куйидаги дастлабки ҳолатлар билан белгилаган: “1) пойдевор қолдиғи ва қатор меъморий қисмларини аниқлаган ушбу археологик топилмадаги маълумотларнинг ҳужжатларга асосланганлиги; 2) иншоотнинг меъморий-бадий эмас, балки соф астрономик мақсадларда қўлланилганлиги; 3) азалдан Шарқ астрономиясига хос амалиётнинг, хусусан Самарқанд анъаналари таъсирида пайдо бўлган ҳинд расадхонасида қўлланилиши қонунийлиги”³.

Г.А. Пугаченкованинг расадхонанинг ташқи тузилиши борасидаги фикри В.А. Нильсен лойиҳасига, хусусан, куйидаги жиҳатлари билан мос келмаган: “Биринчидан, дераза ўрнининг ҳажми, сўзсиз кенг бўлиши, қолаверса, уларнинг сони хонанинг ички қисмини кўнгилдагидек ёритиши учун ҳам кўп бўлиши керак эди. Иккинчидан, 1967 йилдаги қазишмаларга кўра, расадхонага кириш нафақат шимол томонда, балки жануб томонда ҳам жойлашган; улар яна ҳам шарқдан, ҳам ғарбдан бўлган, чунки у ердан биринчи қават дахлизи (коридор)нинг исталган қисмига ўтиш мумкин бўлиши керак эди”⁴. Унинг далиллари график эскизлар ва чизмалар билан асосланган эди. Г.А. Пугаченкова яна В.А.Нильсеннинг иншоотнинг ички қисмини безашда ўрта асрлар меъморчилигига хос шаклий белгилар қўлланилган деган тахминига ҳам эътироз билдирган⁵. Шундай бўлса-да, ўша даврнинг бирор-бир йирик иншооти бундай белгиларсиз бунёд этилмаганлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Б.Н. Засыпкиннинг “(расадхона – *Ф.Ш.*) мажмуаси тик бўлиб, доиранинг чорагидаги секстант тирқишини тўлиқ ёпиб турган”, деган фикри билан ҳам келиша олмаган Г.А. Пугаченкова “у секстантнинг чет бурчагига мос 19 даража бурчакка оғиб турган, унинг оғиб турган томида асбоб-ускуналар учун майдон ва юқоридан тепага секстантнинг жанубий бурчига ўрнатилган диоптра ҳолатини назорат қилиш имконини берувчи зиналар бўлган”⁶, – деб ўз тахминини билдирди.

Иншоотнинг цилиндрик шакли ҳам олимларни қизиқтираётган ва турли қарама-қарши фикрларни юзага чиқарган масалалардан бири ҳисобланади. Г.А. Пугаченкованинг хулосасига кўра, “нима бўлганда ҳам у (шакл – *Ф.Ш.*) фақат ўраб турувчи деворгина эмас, балки асбоб бўлган”⁷.

Муаллиф ўз тадқиқотида ва лойиҳа ишланмасини тайёрлаш

¹ Пугаченкова Г.А. Архитектура обсерватории Улугбека // Искусство зодчих Узбекистана. Ташкент: Фан, 1969. С. 107-131; Ўша муаллиф. Архитектурная композиция обсерватории Улугбека // ОНУ. 1969. № 3. С. 30-42.

² Пугаченкова Г.А. Архитектура обсерватории Улугбека... С. 112.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша асар, 113-бет.

⁵ Ўша асар, 125-бет.

⁶ Ўша асар, 115-бет.

⁷ Ўша асар, 120-бет.

жараёнида Улуғбек расадхонасини XVII асрдаги ҳинд расадхонаси билан доимий равишда таққослайди. Унинг фикрича, Самарқанд расадхонаси шу хилдаги Деҳли ва Жайпур иншоотлари учун намуна вазифасини ўтаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Г.А. Пугаченкованинг бу қарашларига айрим тадқиқотчилар эътироз билдиришган¹.

Шундай қилиб, XX асрнинг 60-йилларида Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти тарихи билан боғлиқ илмий тадқиқот ишланмалари натижасида ўзида мазкур муаммо бўйича сўнгги ютуқларни жамлаган коллектив монография дунё юзини кўрди. Бундан ташқари, ушбу давр кейинчалик расадхона харобалари тақдирига таъсир ўтказган қатор ишларнинг амалга ошиши ҳамда расадхона чизмасини тиклашга бўлган ҳаракатларни ўзида акс эттирган тадқиқотлар билан ҳам характерланади.

Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасининг топилишидан бошлаб (1908) илмий изланишлар марказида: 1) расадхонанинг қурилиши санаси; 2) расадхонанинг асосий ускунасини ва унинг вазифасини аниқлаш; 3) Улуғбек ўлиmidан сўнг расадхона тақдири; 4) расадхонанинг илк қиёфасининг асл ҳолатини тиклаш ва қайта қуриш; 5) Улуғбек кутубхонасининг тақдири каби асосий масалалар турган.

XX асрнинг 70-йилларидаги илмий тадқиқот ишларининг тарихшунослик таҳлилига ўта туриб, мазкур давр мабойнида Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” илмий рисоласи бўйича изланишлар бирмунча кўпайганлигини таъкидлаш ўринли бўлади². Тадқиқотларда унинг илмий фаолияти билан боғлиқ бошқа жиҳатлар ҳам ўрганилди³.

Маълумки, XVII асрдан бошлаб Улуғбек “Зижи” дунёнинг турли мамлакатларига тарқала бошлади. Бу ишга бўлган қизиқиш, маълум даражада математик ва астрономик ҳисобларнинг аниқлиги ҳамда уларнинг қатор Европа тилларига саводли таржима қилинганлиги билан изоҳланарди. Улуғбек ишининг грузин тилига таржимаси XVIII асрнинг биринчи ярмида Грузия подшоси Вахтанг VI томонидан амалга оширилиб, бу ҳам келгусида Самарқанд мактаби тадқиқот натижалари билан жаҳон ҳамжамиятининг муфассал танишувига имконият берди. “Зиж”нинг грузинча таржимаси аҳамияти борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, “Фан ва турмуш” журналида эълон қилинган

¹ *Кары-Ниязов Т.Н.* Астрономическая школа Улугбека / Избранные труды... С. 137.

² «Зижи Кўрагоний» Грузияда // *Фан ва турмуш*. 1970. № 1. 16-18-бетлар; *Орбели Р.Р.* «Зидж» Улугбека на грузинском языке // Доклады АН УзССР. 1971. № 12. С. 3-4; *Невская Н.И.* Труды Улугбека в работах членов Петербургской Академии наук (XVIII в.) // Доклады АН УзССР. 1971. № 12. С. 5-7; Ўша муаллиф. Забытая статья Ж.-Н. Делиля по восточной астрономии // Вопросы истории астрономии. Сб. 3. М.: Наука, 1974. С. 94-123; *Щеглов В.П.* Первые европейские исследователи звездного каталога Улугбека. – ЎЗР МДА, 2799-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 486-489-варақлар; Ўша муаллиф. Распространение «Зидж Улугбек» в европейской печати // Труды XIII Международного Конгресса по истории науки. М.: Наука, 1974. С. 135-138 ва б.

³ *Булгаков П.Г.* Школа Улугбека и Беруни // Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент: Фан, 1972. С. 57-60; *Ахмедов А., Розенфельд Б.* Кто был автором «Трактата об определении синуса одного градуса»? // ОНУ. 1975. № 10. С. 51-53; *Щеглов В.П.* Обсерватория Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. 16 с. ва б.

мақолада “Шарқ астрономик адабиётининг сара намунасининг таржима қилиниши Грузияда астрономия соҳасидаги билимларнинг тарқалишида катта роль ўйнади. Вахтанг VI томонидан амалга оширилган “Зиж” таржимаси, бир томондан, Грузияда астрономия тарихини ўрганиш учун, иккинчи томондан, Самарқанд астрономия мактабининг меросини ўрганиш учун катта аҳамият касб этган”¹лиги таъкидланади.

Кўл остида Шарқ олимларининг аҳамиятга молик кўплаб рисолалари бўла туриб, айнан Улуғбекнинг ишини таржима қилишга Вахтанг VI ни нима ундади? Академик Р.Р. Орбелининг фикрига кўра, анча илғор фикрли инсон сифатида грузин ҳукмдори, “Зиж”нинг илмий-амалий аҳамиятини муносиб баҳолай олган ва унинг ёрдамида ўз тадқиқотларини амалга оширган².

Мазкур давр тадқиқотчилари Европа мамлакатлари ва Россияда Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” рисоласини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқот анъаналарининг шаклланиш тарихини ҳам ёритдилар³. Фанда қатъийлашган фикрларга қарамай, Н.И. Невская XVIII асрда ўртаосиёлик олимларнинг илмий ишларини тадқиқ қилишга нафақат Европада, балки Россияда ҳам эътибор қаратилганлиги ҳақидаги маълумотни келтириб ўтади. Архив материаллари асосида, муаллиф Петербург Фанлар академиясида Улуғбекнинг илмий меросини ўрганган асосий тадқиқотчиларни санаб ўтади. Булар – француз астрономи Ж-Н. Делиль; Ташқи ишлар вазирлиги таржимони, шарқшунос Г.Я. Кер; у пайтда Россияда яшаб турган грузин подшоси Вахтанг VI лар эди. Хусусан, ўз маълумотида у, 1739 йилда Петербургда бўлиб ўтган академия конференцияси йиғинида Г.Я. Кер Ж-Н. Делиль топшириғи билан ўзи лотинчага таржима қилган Улуғбек “Зижи”нинг кириш қисмини тақдим этганлигини ёзади. Таъкидлаш жоизки, бу ўртаосиёлик олим рисоласи кириш қисмининг лотин тилидаги илк таржимаси эди.

Анча кейинроқ Н.И. Невская СССР Фанлар академияси Ленинград бўлими Архивида сақланаётган айнан Ж-Н. Делиль томонидан қилинган “Улуғбек астрономик жадвалларининг форсча таржимаси ҳақида”⁴ маърузанинг тўлиқ таржимасини тайёрлади.

Мирзо Улуғбекнинг астрономик рисоласини тадқиқ қилиш бўйича Европада олиб борилган илк уринишлар ҳақида Ўзбекистон Марказий Давлат архиви фондларидан топилган академик В.И.Шчегловнинг эълон қилинмаган мақоласида ҳам маълумотлар келтирилган⁵. Ҳужжат 1971 йилнинг 4 марти билан саналанган бўлиб, матн машинкада рус тилида ёзилган 3,5 варақдан иборат ва “Улуғбек юлдузлар каталогининг илк

¹ «Зижи Кўрагоний» Грузияда // Фан ва турмуш. 1970. № 1. 16-18-бетлар. (Цитатанинг таржимаси муаллифники).

² Орбели Р.Р. «Зидж» Улуғбека на грузинском языке // Доклады АН УзССР. 1971. № 12. С. 3-4.

³ Невская Н.И. Труды Улуғбека в работах членов Петербургской Академии наук (XVIII в.) // Доклады АН УзССР. 1971. № 12. С. 5-7.

⁴ Невская Н.И. Забытая статья Ж.-Н. Делиля по восточной астрономии // Вопросы истории астрономии. Сборник 3. М., 1974. С. 94-123.

⁵ Щеглов В.П. Первые европейские исследователи звездного каталога Улуғбека. – ЎзР МДА, 2799-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 486-489-варақлар.

европалик тадқиқотчилари” (“Первые европейские исследователи звездного каталога Улугбека”) деб сарлавҳаланган. Хужжатнинг юқори томонидаги ўнг қисмида рус тилида “для Улугбекских чтений в Фергане. Отправлено 5 марта на узбекском языке для “Фан ва турмуш” (“Фарғонадаги Улугбек ўқишлари учун. 5 мартда “Фан ва турмуш” учун ўзбекчаси юборилди”) деган қайд бор. Бу айнан муаллифнинг ўзи томонидан ёзилган бўлиши керак. Аммо 1971 йилда чиққан журнал тўпламида бу мақола учрамади.

Мақолада Улугбек “Зиж”нинг таржимонлари бўлган иккита европалик илк тадқиқотчиларнинг қисқача таржимаи ҳоли келтирилади. Муаллиф, Туркиядан юлдузлар жадвалини қўлга киритиб, Оксфорд университетига олиб борган илк европалик, мазкур ўқув даргоҳининг профессори Джон Гривс бўлганлигини маълум қилади. 1648 йилда у илк бор “Зиж”дан “хронология” деб номланган айрим жадвалларнинг лотин тилидаги таржимасини нашр эттирган. Ушбу йўналишдаги ишлар Оксфорд университетининг Бодлиан кутубхонаси китобдори, шарқшунос Томас Хайд томонидан давом эттирилган. У 1665 йилда “Зиж”нинг форс тилидаги танқидий матнини ва унинг лотинча таржимасини изоҳлар ва сўз боши билан тўлиқ вариантини нашр эттирди¹.

В.П. Шчегловнинг эълон қилинмаган мақоласидаги материаллар анча кенгайтирилган кўринишда ва қўшимчалари билан муаллиф томонидан 1974 йилда бўлиб ўтган XIII Халқаро Конгрессга фан тарихи бўйича маъруза сифатида тақдим этилган². Бу муаммо унинг 1979 йилда эълон қилинган кейинги ишида янада муфассал ёритилган³. Мазкур тадқиқотда “Зиж”нинг XX аср бошларигача бўлган барча асосий тадқиқотчилари ва таржимонларининг номлари келтирилади. В.П. Шчегловнинг бу тадқиқотига бирмунча кейинроқ батафсил таъриф берилади.

Мирзо Улугбекнинг илмий ижодини ўрганишга бағишланган ушбу даврий босқичдаги тадқиқотлар орасида тожик олими Ғ. Собировнинг монографиясини алоҳида келтириш жоиз⁴. Ўз изланишлари жараёнида муаллиф, XV – XVII асрлардаги математик ва астрономларнинг қўлёзма рисолаларидаги қимматбаҳо далилий материалларни жалб қилган. Унинг тадқиқотидан мақсад XV – XVII асрларда астрономия ва математика соҳасида иш олиб борган ўртаосиёлик олимларнинг ишларидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида Ўрта Осиёдаги илмий тафаккур ривожини ёритиш ҳисобланган. Олдинга қўйилган мақсад доирасида Самарқанд мактаби олимларининг ўрта асрлар давридаги Эрон, Туркия ва Шимолий Ҳиндистон фани ва маданияти

¹ Шчеглов В.П. Первые европейские исследователи звездного каталога Улугбека...

² Шчеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбека» в европейской печати // Труды XIII Международного конгресса по истории науки. М.: Наука, 1974. С. 135-138.

³ Шчеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбека» в европейской печати // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 143-151.

⁴ Собиров Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. Душанбе: Ирфон, 1973. 208 с.

тараққиётига таъсири даражасини аниқлашга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, ишда Мирзо Улуғбекнинг сафдошлари¹ ва издошларининг² таржимаи ҳоллари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган бўлиб, Самарқанд мактаби вакиллари фаолиятининг асосий илмий натижалари таҳлил қилинган. XVI – XVII асрлардаги Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли шаҳарларида ташкил этилган илмий мактабларнинг тамойиллари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, Самарқанд мактаби илмий меросининг Ғарбий Европа ва Россияга кириб боришидаги йўналишлар келтириб ўтилган.

Ғ. Собиров Самарқанд мактаби олимларининг илмий ишларнинг бир қадар тўлиқ рўйхатини келтирган. У Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший ва, айниқса, Али Қушчи ишларига алоҳида тўхталиб ўтган. Али Қушчининг илмий фаолияти, хусусан, унинг Ўрта ва Яқин Шарқда математика фанини ривожлантиришдаги роли, қолаверса, Ғ. Собиров томонидан ёзилган “Алауддин ибн Муҳаммад Али Қушчи ижодининг таҳлили ва унинг Ўрта ва Яқин Шарқда математика фани ривожига фаолияти” (“Анализ творчества Алаэдина ибн Мухаммеда Али ал-Кушчи и его деятельности в развитии математических наук на Среднем и Ближнем Востоке”) мавзусидаги тадқиқотида изчил кўриб чиқилган³.

Улуғбек мактабининг ўртаосиёлик вакиллари билан бир қаторда, Ғ. Собиров илмий фаолиятига Улуғбек мактаби ўзининг муносиб таъсирини ўтказган ва шу орқали ўзининг кейинги тараққийсига эришган машҳур ҳинд астрономи ва математиги Савай Жай Сингхнинг⁴ ҳаёти ва ижодини ҳам кўриб чиққан. Шу муносабат билан муаллиф: “агар XV – XVI асрларда ал-Қушчининг Самарқанд илмий мактабидаги издошлари Мирам Чалабий ва Биржондийлар Ўрта ва Яқин Шарқ фани ва маданиятини Эрон ва Туркия орқали Ғарбий Европа фани ва маданияти билан боғлаган бўлсалар, Ўрта ва Яқин Шарқ ҳамда Европа халқлари орасидаги маданий-илмий алоқаларни Шарқ ва Ғарбий Европа халқлари фани ва маданиятини Ҳиндистон орқали боғлаган Савай Жай Сингх ва унинг шогирдлари уни кейинги тараққиёт босқичига кўтарди”⁵, – деб таъкидлаган.

Муаллифнинг қутилмаган хулосалари ҳам қизиқиш уйғотади. Хусусан, тадқиқотнинг “Самарқанд илмий мактабининг ташкил топиши ва унинг асосчилари” (“Образование Самаркандской научной школы и ее основоположники”) деб номланган қисмида, у: “XV асрнинг биринчи ярмида нафақат Самарқанд, балки Ҳирот ҳам тожиклар, ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларининг илмий маданий маркази бўлиб

¹ Собиров Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. Душанбе: Ирфон, 1973. С. 36-75.

² Ўша асар, 76-88-бетлар.

³ Ўша асар, 53-бет, 3-иктибос.

⁴ Ўша асар, 88-117-бетлар.

⁵ Ўша асар, 116-бет.

қолган эди”¹, – деб таъкидлаган. Шунингдек, у “Шохруҳ ҳам математика ва астрономик фанларни севарди ва уларга катта аҳамият берган”², – деб маълум қилган. Бизнингча, бу хулосалар билан батамом келишиб бўлмайди. Ҳиротдаги фан ва маданият Самарқанд даражасида юксак бўлмаган, қолаверса, Шохруҳ илмий изланишлардан кўра, диний фаолиятга эътиборлироқ бўлган.

Самарқанд мактаби тадқиқотчиларининг методологик асосларини тавсифлар экан, Ғ. Собиров: “Самарқанд илмий мактаби фаолиятида муаммонинг назарий ишланмалари билан тажриба-кузатув услуги кўшиб олиб борилган. Шу боис Самарқанд илмий мактаби XV – XVIII асрлардаги Ўрта ва Яқин Шарқда ташкил топган математика ва астрономик фанлари ривожининг асосий базаси бўлиб қолган”³, – деб таъкидлаган.

Қайд этиш жоизки, бу иш ҳам ўша даврга хос мафкуравий доирада бажарилиб, хусусан, бу Улуғбек ва унинг мактаби ҳамда диний арбоблар билан муносабатни ёритишда кўзга ташланади⁴.

Алоҳида параграф остида кўриб чиқилган муҳим масалалардан бири “араб фани ва маданияти” тушунчаси⁵ ҳисобланиб, бу масала бир неча бор бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам кўриб чиқилган эди. Ғ. Собиров “араб маданияти” концепциясини кўллаб-қувватловчи XVII – XIX асрлардаги хорижий олимларнинг ишларидан иқтибослар келтириб, Самарқанд мактаби вакилларининг илмий ютуқларини таҳлил қилиш асносида Ўрта Осиё илмий тафаккури ривожини мустақил бўлмаганлиги хусусидаги мавжуд фикрларни инкор этади.

Тадқиқотда Самарқанд мактаби вакиллари илмий меросини ўрганиш тарихига, авваламбор Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” асарига алоҳида ўрин берилади. Муаллиф бу жараён акс этган манзарани буткул тиклашнинг уддасидан чиқиб, асосий босқичлар сифатида: Мовароуннахр (XV аср иккинчи ярми), Туркия (XV – XVI асрлар), Хитой ва Ҳиндистон (XVI – XVIII асрлар), Ғарбий Европа (XVII – XIX асрлар), Россия (XVIII – XIX асрлар), СССР (XX асрнинг 70-йилларигача) кабиларга алоҳида урғу берган.

Ишга илова сифатида муаллиф 1417 йилда ёзилган ва Улуғбекнинг Самарқанддаги мактаби фаолияти ҳақида қимматбаҳо манба бўлган “Ғиёсиддин ал-Кошийнинг Улуғбек ва унинг мактаби ҳақидаги хати”ни русча таржимаси ва изоҳлар билан келтириб ўтади.

Бир неча бор кўплаб илмий нашрларда таъкидлангандек, Улуғбекнинг илмий мактаби йўқдан бунёд бўлмаган, балки ўтмишдошлари тажрибаларининг таҳлили ва кейинчалик ривожлантирилиши натижасида шаклланган. П.Г. Булгаков тадқиқотларида бундай алоқани

¹ Собиров Ғ. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии... С. 19.

² Ўша асар, 29-бет.

³ Ўша асар, 28-бет.

⁴ Ўша асар, 34-бет.

⁵ Ўша асар, 118-126-бетлар.

аниқлашга ҳаракат қилинган¹. Хусусан, ишда Мирзо Улуғбек илмий мактабининг “дастурул амали” Абу Райҳон Берунийнинг “Масъуд қонуни” (“Ал-қонун ал-Масъудий”) бўлганлиги ҳақидаги қизиқарли маълумот келтирилиб, бу ўз навбатида Ўрта Осиё ҳудудидаги илмий тафаккур ривожига чуқур ворисийликнинг мавжуд бўлганлигини исботи бўлиб хизмат қилади.

XX аср давомида Мирзо Улуғбек илмий фаолиятига даҳлдор бўлган турли масалалар дунё фанида баҳс ва мунозаралар объекти бўлиб қолди. 1⁰ (даража) синусини аниқлаш рисоласига муаллифлик шундай мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. А. Аҳмедов ва Б. Розенфельдлар ўзларининг ҳамкорликдаги ишларида ушбу масалани ёритишга уриниб кўрдилар². Бизнингча, тадқиқотчилар ўз изланишларида Мирзо Улуғбекнинг юқоридаги ишга муаллифлигининг ҳаққоний эканлигини исботлаш учун етарлича далил келтириб ўтганлар. Улар ўз нуқтаи назарларини Улуғбек издошларидан бири – Биржондийнинг “Зижи Кўрагоний” рисоласига келтирилган шарҳидаги маълумотларга суянган ҳолда асослаганлар. Хусусан унда: “бунинг (1⁰ (даража) синусини аниқлашнинг – Ф.Ш.) икки хил услуги бор; бири шуки – геометрия (ҳандаса) фани султони Ғиёсиддин Кошийга, бошқаси – “Зиж” муаллифи, қуддусий султон, жафокаш Улуғбекка тегишли”³, – деб маълумот берилади. Келтирилган иқтибосдан кўринадики, ўрта асрлардаги аниқ фанлар тарихи учун катта аҳамият касб этган яна бир асарга муаллифлик масаласида чек қўйилди.

Мирзо Улуғбек мактабининг илмий кашфиётларини оммалаштириш мақсадида В.П. Щеглов томонидан “Улуғбек расадхонаси” (“Обсерватория Улуғбека”) рисоласи нашр этилди⁴. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур ишда Улуғбек расадхонаси харобаларининг очилиши ва тадқиқотларининг тарихи тушунарли тилда баён қилиниб, расадхонанинг бош ускунаси тузилиши ва вазифаси тасвирланган. Шунингдек, “Зиж”нинг мазмуни ҳамда унинг Ғарбий Европада ўрганилиши тарихи ёритилган. Матн материалига расадхонадаги илмий ижодий жараённинг боришини акс эттирувчи кўплаб иллюстрациялар бириктирилган.

Ушбу мавзу бўйича йирик академик тўпламларни нашр этиш анъанаси XX асрнинг 70-йилларида ҳам давом эттирилди. 1979 йилда Ўзбекистон ФА академиги С.Х. Сирожиддинов муҳаррирлигида “Улуғбек даври фани тарихидан” (“Из истории науки эпохи Улуғбека”)⁵ тўплами нашрдан чиқди. Аввал 1965 йилда нашр этилган коллектив ишдан фарқли ўлароқ, ушбу тадқиқотда асосий урғу бутун ўрта асрлардаги

¹ Булгаков П.Г. Школа Улуғбека и Беруни // Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент: Фан, 1972. С. 57-60.

² Ахмедов А., Розенфельд Б. Кто был автором трактата об определении одного градуса // ОНУ. 1975. № 10. С. 51-53.

³ Ахмедова А., Розенфельд Б. Кто был автором трактата...

⁴ Щеглов В.П. Обсерватория Улуғбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 16.

⁵ Из истории науки Улуғбека. Сборник статей. Ташкент: Фан, 1979. 200 с.

Шарқ фани ривожини доирасида Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятини ёритишга қаратилди. Тўпламга Улуғбек давридаги астрономия, математика, тарих ва география фанларининг умумий ҳолати ва ривожини ёритувчи мақолалар киритилди.

Мирзо Улуғбекнинг тарихчи олим сифатидаги фаолияти “Тарих-и арба улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарининг тарихий аҳамияти Б.А. Аҳмедовнинг мақоласида кўрсатиб берилди. В.В. Бартольднинг фикрига¹ зид ўлароқ, Б.А. Аҳмедов Мирзо Улуғбекнинг ушбу асар муаллифи эканлигини исботловчи қатор далилларни келтириб ўтган.

Унинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятини таъкидлаган Б.А. Аҳмедов: “Тарчи “Тарих-и арба улус”да айрим тарихий воқеалар қисқача баён қилинган бўлса-да, асар Улуғ юрт, Олтин Ўрда, Хулагулар давлати ва Чигатой улуси каби мўғул давлатлари тарихи бўйича қимматли материалларга эга”², – деб ёзган эди.

Д.Ю. Юсуповнинг тадқиқотлари³ Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти ҳақидаги фактик хусусиятга эга, хусусан, расадхонанинг у ёки бу ускунасининг вазифаси тўғрисидаги янги маълумотларни илмий муомалага киритади. Иш таржима, шарҳ ва Жамшид ал-Кошийнинг ўз қўли билан отасига ёзган хатидан иборат. Бунгача Ғ. Собиров ҳам ушбу манбани таржима қилишга ҳаракат қилиб кўрган эди. Шундай бўлишига қарамай, Д.Ю. Юсупова бирламчи вариантни қайта ишлаш ва таҳрирдан чиқаришнинг шубҳасиз, уддасидан чиқди. Бундан ташқари, муаллиф у ёки бу даражада мазкур манбага даҳлдор бўлган тадқиқотларнинг муфассал тарихшунослик шарҳини ҳам келтириб ўтади. Унинг илмий аҳамиятига келсак, муаллиф: “Ғиёсиддиннинг мактуби – Улуғбек расадхонасида қўлланилган астрономик асбоб-ускуналар бўйича бой манба бўлиб, маълум маънода археологик казишмалар давомида мавжуд бўлганлиги тахмин қилинган шундай жиҳозлар ҳақиқатдан ҳам бор бўлганлигини ҳужжатлар асосида ойдинлаштиради. Мактубнинг махсус астрономик маълумотлар билан тўлдирилганлиги уни асл илмий рисолага яқинлаштириб, Улуғбек ва уни ўраб турган муҳит ҳақидаги маълумотларнинг батафсил берилиши ҳужжатнинг асл нусха эканлигига шубҳа қолдирмайди”⁴, – деб ёзади.

Улуғбекнинг Самарқанддаги мактабида ўтказилган бир даражанинг синусини ҳисоблаш борасида кечган илмий мунозараларни мазкур тўпламнинг масъул муҳаррири С.Х. Сирожиддиновнинг мақоласи давом эттирди⁵. Ушбу мавзу, юқорида таъкидланганидек, ўша даврдаги астрономия ва математика соҳаларидаги муҳим муаммолардан бири

¹ Бартольд В.В. Улуғбек и его время... С. 141-142.

² Аҳмедов Б.А. Улуғбек и его исторический труд. «Тарих-и арба улус» // Из истории науки эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 36.

³ Юсупова Д.Ю. Письмо Гийас ад-Дина Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 37-64.

⁴ Юсупова Д.Ю. Письмо Гийас ад-Дина Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан... С. 43.

⁵ Сираждинов С.Х. О вычислении синуса одного градуса в Самаркандской школе Улуғбека // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 65-68.

саналиб, уни ҳал этиш амалий кузатувлар ва юлдузлар каталогини тузиш учун зарур бўлган.

А. Аҳмедовнинг мақоласи¹ ҳам айти шу мавзуга бағишланган бўлиб, унда “Зиж”га ёзилган ва муаллифи Самарқанд мактабининг вакилларида бири бўлган Али Кушчининг шогирди, йирик математик ва астроном Хусайн Биржондий қаламига мансуб “Шарҳ”дан ўрин олган Улуғбекнинг “Бир даража синусини аниқлаш бўйича рисола”сидан қилинган таржимадан парча келтирилган. Маълумки, Биржондийнинг “Зиж”га қилинган “Шарҳи” ишнинг илмий-тарихий аҳамиятини кўрсатувчи дастлабки ва энг тўлиқ шарҳ ҳисобланади. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, Биржондий “Шарҳ”ларидан айрим парчалар Т.Н.Қори-Ниёзий ва Г.Ж. Жалоловнинг ишларида ҳам келтирилган бўлса-да, юқоридаги мақола ёзилгунига қадар бу манбанинг изчил тадқиқи амалга оширилмаган эди.

А. Аҳмедов келтирган парчада, бир даражанинг синусини ҳисоблашнинг икки хил – Жамшид ал-Коший вариантлари келтирилиб, улар, мақола муаллифининг тасдиқлашича, “нафақат бир-бирига мос тушади, балки бир-биридан фарқланади ҳам”². Ушбу масала бўйича муайян билимларнинг йўқлиги бизга бу мақолани янада батафсил кўриб чиқиш имконини бермади. Шу боис биз юзаки тавсиф билан чекландик, холос.

Тўпламга Н.И. Невскаянинг XVIII асрда Петербург ва Парижда “Зиж Кўрагоний”нинг ўрганилишига бағишланган мақоласи ҳам киритилган эди³. Мақола, ўз мазмунига кўра, биз юқорида кўриб ўтган муаллифнинг аввалги ишларидан фарқ қилмас эди⁴. Эҳтимол, ушбу илмий ишнинг қайта нашр этилиши унда келтирилган жаҳон тараққиёти учун Улуғбек ишининг аҳамиятини белгиловчи материалларнинг қиймати билан белгиланган бўлса керак.

Б.А. Розенфельд⁵ ва В.П. Щегловнинг мақолалари⁶ Ўрта Осиёдан ташқарида Улуғбек “Зиж”нинг ўрганилиши тарихини ёритилишига ва дунёнинг турли мамлакатларида астрономия ва математика фанлари ривожига Самарқанд мактаби тадқиқотлари натижаларининг таъсири аниқлашга бағишланган эди. Агар Б.А. Розенфельд тадқиқотлари Самарқанд мактабининг XVI – XVIII асрларда Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Миср ва Ҳиндистон олимларига кўрсатган таъсири даражаси ҳақида умумий таассурот берса, академик В.П. Щегловнинг иши “Зиж”нинг Европа мамлакатлари – Англия, Польша, Францияда,

¹ Аҳмедов А. О Комментариях 'Абд ал-'Али Хусайна Бирджанди к «Зиджу» Улуғбека // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 69-110.

² Ўша асар. 71-бет.

³ Невская Н.И. Забытый перевод «Зиджа» Улуғбека // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 110-129.

⁴ Невская Н.И. Забытая статья Ж.И. Делиля по восточной астрономии // Вопросы истории астрономии. Сборник 3. М. 1974. С. 94-123.

⁵ Розенфельд Б.А. Влияние Самаркандской школы Улуғбека на развитие математики и астрономии за пределами Средней Азии // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 130-142.

⁶ Щеглов В.П. Распространение «Зидж Улуғбека» в европейской печати // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 143-151.

шунингдек Америкада тарқалиши, ўрганилиши ва нашри билан боғлиқ жараёнларни очиб беради. Бу масалалар юқорида эслатиб ўтилган Ғ. Собиров монографиясида алоҳида боб сифатида ўрин олган эди. Шундай бўлишига қарамай, ушбу тадқиқотларнинг барчаси бир-бирини тўлдириб, умумий манзара касб этади.

Г.П. Матвиевскаянинг мақоласи¹ ўрта асрлардаги зижлар, жумладан, Улуғбек “Зижи” асосида тригонометриянинг ривожини ўрганиш жараёнига бағишланган. Ўрта асрларда математиканинг мазкур соҳаси ривожининг тарихини ёритар экан, муаллиф: “турли зижлардаги тригонометрик бобларни қиёслаб, ўрта асрлар Шарқида математиканинг мустақил соҳасига айланган тригонометрия ривожини аниқ кузатиш мумкин”², – деб таъкидлайди. Тригонометрик вазифаларни вақтни ўлчаш, осмон ёриткичлари ҳолатини ҳисоблаш, уларнинг чиқиш вақтини, Қуёш ва Ойнинг тутилишга кириши кабиларни аниқлаш учун ҳам бажариш зарур эди³. Тригонометрик ҳисоблар жараёнини кузата бориб, мақола муаллифи, Улуғбек “Зижи” ёзилган пайтда у ҳисоблар аввалги зижларга қараганда ниҳоятда қисқа ифодаланганлигини, айнан Улуғбекнинг ишида астрономик ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган тригонометриянинг асосий вазифалари аниқ келтирилганлигини айтиб ўтган⁴.

Ўрта Осиё олимлари фаолияти билан шуғулланган машҳур тадқиқотчи П.Г. Булгаковнинг ишида⁵ Қозизода Румийнинг Чағманийнинг “Астрономия шарҳи”га “Шарҳлар”ининг мазмуни таҳлили амалга оширилган. Бу иш, маълумки, Улуғбек мадрасасида астрономия бўйича ўрганиладиган асосий ўқув қўлланма ҳисобланган. “Шарҳлар”ни таҳлил қилган муаллиф, Чағманий томонидан аниқ кашфиёт ўртага ташланмаган бўлса-да, “маълумотларнинг соддалиги ва мантикийлигида ҳамда уларнинг ифодасида мазкур ёдгорликнинг тарихий-илмий моҳияти ўз аксини топади. Уни астрономияга муккасидан кетмаган китобхонни ўзига жалб қилувчи ва қизиқиш уйғотувчи оддий оммабоп адабиётнинг энг сара намуналаридан бири сифатида эътироф этиш мумкин”⁶, – деган хулосага келган.

Чағманий ишига “Шарҳлар”нинг аҳамиятини баҳолаш экан, муаллиф: “Қозизода Румий ўз шарҳлари билан илк астрономик материалларга иккиламчи даражани бергандек бўлди. Ўзига яхши маълум бўлган астрономияга чуқур кириб кетмай, бу олим Чағманий материалларни ўйлаган миқдорда тақсимлаб чиқди ва бу билан китобхонни мазкур фаннинг юқорироқ чўққиларига эришишга тайёрлади... Бу

¹ Матвиевская Г.П. Средневековые зиджи и развитие тригонометрии // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 152-162.

² Ўша асар, 152-153-бетлар.

³ Ўша асар, 152-бет.

⁴ Ўша асар, 161-бет.

⁵ Булгаков П.Г. Комментарий Казии-Заде Руми на «Компендий астрономии» Чағмини // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 163-175.

⁶ Ўша асар, 175-бет.

ҳар иккала асарнинг Ўрта Осиё олимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган дунё астрономия фанидаги ўрнини мустаҳкамлайди”¹, – деб ёзган.

Е.А. Полякова ўз мақоласида² ўзигача илмий адабиётда етарли эътибор берилмаган масалани ёритган. Муаллиф ўрта асрлардаги асарларда келтирилган олий мартабали шахслар учун тузилган мунажжимлар башорати (гороскоп)ни у ёки бу тарихий воқелик ҳақида ишонарли маълумот бера олишини, яъни тарихий манба сифатидаги аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилган. Шу хилдаги Шарафиддин Али Яздий, Ғиёсиддин Али, Рашидиддин кабиларнинг асарлари таҳлили орқали муаллиф: “тарихий солномаларда баъзан учрайдиган иқтибослардаги илоҳий қисмат, у томондаги кучларнинг аралашуви, уларнинг воқеалар жараёнига таъсири ҳар доим ҳам тарихшунослик учун турли ҳодисаларни тушунтиришда қолип, намуна бўлавермайди”, – деган хулосага келган. Шу муносабат билан Е.А. Полякова ўрта аср тарихчиларининг қўлёзмалари ва таржималарини диққат билан ва чуқур ўрганиш заруратини таъкидлаган.

А. Бўриевнинг мақоласи ўрта асрлардаги география фани ривожига Улуғбек “Зижи”нинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган³. Эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф ҳам “Зиж”да келтирилган географик маълумотларнинг машҳур олимлар – Марин Тирский, Птолемей, ал-Хоразмий, Берунийнинг тадқиқотлари билан қиёсий таҳлилинини келтириб ўтади.

Умуман олганда, XX асрнинг 70-йилларида амалга оширилган тадқиқотларда Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги илмий мактаби бебаҳо меросининг XV – XIX асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ, Ғарбий Европа ва Россия илмий тафаккури тараққиётига таъсирини кузатишга ҳаракатлар қилинган. Мазкур йўналиш доирасида Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” илмий рисоласининг хорижий тарихшуносликда ўрганилиш тарихига алоҳида эътибор қаратилган.

Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби илмий фаолиятини ўрганиш XX асрнинг 80-йилларида ҳам давом эттирилди. Мазкур даврдаги илмий ва илмий-оммабоп нашрларда ушбу мавзунинг турли жиҳатлари ҳам комплекс, ҳам алоҳида кўриб чиқилган эди.

1980 йилда журналларнинг бирида кичикроқ қайд тарзида Ўзбекистон ФА академиги В.П. Щегловнинг мурожаати эълон қилинган бўлиб, у ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан археологик қазишмалар чоғида топилмаган расадхона квадрантидаги тошлавҳларни излашга киришиш учун “тарих ва астрономия ихлосмандлари, Самарқанд ва унинг атрофидаги аҳолига йўлланган” эди. Муаллифнинг ҳисоб-китобига кўра, 1 дан 18⁰ (даражагача) ва 22 дан 56⁰ (даражагача)

¹ Булгаков П.Г. Комментарий Казии-Заде Руми на «Компендий астрономии» Чагмини... С. 175.

² Полякова Е.А. Использование астрономических представлений в некоторых хрониках эпохи Улуғбека // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 176-191.

³ Буриев А. О границах семи климатов в «Зидже Гурагани» Улуғбека и на карте мира Хафизии Абри // Из истории науки эпохи Улуғбека... С. 192-197.

топилмаган тошлавҳаларнинг сони 100 та атрофида бўлган¹. Бу мурожаатнинг нашр этилиши рамзий маънода бўлиб, фақат бу мавзуга қизиқиш ҳали давом этаётганини, олимлар олдида ҳали тадқиқ этилмаган масалалар турганлигини, буларни ҳал қилиш учун эса бир неча тошлавҳлар топилишининг ўзи ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини билдириш учун керак эди.

Азалдан илмий жамоатчиликни қизиқтириб келган расадхона қиёфасини тиклаш муаммоси, Ўрта Осиё иморатсозлиги бўйича йирик мутахассис М.С. Булатов томонидан яна қайта кўтарилди². Унинг илмий-маърифий ва бизнингча, ажойиб ёзилган очеркида Улуғбек расадхонаси харобаларидаги тадқиқотлар билан боғлиқ мунозарали масалаларга қисқача тўхтаб ўтилган эди.

Муаллиф Б.Н. Засипкин ва В.Н. Нильсенларнинг таклиф лойиҳаларини ҳисобга олиб, ёдгорлик бўйича археологик изланишларни таҳлил қилган. Шунингдек, бирламчи манбалар маълумотларидан фойдаланиб расадхонани тиклаш бўйича ўзининг чизма лойиҳасини ҳам таклиф қилган. Тадқиқотчи иншоотнинг айрим қисмлари, жумладан, расадхонанинг бош ускунаси – секстант (М. Булатов фикрча, бу квадрант – *Ф.Ш.*), маҳобатли азимутли доира, қуёш соати ва кўчма асбоб-ускуналар бажарадиган вазифаларга хос бўлган қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади³. Унинг лойиҳасига кўра, расадхона биноси цилиндр кўринишида бўлиб, унинг текис томи устига азимутли доира, қуёш соати, ичкарасига эса асосий астрономик ускуна жойлаштирилган эди.

Унинг асосий мақсади расадхонани сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш учун аввалги қиёфасини асл ҳолига келтириш ва тиклашга жамоатчилик диққатини жалб қилиш бўлган. Қолаверса, айнан шу пайтда консервациялаш ёки қайта тиклаш борасида расадхонанинг тақдири жиддий муаммо бўлиб турган эди. Ёдгорлик тақдирини ўзига оғир олган муаллиф: "...наҳотки Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси ўзбек халқининг беқиёс ижоди сифатида бизнинг ... Ватанимизнинг ифтихори ҳисобланмаса? У, сўзсиз, башарий аҳамиятга молик. Шундай экан, нима учун уни тикламаслик керак? Мутахассислар тасдиқлаганидек, етарлича илмий асослар йўқми? Аслида ҳам шундайми? Самарқанд расадхонасини қайта тиклаш катта тарихий-маданий аҳамият касб этиб, бу коинот қаърига жаҳд билан кириб, борлиқ оламга асос солиш тарихидан аввал ўзидан сўнмас из қолдирган дунё фанининг тараққийпарвар вакилларига ёдгорлик бўлиб қолади"⁴, – деб ёзган эди.

М.С. Булатовнинг очерки илмий жамоатчилик орасида ҳамда маданият ва санъат арбоблари доирасида катта қизиқиш уйғотди⁵. Журнал таҳририятига бутун собиқ Совет Иттифоқидан М.С. Булатов

¹ Щеглов В.П. Разыщем плиты от квадранта Улугбека // Земля и Вселенная. 1980. № 5. С. 45.

² Булатов М. Мирза Улугбека: свет сквозь столетия // Звезда Востока. 1982. № 2. С. 169-188.

³ Ўша асар, 184-бет.

⁴ Ўша асар, 178-бет.

⁵ Из почты «Звезды Востока»: Отклики читателей на публикацию М.С.Булатова «Мирза Улугбек: Свет сквозь столетия» в № 1. 1982 // Звезда Востока. 1984. № 1. С. 185-189.

таклифларини қўллаб-қувватловчи фикрлар келиб тушди. Жумладан, Меъморчилик назарияси ва тарихи Марказий илмий тадқиқот институти директори, СССР халқ архитектори, профессор Ю. Яралов билдирган фикрда: “Биз бу ерда ўзига хос воқеа билан тўкнаш келаяпмиз, деб ҳисоблайман: қатъий илмий ва тарихий тушунчалар расадхонани тиклашни ҳамда фан ва жамоатчиликка харобаларни эмас (қиймати бўлмаса ҳам, барибир харобаку!), балки аҳамияти нафақат муҳим, қолаверса, ўзбек халқининг истеъдоди ва даҳосидан гувоҳлик берувчи яна бир дунё маданияти ва иморатсозлиги хазинасидаги бебаҳо ёдгорликни қайтариб берадиган, инсоният даҳосининг машҳур ижод маҳсуллари қаторидан ўрин олган ва амалда мавжуд бўлган ёдгорликни қайта тиклаш талаб қилинади”¹, – дейилган эди.

Жамоатчилик томонидан билдирилган бундай кенг фикр-мулоҳазалар ўз натижасини берди. Кўп ўтмай, “Звезда Востока” журнали таҳририяти СССР Фанлар академияси Астрономия кенгашининг қарорини эълон қилди. Унда: “Архитектура доктори М.С. Булатовнинг изланишлари ва таклиф этилган лойиҳаси билан танишиб, Фанлар академиясининг Астрономия кенгаши дунё аҳамиятига молик илмий ва маданий мерос ҳисобланмиш Самарқанддаги Улуғбек расадхонасини қайта тиклашни ўз вақтида ва ҳеч бир эътирозсиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди”², – дейилган эди. Астрономия кенгаши томонидан шундай қарор қабул қилинишига қарамай, расадхонани тиклаш масаласи ўзининг ижобий ечимини топмади.

М.С. Булатовнинг кейинги тадқиқотлари ҳам расадхонанинг ўзига хос ички ва ташқи тузилиши билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқишга бағишланган эди. Жумладан, шуларнинг бирида³ у юлдузлар каталогини тузиш жараёнида қўлланиладиган тахминий вазифаларни батафсил баён қилиб, ўз томонидан таклиф қилинган тиклаш лойиҳасини атрофлича тавсиф ва таҳлил қилиб ўтган эди. “Лойиҳалаштирилаётган расадхона – нафақат астрономик ускуна”, – деб таъкидлаган эди тадқиқотчи, “балки кутубхонали илмий муассаса ҳамдир. ... Расадхонанинг хоналари яхши шамоллатиладиган ва ёритиладиган бўлиши керак, аммо меридиан квадрантининг хонаси кундуз кунлари ҳам юлдузларни кузатиш учун қоронғу қилиниши лозим”⁴.

Ушбу тадқиқотчининг бошқа бир мақоласи доимий нашр қилинадиган “Тарихий-астрономик тадқиқотлар” (“Историко-астрономические исследования”)⁵ тўпламининг Улуғбек расадхонасининг қурилиши тарихини ёритиш ва уни тиклаш лойиҳаси бўйича илтимосига жавоб тарзида тайёрланган эди. У муаллиф томонидан аввал тайёрланган нашрлардан олинган алоҳида парчалардан иборат эди. Таъкидлаш

¹ Из почты «Звезды Востока»: ... С. 185.

² Ўша мақола, 185-189-бетлар.

³ Булатов М.С. Обсерватория Улугбека // Архитектура СССР. 1985. № 1. С. 91-93.

⁴ Ўша мақола.

⁵ Булатов М.С. Обсерватория Улугбека в Самарканде // ИАИ. М.: Наука, 1986. Вып. XVIII. С. 199-216.

жоизки, илмий обидани тиклаш бўйича Б.Н. Засыпкин, В.Д. Нильсен, Г.А. Пугаченкова таклиф қилган қатор лойиҳалар орасидан СССР ФА ИИЕТ* (С.И. Вавилов номидаги табиатшунослик ва техника тарихи институти)нинг Археоастрономик экспертизаси ва Астрономик кенгаши 1985 йилнинг сентябрида М.С. Булатовнинг лойиҳасини анча мақбул деб топди¹.

Афсуски, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасини қайта тиклаш тарафдори бўлган олимларнинг барча саъй-ҳаракатлари самара бермади, чунки бундай ишларни амалга ошириш учун катта ҳажмдаги молиявий харажатлар зарур эди. Оқибатда ёдгорлик консервация қилинди².

Шунга қарамай, Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятига бўлган қизиқиш камаймади. Расадхона бош ускунасини қайта тиклаш ва унинг вазифасини аниқлашда О.С. Турсуновнинг мақоласи муҳим аҳамият касб этди³. 1977 йилдаёқ В.П. Щегловнинг таклифи билан (бу пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти директори бўлган), бош усқунанинг сақланган ҳар бир тошлавҳи изчил текширувдан ўтказилди. Мазкур мақола аниқланган натижалар бўйича тадқиқотчининг ўзига хос ҳисоботи ҳам эди. Ишда айрим тошлавҳларнинг ҳажмидаги энг кичик фарқлари ҳам таъкидланган, шунингдек ҳар бир тошлавҳнинг узунлиги ва кенглиги жадвалда келтирилган. Иловада усқунанинг ғарбий ва шарқий қисмларининг ўлчамлари, тошлавҳлар (қисмлари ва нуқсонлари)га қараб қилинган таърифи берилган. Бу иш расадхона тузилиши бўйича тадқиқотларни тўлдирувчи қимматли қўшимча маълумотлар қаторидан ўрин олди.

Мақолада расадхонанинг бош усқунаси – секстант ёки квадрант борасидаги баҳсли масалага ҳам тўхтаб ўтилган. Маълумотларни изчил ўрганиш асосида О.С. Турсунов “Самарқандда секстантдан фарқ қилувчи усқуна қурилган”⁴, – деган хулосага келган.

Ўзбек тадқиқотчисининг бу хулосаси академик В.П. Щегловнинг танланган асарларидаги ишларининг бирида қўллаб-қувватланиб⁵, унга киритилган мақола Мирзо Улуғбекнинг илмий ижодини ўрганишга, у томонидан расадхонанинг яратилиши, Самарқанд астрономларининг илмий мероси ва бошқа масалаларга бағишланган эди. О.С.Турсуновнинг хулосаларига муносабат билдирган тўплам муаллифи: “О.С. Турсунов ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, усқуна мутлақо бошқача қурилмадаги квадрант бўлганлигини тахмин қилган В.Л. Вяткин ҳақ бўлган

* ИИЕТ АН СССР – Институт истории естествознания и техники им. С.И. Вавилова Академии наук СССР.

¹ Матвиевская Г.П., Соколовская З.К. Улугбек. – М.: Наука, 1997. С. 102.

² Ўша асар, 102-103-бетлар.

³ Турсунов О.С. О главном инструменте Самаркандской обсерватории / Памятник науки и техники (1982 – 1983). М.: Наука, 1984. С. 12-27.

⁴ Ўша асар.

⁵ Щеглов В.П. Улугбек / Избранные труды. Ташкент: Фан, 1989. С. 227-255.

кўринади”¹, – деб таъкидлаган эди. М.С. Булатовнинг фикрига кўра, бош ускунани аниқлаштиришга ўрта асрларга хос кўлёзма манбаларни ўрганиш муайян ойдинлик киритади. Жумладан, у: “бундай турли хил талқинни манбаларда ҳам кузатиш мумкин: Али ал-Қушчи ускунани квадрант деб атаган бўлса, Улуғбек “Зижи”нинг шарҳловчиси ал-Биржоний уни секстант деб атаган. Ҳар қанчалик ғайритабiiий бўлмасин, униси ҳам, буниси ҳам ҳақ”², чунки ускуна ҳар иккала мақсадга хизмат қилганлиги эҳтимоли бор.

В.П. Щегловнинг кўп сонли тадқиқотлари орасида унинг поляк астрономи Ян Гавелийнинг “Юлдузли осмон харитаси” (“Атлас звездного неба”)³ асари устидаги ишини таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Поляк олимнинг илмий рисоласи чуқур таҳлил қилиниб, кириш мақоласи ва матнга шарҳлар билан таъминланган. Ушбу ишга бўлган қизиқиш шу қадар юксак эдики, мазкур китобни тўрт марта – 1968, 1970, 1978, 1981 йилларда қайта нашр қилишга тўғри келган. Бунда ҳар бир янги нашр ўрта асрлар астрономияси ҳақидаги янги қўшимча маълумотлар билан тўлдириб борилган. Кўп бора қайта нашр қилинишига қарамай, бугунги кунда ушбу китобни тақчил илмий асарлар сирасига қўшиш мумкин. Биз сўнгги, тўлдирилган 1981 йилдаги нашрини топишга муваффақ бўлдик⁴.

Агар В.П. Щегловнинг “Юлдузли осмон харитаси”га ёзилган дастлабки кириш мақоласи унинг биз аввал юқорида эслатган мақолани такрорлаган бўлса, иккинчи қисмида эса Ян Гавелий ишигача эълон қилинган Мирзо Улуғбек “Зижи” айрим қисмларининг Европадаги таржимаси нашрлари ҳақида гапирилиб, “харита”нинг ўзига тавсиф бериб ўтилади. Жумладан, тадқиқотда: “Гавелий харитаси ўзининг тарихий-илмий аҳамиятидан ташқари, катта бадий қиймат касб этганлиги ҳам”⁵ таъкидланган. Шу билан бир қаторда, муаллиф Гавелийнинг иккита машҳур гравюраси (ўйма нақши)нинг тавсифини ҳам келтириб ўтади. Уларнинг бирида Улуғбек астрономия илоҳи – Урания бошчилигидаги астрономия фанининг энг машҳур вакиллари билан бир қаторда акс эттирилган. Таниқли поляк тадқиқотчиси шундай тарзда ўртаосиёлик олимнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаган.

1981 йилнинг 19 мартда ўтказилган СССР ФАсининг йиллик ҳисоботида В.П. Щеглов маъруза билан чиқиш қилди. Унда маърузачи

¹ Щеглов В.П. Улуғбек / Избранные труды. Ташкент: Фан, 1989. С. 242.

² Булатов М.С. Обсерватория Улуғбека в Самарканде // ИАИ. М.: Наука, 1986. Вып. XVIII. С. 202.

³ Щеглов В.П. Как я работал над книгой «Ян Гавелий. Атлас звездного неба» / Избранные труды. Ташкент: Фан, 1989. С. 395-403.

⁴ Ян Гавелий. Атлас звездного неба / Редакция и вступительная статья академика АН УзССР В.П. Щеглова. Ташкент: Фан, 1981.

⁵ Щеглов В.П. Вступительная статья к «Атласу звездного неба» Яна Гавелия... С. 7.

Ян Гевелий ишининг ҳар тўртала нашри бўйича тайёрланган тадқиқотлар доирасида кечган асосий босқичларга тавсиф берди. Шу йиғилишда астрономия фани тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси учун В.П. Щеглов Бредихин мукофотиغا лойиқ топилди¹.

Шундай қилиб, XX асрнинг 80-йилларида Мирзо Улуғбекнинг илмий-ижодий меросини тадқиқ қилиш давом эттирилиб, қатор ишлар ўзининг янги натижалари билан намоён бўлди. Шу билан бирга, авваллари илмий муомалага киритилмаган янги манбавий ва далилий эмпирик базанинг етишмаслиги билан боғлиқ айрим тақчилликлар мазкур давр изланишларига ҳам хослигини таъкидлаш жоиз.

Умуман олганда, Мирзо Улуғбекнинг илмий ва иждодий меросига бағишланган совет давридаги илмий тадқиқот ишларига таъриф бериб, кейинги ўн йилликлардаги изланишларни кузатар эканмиз, уларнинг ҳар бири муаммони ўрганишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлигини таъкидлашимиз керак. Ҳар бир ўн йилликда олимнинг илмий фаолиятига даҳлдор турли қирраларини ёритишга хизмат қилувчи кўплаб далилий материаллар илмий муомалага тортилди.

Мазкур муаммо бўйича тадқиқотларга нисбатан ўтказилган мафкуравий босим ишларнинг хусусиятига ва олимлар томонидан қўлланилган методологик ёндошувларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Таъкидлаш жоизки, айти вақтнинг ўзида, Мирзо Улуғбек шахси билан боғлиқ бошқа масалалардан, жумладан унинг давлатчилик фаолиятига берилган баҳолардан фарқли ўлароқ, илмий фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар объектив хусусият касб этди.

Ушбу белгиланган хронологик даврда Мирзо Улуғбек фаолиятининг у ёки бу жиҳатларига даҳлдор бир қатор баҳсли масалалар ўз ечимини топди. Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги фани антик ва янги даврдаги Европа фани ўртасида боғловчи қисм эканлиги ҳақидаги тамойилнинг асоссиз эканлигини исботлаш бўйича қилинган ишларни ҳам совет тарих фани хизматлари сирасига қўшиш мумкин.

Бундан ташқари, ўрганилаётган давр мобайнида қуйидаги йўналишлар атрофлича ишлаб чиқилди:

а) Мирзо Улуғбек илмий мактабининг жаҳон илм-фани тарихидаги ўрни, роли ва аҳамияти аниқланди;

б) Мирзо Улуғбекнинг асосий асари бўлган “Зиж”нинг астрономик ва математик ҳисоб-китоби бўлган қисми таржима қилинди, ўрганилди ва батафсил шарҳланди;

в) 1941, 1948, 1967 йилларда расадхонада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида иншоотнинг пойдевори тархи ва биринчи қавати аниқланди, бу эса иншоотнинг тахминий ташқи қиёфасини тиклаш учун лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам берди;

¹ Щеглов В.П. Вступительная статья к «Атласу звездного неба» Яна Гевелия... С. 7.

г) чуқур илмий тадқиқотлар натижасида расадхона ва унинг бош ускунаси бажарадиган вазифани исботлашга ҳаракат қилинди.

Бу давр тадқиқотларига хос бўлган хусусият – олимлар жамоаси томонидан Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси билан боғлиқ муҳим муаммовий масалаларни ечишдаги изланишларнинг фаоллашуви ҳисобланди.

Мазкур давр сўнгида собиқ совет давлати худуди муҳитида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида, хусусан, Ўзбекистонда миллий тарих бўйича тадқиқотларга янгича ёндашишга бўлган ҳаракат кўзга ташланади. Жумладан, муайян тарихий даврдаги жараёнларга шахсларнинг таъсири бўлганлигига катта эътибор қаратила бошланди. Тарих фанидаги бу йўналиш буюк олим ва маърифатпарвар ҳукмдор – Мирзо Улуғбек фаолиятининг барча қирраларини фаол тадқиқ қилиш учун имконият яратди.



Василий Лаврентьевич Вяткин – первый исследователь обсерватории Мирзо Улугбека. Руководитель раскопок 1908–1909, 1914 годов. Василий Лаврентьевич Вяткин – Мирзо Улугбек расадхонасининг биринчи тадқиқотчиси. 1908–1909, 1914 йилларда олиб борилган археологик қазишма ишларининг раҳбари.




**Обсерватория Мирзо Улугбека.
Вид откопанного в 1908 году остатка главного инструмента.
Мирзо Улугбек расадхонаси.
1908 йилда қазиб олинган асосий астрономик асбоби қолдикларининг қўриниши.**




Сводчатое перекрытие над главным инструментом обсерватории Мирзо Улугбека, сооруженное в 1915 году.
1915 йилда асосий астрономик асбоб устини ёпиш учун курилган ускунанинг кўриниши.




Михаил Фёдорович Мауэр – архитектор. По его проекту выпрямляли северо-восточный минарет медресе Мирзо Улугбека в Самарканде.
Михаил Фёдорович Мауэр – архитектор. Унинг лойихаси асосида Самарканддаги Мирзо Улугбек мадрасасининг минораси қайта



Главный портал медресе Мирзо Улугбека в Самарканде (фото 1931 года). Самарқанддаги Мирзо Улугбек мадрасаси пештоқи (1931 йил).



Процесс установления металлической конструкции, устанавливаемая в основании северо-восточного минарета медресе Мирзо Улугбека (фото 1932 года). Мирзо Улугбек мадрасасининг шимоли-шарқий минорасини қайта тиклаш мақсадида махсус тайёрланган метал тузилмани ўрнатиш жараёни (1931 йил).



Начальный момент выпрямления минарета медресе Мирзо Улугбека в Самарканде (фото 1932 года). Самарканддаги Мирзо Улугбек мадрасаси минорасининг қайта тиклаш жараёни (1932 йил).




Фото снятое сразу после восстановления северо-восточного минарета медресе Мирзо Улугбека. (фото 1932 года). Мирзо Улугбек мадрасаси шимолӣ-шарқий минораси тўғриланганидан сўнг кўриниши (1932 йил).

Реконструкция лица Мирзо Улугбека, выполненная антропологом М.М. Герасимовым в 1947 году. Мирзо Улугбек юзининг антрополог М.М. Герасимов томонидан 1947 йилда тикланган кўриниши.







**Сохранившаяся часть основного астрономического инструмента
обсерватории Мирзо Улугбека в Самарканде.
Самарқанддаги Мирзо Улугбек расадхонаси асосий астрономик
асбобининг сақланиб қолган қисми.**




**Первый проект Б.Н. Засыпкина реконструкции обсерватории
Мирзо Улугбека (1944 год).
1944 йилда Б.Н. Засыпкин томонидан бажарилган Мирзо Улугбек
расадхонаси реконструкциясининг дастлабки лойиҳаси.**




**Второй проект Б.Н. Засыпкина реконструкции обсерватории
Мирзо Улугбека (1950 год).
1950 йилда Б.Н. Засыпкин томонидан бажарилган Мирзо Улугбек
расадхонаси реконструкциясининг иккинчи лойихаси.**




**Проект реконструкции Б.А. Нильсена обсерватории
Мирзо Улугбека (1953 год).
1953 йилда Б.А. Нильсен томонидан бажарилган
Мирзо Улугбек расадхонаси реконструкциясининг лойихаси.**










Гравюра, выполненная польским астрономом Яном Гевелием. Мирзо Улугбек – первый по правую руку от Урании. Поляк астроном Ян Гевелий томонидан бажарилган гравюра. Мирзо Улуғбек Ураниянинг ўнг қўли томонидан биринчи бўлиб жойлаштирилган.







**Проект реконструкции Г.А. Пугаченковой обсерватории
Мирзо Улугбека (1969 год).
1969 йилда Г.А. Пугаченкова томонидан бажарилган
Мирзо Улугбек расадхонаси реконструкциясининг лойиҳаси.**




**Проект реконструкции М.С. Булатова обсерватории
Мирзо Улугбека (1982 год).
1982 йилда М.С. Булатов томонидан бажарилган
Мирзо Улугбек расадхонаси реконструкциясининг лойиҳаси.**



Джон Гривс (1602 – 1652) – профессор Оксфордского университета, первый европейский исследователь «Зидж»а Мирзо Улугбека.
Джон Гривс (1602 – 1652) – Оксфорд университетининг профессори, Мирзо Улугбек «Зиж»ини

Первое издание частей «Зидж»а Мирзо Улугбека в Европе в переводе Джона Гривса. Оксфорд, 1648 год. Джон Гривс томонидан амалга оширилган Мирзо Улугбек «Зиж»и қисман таржимасининг бирипчи наشري.



Томас Хайд (1636 – 1703) –
английский востоковед,
хранитель библиотеки в
Оксфорде.

Томас Хайд (1636 – 1703) –
инглиз шарқшуноси,
Оксфордаги кутубхона
ходими.



Издание «Зидж»а Мирзо Улугбека
в переводе Томаса Хайда.

Оксфорд, 1665 год.

Мирзо Улугбек «Зиж»ининг
Томас Хайд томонидан таржима
қилиниб чоп этилган нашри.

Оксфорд, 1665 йил.



Ян Гевелий
(1611 – 1687) – польский
астроном.
Ян Гевелий
(1611 – 1687) – поляк
астрономи.

Книга Яна Гевелия «Атлас
звездного неба», куда
помещены таблицы
расположений звезд из
«Зидж»а Мирзо Улугбека.
Ян Гевелийнинг Мирзо
Улугбек «Зиж»ида
келтирилган юлдузларнинг
жойлашуви жадвали
киритилган «Осмон

JOHANNIS HEVELII
FIRMAMENTUM
SOBIESCIA-
NUM,

S I V E
URANOGRAPHIA,

TOTUM COELUM STELLATUM,
UTPOTE TAM QUODLIBET SIDUS, QUAM OMNES
ET SINGULAS STELLAS, SECUNDUM GENUINAS
EARUM MAGNITUDINES, NUDO OCULO, ET OLIM
JAM COGNITAS, ET RUPER PRIMUM DETE-
CTAS, ACCURATISSIMIQUE ORGANIS
RITE OBSERVATAS, EXHIBENS,

Et quidem quodvis Sidus in peculiari Tabellâ,
in piano descriptum, sic ut omnia conjunctim totum
Globum Caelestem exactissimè referens:

Ex binis Hemisphaeriis Majoribus, Boreali scilicet
& Australi, adhuc clariâ unicuique
parte.

Cum Gratia & Privilegio Sac. Reg. Maj. Polon.

G E D A N I,

Typis JOHANNIS-ZACHARIAE STOLLII
ANNO M DC XC.


Джон Флемстид (1646 – 1719) – первый королевский астроном Гринвичской обсерватории.
 Джон Флемстид (1646 – 1719) – Гринвич обсерваториясининг бош кирол астрономи.



JOHANNES FLAMSTEEDIUS *Derbionensis*
Astronomiae Professor Regius Anno 1705 a. C. M.
1705




Книга Дж. Флемстида «История неба», в которую включен каталог звезд Мирзо Улугбека. Лондон, 1725 год.
 Дж. Флемстиднинг «Осмон тарихи» китоби. Лондон, 1725 йил.
 Унда Мирзо Улугбекнинг юлдузлар каталоги ҳам ўрин олган.



Издание перевода предисловия «Зидж»а Мирзо Улугбека на французский язык востоковедом Л.А. Седийо (1808 – 1876). Париж, 1847 год.
Л.А. Садийо томонидан француз тилига таржима қилиган Мирзо Улугбек «Зиж»и кириш қисми таржимасининг наشري. Париж, 1847 йил.

Критическое издание «Зидж»а Мирзо Улугбека американским ученым Э.Б. Ноблом. Вашингтон, 1917 год.
Мирзо Улугбек «Зиж»ини америкалик олим Э.Б. Нобл томонидан бажарилган танқидий наشري. Вашингтон, 1917 йил.



Учинчи боб
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МУАММОНИ ЎРГАНИШДАГИ
ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

1. Мирзо Улуғбекга бағишланган Халқаро симпозиумлар ва уларнинг янгича ёндашувлар ривожига аҳамияти

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, илмий билишнинг ўзига хос хусусияти ва назарий-методологик ёндашувлар бўйича сезиларли ўзгаришлар белгилаб олинди. Шахснинг тарихий ўтмиш жараёнларидаги ролига баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда жаҳон илм-фани тафаккури ривожига муносиб ҳисса қўшган машҳур олим ҳамда ўзининг буюк аждоди Амир Темурнинг муайян йўналишлардаги меросини эҳтиёткорлик билан асраган ва ривожлантирган ўзига хос ҳукмдор – Мирзо Улуғбек шахсига алоҳида урғу берилди.

1994 йилнинг 19 мартда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов илм-фан олдидаги беназир хизматларини ҳисобга олиб, “буюк ўзбек олими, астрономи, математики, физиги, меъмори, Темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси йирик давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек (Мирзо Улуғбек)нинг 600 йиллик таваллуди муносабати билан”¹ 1994 йилни Улуғбек йили деб эълон қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Таълим, фан ва маданият бўйича БМТнинг таркибий қисми ҳисобланган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти Бош конференциясининг 27-сессияси кун тартибига умумжаҳон миқёсидаги тадбирлар қаторида Мирзо Улуғбек юбилеи ҳам киритилди². Ўтмишнинг тарихий манзарасини тиклаш борасида жамоатчилик кенг қатламларининг эҳтиёжлари ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг ва илмий-маданий йўналишдаги бир қатор халқаро ташкилотларнинг Мирзо Улуғбек илмий тарихий меросига бўлган диққат-эътибори маълум даражада мазкур мавзуга бўлган қизиқишнинг ортганлигини кўрсатиб турар эди. Ушбу тарихшунослик босқичининг биринчи йилида эълон қилинган мақолалар, қайдлар, рисоалар, тўпламлар ва монографиялар сони анча кўпайиб, уларда Мирзо Улуғбекнинг илмий ва давлат ишларидаги фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бундан ташқари, мутахассисларнинг илмий изохлари билан тўлдирилган Мирзо Улуғбекнинг асосий ишларини таржимаси нашр қилинди³.

¹ Народное Слово. 1994, 20 марта.

² Рахимов М. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН 1991 – 1999 (на примере ЮНЕСКО): Дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2000. С. 84.

³ Улуғбек Муҳаммад Тарағай. Зиджи джадиди Гурағони. Новые Гургановы астрономические таблицы // Вступ. статья, перевод, комментарий А.А. Ахмедова. Ташкент: Фан, 1994. – 445 с.; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи // Вступ. статья члена кор. АН РЎз Б.А. Ахмедова - «Мирзо Улуғбек ва унинг «Тарих-и арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари ҳақида». Перевод: Б. Ахмедов, Н. Норкулов, М. Хасанов. Тошкент: Чўлпон, 1994.

Йил давомида олиб борилган юбилейга тайёргарлик жараёнида Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган тарихий ёдгорликлар (Улуғбек мадрасаси¹, расадхона харобалари) таъмирланди, ундан хотира бўлиб қолган жойлар ободонлаштирилди, Мирзо Улуғбекка ҳайкаллар ўрнатилди². Мирзо Улуғбек, унинг сафдошлари ҳамда издошлари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар ОАВ томонидан кенг ёритиб борилди³. Бу тадбирлар тарихшунослик нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамият касб этди.

Мирзо Улуғбек таваллуди тантаналари, юқорида эсалатганимиздек, ЮНЕСКО ташаббуси остида жаҳон микёсида ўтказилди. 1994 йилнинг 13 – 16 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқандда “Улуғбек ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси” (“Улуғбек и его вклад в мировую цивилизацию”)⁴ мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида мамлакатимиз тадқиқотчилари қаторида АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Германия, Россия, Украина, Марказий Осиё мамлакатларидан олимлар қатнашдилар. Тадқиқотчилар ўз чиқишларида Улуғбек ва унинг мактаби илмий фаолиятига юксак баҳо бердилар. Чиқишлар ва маърузалар “Улуғбекнинг 600 йиллиги конференцияси материаллари” (“Материалы конференции к 600-летию Улугбека”) тўпламида⁵ ўз аксини топди. Улуғбек таваллудига бағишланган юбилей тантаналари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

1994 йилнинг 15 октябрида ўтказилган асосий тадбирда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов: “Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир”⁶, – деб таъкидлаган эди.

Бунга фаннинг турли йўналишларида фаолият юритаётган тадқиқотчиларнинг бутун ХХ аср давомида мазкур мавзу бўйича мисли кўрилмаган қизиқишлари далил бўла олади.

Тадбирнинг аҳамиятига таъриф бериб, юртимизнинг таниқли тадқиқотчиси, академик Г.А. Пугаченкова «Народное Слово» газетаси мухбирига берган интервьюсида, “бу конференция Улуғбек даврини чуқурроқ кўрсатишга..., Муҳаммад Тарағай шахсини олим, инсон, санъат

¹ Асанова Г.Ю. Живопись мечети медресе Улугбека в Самарканде // ОНУ. 1994. № 5. С. 45-47.

² Народное Слово. 1994, 2 ноября.

³ Муҳаммаджонов А. Улуғбек академияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 29 январь, № 5(3213); Ўша газета. 1993, 19 март. 3-бети Мирзо Улуғбекга бағишланган; Файзуллаев О. Фалакиёт султони // Ўзбекистон овози. 1994, 3 сентябрь ва бошқ.

⁴ Народное Слово. 1994, 13 октября.

⁵ Материалы международной научной конференции, посвященной 600-летию юбилею Мирзо Улугбека. Ташкент-Самарканд, 12-16 октября, 1994 г. Ташкент, 1994. (Кейинчалик – Материалы...); Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман маърузаларининг тезислари. Тошкент-Самарқанд, 1994 йил, 12-16 октябрь.

⁶ Каримов И.А. Улуғбек руҳи барҳаёт. Президент Ислон Каримовнинг Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2-том. 319-бет.

ҳомийси ва донишманд ҳукмдор сифатида кашф этишга ёрдам беради”¹, – деб қайд этган эди.

Анжуман материаллари тўпламида эълон қилинган хорижлик мутахассисларнинг маърузалари орасида француз олимларининг ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг ишларида ҳам қўлланилган илмий-услубий ёндашув ва айрим хулосаларнинг ўзига хослиги аниқ кўзга ташланади. К. Кеннедининг “Улуғбек мероси” маърузасида² ўрта асрлар олимининг илмий фаолиятига таъриф беришга ҳаракат қилинган. Улуғбек ва унинг мактаби илмий фаолиятини ёритиш орқали муаллиф ўша давр тарихий воқеаларидан хабар беради. Муаллифнинг фикрича, бу “астроном-ҳукмдор бўлган Улуғбекка муносиб баҳо бериш” имконини беради. Аммо, Е. Кеннеди айрим воқеликларни баён қилишда қатор жиддий хатоларга йўл қўяди. Масалан, маърузада: “1405 йилда Ҳиндистон юришига тайёрланиш чоғида Амир Темур вафот этди”³, – дейилади. Аслида эса, Амир Темур жангга тайёргарлик жараёнида эмас, балки бевосита ҳарбий юриш пайтида Ўтрор шахрида вафот этган. Қолаверса, бу юриш Ҳиндистонга эмас, Хитойга уюштирилганлиги ҳаммага маълум.

Француз тадқиқотчисининг иши Самарқанд расадхонасида ўтказилган изланишларнинг хусусияти ва у ерда олинган натижаларни ўз тадқиқотларини анча эрта бунёд этилган расадхоналарда ўтказган аввалги олимларнинг маълумотлари билан таққослашга асосланган.

Фанни ташкиллаштиришда Мирзо Улуғбекнинг иқтидори бекиёс бўлганлигини таъкидлаб, Е. Кеннеди: “...Улуғбек иқтидорли раҳбар эди. У ўз вақти ва кучининг катта қисмини давлат ишларига берди. Деярли қирқ йиллик фаолият унинг катта вақтини банд қилиб, шундай захираларни яратдики, буларнинг ҳисобига Улуғбек ўз пойтахтига замонаси фани ва маданиятининг етук намояндаларини жалб қила олди. Бундан фойдаланиб Улуғбек расадхонани лойиҳалаштирган ва қурган гуруҳни тузди, асбоб-ускуналар билан таъминланган мазкур гуруҳнинг узоқ давом этган кузатувлари натижаси ўлароқ, машҳур «Зиж» яратилди”⁴, – деган хулосага келади.

Л. Кереннинг “Улуғбек мактаби ва унинг Усманийлар Туркияси астрономиясига ҳиссаси” деб номланган маърузасида⁵ Туркияда аниқ фанлар ривожига Самарқанд мактаби тадқиқотларининг кўрсатган таъсири акс этган. Маълумки, Улуғбекнинг сафдоши Али Қушчи устозининг ўлимидан сўнг Туркияга боради ва у ерда ўзининг илмий фаолиятини давом эттириб, ўзидан кейин бир гуруҳ иқтидорли шогирдлар қолдиради. Уларнинг меҳнатлари натижасида Самарқанд мактаби Туркиядаги турли фан соҳаларидан мустаҳкам ўрин олди.

¹ Народное Слово. 1994, 13 октябрия.

² Кеннеди Е. Наследие Улугбека // Материалы... С. 123-131.

³ Ўша асар, 124-бет.

⁴ Ўша асар, 131-бет.

⁵ Керен Л. Школа Улугбека и её вклад в астрономию османской Турции // Материалы... С. 132-137.

Мазкур маърузада Улуғбек мактабидаги катор шогирдлар ва издошлардан ташқари, Л. Керен фикрича, айрим ишларда таъкидланганидек, Али Қушчи ва Қозизода Румийнинг набираси эмас, балки чевараси бўлган Мирам Чалабийнинг илмий фаолиятига дахлдор бўлган маълумотлар ҳам келтирилади. Муаллифнинг фикрича: “бу – астрономия фанининг ворисийлик йўли билан бирданига икки кишидан ўтиши ўзига хос ҳодисадир”.

Л. Кереннинг фикрича, Ўрта Осиё маданий анъаналари Усманийлар салтанати орқали Европадаги астрономия ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши натижасида, бу китъада XVI аср иккинчи ярмидан тикланишни бошлаган. Шундай қилиб, муаллиф астрономия фани ривожига географиясининг ўзига хос: Ўрта Осиё – Туркия – Европа занжирини яратади. Ўз нуқтаи назарини муаллиф: “Шу аснода, ярим аср мобайнида Улуғбек мактаби ёрқин ёғду бўлиб, Шарқ ва Ғарб фанини ёритди ва турк астрономия мактаби учун самара келтирди”¹, – деган хулосалар билан умумлаштирди.

Совет тарихи фанида Мирзо Улуғбек ва Шохруҳдан ташқари, Темурийлар хонадони вакилларининг илмий ва маданий фаолияти масалаларига деярли аҳамият қаратилмаган. Француз тадқиқотчиси Ф. Бопертюис-Брессан ўзининг “Улуғбек атрофида юлдузларининг тўпланиши”² номли тадқиқотида бу камчиликни тўлдиришга ҳаракат қилди. Ўз ишида муаллиф фан ва маданиятга бўлган рағбат ва ҳомийлик нафақат юқорида эслатиб ўтилган ҳукмдорларга, балки Темурийларга ҳам хос бўлганлигини исботлаб бера олди. Тадқиқотчининг бу қараши Шохруҳнинг умр йўлдоши – Гавҳаршодбегим, Искандар Султон, Иброҳим Султон (Форсни бошқарган Мирзо Улуғбекнинг укаси), Бойсункур Мирзо ва бошқалар фаолиятидаги айрим лавҳалар орқали ўз тасдиғини топди³.

Француз тадқиқотчиси Мирзо Улуғбек шахсига ўзига хос таъриф бериб, унда кўчманчи дашт анъаналари ва ислом кадриятлари ниҳоятда мужассамлашганлигини қайд этади. Бу ҳолатга ўз муносабатини билдириб Ф. Бопертюис-Брессан: “Улуғбек турк-мўғул анъаналарининг жўшқин ҳимоячиси бўлиши билан бирга, у соф ислом дунёсининг иқтидорли шахзодаси ҳам эди.

Бу сиймони икки дунё – турк-мўғул ва ислом дунёсининг вакили деб таъкидлаш зарур”⁴, – деб ёзади. Бизнинг фикримизча, Мирзо Улуғбек – ислом анъаналарига эга шахар цивилизацияси бошқаруви намояндаларининг ёрқин вакили бўлган, деб ҳисобланса янада аниқроқ бўлар эди.

¹ Керен Л. Школа Улуғбека и её вклад в астрономию оттоманской Турции... С. 136.

² Бопертюис-Брессан Ф. Собрание звезд вокруг Улуғбека // Материалы... С. 137-141.

³ Ўша асар, 138-140-бетлар.

⁴ Ўша сар, 137-бет.

Яна бир француз олими Ж.-Ф. Уде ўзининг “Самарқанддаги расадхонанинг тикланиши (XV аср)” деб номланган маърузасини¹ Мирзо Улуғбек расадхонаси тикланишининг янги вариантыга бағишланган эди. Маълумки, мазкур муаммо ёдгорликнинг топилишидан бошланган эди. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, бу масала олимлар орасида катта қизиқиш уйғотиб келган. Француз тадқиқотчиси “қўл остидаги барча ишларни”, яъни “ҳам астрономия тарихи соҳасига, ҳам меъморчилик соҳасига оид қадимги матнлар ва замонавий тадқиқотларни” ўрганиб чиқиб, “бинони тиклаш бўйича турли вақтларда қилинган таклифлар орасида бирорта бир-бирига зиди йўқ”, – деган хулосага келади. Бунинг натижасида Ж.-Ф. Уде “бир-бирига зидлиги аниқ бўлган тиклаш бўйича ҳам астрономик, ҳам меъморий пландаги ечимни топишга”² ҳаракат қилиб кўрди.

Ж.-Ф. Уде ўз лойиҳасини мазкур масала бўйича иш олиб борган айрим хорижлик тадқиқотчилар (Сайили, Кеннеди) ҳамда совет олимлари, жумладан, В.А. Шишкин ва Г.А. Пугаченкова тадқиқотлари асосида тайёрлади³. Муайян сабабларга кўра, муаллиф В.А. Нильсен ва М.С. Булатов⁴ лойиҳаларини умуман эсга олмайди. Бундан ташқари, француз тадқиқотчиси, ўзининг назарий қарашларини чизмалар ва эскизлар кўринишида тасдиқлаб ўтмайди. Ж.-Ф. Уденинг ўзи эътироф этишича, унинг лойиҳаси иншоотнинг илк кўринишини қайта тиклаш бўйича соф “фаразий” хусусиятга эга.

Маълумки, астрономия фани тараққиётининг илк босқичлари илми нужум (астрология) билан ўзаро яқин боғлиқликда кечган. Масалан, Улуғбек “Зижи”нинг тўртинчи боби ҳам илми нужумга бағишланган. Ўрта асрлар даврида Шарқ ва Ғарбда, жумладан Амир Темур ва Улуғбек бошқаруви даврида илми нужум қандай аҳамият касб этгани француз тадқиқотчиси Ж.-П. Буденинг маърузасида кўриб чиқилган⁵. Мазкур даврда илми нужумнинг алоҳида фан соҳаси сифатидаги аҳамияти хусусида муаллиф: “илмий баҳслар камрови асосий нарсага тўсиқ бўлиши керак эмас: XIV – XV асрларда Самарқанд ёки Парижда илми нужум башоратлари астрономик ҳисоб-китобларнинг асосий интиҳосини ташкил қилган ва баъзан касалликларни даволашда зарур бўлган ёрдамчи восита ҳисобланган. Илми нужум ва астрономия у пайтларда кўплаб олимлар томонидан бир илмий фан соҳасининг икки қирраси сифатида қаралган”⁶, – деб таъкидлаган.

¹ Уде Ж.-Ф. Восстановление обсерватории Самарканда (XV век) // Материалы... С. 142-151.

² Ўша асар, 144-бет.

³ Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека // Тр. Инс-та истории и археологии АН УзССР. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953. Т. 5. С.3-100; Пугаченкова Г.А. Архитектурная композиция обсерватории Улугбека // ОНУ. 1969. № 3. С. 30-42 ва бошқ.

⁴ Нильсен В.А. Обсерватория Улугбека в Самарканде. Ташкент: Узбекистан, 1986; Булатов М.С. Обсерватория Улугбека в Самарканде // ИАИ. М., 1986. Вып. XVIII. С. 199-216 и др.

⁵ Буде Ж.-П. Астрономия и астрология на Востоке и на Западе в эпоху Тимуридов // Материалы... С. 155-160.

⁶ Буде Ж.-П. Астрономия и астрология на Востоке и на Западе в эпоху Тимуридов... С. 156.

Мирзо Улуғбек тақдирида илми нужум қай даражада роль ўйнаганлигини Ж.-П. Буде Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн” асаридан олинган парчалар мисолида яққол кўрсатиб берди.

Умуман олганда, “Конференция материаллари”да эълон қилинган хорижлик тадқиқотчиларнинг маърузалари бизнинг тадқиқотимиз учун нафақат мазмун жиҳатидан, балки Ғарбий Европа фанида қўлланилаётган айрим методологик ёндашувлари билан ҳам қизиқарлидир.

Ватанимиз тадқиқотчиларининг маърузаларида, бир томондан, совет даврида яратилган илмий изланишларни умумлаштирилган қисқача баёни маълум қилинган бўлса, иккинчи томондан, ўтмишнинг у ёки бу воқеаларига баҳо беришдаги янгича ёндашувлар тавсифлаб берилди. Тўпламга юртимиздаги йирик шурқшунос, филолог, фан тарихи бўйича олимлар, жумладан Б.А. Аҳмедов, А. Ўрунбоев, Д.Ю. Юсупова, М.М. Хайруллаев, А. Қаюмов, А.Х. Ҳайитметов, Ш.А. Аюпов, Г.А. Матвиевская, А.А. Аҳмедов, О.С. Турсунов ва бошқаларнинг маърузалари киритилган эди. Уларнинг маърузаларида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг илмий мактабига даҳлдор масалалар кенг ёритилди.

Мустақиллик даврида тарих фанининг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилганлиги кўриб чиқиляётган мавзу учун муҳим аҳамият касб этди. Бу Мирзо Улуғбек даври бошқаруви бўйича иш олиб бораётган ўзбекистонлик тадқиқотчи-олимлар томонидан қилинган маърузаларда янада яққол кўзга ташланади.

Хусусан, М.М. Хайруллаев маърузасида Мирзо Улуғбекнинг давлатчилик фаолиятига баҳо беришда фанда ҳукмронлик қилган андозалардан қочишга уриниш мавжуд. Ўз маърузасида муаллиф: “Темурнинг набираси – Улуғбек ўз бобоси томонидан бунёд этилган давлатни бошқарган истеъдодли давлат арбоби ва кўмондон эди...”¹, – деб таъкидлайди.

Айтиш мумкинки, Мирзо Улуғбекнинг давлатчилик ишлари хусусида М.М. Хайруллаев берган бу баҳо бир қадар бўрттирилган бўлса ҳам, барча тадқиқотчилар Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросининг дунё илм-фанидаги аҳамиятини ҳеч бир истисносиз таъкидлаб ўтдилар. Улар бу ҳукмдор бошқарган давр Европанинг Уйғониш даври билан айнан ўхшаш бўлганлигини эътироф этишди. Ҳукмдор омадсиз бўлганида эди, табиийки, бундай тараққиётни таъминлай олмас эди.

ЎЗР ФА Астрономия институтидан О.С. Турсуновнинг маърузаси Улуғбек расадхонасидаги бош ускуна борасида ҳал қилинмаган масалаларга бағишланган эди². Ушбу муаммога қайта мурожаат қилган тадқиқотчи ўзи ўтказган изланишлари асосида “Самарқанд расадхонасида ал-Хўжандий ускунаси иши тамойили бўйича фаолият кўрсатадиган иккиҳад квадрант (яъни Фаҳри секстанти – *Ф.Ш.*) қурилган”³, – деган хулосага келади.

¹ Хайруллаев М.М. Улуғбек и развитие культуры Средней Азии // Материалы... С. 165-166.

² Турсунов О.С. Квадрант или секстант? // Материалы... С. 175-177.

³ Уша асар, 176-бет.

Маълумки, Ўзбекистондаги илм-фан тараққиёти ҳам бутун дунёда бўлгани каби, ворисийлик хусусиятига эга. Бу борада мамлакатимиздаги астрономия фанининг ривожини тажрибаси ибратлидир. Хусусан, Самарқанд мактабининг вужудга келишига кўп жиҳатдан аввалги даврлардаги олимлар яратиб кетган илмий-назарий кўникма пойдевор бўлган. Ўз навбатида, Ўзбекистондаги замонавий астрономия фани эса Улуғбек мактабидан мерос бўлган кўплаб илмий анъаналарни давом эттирмоқда. Бу жараённинг ривожини Т.С. Юлдашбаев, Ш.А. Эгамбердиев, А.А. Латипов ва А.Г. Раҳимов каби астроном олимларнинг маърузалари асосда кузатиш мумкин. Мазкур маърузаларда замонавий босқичда Ўзбекистондаги астрономия фанининг асосий ютуқлари ҳамда уларда Мирзо Улуғбек Самарқанд мактаби тадқиқотлари билан ворисийлик алоқалари таъриф этилган¹.

Т.С. Юлдашбаевнинг маърузасида Ўзбекистондаги астрономия фанининг кўп асрлик тарихий ривожига амалга оширилган асосий тадқиқотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Самарқанд мактаби илмий анъаналарининг Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗР ФА Астрономия институтида ўтказилаётган янги изланишларга замин бўлиши жараёни кўриб чиқилган. Бундай тадқиқотларнинг вориси сифатида муаллиф, “Помир-Тяншан” халқаро дастури доирасида хорижлик олимлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Қуёшни кузатиш бўйича илмий лойиҳа ишланмаларини келтириб ўтади². Ёриткич устида олиб борилаётган самарали кузатувларнинг сабаби сифатида эса, “йил 300 кунгача Қуёшни кузатишига имкон берувчи қулай иқлим шароити”ни, бунинг натижасида “Институт асосий Халқаро Қуёш Хизмати масканларидан бирига айланганлигини” қайд этади.

Ш.А. Эгамбердиев ўз маърузасида IRIS* дастури остида Қумбелда*³ ўтказилаётган Қуёшнинг глобал оғиши бўйича тадқиқот ишларининг асосий босқичлари санаб ўтилди.

Мазкур иш доирасида махсус билим кўникмаларининг йўқлиги боис, ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг ҳозирги босқичда астрономия соҳаси бўйича қилган ишларини батафсил тавсифлаш ва баҳолаш имкониятига эга эмасмиз. Бу ишларнинг асосий мазмуни кўп асрлар муқаддам бошланган ва Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактабида давом эттирилган астрономик кузатувларнинг бугунги кунга

¹ Юлдашбаев Т.С. Мирзо Улуғбек и современная астрономия в Узбекистане // Материалы... С. 180-182; Эгамбердиев Ш.А. Исследование глобальных колебаний Солнца на станции проекта IRIS на горе Кумбель / Материалы... С. 185-186; Латыпов А.А., Рахимов А.Г. Об исследованиях в области астрометрии и звездной астрономии в Узбекистане // Материалы... С. 183-184.

² Юлдашбаев Т.С. Мирзо Улуғбек и современная астрономия в Узбекистане // Материалы... С.181.

* IRIS – Қуёшни тадқиқ этиш бўйича халқаро дастур. 1986 йили ЎЗР ФА Астрономия институти ушбу программага киритилган.

* Кумбель – Тошкентдан 75 км масофада жойлашган тоғ.

³ Эгамбердиев Ш.А. Исследование глобальных колебаний Солнца на станции проекта IRIS на горе Кумбель // Материалы... С. 185.

қадар ўз аҳамиятини йўқотмаганлигида кўринади. Ворисийлик ҳақида гап кетганда, таъкидлаш жоизки, Мирзо Улуғбек астрономия мактаби бошқалардан фарқланувчи ўзига хослик билан осмон ёриткичлари кузатилган ҳамда бу йўналишдаги тадқиқотлар ҳозирги замон Ўзбекистон астрономлари томонидан ҳам самарали амалга оширилмоқда.

У. Уватов¹ ва Қ. Мунировлар² Мирзо Улуғбек ҳаётининг айрим босқичлари тўғрисида ёзма манбалардан янги маълумотлар олиниб илмий муомалага киритилганлиги ҳақида анжуман қатнашчиларига ахборот бериб ўтдилар.

У. Уватовнинг маърузасида ўрта асрлар тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг “Ажайиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асаридаги Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ айрим парчалар келтирилган. Аввал ҳисобланганидек, Кониғилда ўтказилган машҳур байрам Амир Темурнинг етти йиллик юришдан қайтишига эмас, балки айнан шу вақтда бўлиб ўтган Улуғбекнинг никоҳ тўйига бағишланган. Муаллиф Ибн Арабшоҳга мурожаат қилиб, унда “бу тантаналар фақат Улуғбекнинг уйланишига бағишланганлигини ва бу билан ёш Улуғбекнинг буюклиги қайд этилганлигини”³ тасдиқлайди.

Қ. Мунировнинг маърузаси, энг аввало, Мирзо Улуғбекнинг давлат ишларидаги фаолиятига янғича ёндашуви билан қизиқарли эди. Ўрта асрлар шоири Саккокийнинг ижодини тадқиқ қилган муаллиф Мирзо Улуғбек бошқарувига даҳлдор бўлган қизиқарли маълумотларни топди. Ушбу маълумотларга муносабат билдирган тадқиқотчи: “Улуғбекка бағишланган қасидада халқ, улус, раият, халоллик, шодлик, адолат сўзлари тез-тез учрайди. Шундан кўриниб турибдики, Саккокий ўз даврининг илғор фикрли вакили сифатида халқнинг хоҳиш-истакларини ўйлаб, халқ учун маъруф бўлган Улуғбекдек ҳукмдор бошқараётган давлатдан ўзининг қониқишини баён қилган”⁴, – деб ёзади. Ўрта Осиё ҳукмдори ички сиёсатининг бу каби талқин қилинишини В.В. Бартольднинг Улуғбек даври “илиқ” бўлганлиги ва бу даврда Мовароуннаҳрда халқ чиқишлари кузатилмаганлиги ҳақидаги машҳур қайдлари ҳам тасдиқлайди.

Умуман олганда, гарчи Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ янги далиллар ёритилган бўлишига қарамай, ушбу анжуманга тақдим этилган маърузаларда мазкур мавзу бўйича ҳали ўзининг илмий ечимини қутаётган бир қатор баҳсли масалалар ҳам борлиги равшан бўлди.

Ушбу монографик тадқиқот доирасида халқаро анжуман тўпламига киритилган барча маърузаларга батафсил таъриф бериш қийин. Юқорида келтирилган ишлар умумий ҳажмнинг фақат бир қисминигина

¹ Уватов У. Ибн Арабшах об Улуғбеке // Материалы... С. 189-190.

² Муниров К. Саккаки об Улуғбеке // Материалы... С. 191-192.

³ Уватов У. Ибн Арабшах об Улуғбеке // Материалы... С. 189-190.

⁴ Ўша асар. 192-бет.

ташкил этади, холос. Бу қизиқишлар, биринчи галда, тадқиқотларда Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросини англашда янги босқичнинг бошланганлигидан далолат беради. Умуман олганда, ўз ичига халқаро илмий симпозиумни ҳам қамраб олган юбилей тантаналари халқимизнинг маънавий-тарихий қадриятларини тиклаш борасида алоҳида аҳамият касб этди. Бу тадбирлар Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши нақадар бой ва серқирра эканлигини яққол намоён қилди.

Мирзо Улуғбек юбилейига бағишланган тадбирлар кўлами бутун республикани қамраб олди. Республиканинг турли жойларида ўтказилган анжуманларда юртимиз шоирлари, ёзувчилари, олимлари, Олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари¹ ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий тадқиқот институтларининг ходимлари фаол иштирок этдилар². Жумладан, Шахрисабзда ўтказилган шундай тадбирларнинг бирида Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Мирзо Улуғбек фаолиятига ва ўша даврдаги илм-фанга таъриф бериб: “Бир маҳалла ёки қишлоқнинг, бир туман ёки шаҳарнинг ва ҳатто бутун бир халқнинг олими ёки шоири бўлиши мумкин. Аммо, ҳамма донишмандга ҳам бутун инсониятнинг шоири ёки олими бўлиш насиб қилмаган. Бизнинг халқимизнинг бахти шундаки, бир қатор шоирлари, олимлари, мутафаккирлари бир миллат сарҳадларидан ўтиб, ўзларининг илмий ва ижодий мерослари билан бутун инсониятнинг маънавий қадриятига айланди, ўзларининг маданият хазинасига қўшган ҳиссалари, илмий салоҳиятлари билан барча халқларни чароғон этдилар”³, – деб алоҳида таъкидлаган эди.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари Францияда ҳам ўтказилди⁴. Тантанали тадбир ЮНЕСКОнинг Париждаги ваколатхонасида бошланди. ЮНЕСКОнинг таклифи, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши шарофати билан 24-30 октябрь кунлари мазкур нуфузли халқаро ташкилотда Мирзо Улуғбек ҳафталиги бўлиб ўтди⁵.

ЮНЕСКОдаги Улуғбек кунлари “Мирзо Улуғбек ва буюк Темурийлар даври” мавзусидаги халқаро симпозиум билан бошланди. Ушбу тадбирда қатнашган Ўзбекистон, Франция, Туркия ва бошқа мамлакат тадқиқотчи-олимлари, Темурийлар даврининг жаҳон илм-фани ва маданияти тарихига муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидладилар. Аниқ мисоллар асосида Мирзо Улуғбек ва унинг мактабининг жаҳон илми ривожигаги ўрнига алоҳида урғу бердилар.

Янгича ёндашувлар нафақат Мирзо Улуғбекнинг ҳаётини тадқиқ

¹ Мирзо Улуғбек ижоди ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни // Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган минтақавий илмий анжуман маърузаларининг тезислари. Самарқанд: Суғдиёна, 1994. 160 б; Улуғбек ва замонамиз // Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган жумҳурият илмий-услубий анжуманидаги маърузаларнинг қисқа баёни. 3 июнь 1994 йил. Андижон, 1994. 120 б.

² Бўриев О., Хайруллаев М.М., Абдурахимова Б., Раззоқова М., Исломов З., Ирисов А. Буюк аллома мероси изидан // ОНУ. 1994. № 9-10. С. 60-66.

³ Народное слово. 1994, 2 ноября.

⁴ Народное слово. 1994 года, 27 октября.

⁵ Народное слово. 1994 года, 2 ноября.

қилиш учун, балки унинг айрим оила аъзолари фаолиятининг баъзи қирраларини ёритишга ҳам хос эди. Масалан, Г.А. Пугаченкова Улуғбекнинг онаси – Гавҳаршодбегим “ўз даврининг машҳур аёли бўлганлигини, унинг исми аввало фан ҳомийси сифатида талқин қилинганлигини”¹ таъкидлайди. Унинг фикрича, она ва ўғил ўртасидаги совуқ муносабатларга қарамай, Гавҳаршодбегим Хуросонда Мовароуннаҳрдаги бинолардан қолишмайдиган кўплаб меъморий иншоотларнинг, жумладан масжид, мақбара, мадрасаларнинг қурилишига ташаббускор ва ҳомий бўлган. Г.А. Пугаченкова Гавҳаршодбегим ўзининг “бунёдкорлик фаолияти билан ўз исмини жаҳон фанига мангуга муҳрлаган”, – деб ҳисоблайди.

2009 йилнинг 9 – 11 июнь кунлари Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги ва Халқаро астрономия йили муносабати билан ЮНЕСКО ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида “Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига кўшган ҳиссаси”² мавзуидаги Халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятини янги қираларини очиб берди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича халқаро институти, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур халқаро анжуманда Ўзбекистон олимлари билан бир қаторда Франция, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Япония, ХХР, Бангладеш, Россия, Озарбайжон каби мамлакатларнинг тадқиқотчилари ҳам иштирок этишди.

Эътиборли жиҳати шунда бўлдики, халқаро анжуман 1420 йилда бунёд этилган, ўзига хос тарихга эга ва мана бир неча асрлардан бери Самарқанднинг машҳур Регистон майдонидаги бошқа икки мадраса қаторида ягона ансамбл ташкил қилган Мирзо Улуғбек мадрасасида бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисларда Мирзо Улуғбек илмий меросининг турли йўналишларида тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг маърузалари тингланди. Ўзининг “Улуғбек “Зиж” ва унинг астрономия тарихидаги роли”³ номли маърузасида ўзбекистонлик тадқиқотчи А. Аҳмедов “Зиж”нинг мазмунини ёритиш билан бир қаторда унинг бошқа мамлакатларда ўрганилиш тарихини ҳам алоҳида таъкидлаб, “Улуғбек “Зиж”нинг астрономия тарихидаги аҳамиятига баҳо бериш мураккаб. Сайёралар, Куёш, Ойнинг ҳаракати, юлдузлар жадвали ва уларда қўлланилган математик услублари билан ўрта асрларнинг энг мукаммал астрономик асари сифатида “Зиж” астрономия фани тараққиётига беқиёс таъсир кўрсатган”лигини қайд этди.

Француз тадқиқотчиси, “La Temurid” журналининг муҳаррири

¹ Пугаченкова Г.А. Подарившая миру гения // Народное слово. 1994, 22 июня.

² Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига кўшган ҳиссаси // Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига ва 2009 – Халқаро астрономия йилига бағишланган Халқаро илмий конференция маърузалари. Самарқанд, 2009 йил 9-11 июнь. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2009. – 395 б.

³ Аҳмедов А. «Зидж» Улуғбека и его роль в истории астрономии // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига кўшган ҳиссаси... 237-258-бетлар.

Фредерик Бопертюи-Бресан ўз маърузасини Улуғбек бошқаруви давридаги Мовароуннаҳр маданияти ва санъатига бағишлади¹. У: “Улуғбек – асроним-шахзода сифатида ўз илмий фаолияти давомида темурийлар маданиятининг нафақат Самарқандда, балки узоқларга тараннум этувчи нафис санъатига ҳомийлик қилди. Унинг замонасида санъат ўзига хос услублари билан нафақат Мовароуннаҳрда, балки салтанатнинг бошқа ҳудудларида ҳам гуллаб яшнаган эди...”, – деб таъкидлади.

ЎЗР ФА Астрономия институти директори Ш. Эгамбердиев ўзининг “Улуғбек меросини ўрганиш: ютуқлар ва истикболлар”² номли маърузасида Улуғбек ижодий меросининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтиб, бугунги кунда “тадқиқотчиларнинг асосий сайъи-ҳаракати қаратилиши зарур бўлган жиҳатларга урғу берди” ҳамда “расадхонанинг амалда қўлланиладиган моделини (масалан 1:5 ҳажмда) қуришни, тажриба ва хатолар йўли билан уни қандай фаолият кўрсатганлигини тушуниш кераклигини” таклиф қилди.

Халқаро конференция учта секцияда ўз ишини давом эттирди:

1. Улуғбекнинг астрономик мактаби ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги роли;

2. Улуғбек ва унинг даври;

3. Улуғбек даврида таълим ва маданият.

Халқаро анжуманда иштирок этган хорижлик меҳмонлар ва олимлар орасида Франсуаз Леги-Тюли (Франция), Дарио Джорджетти (Италия), Исахоя Ёичи, Тсуко Накамура (Япония), Ши Юнли (Хитой), Эҳсан Фазлийўғлу, Феза Гунергун, Атила Ўзгуч (Туркия), Мухаммад Бағери, Али Ажабширизода (Эрон), Разауллах Ансарий (Ҳиндистон), Александр Воскобойников, Сергей Туркин (Россия), Элчин Бобоев (Озарбайжон) кабилар бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Улар Мирзо Улуғбек ва унинг астрономик мактаби илмий меросини ўрганиш борасидаги ўзларининг янги илмий ютуқлари билан ўртоқлашдилар. Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Астрономия институтидан вакиллар, шунингдек, Ўзбекистон ОУЮларининг йирик профессор-олимлари иштирок этдилар. Уларнинг маърузалари муаммонинг айрим жиҳатларига қаратилган эди.

Секция мажлислари Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек, Тиллақори мадрасалари ҳамда Президент-Отелда бўлиб ўтди. Тадқиқотчиларнинг орасидан россиялик олим А.Э. Воскобойниковнинг “Осмонимиз ягона: жаҳон ва Россия маданиятида Улуғбек феномени”³; Ўзбекистонлик таниқли олима Д.А. Алимованинг “Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти унинг бошқарувидаги Мовароуннаҳрдаги ижтимоий вазият

¹ Бопертюи-Бресан Ф. Улуғбек – принц-астроном // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 266-267-бетлар.

² Эгамбердиев Ш.А. Изучения наследия Улуғбека: достижения и перспективы // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 366-369-бетлар.

³ Воскобойников А.Э., Коробова З.Б. Небо у нас одно: феномен Улуғбека в мировой и российской культуре // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 272-275-бетлар.

доирасида”¹; озарбайжонлик олим Э. Бобоевнинг “Насириддин Тусий ва Улуғбекнинг астрономик академиялари: Мароғадан Самарқандгача виртуал кўприк”²; ўзбекистонлик шарқшунос олим О. Бўриевнинг “Улуғбек ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ҳолати”³; италян тадқиқотчиси Д. Джорджеттининг “Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси археологик объект сифатида: нималар қилинди ва яна нималар қилиниши лозим”⁴ каби маърузаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жумладан, А.Э. Воскобойников: “...Шарқ ва Ғарб доимо бири-бирини бойитиб турган. Бизнинг конференциямиз мавзусини эътиборга олиб, ислом маданияти Ғарб ва жаҳон астрономиясининг шаклланишига бебаҳо ҳисса қўшганлигини эслаш кифоя қилади. ... Улуғбек ҳам улкан салоҳият эгаси, ҳам Уйғониш даври қаҳрамони сифатида шу миқёсдаги мутафаккирларнинг мубоширларидан бири саналади”, – деб таъкидлади.

Мирзо Улуғбек бошқаруви давридаги Мовароуннахрнинг ижтимоий ҳолатига бағишланган Д.А. Алимованинг маърузасида: “Бекиёс илмий тадқиқотлари шарофати билан Улуғбек бутун дунёга машҳур бўлди ва унинг ҳам тахтдаги, ҳам илм-фан соҳасидаги фаолиятини бири-биридан айириб ташлолмаймиз, чунки олий ҳукмдор сифатида у ҳам ўзининг, ҳам ўз илмий мактабининг моддий таъминоти ва хавфсизлигини таъминлай олди”, – дея қайд этилди.

Ҳар учала секцияда бўлиб ўтган мажлисларда Мирзо Улуғбекнинг серқирра ҳаёти ва илмий фаолияти ёритилиб, хоҳ у унинг илмий фаолиятига даҳлдор бўлсин, хоҳ у анча мураккаб бўлган Мовароуннахр бошқарувидаги зиддиятли қирқ йилни таҳлил қилишга бағишланган бўлсин қизгин баҳс-мунозараларга бой ўтди.

Яқуний мажлисда бангладешлик профессор Муҳаммад Шамшир Алининг “Абу Райҳон Беруний ва билиш руҳи”⁵ номли маърузасининг тингланди. Бу маърузани у Берунийнинг тарихий ва илмий асарларининг Улуғбек илмий қарашларини шакллантиришдаги ҳамда Самарқанд илмий мактаби тадқиқотларидаги аҳамиятини ва таъсирини таъкидлашга бағишлади.

Бундай Халқаро анжуманнинг ўтказилиши ўзида бир неча жиҳатларни мужассам этган, мана бир неча асрлардан бери илмий мероси тадқиқ қилиб келинаётан Мирзо Улуғбек шахсининг ўзига хос

¹ Алимова Д.А., Каримов Э.Э. Научная деятельность Мирзо Улугбека в контексте общественной ситуации в Мавераннахре в период его правления // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 217-224-бетлар.

² Бабаев Э. Астрономические академии Насириддина Туси и Улугбека: виртуальный мост из Мараги в Самарканд // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 259-бет.

³ Бўриев О. Улуғбек ҳукмдорлиги даврида Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ҳолати // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 24-31-бетлар.

⁴ Дарио Джорджетт. Обсерватория Улугбека в Самарканде как археологический объект: что было сделано и что еще предстоит осуществить // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 291-бет.

⁵ Шамшир Али М. Абу Райхан Беруни и дух познания // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси... 360-бет.

қирраларини яна бир қарра намоён қилди.

1994 йилдан ҳозирги кунгача ўтказилган тадбирларнинг илмий аҳамияти қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– энг аввало, халқаро анжуманлар жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини маълум маънода Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросига қаратди ва ушбу йўналишдаги кейинги илмий изланишларга туртки бўлди;

– анжуманлар ишида хорижлик тадқиқотчиларнинг иштирок этиши Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросини тадқиқ этишнинг жаҳон тажрибалари билан танишиш имконини берди. Шунингдек, мазкур муаммони ўрганиш бўйича олиб борилаётган изланишларни бирлаштиришга замин яратди;

– маърузаларнинг илмий мазмуни ҳамда уларда қўлланилган методологик ёндашувлар Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросини тадқиқ қилиш ва англаб етишнинг янги босқичини белгилаб берди.

Умуман олганда, мустақиллик даври тадқиқотларига хос хусусият уларда кўрилаётган даврда Моваруннаҳрда юз берган умумий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият доирасида Мирзо Улуғбек шахсини ҳар томонлама тадқиқ қилишга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бундан ташқри, ўрта асрлар олимининг серқирра ҳаёти ва фаолиятига даҳлдор беҳисоб илмий, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларнинг юзага келиши мазкур давр тарихшунослигининг ўзига хос жиҳатларидандир. Мирзо Улуғбек ҳамда унинг замондошлари томонидан ёзилган қатор тарихий асарларни ўрганиш мақсадида кўплаб маҳаллий мутахассисларнинг хорижий мамлакатлар сафарларида бўлиб қайтиши Ўзбекистон фани ривожини учун муҳим амалий аҳамиятга молик бўлди.

2. Ўзбекистон тарихшунослигида Мирзо Улуғбек фаолияти: янги натижалар

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, тарих фанини ҳар томонлама соғломлаштириш вазифаси, жаҳон цивилизациясига муносиб хисса қўшган тарихий шахсларга эътибор қаратиш ва уларга халқаро ҳамжамият назарини жалп этиш сиёсий аҳамиятдаги ва давлатнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шундай шароитда ватанамиз тарих фани олдида ўтмишни қайта англаш ва янги манбаларни илмий муомалага киритиш, шунингдек, янги методологик ёндашувлар асосида тарихий воқеликлар ва далилларни маълум даражада қайтадан кўриб чиқиш каби улкан ишлар турар эди. Шу каби саъй-ҳаракатлар мазкур даврда Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини ўрганишга ҳам хосдир.

Юқорида таъкидланганидек, XX аср 90-йилларининг биринчи

ярми Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ турли масалаларда бир қанча нашрлар амалга оширилганлиги билан характерланади. Бундай қизиқишнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жамоатчилик орасида кенг тус олган маънавий-тарихий меросни қайта тиклаш борасидаги ҳаракатларнинг кучайиши ҳамда 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллудига бағишлаб ўтказилган тадбирлар натижасида юзага келган эди.

Айнан шу омиллар мазкур муаммо бўйича илмий нашрларнинг кенг кўламда дунё юзини кўришига сабаб бўла бошлади. Нашр қилинган кўп сонли монографиялар, тўпламлар, рисоалар, мақолалар, маълумотлар, қайдларнинг ҳаммасини ҳам янгилик сифатида қабул қилиб бўлмайди. Аммо улар орасидаги кўплаб нашрлар ушбу даврда Ўзбекистонда кечаётган маданий ва маънавий жараёнларнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Кўриб чиқилаётган хронологик даврда Улуғбекнинг асосий асари “Зижи жадиди Кўрагоний”нинг рус тилидаги – “Новые Гургановы астрономические таблицы” тўлиқ таржимасининг амалга оширилиши ва нашр этилиши илмий ҳаётнинг муҳим воқелиги бўлди. Ушбу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тайёрланиб, таржимани шарқшунос тадқиқотчилардан бири А.А. Аҳмедов амалга оширган эди¹. Ушбу нашрнинг ноёблиги шунда эдики, асарнинг умумий кириш қисми ва 4 китобдан иборат бўлган Улуғбек илмий рисоласи тўлиқ матнининг илк бор таржимаси эди. Матн ҳам таржима муаллифининг, ҳам 1523 йилда Хусайн Биржондий (Улуғбекнинг издоши Али Қушчининг шогирди – *Ф.Ш.*) амалга оширган “Шарҳи зижи Кўрагоний” (“Шарҳлар”)дан олинган айрим парчалари билан батафсил илмий шарҳланган эди.

Хронологик ҳисоб-китоблар ва тақвимга бағишланган биринчи китоб хитойлар, қадимги турклар, форслар, юнон ва арабларнинг хронологияси ва йил ҳисобларига бағишланган; иккинчиси, сферик (шарсимон) астрономия ва математик география – математик ва географик жадваллардан иборат; учинчиси сайёралар ҳаракати ва юлдузлар астрономияси – сайёралар ҳаракати жадвали ва юлдузлар каталоги ҳақида бўлиб, унда Самарқанд расадхонасида ўтказилган ноёб кузатувлар асосида аниқланган 1018 та собит юлдузнинг координатлари келтирилган; тўртинчи китоб илми нужумга бағишланган бўлиб, унда илми нужум борасидаги мулоҳазалардан ташқари, айрим астрономик жадваллар ҳам келтирилган.

“Улуғбек ва унинг “Зижи” (“Улуғбек и его “Зидж”) деб номланган кириш мақоласида А.А. Аҳмедов Улуғбекнинг таржимаи ҳолига оид

¹ *Улуғбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гургони. Новые Гургановы астрономические таблицы // Вступ. статья, перевод, комментарии А.А. Ахмедова. Ташкент: Фан, 1994. – 445 с.*

маълумотларни келтириб ўтади ҳамда унинг бошқаруви ва илмий фаолиятини тавсифлайди. “Улуғбек ҳаётида илм-фан” (“Наука в жизни Улугбека”) бўлимида тадқиқотчи “Зиж”нинг тузилиши ва ўрганилиши тарихи билан боғлиқ қатор масалаларни ёритишга батафсил тўхталиб ўтган. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг ушбу асардан мақсади ва унинг тартиб этилиш хронологияси, мазмунининг характери ҳамда ўрганилиш тарихи кабилар бу бўлимда тўлиқ ўз аксини топган. Мирзо Улуғбек астрономик асарининг ўрганилиш тарихини тадқиқ қилиб, муаллиф куйидаги муайян хулосага, яъни “адабиётларнинг оддий рўйхати ҳам бу асарнинг дунё илм-фананда улкан ўрни борлиги ҳақида гувоҳлик беради. Кейинги бир неча асрлар давомида уни тушуниш ва мушоҳада этиш учун шарҳлашди, тадқиқ этишди. XVII – XVIII аср бошларида Европада бу фан соҳаси бўйича даражалар ва аниқликлар «Зиж» билан солиштириб борилди”¹, – деган фикрга келади.

Мазкур мавзу бўйича А.А. Аҳмедовнинг илмий ишланмалари 1994 йил давомида бажарилган унинг бошқа ишларида ҳам ўз аксини топди. Биринчи иши – “Илми нужум” (“Астрология”) “Зиж жадиди Кўрагоний”нинг тўртинчи якуний китобининг ўзбек, рус ва инглиз тилларига таржимаси ҳисобланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу ишда муаллиф узок йиллар давомида амалий жиҳатдан эътибор берилмаган ўрта асрлар Шарқидаги аниқ фанлар ривожига илми нужумнинг моҳиятини кўрсатиб ўтади². Нашрга ёзилган сўз бошида тадқиқотчи Улуғбекнинг асосий илмий асари бўлган ушбу китобнинг дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган 12 та қўлёзмасида келтирилган маълумотларни таққослаш асосидагина қайта тиклаш имконияти бўлганлигини таъкидлайди. Таржима турли хусусиятга эга манбавий материаллар асосида тузилган тўлиқ изоҳлар билан таъминланган.

Иккинчи иш таржимаи ҳол кўринишидаги “Улуғбек Муҳаммад Тарағай” рисоласи³ бўлиб, муаллифнинг узок йиллар давомида олиб борган тадқиқотларининг бир қисми саналади. Бу тадқиқотда муаллиф ўрта асрлар олимининг ҳаёти ва фаолиятига даҳлдор ечимини кутаётган айрим муаммоларга янгича қарашлар билан ёндашади. А.А. Аҳмедов Улуғбекнинг давлат ишлари соҳасидаги фаолиятига имкон қадар ҳолис баҳо беришга ҳаракат қилди. Буюк ўтмишдоши Амир Темурнинг моҳирона давлат бошқаруви соҳасида, Мирзо Улуғбекнинг давлатчиликдаги фаолияти хира тортиши керак эди. А.А. Аҳмедов эса: “Тарих ўз ҳолича ҳукм чиқарди ва Улуғбек ҳуқумдор сифатида эмас, балки олим

¹ Аҳмедов А.А. Улуғбек и его «Зидж» / Улуғбек Муҳаммад Тарағай. Зиджи джадиди Гургони. Новые Гургановы астрономические таблицы... С. 28.

² Мирзо Улуғбек. Илми нужум. Астрология. Astrology / Перевод, комментарии и подготовка к печати Ашраф Ахмад. Ташкент: Изд-во народного наследия имени Абдуллы Кодирий. 1994. – 112 с. (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида).

³ Ашраф Ахмад. Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394 – 1449). Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 40 б.

сифатида шуҳрат қозонди”¹, деб ҳисоблаган.

Қатор олимларнинг фикрига кўра, муаллифи Мирзо Улуғбек деб эътиро этилган “Тарихи арбаъ улус” ёки “Тўрт улус тарихи” асарининг ўзбек тилига таржима қилиниши Ўзбекистон тарихи фани учун муҳим аҳамият касб этди². Мазкур манбанинг қиймати шундан иборат эдики, унда: Улуғ юрт, Олтин Ўрда, Хулағуйлар давлати ва Чигатой улуси каби мўғул давлатлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд эди. Таржима Британия (Буюк Британия) музейида сақланаётган кўлөзма асосида амалга оширилди, чунки унинг асл нусхаси ҳали-ҳануз топилган эмас. Британия нусхасидан ташқари, яна бир неча қисқартирилган 4та нусхаси мавжуд. Уларнинг иккитаси ҳам Англияда, учинчиси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳридаги кутубхонада, охиригиси эса АҚШнинг Гарвард университетиде сақланади³.

Мазкур тарихий асарнинг аҳамияти ҳақида 1979 йилда таникли шарқшунос олим Б.А. Аҳмедовнинг “Мирзо Улуғбек ва унинг “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи” асари ҳақида”) мақоласида муфассал айтиб ўтилган эди⁴. Маълумки, россиялик олим В.В. Бартольд ўз тадқиқотларидан бирида ушбу манбанинг илмий қиймати хусусида танқидий фикр билдириб, унинг муаллифи Улуғбек бўлганлигини шубҳа остига қўйган эди. Жумладан, шу муносабат билан у: “Тарихий асарни Улуғбекка боғлаш, эҳтимол, унга нисбатан адабий ёдгорлик сифатида ва тарихий танқидий материал сифатида қизиқиш уйғотар, аммо бу асар нусхасининг кашф этилиши бизнинг мўғуллар империяси тарихи ва унинг қулашидан сўнг пайдо бўлган давлатлар бўйича маълумотларимизни муайян даражада бойитишига шубҳа бор”⁵, – деб таъкидлаган эди. Мирзо Улуғбекка замондош бўлган муаллифларнинг асарларидан келтирилган маълумотлар таҳлили асосида Б.А. Аҳмедов Мирзо Улуғбекнинг ҳақиқатан ҳам шу асарнинг муаллифи бўлганлиги хусусида қатор далилларни келтирди. Қолаверса, муаллиф ўрта асрлар Шарқ тарихи бўйича муҳим манбалардан бири сифатида “Тарихи арбаъ улус” асарининг аҳамиятига батафсил таъриф бериб ўтди. Мазкур тадқиқот муносабати билан Улуғбек истеъдодининг нафақат астроном ва математик сифатидаги, балки иқтидорли тарихчи сифатидаги янги қирралари очилди. “Тўрт улус тарихи” ёки “Тарихи арбаъ улус”нинг тўлиқ нашри чоп этилиши арафасида, ушбу тарихий асарнинг тузилиши борасида тадқиқотчи томонидан янги далиллар аниқланди. Шу

¹ *Ашраф Аҳмад*. Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394 – 1449)... 21-бет.

² *Мирзо Улуғбек*. Тўрт улус тарихи // Кириш сўзи Б.А. Аҳмедов. «Мирзо Улуғбек ва унинг «Тарих-и арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари ҳақида». Таржимонлар: Б. Аҳмедов, Н. Норкулов, М. Хасанов. Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. – 352 б.

³ *Мирзо Улуғбек*. Тўрт улус тарихи // Кириш сўзи... 6-бет.

⁴ Қаранг: Из истории науки эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 29-36.

⁵ *Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. М., 1963. Т. I. С. 105; Улуғбек и его время / Соч. М., 1964. Т. II, Ч. 2. С. 142.

муносабат билан Б.А. Аҳмедов: “Тарихи арбаъ улус” бўйича бир неча йиллар аввал нашр эттирган мақоламизда¹ биз тўрт қисмга бўлинганлигига қараб асарни тўрт улус тарихини қамраб олган, деб ёзган эдик. Чуқур ўрганиш ва таржима жараёнида асар мазмунига нисбатан фикрларимиз ўзгарди. Биз уни тахминан кириш ва етти бобга бўлиш керак деган хулосага келдик”², – деб ёзган эди.

Бугунги кунга қадар, “Зижи жадиди Кўрагоний” илмий рисоласи ва “Тарихи арбаъ улус” асаридан ташқари, яна икки асарга Улуғбек муаллиф бўлганлиги тасдиқланган. Улардан бири авваллари Қозизода Румий (Улуғбекнинг устози ва сафдоши – Ф.Ш.) қаламига мансуб деб келинган “Бир даража синусини аниқлаш усулининг баёни ҳақида”ги рисола ҳисобланади. Мазкур асарнинг ўрта асрлар давридаги бошқа математикага оид рисола билан қиёсий таҳлилини амалга оширган А.А. Аҳмедов ва Б.А. Розенфельд каби тадқиқотчилар унинг муаллифи Улуғбек эканлигини аниқлаганлар³.

Ягона нусхада Алигарх (Ҳиндистон)да сақланадиган математика бўйича тадқиқот “Рисалаи Улуғбек” ҳам Мирзо Улуғбекка тегишли ҳисобланади⁴. Аммо, мазкур иш шу кунга қадар археографик ва тарихий жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Юбилей йили давомида Мирзо Улуғбекнинг асосий ишлари таржимасидан ташқари, унинг ҳаёти ва ижодидаги янги қирраларни очиб берувчи қатор тадқиқотлар ҳам амалга оширилди. Бу тадқиқотларнинг айримлари тўлалигича “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналининг Мирзо Улуғбекка бағишланган юбилей сонида ёритилган.

Улуғбек давридаги Мовароуннахрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда Р.Г. Муқминованинг “Ремесленное производство в Самарканде времени Улугбека” (“Улуғбек даврида Самарқанддаги ҳунармандчилик ишлаб чиқариши”)⁵ мақоласи муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ишда кўрилаётган даврдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожини тавсиф этилган. Мовароуннахр ҳунармандларининг юқори сифатли маҳсулотлари нафақат маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондирган, балки маҳсулот (қоғоз, газлама, рангли шиша ва бошқа)ларни Буюк ипак йўли йўналиши бўйлаб ташқарига – хориж мамлакатларга чиқаришга ҳам имкон берган.

¹ Аҳмедов Б.А. Улуғбек и его исторический труд «Тарих-и арба улус» // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С.29-36; Общественные науки в Узбекистане. 1994. № 7. С. 10-15.

² Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи / Аҳмедов Б. Мирзо Улуғбек ва унинг «Тарих-и арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари ҳақида. Тошкент: Чўлпон, 1994. 6-бет.

³ Аҳмедов А., Розенфельд Б.А. Кто был автором «Трактата об определении синуса одного градуса»? // ОНУ. 1975. № 10. С. 51-53.

⁴ Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.). Книга 2. М.: Наука, 1983. С.493-495.

⁵ Муқминова Р.Г. Ремесленное производство в Самарканде времен Улугбека // ОНУ. 1994. № 7. С. 17-21.

Г.П. Саркисянцнинг “Мирзо Улуғбек ва адлияга жўнатилиш” (“Мирзо Улуғбек и отправление правосудия”)¹ мақоласида Улуғбекнинг ислом ҳуқуқи (фикҳ) соҳасидаги билимлари очиб берилган. Унинг адолатга интилиши, ер солиғининг энг кам миқдорга туширилиши, оддий халққа ва оддий аскарларга илтифот кўрсатилиши, савдо-хунар-мандчилик солиғи (тамға)нинг қатъий меъёрлар асосида ўрнатилиши, тадқиқотчининг фикрича, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига ёрдам берган. Келтириб ўтилган далилларни муаллиф Мирзо Улуғбекнинг замондошлари асарларидаги маълумотлар билан асослайди.

Академик Э.В. Ртвеладзе² “Улуғбек тангалари” (“Монеты Улуғбека”) мақоласида Мирзо Улуғбек бошқаруви давридаги тангаларни тадқиқ қилиниши тарихини қисқача баён қилиб, пул хўжалиги ва танга зарби хусусида ўз мулоҳазаларини билдирган.

Юқорида таъкидланганидек, бир неча асрлардан бери Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” рисоласи қатор мамлакатларнинг тадқиқотчиларини ўзига жалб қилиб келмоқда. Унинг қўлёзма нусхалари АҚШ, Англия, Франция, Туркия ва бошқа давлатларнинг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. XVII аср ўрталаридан бошлаб то бугунги кунгача Улуғбек “Зижи”ни инглиз, француз, немис, рус, турк ва ўзбек тилларига таржима қилишга ҳаракат қилинди. Таниқли олима Г.П. Матвиевская ўзининг “Жаҳон адабиёти Улуғбек мактаби илмий мероси ҳақида” (“Мировая литература о научном наследии школы Улуғбека”)³, мақоласида “Зиж”нинг қисқача тарихшунослик баёни билан бир қаторда Самарқанд мактаби вакиллари ишларининг ўрганилиш тарихига ҳам тўхталиб ўтган. Тадқиқотчи қамраб олган материаллар қўлами Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби илмий меросига жаҳон жамоатчилиги қизиқишининг қай даражада юксак эканлигини яна бир қарра намойиш этади.

Т.Г. Абаеванинг мақоласи тарихшунослик бўйича ёзилган бўлиб⁴, у XX асрнинг 50-йиллардан то 1994 йилдаги юбилейга қадар Абу Райҳон Беруний номидаги ЎзР ФА Шарқшунослик институти доирасида амалга оширилган асосий тадқиқотларни шарҳлаб чиққан эди. Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ мазкур асарлар шарҳида унинг сафдошлари ва шогирдларининг фаолияти ҳам қамраб олинган. Тадқиқотларнинг турли босқичларида юқорида тилга олинган муассасада турли йўналишдаги (археолог, нумизмат, шарқшунос, тарихчи) олимларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилди.

¹ Саркисянц Г.П. Мирзо Улуғбек и отправление правосудия // ОНУ. 1994. № 7. С. 21-26.

² Ртвеладзе Э.В. Монеты Улуғбека // ОНУ. 1994. № 7. С. 15-17.

³ Матвиевская Г.П. Мировая литература о научном наследии школы Улуғбека // ОНУ. 1994. № 7. С. 67-72.

⁴ Абаева Т.Г. Изучения научного и культурного наследия Мирзо Улуғбека в Институте Востоковедения АН РУз // ОНУ. 1994. № 9-10. С. 31-38.

Шу институт олимлари жамоаси томонидан Б.А. Аҳмедов раҳбарлигида “Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида”¹ тўплами тайёрланиб, унга Мирзо Улуғбек фаолиятига муносабат билдирган замондошлари – Давлатшоҳ Самарқандий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо, Ҳофизи Абрў, Мирхонд, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларнинг асарларидан алоҳида парчалар киритилган. Шарқшунослик институтининг бу каби изланишлари шарофати билан Улуғбек даврига оид тадқиқотлар кўлами анча кенгайди ва Ўрта Осиё маданияти тарихида муносиб из қолдирган янги исмлар аниқлаб берилди.

Т. Файзиёвнинг иши Улуғбекнинг яқин авлодларига бағишланган². Ўз далилларини ўрта асрлардаги манбалар бўйича асослаган муаллифнинг фикрича, Абдуллатифнинг беш ўғли Улуғбек наслининг давомчилари ҳисобланишган. Абдуллатифнинг ўлиmidан сўнг, унинг болалари Ҳиротга, катта бувиси Гавҳаршодбегим қарамоғига жўнатилган. Бувилари ўлгач, улар Ҳирот ҳукмдори – Абулқосим Бобур хизматида бўлишган. 1457 йилда Ҳиротни султон Абу Саид эгаллайди ва у Шохрух тарафдорлари ҳамда авлодларининг барчасини зудлик билан йўқ қила бошлайди. Натижада, 1464 йилда Улуғбекнинг сўнгги набираси – Муҳаммад Жўқи Мирзо ҳам ўлдирилади.

Қатор тарихчи-шарқшуносларнинг мақолаларида Мирзо Улуғбек ҳаёти ва унинг мактабига дахлдор у ёки бу даражадаги воқеалар ўз аксини топган. Бу ишлар орасида, бирламчи манбалардаги қимматли ва қизиқарли маълумотларга асосланган³ О. Бўриёвнинг ўрта асрларга оид учта кўлёмани⁴ қиёсий таҳлил қилган иши алоҳида эътиборни тортади. Унда Улуғбекнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бебаҳо маълумотлар, жумладан, уни иккинчи исм билан аталишининг фараз ва сабаблари келтирилган.

Муаммонинг мустақиллик даври тарихшунослигида аввалгидек, расадхонанинг бош ускунаси масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда. 1994 йилда юбилей конференциясида⁵ қилинган О. Турсуновнинг маърузасидан бир йил ўтгач, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журна-

¹ Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида / Б. Аҳмедов, У. Уватов, Ҳ. Каримов ва бошқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 312 бет.

² Файзиёв Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 40-бет; Ўша муаллиф. Мирзо Улуғбек Курагоний авлоди // ЎИФ. 1994. № 7. 27-33-бетлар.

³ Юсупова Д. Улуғбек даврига оид баъзи тарихий манбалар // ЎИФ. 1994. № 7. 43-52-бетлар; Бўриёв О. Улуғбекнинг туғилиши ҳақида ёзма манбалар маълумоти // ЎИФ. 1994. № 7. 52-55-бетлар; Зиёев А. «Жаҳонгирнома» Улуғбек ва Амир Темур ҳақида // ЎИФ. 1994. № 7. 55-57-бетлар; Муниров Қ. Саккокий Улуғбек ҳақида // ЎИФ. 1994. № 7. 57-58-бетлар; Оstonова Г.Ю. Вақф хужжатида Улуғбек расадхонаси ҳақида маълумот // ЎИФ. 1994. № 7. 58-62-бетлар; Абдуҳалимов Б. Ҳожи Халифа Улуғбек ва унинг мактаби олимлари ҳақида // ЎИФ. 1994. № 7. 62-65-бетлар ва бошқ.

⁴ Бўриёв О. Улуғбекнинг туғилиши ҳақида ёзма манбалар маълумоти // ЎИФ. 1994. № 7. 52-55-бетлар; Ўша муаллиф. Исми толеъида Улуғ Бек эди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995, 17 ноябрь, № 46.

⁵ Турсунов О. О главном инструменте обсерватории Улуғбека // Доклады АН УзССР. 1979. № 3. С. 39-40; Ўша муаллиф. Квадрант или секстант? // Материалы... С. 175-177.

лида М.С. Булатовнинг мақоласи чоп этилди¹. Бу мақолада у: “бизнинг замондошларимиз ишларида секстант ва квадрант борасида баҳсларга сабаб бўлиб, XX аср бошларида В.Л. Вяткин бошлаб берган атамани нотўғри тушуниш оқибатида, квадрант фойдасига ҳал бўлган жаҳоншумул аҳамиятга молик астроном Маҳмуд ал-Хўжандий кашфиётининг илмий муомаладан йўқолиб кетиши тақдир ҳазили эмасмикан”², – деб ёзган эди.

Улуғбек расадхонасининг ташқи қиёфасини тиклаш борасидаги илмий баҳслар шу кунга қадар давом этмоқда. Бунга 2002 йилда Г.И. Коробовцев томонидан таклиф этилган тиклаш лойиҳаси ҳам гувоҳлик бериши мумкин.³

И.Д. Иваницкий Мирзо Улуғбек расадхонаси тақдири ҳақида янги қимматли маълумотларни келтириб ўтади⁴. Жумладан, муаллиф 1990 йилда Самарқанднинг шарқий қисмидаги Фақих Абдуллайс маҳалласи ҳудудида олиб борилган жамоатчилик биносини қуриш чоғидаги археологик кузатувлар жараёнида Улуғбек расадхонаси бош ускунаси, яъни секстант тошлавҳларига ўхшаш мрамор лавҳ топилганлигини маълум қилади. Муаллиф расадхона буюмларининг бу қадар кенг ёйилиб кетиши билан боғлиқ бир неча фаразларни ўртага ташлайди. Ушбу топилма муносабати билан, қачон “аҳоли томонидан расадхона ва Темурийлар давридаги сайлгоҳ чорбоғлар – боғлардаги ғиштларнинг, кошинларнинг ва мрамор лавҳларнинг фаол равишда ташиб кетилганлигини тахминий аниқлаш мумкин бўлади”. Бундан ташқари, ишда тошлавҳнинг археологик тадқиқи – ҳажми, ўлчамлари, ташқи кўриниши ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

И.Д. Иваницкийнинг фикрича, топилган тошлавҳни Самарқанд расадхонасига тегишли деб, қатъийлик билан таъкидлаш хато бўлур эди. Шундай бўлишига қарамай, муаллиф томонидан келтирилган илмий хулосалар Самарқанд расадхонаси тарихи тадқиқотлари соҳасида анча илгарилаш имконини беради.

Яна бир нозик масала бор, бу ҳам бўлса совет давридаги кучли мафкуравий босим остида сохта талқинлар ва динга бўлган салбий муносабатдир. Жумладан, К. Каттаев ўз рисоласида⁵ таъкидлаганидек, В.В. Бартольд биринчилардан бўлиб Улуғбекнинг ўлимида нақшбандийлик тариқати раҳнамоси Хўжа Аҳрор Валини айблаган эди. Биз буни рад қиламиз, совет даври тадқиқотларида шундай назария мавжуд бўлиб⁶,

¹ Булатов М.С. «Судзи Фахри» – главный инструмент обсерватории Улугбека // ОНУ. 1995. № 5-8. С. 93-96.

² Ўша мақола, 96-бет.

³ Коробовцев Г.И. В ней три яруса // Архитектура и строительство Узбекистана. 2002. № 2-3. С. 44-48.

⁴ Иваницкий И.Д. Фрагмент обсерватории Улугбека из квартала Абдуллайса // ОНУ. 1994. № 1-2. С. 54-56.

⁵ Каттаев К. Хожа Аҳрор Вали ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини. Самарқанд, 2004. – 64 б.

⁶ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. М.: Наука, 1950. С.288; Ташкент: Фан, 1967. Т. 6. С. 329.

бу даврнинг барча нашрларида йўналиши ва илмийлик хусусиятига қарамасдан қатъий белгиланган мафкуравий қолипга солинган. Шу муносабат билан М.М. Абрамов: “бирламчи манбаларнинг ишонарли бўлишига қарамай, XX асрнинг 30 – 70-йилларида динни қоралаш мақсадида, ҳаттоки, Улуғбекнинг ўлимида Хўжа Аҳрорнинг қўли борлиги ҳақидаги сохта илмий мақолалар пайдо бўлди”¹, – деб ёзган эди. Эҳтимол, В.В. Бартольднинг “Улуғбек и Ходжа Аҳрар” (“Улуғбек ва Хўжа Аҳрор”) мақоласида «Улуғбек и его время» («Улуғбек ва унинг даври») монографиясига қилинган хулосалари², К. Каттаев томонидан нотўғри тушунилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

ЎЗР ФА Тарих институтининг “Темур ва Улуғбек даври тарихи” коллектив монографиясини³ ҳақиқатдан ҳам Мирзо Улуғбек юбилейига муносиб совға, деб ҳисоблаш мумкин. Республиканинг бир гуруҳ машҳур олимлари – Б.В. Лунин, Б.А. Аҳмедов, Р.Г. Мукминова, Г.А. Пугаченкова, Н.Н. Ҳабибуллаев, Э.Э. Каримов, Г.А. Агзамова ва китобнинг масъул муҳаррири А. Асқаровлар томонидан ўрта асрлардаги қўл ёзма ҳужжатлар ҳамда археологик ёдгорликлар маълумотлари асосида тайёрланган монографияда Темур ва Улуғбек давридаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ўз аксини топди. Мазкур ишда Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятидаги янги саҳифаларни ёритиш билан бир қаторда, буюк олим илмий-тарихий мероси бўйича тадқиқотларнинг аввалги барча тажрибалари умумлаштирилди ҳамда шу йўналиш бўйича яқин кунларда ўз илмий ишланмаларини кутиб ётган асосий вазифалар долзарб қилиб қўйилди.

Ўрта асрлар мутафаккири ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ушбу асарнинг муҳим таркибий қисмини катта ҳажмдаги манбалар ва илмий адабиётлар рўйхати ташкил қилди.

Шундай қилиб, мустақиллик даврида Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига оид адабиётлар шарҳига хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– Ўзбекистон давлат суверенитетини қўлга киритилиши билан Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадқиқотлар сезиларли тарзда қўпайди. Мазкур давр давомида ушбу масала юзасидан қатор ишлар тайёрланиб, уларда Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросининг ечимини кутаётган масалалари сифат жиҳатидан янги назарий-методологик ёндашувлар асосида қайта мушоҳада этилди;

– тарихий ўтмишдаги алоҳида шахсларнинг ролига янги баҳо берилди. Бу йўналишда асосий эътибор буюк олим ва ўзига хос ҳукмдор – Мирзо Улуғбек шахсига қаратилди;

– мазкур хронологик давр илмий муомалага кенг далил-ашёвий материалларнинг киритилиши билан ҳам характерланади. Жумладан,

¹ Абрамов М.М. Улуғбек и благоустройство городов Узбекистана (Самарканд, Бухара, Гиждуван, Шахрисябз). Самарканд, 1994. С. 7-8.

² Бартольд В.В. Улуғбек и Ходжа Аҳрар // Записки Восточного Отделения Русского археологического общества, Т. XXIII. Вып. III-IV. СПб., 1916. С. VII-IX.

³ Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 564-бет.

илк бор Мирзо Улуғбекнинг илмий рисоласи – “Зижи жадиди Кўрагоний”нинг муфассал илмий шарҳлари билан тўлиқ таржимаси амалга оширилди;

– Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик бўлган қатор масалалар ўз ечимини топди. Жумладан, унинг тарихий хусусиятга эга “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарининг муаллифи эканлиги ишонарли тарзда ўз тасдиғини топди. Бундан ташқари, машҳур нақшбандийлик шайхи Хўжа Аҳрор Валининг Мирзо Улуғбек ўлимига даҳлдорлиги бўйича фарзнинг ноўрин эканлиги ҳақида далиллар келтириб ўтилди.

Умуман олганда, Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини ўрганиш мазкур мавзу бўйича ўзининг барча қирраларини намоён этиб, бу йўналишдаги изланишларни давом эттириш заруратини кўрсатди.

Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш бугунги кунгача сўнгани йўқ, шу боис, унинг шахси ва у яратган академия буткул ўрганиб бўлинди, деб таъкидлаш хато бўлур эди. Ўзбекистон ва дунёнинг турли мамлакатларидаги олимлар Улуғбек ва унинг мактаби илмий фаолияти бўйича янги маълумотларни аниқлаш учун бу муаммога ҳали кўп бора қайтадилар¹. Бу йўналишдаги изланишлар муваффақият билан олиб борилади, деб умид қиламиз.

Айтиш жоизки, бу буюк олим ва ҳукмдор Муҳаммад Тарағай Улуғбек ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мустақиллик даврида нашр қилинган ишларнинг бир қисми, холос. Буюк мутафаккир ва унинг мероси ҳақидаги асарларнинг тўлиқ тарихшунослик тадқиқотини амалга оширишда ҳали ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп.

¹ Бессмертное наследие ученого. Беседа с М. Мамадазимовым // Правда Востока. 2004, 25 марта; Бекжон И. Улуғбек расадхонасини ким буздирган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2006, 31 март, № 13 (3842).

ХУЛОСА

Кўп асрлик тарихимиз ўзида юксалиш ва таназулнинг қизиқарли ҳамда аҳамиятли босқичларини мужассам этган. Тарихий ўтмиш воқелиklarининг ҳаққоний манзарасини тиклаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунга фақат археологик, ёзма, моддий ёдгорликларни, нумизматик топилмаларни ишонарли ва чуқур ўрганиш орқали ҳамда турли тарихий фан соҳаларидаги тадқиқотчиларнинг илмий салоҳиятини бирлаштириш билангина эришиш мумкин. Шу муносабат билан машҳур тарихий шахсларнинг фаолиятини, уларнинг илмий ва маънавий меросини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу йўналишда жаҳон илмий тафаккури ривожига муносиб ҳисса қўшган машҳур олим, меросини эҳтиёткорлик билан сақлаган ўзига хос ҳукмдор, давлат бошқарувининг айрим йўналишларида ўзининг буюк аждоди Амир Темир анъаналарини давом эттирган Мирзо Улуғбек шахсига алоҳида эътибор қаратилди.

Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросини тадқиқ қилиш бир неча юз йиллардан бери давом этмоқда. Шундай бўлишига қарамай, мазкур муаммо дунё олимлари нигоҳини ўзига қаратишда давом этмоқда. XX аср бошидан то ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда ҳам Мирзо Улуғбекни ўрганиш бўйича ката ҳажмдаги илмий ишлар яратилди. Бу даврдаги тадқиқотлар, бир томондан, Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги жиддий ютуқлар билан, бошқа томондан зўр маҳорат соҳиби бўлган олим билан боғлиқ айрим воқелиklarни баъзи ўринларда мустамлака ва совет даври тарихшунослигида нотўғри талқин қилиш ва у ёки бу тарихий жараённи шубҳали баҳолаш билан кечди.

Бу эса ўрганилаётган давр давомида нашр этилган Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги мавжуд барча илмий тадқиқот адабиётларини изчил таҳлил қилиш ва тизимга солишнинг зарурияти ҳамда муҳимлигини белгилаб берди. Мазкур муаммони тадқиқ этишда ҳозирги замон тарих фани учун муҳим жиҳат унинг асосий йўналишлари ва ёндашувларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгариши эди.

Мазкур муаммо бўйича тўпланган илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни таққослаш куйидагича хулосалар қилиш имконини берди:

1. XIX аср охири – XX бошларида далилий ашёларнинг чекланганлиги ҳамда объектив характердаги қатор сабабларга қарамай, россиялик тадқиқотчилар томонидан Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби илмий-тарихий меросини ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. В.Л. Вяткин томонидан Самарқандда Мирзо Улуғбек расадхонаси-

нинг очилишини Ўзбекистон тарихини ўрганишга бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган XX асрнинг йирик археологик кашфиёти, деб ҳисоблаш ҳамда умумжаҳан цивилизацияси тарихидаги тадқиқотлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Бу ажойиб кашфиёт шарофати билан жамоатчиликка ўрта асрлардаги Ўзбекистон ҳудудида юксак даражада ривожланган илмий тафаккур ҳақида гувоҳлик берувчи инсоният даҳосининг буюк намунаси тақдим этилди. Улуғбек расадхонасининг очилиши келгусида Ўзбекистонда тарих фанининг ривожини учун ҳам катта аҳамият касб этиб, тадқиқотчилар Темурийлар даври илмий-тарихий меросини ўрганиш бўйича истиқболда амалга ошириладиган ишларга замин бўладиган янги йўналишларни белгилаб олдилар.

2. Ушбу муаммо бўйича совет даври тарихшунослигига муносабат билдириб таъкидлаш жоизки, Мирзо Улуғбекнинг давлат ишларидаги фаолиятига баҳо беришда айрим мафкуравий чекловлар мавжуд эди. Шундай бўлишига қарамай, бу хронологик босқич тадқиқотчилари унинг давлат ишларидаги фаолияти билан боғлиқ турли қирралар бўйича илмий таассуротларни анча кенгайтirdилар. Манбавий материаллар илмий муомалага киритилди ҳамда кўрилаётган даврдаги меъморий мерос ёдгорликларини қутқариш ва сақлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Мафкуравий босим, ўрганилаётган муаммо доирасида ўтказилган тадқиқотларга ва илмий ишларнинг характери га ҳамда олимлар томонидан қўлланилган методологик ёндашувларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Айни вақтда, таъкидлаш жоизки, Мирзо Улуғбек шахси билан боғлиқ бошқа масалалардан, хусусан, давлат ишларидаги фаолиятидан фарқли ўлароқ, унинг илмий мероси бўйича қилинган тадқиқотлар объектив хусусиятга эга бўлди.

Мазкур хронологик давр мобайнида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятидаги у ёки бу жиҳатлар бўйича мавжуд бўлган қатор баҳс талаб тахминлар ўз ечимини топди. Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги фани антик билимлар ва янги давр Европа илмий тафаккури ўртасида боғловчи восита эканлиги тўғрисидаги концепциянинг асоссиз эканлиги бўйича келтирилган исбот-далилларни ҳам совет тарих фани хизматларига киритиш мумкин.

Умуман олганда, совет давридаги илмий тадқиқот адабиётлари учун қуйидагилар хос:

– кўрилаётган даврдаги тарихий адабиётларда Мирзо Улуғбекнинг илмий-маданий меросини ўрганишга асосий урғу берилган ҳолда, кўплаб ишларда унинг сиёсий фаолиятига юзаки эътибор берилди;

– совет даври тадқиқотларида Мирзо Улуғбек давридаги меъморий мерос юқори баҳоланди. Қатор тадқиқотчилар томонидан Мирзо Улуғбекнинг Амир Темур даврида яратилган меъморчилик мактабини асраш ва ривожлантиришдаги муҳим хизмати алоҳида таъкидланди;

– тарихдан ўрин олган Улуғбек ва бир қисм муҳолиф руҳонийлар, хусусан, хожагон-нақшбандия сўфийлик тариқатининг раҳнамоларидан бири, “жоҳил” Хўжа Аҳрор ўртасидаги қарама-қаршилик маърифатли

ҳукмдор ва диний арбоб ўртасидаги кураш сифатида ёритилди, бу эса диннинг реакцион эканлигини тасдиқлаш учун совет давлати мафкуравий тизимига айнан мос тушар эди.

Мазкур давр сўнгида юз берган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида собиқ совет давлати худуди муҳитида, хусусан, Ўзбекистонда миллий тарихни ўрганишда янгича ёндашишга бўлган интилиш кўзга ташланди. Шу муносабат билан, машҳур шахсларнинг тарихий ўрнига катта эътибор ажратила бошланди. Тарих фанидаги бу йўналиш Мирзо Улуғбек фаолиятининг барча қирралари бўйича тадқиқотларни фаоллаштириш учун реал имкониятлар яратди.

3. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, илмий билишнинг характери ва методологиясида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик эълон қилиниб, коммунистик мафкура халокатга учрагач, муаммони тарихийлик, ҳаққонийлик нуқтаи-назаридан ёритиш учун имкониятлар пайдо бўлди, бу эса миллий истиқлол ғоялари тамойилларига, давлат ва маданият раҳнамоларининг тарихий ўрнини белгиловчи тадқиқотларнинг муҳимлигига мос келади.

Табиий равишда кечган бу жараёнлар натижасида ўрта асрлар даври, жумладан, тарихнинг Темурийлар ва айнан Мирзо Улуғбек даври қайта ўрганилди. 1994 йилнинг Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиниши ва унинг 600 ва 615 йиллик таваллудлари тантаналарининг ўтказилиши бу шахснинг беназир сиймо эканлигини тасдиқлади. Халқаро илмий конференциялар ўтказилган тадбирларнинг муҳим қисми ҳисобланади ва жаҳон илмий жамоатчилигининг диққати энг аввало Мирзо Улуғбекнинг илмий-тарихий меросига қаратилди. Бу эса кейинчалик шу йўналишда изланишлар ўтказиш учун рағбат вазифасини бажарди.

Умуман олганда, мустақиллик давридаги илмий тадқиқот адабиётлари учун қуйидаги жиҳатлар хосдир:

– Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан Мирзо Улуғбекнинг фаолияти ва ҳаёти бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг характери ва методологиясида кескин ўзгаришлар юз берди. Мазкур давр давомида ушбу масала юзасидан қатор ишлар тайёрланиб, улардаги сифат жиҳатидан янги назарий-методологик ёндашувларда Мирзо Улуғбек илмий-тарихий меросининг ўз ечимини кутаётган масалалари қайтадан кўриб чиқилди.

– кўрилаётган давр кенг қўламдаги фактологик материалларнинг илмий муомалага киритилиши билан характерланади. Бу борада, Мирзо Улуғбекнинг асосий илмий рисоласи – “Зижи жадиди Кўрагоний” илмий шарҳлар билан рус тилига тўлиқ таржима қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз;

– Мирзо Улуғбек ижодига дахлдор қатор аҳамиятга молик масалалар ўз ечимини топди. Жумладан, унинг “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарининг муаллифи бўлганлиги ишончли равишда асослаб берилиб, асарнинг ўзбек тилига таржимаси ва нашри амалга оширилди;

– бундан ташқари, машҳур нақшбандийлар шайхи Хўжа Ахрор Валининг Мирзо Улуғбек ўлимига дахлдорлиги бўйича фаразларнинг

асоссиз эканлигини исботловчи далиллар келтириб ўтилди.

Юбилейга бағишлаб Ўзбекистонда ўзининг сифати ва салмоғи жиҳатидан турли асарларнинг нашр этилиши, Мирзо Улуғбекнинг асосий илмий ишлари таржима ва нашр этилиши яна бир карра унинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси улкан эканлигини ҳамда буюк олим ва ҳукмдорга бўлган қизиқиш чексизлигини кўрсатди. Таъкидлаш жоизки, айнан мустақиллик йилларида ўзбекистонлик тадқиқотчилар мазкур муаммо бўйича ишлаётган дунёнинг етакчи мутахассислари билан яқин алоқалар ўрнатдилар. Бу эса, Ўзбекистон фани ютуқларини халқаро даражада эътироф этилишини таъминлади. Шу билан бирга, ўтказилган тадқиқотлар мазкур муаммо бўйича келажакда илмий жиҳатдан чуқурак ўрганилишни талаб этадиган изланишларнинг янги уфқларини белгилаб берди.

Буларнинг барчаси, Мирзо Улуғбекнинг давлат ва илмий ишлардаги фаолиятини янада чуқурак ва изчил ўрганиш ҳақида мулоҳаза бериб, ҳали қилинадиган ишлар олдинда эканлигини ва бу йўлда изланаётган тадқиқотчиларни ажойиб кашфиётлар кутиб турганлигини англатади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ И ЛИТЕРАТУРЫ ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

I. Политическая литература I. Сиёсий адабиётлар

1.1. Каримов И.А. Вечно жив дух Улугбека. Речь Президента Ислама Каримова на праздничных торжествах, посвященных 600-летию юбилею Мирзо Улугбека. 15 октября 1994 г. // Каримов И.А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Ташкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 2. С. 319-322.

1.2. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Ташкент: Ўзбекистон, 1997. – 315 с.

1.3. Каримов И.А. Улуғбек руҳи барҳаёт // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2-том. 319-322 бетлар.

1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

II. Источники II. Манбалар

3.1. Бабур Захириддин Мухаммад. Бабур-наме. (Записки Бабура) / Пер. М.А. Салье. Издание второе, доработанное. Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1996. – 465 с.

3.2. Ал-Каши Джемшид Гиясэддин. Письмо об Улугбеке и о Самаркандской научной школе / Пер. с перс. Г. Собирова и Н. Бабаева; Коммент. Г. Собирова // Собиров Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. Душанбе: Ирфон, 1973. С. 181-208.

3.3. Мирзо Улугбек. Илми нужум. Астрология. Astrology / Перевод, комментарии и подготовка к печати Ашраф Ахмад. Ташкент: Издательство народного наследия имени Абдуллы Кадыри, 1994. – 112 с. (На узб., англ, рус. языках).

3.4. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи / Кириш сўзи, изоҳлар ва таҳрир Б. Ахмедов. Таржима: Б. Ахмедов, Н. Норкулов ва М. Ҳасаний. Тошкент: Чўлпон, 1994. – 352 б.

3.5. Улуғбек Мухаммад Тарагай. Зиж джадиди Гурагони. «Зидж» Новые Гурагановы астрономические таблицы / Вступительная статья, перевод, комментарии и указатели А.А. Ахмедова. Ташкент: Фан, 1994. – 457 с.

III. Архивные документы **III. Архив ҳужжатлари ва материаллари**

Центральный государственный архив Республики Узбекистан **Ўзбекисто Республикаси Марказий давлат архиви**

2.1. И-18 – Самаркандское областное правление (Самарқанд вилоят бошқармаси фонди).

2.2. 1591 – Личный фонд В.Л. Вяткина (В.Л. Вяткиннинг шахсий фонди).

2.3. 2799 – Личный фонд В.П. Щеглова (В.П. Шчегловнинг шахсий фонди).

2.4. 394 – Фонд Средазкомстариса (Кўхна, санъат, ва табиат ёдгорликларини сақлаш Ўрта Осиё кўмитаси фонди).

IV. Научная литература **IV. Илмий адабиётлар**

4.1. 600-летию ученого посвящается // Народное слово. 1993, 12 августа.

4.2. Абаева Т.Г. Изучение научного и культурного наследия Мирзо Улугбека в Институте востоковедения АН РУз // Общественные науки в Узбекистане. (Далее – ОНУ). 1994. № 9/10. С. 31-38.

4.3. Абдурахимов М. Янтарные четки или сокровища Улугбека // Правда Востока. 2003, 3 декабря.

4.4. Абдуҳалимов Б. Ҳожи Халифа Улугбек ва унинг мактаби олимлари ҳақида // ОНУ. 1994. № 7. С. 62-65.

4.5. Алескеров Ю.И. Обсерватория Улугбека. Ташкент: Узбекистан, 1979. – 32 с.

4.6. Алимова Д.А., Каримов Э.Э. Научная деятельность Мирзо Улугбека в контексте общественной ситуации в Мавераннахре в период его правления // Мирзо Улугбек таваллудининг 615 йиллигига ва 2009 – Халқаро астрономия йилига бағишланган Халқаро илмий конференция маърузалари. Самарқанд, 2009 йил 9-11 июнь. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2009. С. 217-224.

4.7. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида / Б. Аҳмедов таҳрири остида. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 312 б.

4.8. Асанова Г.Ю. Живопись мечети медресе Улугбека // ОНУ. 1994. № 5. С. 45-47.

4.9. Ахмедов А., Розенфельд Б.А. Кто был автором «Трактата об определении синуса одного градуса»? // ОНУ. 1975. № 10. С. 51-53.

4.10. Ахмедов А.А. О комментариях 'Абд ал-Али Хусайна Бирджанди к «Зиджу» Улугбека // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 69-109.

4.11. Ахмедов А. Некоторые малоизученные аспекты «Зиджа» Улугбека // ОНУ. 1990. № 2. С. 59-62.

4.12. Ахмедов А.А., Булгаков П.Г. Среднеазиатско-индийские связи в области точных наук // Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. Ташкент: Фан, 1986. С. 24-33.

4.13. Ахмедов А.А. Фрагменты из «Зиджа» Улугбека // Материалы по истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан, 1991. С. 217-250.

4.14. Ахмад Ашраф. Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394 – 1449). Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 40 б.

4.15. Ахмедов А.А. Улугбек и его «Зидж» / Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гурагони. Новые Гурагановы астрономические таблицы / Вступительная статья, перевод, комментарии и указатели А.А. Ахмедова. Ташкент: Фан, 1994. С. 5-29.

4.16. Ахмедов А.А. Некоторые вопросы теории движения планет в «Зидже» Улугбека // Материалы Международной научной конференции, посвященной 600-летию юбилею Мирзо Улугбека (Ташкент – Самарканд, 12 – 16 октября 1994 г.). Ташкент: Фан, 1994. С. 173-174.

4.17. Ахмедов А.А. «Зидж» Улугбека и его роль в истории астрономии // Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига ва 2009 – Халқаро астрономия йилига бағишланган Халқаро илмий конференция маърузалари. Самарканд, 2009 йил 9-11 июнь. Тошкент-Самарканд: Фан, 2009. С. 237-258.

4.18. Ахмедов Б.А. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра первой половины XV в. // Из истории эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1965. С. 5-66.

4.19. Ахмедов Б.А. Улугбек и его исторический труд «Тарих-и арба' улус» // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 29-36.

4.20. Ахмедов Б. Улугбек / Перевод с узбекского М. Салиева. Историческая повесть. Ташкент: Камалак, 1994. – 208 с.

4.21. Ахмедов Б.А. Улугбек и его исторический труд «Тарих-и арба» улус» // ОНУ. 1994. № 7. С. 10-15.

4.22. Ахмедов Б.А. Эпоха Улугбека // Материалы Международной научной конференции, посвященной 600-летию юбилею Мирзо Улугбека (Ташкент – Самарканд, 12 – 16 октября 1994 г.). Ташкент: Фан, 1994. С. 121-122; Б. 196-197.

4.23. Аюпов Ш.А., Матвиевская Г.П. Школа Улугбека и её место в истории математики // Материалы Международной научной конференции, посвященной 600-летию юбилею Мирзо Улугбека (Ташкент – Самарканд, 12 – 16 октября 1994 г.). Ташкент: Фан, 1994. С. 171-172; Б. 246-247.

4.24. Бабаев Э. Астрономические академии Насириддина Туси и Улугбека: виртуальный мост из Мараги в Самарканд // Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига ва 2009 – Халқаро астрономия йилига бағишланган Халқаро илмий конференция маърузалари.

Самарқанд, 2009 йил 9-11 июнь. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2009. 259-бет.

4.25. Бартольд В.В. Улуг-бек и Ходжа Ахрар // Туркестанские ведомости. 1915, 1 сентября, № 193.

4.26. Бартольд В.В. Улуг-бек и Ходжа Ахрар // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Петроград, 1916. Т. XXIII. Вып. III/IV. С. VII-IX.

4.27. Бартольд В.В. Улугбек и его время / Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. С. 23-196.

4.28. Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь / Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II, Ч. 2. С. 199-260.

4.29. Бартольд В.В. О погребении Тимура / Сочинения. М.: Наука, 1964. Т. II, Ч. 2. С. 423-424.

4.30. Бартольд В.В. Монеты Улугбека / Сочинения. М.: Наука, 1966. Т. IV. С. 362-364.

4.31. Бекжон И. Улуғбек расадхонасини ким буздирган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2006, 31 март, № 13.

4.32. Бехбудий М. Мирзо Улуғбек // Самарқанд. 1913, 7 май. № 7.

4.33. Бехбудий М. Улуғбек расадхонаси // Ойна. (Зеркало). Самарқанд, 1913. № 2. 005-009-б.; № 3. 061-064-б.; № 4. 085-087-б.; № 5. 109-112-б.; № 6. 133-136-б.; № 7. 157-159-б.; № 8. 181-182-б.; № 9. 205-206-б.

4.34. Бопертюи-Брессан Ф. Собрание звезд вокруг Улугбека // Материалы Международной научной конференции, посвященной 600-летию юбилею Мирзо Улугбека (Ташкент – Самарқанд, 12 – 16 октября 1994 г.). Ташкент: Фан, 1994. (На англ., рус. и узб. яз.). С. 137-141.

4.35. Бопертюи-Бресан Ф. Улугбек – принц-астроном // Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига ва 2009 – Халқаро астрономия йилига бағишланган Халқаро илмий конференция маърузалари. Самарқанд, 2009 йил 9-11 июнь. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2009. С. 266-267.

4.36. Буде Ж.-П. Астрономия и астрология на Востоке и на Западе в эпоху Тимуридов // Материалы Международной научной конференции, посвященной 600-летию юбилею Мирзо Улугбека (Ташкент-Самарқанд, 12-16 октября 1994 г.). Ташкент: Фан, 1994. (На англ., рус. и узб. яз.). С. 155-160.

4.37. Булатова В.А. К истории сложения ансамбля Шах-и Зинда в XV в. // Из истории эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1965. С. 256-273.

4.38. Булатов М.С. Мирза Улугбек: Свет сквозь столетия // Звезда Востока. 1982. № 1. С. 169-188.

4.39. Булатов М.С. Обсерватория Улугбека // Архитектура СССР. 1985. № 1. С. 91-93.

4.40. Булатов М.С. Обсерватория Улугбека в Самарканде // Историко-астрономические исследования. М., 1986. Вып. XVIII. С. 199-216.

4.41. Булатов М.С. «Судзи Фахри» – главный инструмент обсерватории Улугбека // ОНУ. 1995. № 5-8. С. 93-96.

4.42. Булатов М.С. Обсерватория Улугбека в Самарканде – уникальный памятник науки и архитектуры XV в. – Личный архив академика Э.В. Ртвеладзе.

4.43. Булатов М.С. Обсерватория Улугбека в Самарканде – уникальный памятник архитектуры и науки XV в. – Личный архив академика Э.В. Ртвеладзе.

4.44. Булгаков П.Г. К биографии Улугбека // ОНУ. 1969. № 8-9. С. 99-100.

4.45. Булгаков П.Г. Школа Улугбека и Беруни // Из истории точных наук на Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент: Фан, 1972. С. 57-60.

4.46. Булгаков П.Г. Комментарий Кази-заде Руми на «Компендий астрономии» Чагмини // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 163-175.

4.47. Буриев А. О границах семи климатов в «Зидже Гурагани» Улугбека и на карте мира Хафиза Аbru // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 192-198.

4.48. Бўриев О. Улуғбекнинг туғилиши ҳақида ёзма манбалар маълумоти // ОНУ. 1994. № 7. С. 52-55.

4.49. Бўриев О., Хайруллаев М.М., Абдурахимов Б., Раззокова М., Исломов З., Бўриев О. Исми толеъида Улуғ Бек эди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995, 17 ноябр, № 46.

4.50. Бўриев О. Улуғбек ҳукмдорлиги даврида Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ҳолати // Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига ва 2009 – Халқаро астрономия йилига бағишланган Халқаро илмий конференция маърузалари. Самарқанд, 2009 йил 9-11 июнь. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2009. 24-31-бетлар.

4.51. Ирисов А. Буюк аллома мероси изидан // ОНУ. 1994. № 9-10. С. 60-66.

4.52. Вильданова А.Б. Рукописи «Астрономических таблиц Улугбека» и комментариев к ним в фонде ИВ АН РУз // ОНУ. 1994. № 7. С. 66-67.

